

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**САНОБАР ЖҮРАЕВА**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ  
ЗИЁРАТГОҲЛАРИ  
ТАРИХИ**

*Монография*

ТОШКЕНТ  
«О‘ЗКИТОВ САВДО НАШРИЙОТ  
МАТВАА ИЈОДИY УYІ»  
2021

УДК 725.94(09)  
КБК 63.3(5Ў)  
Ж 96

**Жўраева С.**

**Сурхондарё вилояти зиёратгоҳлари тарихи** [Матн]: Монография / С. Жўраева. -Тошкент: “O‘zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyi”, 2021. - 224 б.

**Масъул мухаррир:**

**Х. Юнусова, тарих фанлари доктори, профессор**

**Тақризчилар:**

**Ш. Шайдуллаев, тарих фанлари доктори, профессор**

**Ў. Мавланов, тарих фанлари доктори, профессор**

**Б. Аминов, тарих фанлари номзоди, доцент**

**А. Холиқулов, тарих фанлари номзоди, доцент**

Ушбу монографияда Сурхондарё вилоятида жойлашган зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжо ҳисобланган объектларнинг тарихи ва бугунги ҳолати археология, архитектура, этнография, социология, диншунослик фанлари кесимида тадқиқ этилган. Унда зиёратгоҳ номи билан боғлиқ воҳа олиму-фузалоларининг ҳаёти ва фаолияти, илмий-маънавий мероси, уларнинг ислом маданиятида тутган ўрни, алломалар бой меросининг ёшлар маънавий тарбиясидаги аҳамиятини кўрсатиб берувчи масалалар ёритилган.

Китоб Сурхондарё вилояти зиёратгоҳлари тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ушбу монография Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Илмий-техник кенгашининг 9-сонли баённомаси (2021 йил 24 сентябрь) қарори асосида А-ОТ-2021-132 сонли гранд лойиҳаси доирасида “Сурхондарё вилояти зиёратгоҳлари тарихи” монографияси сифатида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7614-1-4

## СҮЗ БОШИ

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ муқаддас зиёратгоҳларга маданий ва маънавий меросимиз ёдгорликлари сифатида алоҳида эътибор берилмоқда. Ислом дини ва маданиятининг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрнини хисобга олиб Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш, динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, юртимизнинг, ўзига хос тарихи, маданияти ва бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш<sup>1</sup> вазифасининг кун тартибига қўйилиши тарих соҳасида янги илмий изланишларни талаб қиласди.

Ислом илоҳиёти ва тасаввуф фалсафаси, ҳадис илми бўйича буюк аждодларимиздан қолган меросни изчил ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш накадар муҳим бўлса, бундай табаррук зотларнинг ҳаёти ва вафоти билан боғлиқ қадамжолар тарихини ўрганиш ҳам шунчалик муҳимдир. Ислом маданияти ва тарихини акс эттирувчи тарихий обидалар Сурхондарё вилоятида ҳам асрлар мобайнида авайлаб-асраб келинди. Термиз туманидаги Ҳаким Термизий, Коқилдор ота, Қирқ қиз, Султон Содот, Шерободдаги Атоулло Сайд Ваққос, Узун туманидаги Абу Ҳурайра, яъни Оқ Остона бобо ва бошқа зиёратгоҳлар шулар жумласидандир. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан Сурхон воҳасидаги зиёратгоҳлар қайтадан таъмирланди ва у ерга келувчилар сони тобора ошиб бормоқда. Бу мақбаралар маҳаллий аҳоли доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас қадамжолар, руҳий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари бўлиб хисобланади.

Шу муносабат билан муқаддас зиёратгоҳлар тарихини билиш, мазкур қадамжоларнинг тарбиявий-маънавий салоҳиятини ошириш давр талаби бўлиб қолди. Сурхондарёдаги қадамжолар тарихини ҳамда бу зиёратгоҳларнинг маънавий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини илмий тадқиқ этишининг долзарблиги қуйидагилар билан белгила-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 сентябрь Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутки // <https://president.uz/uz/lists/view/1063> <https://president.uz/uz/lists/view/1018>

нади:

**биринчидан**, тарихий обидалар, осори атикалар, мақбара ва қадамжолар билан алоқадор манбаларни таҳлилий ўрганиш мана шу зиёратгоҳлар билан боғлиқ тарихий воқеликни чукур англашга, ўтмиш тўғрисидаги илмий қарашларни янада кенгайтиришга асос бўлади. Асрлар давомида авайлаб-асраб келинаётган бундай зиёратгоҳларнинг миллий маънавиятимиз тарихида тутган ўрнини илмий тадқиқ этиш тарих фани соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир;

**иккинчидан**, муқаддас қадамжоларнинг келиб чиқиши, зиёрат обьектига айланиши (муқаддаслашуви), кейинги ривожида ўша давр тарихий жараёнлари, аҳолининг менталитети, халқнинг рухияти ва кайфияти акс этишини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этишнинг аҳамияти каттадир. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон жаҳон маданиятининг кўхна марказларидан бири бўлиб, халқимиз бой моддий маданиятга, меъморчилик ва хунармандчилик анъаналарига эгадир. Минтақага ислом дини кириб келгач, маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйгуналашиб, янада юксак даражада маънавий жиҳатдан тараққий этиб борди ҳамда бу жараёнлар муқаддас зиёратгоҳлар тарихида ўз аксини топди. Бинобарин, ушбу жараёнларни тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади;

**учинчидан**, номлари муқаддас қадамжолар билан боғлиқ алломалар, уламолар, авлиёларнинг ибратли ҳаёти, илмий мероси ҳақидағи тарихий маълумотларни бойитиш ва уларнинг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамиятини очиб бериш ҳам тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Буюк аждодларимизнинг жаҳон тан олган ва ҳозирги пайтда катта қизиқиши билан ўрганаётган мероси ўзбек халқининг қонуний мулки эканини тарихий исботлаш ҳам катта аҳамиятга эга;

**тўртинчидан**, муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар, ирим-сиirimлар ҳамда уларнинг инсон рухиятига таъсири тарих давомида турли кўринишларда намоён бўлишини кўрсатиб бериш ҳам муҳимдир. Маънавият маскани бўлиши лозим бўлган қадамжоларни хурофот ва бидъат маконига айлантиришга бўлган тубан интилишлар, маърифий исломга зид қарашларни таҳлил этиш ҳам ушбу тадқиқот доирасига киради;

**бешинчидан**, муқаддас зиёратгоҳларнинг маънавий ҳаётдаги

ролини инкор этувчи бирёқлама мутаассиблик нұқтаи назаридан қарашларга қарши холисона тарихийлик асосидаги фикрларни бейриб, уларнинг миллый ўзлиknи англаш, миллый ғояни шаклантириш ва ривожлантиришдаги ролини кўrsатиб бериш жуда долзарб бўлиб қолди. Шу нұқтаи назардан ҳам бундай тадқиқотлар зарурдир.

Шу жиҳатдан Сурхон воҳасидаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳам халқимизнинг тарихи ва урф-одатлари, диний бағрикенглиги, миллый хис-туйғулари, орзу-умидлари, илмий тафаккури, маънавий салоҳиятини ўзида мужассам этади. Айни пайтда, халқимиз тарихида юз берган воқеа-ходисаларни, ижтимоий-иктисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда ҳам бу ёдгорликлар катта аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотда муаммонинг мазмунини очиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги архив хужжатлари ва вилоятдаги бошқврмалари хусоботи, Ўзбекистон Миллый архиви, Сурхондарё вилояти туризм ва спорт бош бошқармаси, Вақф жамоат фонди маълумотларидан, шунингдек, дала тадқиқотлари доирасида зиёратгоҳларнинг ҳолати юзасидан олиб борилган сұхбат натижаларидан фойдаланилган.

Юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш мухим вазифалардан бири бўлиб турган айни вактда ушбу зиёратгоҳларнинг тарихи, улар билан боғлиқ шахсларнинг ҳаёти, фаолияти, уларнинг маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётида тутган ўрнини ўрганиш янада мухим аҳамият касб этади.

# **І БОБ. СУРХОН ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ТАРИХИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ**

Ислом дини кириб келгунга қадар маҳаллий аҳоли орасида турли дин ва қарашлар билан боғлиқ қультлар (санам, қишлоқ хўжалиги) мавжуд бўлган ҳамда диний эътиқодлар зиёрат кўринишида сақланиб қолган. Кейинги жараёнларда араблар ва муғуллар истилоси даврида ҳам бундай одатлар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ислом дини ўлкада тўлиқ қарор топгандан сўнг, қадимий, диний тасаввурлар ва уларнинг маҳаллий аҳоли анъанавий турмуш тарзида ги кўринишлари жиддий ўзгаришларга учраган. Улар янги дин шакллари билан қоришган ҳолда янги кўринишда маҳаллий аҳоли ҳаётида регуляторлик (бошқарувчилик) вазифасини бажариб келган.

Илк исломда бундай эътиқод шакллари учрамайди, кейинги даврларда маҳаллий диний культ ва анъаналар таъсирида авлиёлар ва уларнинг мозорларига, қадамжоларга ташриф, у ерларни зиёрат қилиш, жонлик сўйиш, чироқ ёқиши, чалпак қилиш ва бошқа диний урф-одатлар кенг тус олган.

Мусулмонлар қонуни ҳисобланган шариатда зиёратгоҳларга ташриф ҳақида сўз юритилмаган ва бу ислом динида “азизлар” қабрига бориш қонунийлаштирилмаганлигини кўрсатади. М.Тастанбековнинг фикрича, “Муқаддас жойлар”га ибодат қилишга қарши мусулмон мазҳаблари ўртасида шиддатли кураш олиб борилган<sup>1</sup>.

Ахли сунна вал жамоа номи билан машхур тўрт мазҳаб олимларининг барчаси қабр зиёрати фойдали ва савобли эканлигини айтиб ўтилган. Ҳофиз Бағдодий айтадики, Имом Шофиий деганди: “Мен Абу Ҳанифа Раҳматуллоҳ билан табаррукланар эдим. Деярли унинг қабрини ҳар куни зиёрат қиласр эдим, бирон бир ҳожатим бўлса, икки ракат намоз ўқиб, сўнгра Абу Ҳанифа Раҳиматуллоҳнинг қабри олдига келардим ва ўша ерда ҳожатимнинг раво бўлишини Аллоҳдан сўрардим, ҳожатим раво бўларди”. Қорилар шайхи Ҳофиз

---

<sup>1</sup> Tastanbekov M.M., Dinasheva L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89. – 2013. – Pp. 667-675.

Жазарий “Ҳиснүл ҳасийн” китобида шундай ёзганки, “Солиҳ инсонларнинг қабрлари дуо ижобат бўладиган жойлардир”. Инсон гуноҳларини тан олиб, ўзига нисбатан Аллоҳга яқинроқ бўлган авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиб, у ерда Аллоҳга ёлворар экан, Аллоҳ Таоло ўша авлиёлар ҳақки ҳурмати унинг дуосини ижобат қилади. Бу эътиқод кўриниши исломда “васила” дейилади, яъни Аллоҳдан ҳожатини сўрашда бандар ўзи ва Аллоҳ орасига бирорта авлиёни восита қилади<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, ҳозирги кунга қадар турли дин уламолари орасида авлиёлар қабрини зиёрат қилишни ижобий ёки салбий баҳолайдиган қарашлар илгари суриласди, бироқ бошқа томондан зиёрат объектларига бориш маҳаллий аҳолининг маънавий-маърифий ҳаётидаги аҳамияти жиҳатдан ҳам муҳим саналади.

Ўзбекистоннинг жанубий худудида зиёратгоҳларнинг муҳим хусусияти, унда рамзий қабрларнинг мавжудлигидир. “Рамзий қабр” (арабча “рамз, белги, ишора” сўзидан олинган) ўзбек тили этиологик луғатига кўра, “ишора қилиб турувчи” маъносини билдиради, яъни умумий тушунчада, ҳурмат ишораси, белгиси сифатида ўзлаштирилган.

Қандай эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, қадамжолар<sup>2</sup> (аниқроғи рамзий қабрлар) пайдо бўлганига доир тарих ёки қайдлар манбаларда учрамайди. Бу ҳол, бир томонлама мулоҳаза учун ҳам асос булолмайди. Чунки бу қабрлар тарихий хотирага айланган. Миллий ва маънавий қадриятнинг руҳий бекати ҳисобланади. Қабр ахли барча моддий эҳтиёждан мосуводир. Агар ҳаётликларида амалга оширган ишлари вафотларидан кейин ҳам элига ва халқига нафли, намунали ҳисобланса, уларнинг хотиralарида яшаб, миллий тимсолга айланган. Мухлислари ихлосдан файз, фаҳрдан муҳаббат ҳосил этганлар. Улар авлиё, азизлик мартабасига етиб, қабрлари

<sup>1</sup> Тожибоев Б. Қабр зиёрати ва васила // Имом ал-Бухорий сабоклари. – 2013, 4-сон. – Б. 271-272.

<sup>2</sup> Қадамжо ва рамзий қабр тушунчалари маълум даврда шаклланиб, ўзаро бир- бирини тўлдиради. Қадамжо қадам етган жой тушунилади. “Қадамжо” арабча-форсча “қадама” феълидан олинган бўлиб, яъни “олдинга борди” маъносига тенг. “Жой” форсча-тожикча, “манзил, макон”ни билдиради. Яхлит маънода, қадамжой “оёқ етиб келган жой” маъносини билдириб, рамзийликни англатади.

табаррук, зиёратгоҳларга айланган.

Зиёратгоҳларга муносабат турличалиги сир эмас, шундай жойнинг борлиги, ҳаёт тарзи, нисбат берилган шахснинг мухтасар тарихини баён этиш, қабрларни шу нуқтаи назардан эслаб ва эслатиб туриш, ибратла-ниш, файз ва намуна олишга манба ҳисобланади<sup>1</sup>. Бу эхтиром ва ихлос қадрият шаклига айланаб, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади.

Хозирги Сурхондарё воҳаси ҳақида IX-X асрларда араб тарихчи ва географлари Ибн Хурдодбех, Табарий<sup>2</sup>, Балазурӣ, Истаҳрий, Ибн Ҳанқал, Мақдисий, Ибн Фақих, Жайхуний ва бошқалар эски Термиз ва у ердаги маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида ўз асарларида қимматли маълумотларни келтиргандар. Масалан, IX асрда Термизга келган Абдулқосим Убайдуллоҳ ибн Хурдодбех (820-913) “Китаб масолик ул-мамолик” асарида, Термизни Балх билан Амударё ўзаро боғлаб туриши, у ердан ҳар икки томонга сув орқали ўтиш жойи борлигини қайд этади<sup>3</sup>.

Термизда бўлган Жайхуний (X аср) “Ашкол ул-олам” асарида, Термиз қаъла, мадина, работдан иборат эканлигини, шаҳарда уйлар пахсадан қурилганлиги, кўчалар майдонлар ва бозорлар эса, пишган гишт билан қопланганини таъкидлайди<sup>4</sup>. Жайхуний ва Истаҳрий (ваф. 957) Термизни деярли бир хил таърифлаган, иккаласи ҳам шаҳарда жомеъ масжид борлигини, бозор ва кўчаларга гишт тўшалганини ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумотлар келтиради<sup>5</sup>.

Мақдисий (947-990) Термизга сув йўли орқали кемалар келишини, бу даврда четга совун, елим ва қайиқ сотилганини қайд этади<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Суюндиқ Мустафо Нуротоий. Мунаввар қадамжолар. – Т.: Noshirlik yog'dusi, 2011. – Б. 7-8.

<sup>2</sup> Абу Жафар Мұхаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ул-умам ва-л-мулук. – Байрут: Дор ул-кутуб ул-илмийя, 1407/1986.В. Биринчи нашр. – Б. 658-663; Абулаббос Аҳмад ибн Яхе ибн Жобир Балазурӣ. Футух ул-булдон. – Байрут: Muassasat ул-мәъюрий, 1407/1987. – Б. 589.

<sup>3</sup> Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Изд. Н. Велихановой. – Баку, 1986. – Б. 66.

<sup>4</sup> Мухтаров А.М. Джейхани о городах Мавераннахра // Позднефеодальный город в Средней Азии. – Т.: 1958. – Б. 18.

<sup>5</sup> Абу Исҳок Иброҳим ибн Мұхаммад Форисий Истаҳрий Кархий. Китоб масолик ул-мамолик. – Лейден: Брилл, 1870. – Б. 298.

<sup>6</sup> Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Банно

Ибн Ҳавқал ҳам бу маълумотни тасдиқлаб, Термиз работларида саёхатчиларнинг тўхтовсиз оқими туфайли у шаҳарга кўп даромад келтирганини ёзади<sup>1</sup>.

Табарий (839-923) ва Балазурый (ваф. 892) Термиз ёнидаги орол ҳакида маълумот беради ва унга Мусо ибн Хозимга қарши курашиш учун юборилган Усмон ибн Маъсуд ўн беш минг аскари билан жойлашганлиги учун у шу кунларда “Усмон ороли” деб номланнишини айтади. Табарий эса, “Термизшоҳ” унвонини қайд этади.

Тарихчи Ҳофиз Абру (1362-1431) “Ашкол ал-Ақолим” (Иқлиmlар шаклу суратлари) асарида, Пайғамбар оролидаги Зу-л-Кифл зиёратгоҳига ўтадиган кечув гузаргоҳи бўлган Келиф ҳакида маълумот берган<sup>2</sup>. Шунингдек, олим томонидан Кеш, Нахшаб, Термизнинг географик ҳолати ва маданияти тўғрисида баъзи маълумотлар бериб ўтилади. Олим Кеш бу Шаҳрисабз эканлигини, шаҳар Соҳибқирон даврида қайта бунёд этилганини ҳамда Нахшаб Кеш атрофида бўлган текис ерда жойлашганлиги, Жайхунга қадар чўл ҳудудини ташкил этишини айтади. Термиз Жайхун бўйидаги шаҳар бўлиб, кўҳандиз, арк ва шаҳристони бор экинзорлари эса, сурхондан сув ичади, дейди<sup>3</sup>.

XV асрнинг бошларида тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг “Абдулланома” асарида Темурийлар даврида Ҳаким Термизий мақбараасида амалга оширилган қурилиш-тъмир ишлари ҳакида келтириб ўтади<sup>4</sup>. Шунингдек, Бухорийнинг 1527 йилда ёзилган “Шарафномаи шоҳий” (Подшони шарафловчи китоб) номли асарида, Термизнинг топографик ўрни, меъморий бинолари, осори атиқлари ҳамда халқнинг этник таркибини келтириш билан бирга, бу даврда, Термиз Балх ҳукмдорига буйсунганини ва Абдуллахон шаҳарни қамал қилишдан олдин Ҳаким Термизий ва Абу Бақр Варроқ мозорлари шайхларини катта совғалар билан сийлаб,

---

Башшорий Макдисий. Аҳсан ут-такосим фий маърифати-л-аколим. М.Ж.Де Гуе нашри асосида. – Коҳира: Мактабат ул-мадбулий, 1411/1991. Учинчи нашр. – Б. 291.

<sup>1</sup> Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда в Токхистана по арабоязничным источникам начала IX-XIII вв. – Т., 1996. – Б. 98.

<sup>2</sup> Ҳофиз Абру.Ашқол ал-аколим. – ЎзР. ФАШИ. Кўлёзма. №5361. – Б. 290.

<sup>3</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 154.

<sup>4</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2 ж. – Т: Фан, 1969. – Б. 310.

хурмат кўрсатганини қайд этади<sup>1</sup>. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий Варроқ Термизийнинг қабри Термизда эканлигини, у Абу Исо Термизийнинг тоғаси бўлганлигини таъкидлайдилар<sup>2</sup>.

Абдулкарим ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг “Насабнома” (ал-Ансоб) асарида шаҳардан кўплаб уламо, машойих ва фозиллар етишиб чиққанини, олимлардан: Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Жабала ибн Божавайҳ Термизий, Аҳмад ибн Ҳасан Термизий, машоийхлардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий, Абу Бақр Варроқ Термизий ва улардан бошқа кўплаб кишилар номини қайд этади<sup>3</sup>.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” (1496) асарида, термизлик алломалардан Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Абу Зарр Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий (бу Термизий алломаларнинг ҳаммаси IX асрда яшаб фаолият юритган – С.Ж.), Абу Наср Муҳаммад Термизий (IX-X асрлар), Сайид Бурхониддин Термизий (XIII аср), Исо Термизий (IX аср) хақида қимматли маълумотлар келтирилган<sup>4</sup>.

Варроқ Термизий (ваф.тах. 907) “Шайх ал-Ислом” унвонига эга бўлган машҳур шайхдир. У “Таврот” ва “Инжил” китобларини ўқиганлиги сабабли замондошлари уни “Илм ва хизмат хазинаси”, деб атаган<sup>5</sup>. Абу Музаффар Термизий машҳур шайх, тасаввуф илмининг таникли пешвоси бўлиб, X асрнинг иккинчи ярми – XI асрнинг бошларида яшаб, Ҳаким Термизий масжиди (мақбара)нинг бош шайхулисломи вазифасини бажарган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Холиков З., Дежимуродов Х. Термиз ва Ҷағониённинг ўрта асрлардаги тарихий географияси // Moziyadansado. –2004, 2-сон.– Б. 22-24.

<sup>2</sup> Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар. С. Фаниева, М. Мирзаяхмедова. Арабча ва форсчадан таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир С. Рафиддинов. XX жилд – Т.: Фан, 2001. – Б. 82-79.; Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс мин хазарот ил-кудс. – Қоҳира: Азҳари шариф, 1409/1989. – Б. 417.

<sup>3</sup> Ал-Ансоб-Қоҳира: Мактабату Ибн Таймийя, 1400-1404/1980-1984.ХХII. III. – Б. 44-48.

<sup>4</sup> Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 42-157.

<sup>5</sup> Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Алишер Навоий номидаги Давлат музейи нашриёти, 2001. – Б. 87.

<sup>6</sup> Муртазоев Б. Алишер Навоий Термизийлар хақида // ТерДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Универ-

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг севимли шогирди ва куёви Хожа Алоуддин Аттор ҳақида Мухаммад Дорошукухнинг “Сафинатул авлий” (XVII аср) ҳамда Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асарида ёзилишича, Хожа Аҳрор Мавлоно Яъкуб Чархийнинг муриди бўлган, Яъкуб Чархий эса, Хожа Алоуддин Аттор сұхбатида камол мартабага етган дейилади<sup>1</sup>. Хожа Алоуддин Аттор XIV асрнинг 90 йилларида нақшбандия тариқатини ёйиш учун Ҷағониённинг Холчаён деган жойига келади. Унинг вафотидан кейин ўғли Ҳасан Аттор Мовароуннаҳр ва Ҳурросон тасаввуф ахли орасида машҳур бўлган. Фахриддин Али Сафий “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарида, у кишини отасининг “валийлик дарахти самараси эди”, деб таърифлайди<sup>2</sup>. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида, Ҳасан Аттор ҳақида гапириб ўтган<sup>3</sup>.

Сайёҳ Ибн Батута “Саёҳатнома”сида, Термизда энг обрўли ва мўътабар шайхлардан бири жуда кўп экинзорлар ва вакф мулкларига эга бўлган “покдомон шайх Азизон” зовиясига жойлашганлигини, зовия маблағлари ҳам зиёрратчиларни меҳмон қилишга сарфланганини қайд этади<sup>4</sup>. Ибн Батута айтган Шайх Азизон зовияси, ҳозирда Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Султон Соғот зиёрратгоҳи бўлиб, Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) набираси Ҳусайн авлодига мансуб Термиз саййидлари мақбаралар мажмуасидир.

---

ситет, 1999. – Б. 80-83.

<sup>1</sup> Аҳмад ибн Махмуд Бухорий. Муъинал-фуқаро. Тарихи муллозода (Бухоро мозорлари зикри). Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария (Самарқанд мозорлари зикри). – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 154-155.

<sup>2</sup> Фахриддин Али ас-Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт /Таржима муаллифи До́мла Ҳудойберди ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Нашрга тайёрловчи Ҳасанов М., Умрзоқов Б. –Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 16.

<sup>3</sup> Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: O`zbekiston, 2018. – Б. 123.

<sup>4</sup> Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. – Т.: Шарқ машъали, 1993. – Б. 50-51.

Милодий 1403 йилда Касилия қироллигидан Амир Темур хузурига элчи бўлиб келган Испан сайёхи Руи Гонсалес де Клавихо Термизга келган ва кўп аҳоли яшайдиган шаҳар эканлигини, қишлоқларнинг жуда ободлигини қайд этади<sup>5</sup>. XVII асрда Маҳмуд ибн Вали Термизда зиёратгоҳларнинг асосий қисми жойлашганлигини, зиёрат обьекти бўлган мақбалар IX-XII асрларда шаклланган, деб келтиради<sup>2</sup>.

XVI асрда яшаган турк адмиралি сайёх Сейди Али Раиснинг “Миръотул мамолик” (Мамлакатлар кўзгуси) асарида ҳам Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи, этнографияси, географияси ҳакида қимматли маълумотлар келтирилган. Унинг Мовароуннахрдаги ташрифида, Чаҳоршанба шаҳарчасига (Тожикистон) бориб, Хожа Яъкуб Чархийнинг қабрини зиёрат қилганини, ундан Чагониёнга, яъни Ҳисори Шодмонга ўтганини, у ердан Темур Султон номи қўйилган жойга келиб, Сангардак тоғидан ошганини, тоғдан ёмғир ёққандек, сув томчилари тинмай оқиб туришини томоша қилганини айтади<sup>3</sup>.

Сейди Али Раиснинг келтирган маълумотларидан шу нарса аник бўладики, бу даврда Хожа Яъкуб Чархий қабри, Чагониён, яъни Сурхондарё ҳудудидаги Сангардак тоғидаги Сангардак шаршараси, азиз-авлиёларнинг қабрлари муентазам равишда аҳоли томонидан зиёрат қилиб турилган. Саёҳатчи, ташрифидан олдин бу тўғрида маълумот олган ва у ерга борган бўлиши керак<sup>4</sup>.

<sup>5</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Рус тилига И. И. Срезневский томонидан қилинган Руи Гонсалес де Клавихо»Кундалигиги» таржимасининг 1881 йилдаги нашридан ф. ф. д., проф. О. Тоғаев таржимаси. – Т.: Ozbekiston, 2010. – Б. 143-144.

<sup>2</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Введение перевод примечания, указатели Б.А. Ахмедова. – Т.: Фан, 1977. – Б. 34.

<sup>3</sup> Сейди Али Раис. Миръодил мамолик. – Т.: ЎзФан акаднашр, 1963. – Б. 97.

<sup>4</sup> Манбаларда Чагониён ҳақида: Маҳмуд ибн Вали. Баҳр ул-асрор. Т.: Фан, 1977. – Б. 89.

Шунингдек, маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган сиёсий, биографик асарлар ҳамда хорижлик сайёхларнинг ҳисоботларида, зиёратгоҳлар ва уларнинг ҳалқ ҳаётидаги ўрни тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бундай турдаги манбаларда, биографик шахслар номи ҳамда авлиё, пир, сифиниш масканлари тарихини ёритувчи номлар қайд этилади. Зиёратгоҳлар номи билан боғлиқ уламолар тарихи, биографияси, олимларнинг асарлари ҳамда ўлкадаги аҳолининг маданий ҳаётини ёритувчи манбалар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида<sup>1</sup> Ҳофиз Абронинг “Ашқол ал-ақолим”, “География”, “Худуд ул-олам”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” қўлёзма манбалари<sup>2</sup> сакланади. Мазкур манбалар ҳам ўлка ахолиси тарихига доир маълумотларни саклаши билан қимматли ҳисобланади.

Шарқшунослик институти жамғармаси, унда сакланаётган ёзма ёдгорликлар микдори ва уларнинг илмий-тарихий аҳамияти жиҳатидан дунёда энг бой ва бетакрор хазина ҳисобланади. Унинг таркибида ягона ва нодир асарлар ҳам талайгина. Жумладан, Ёқут Ҳамавийнинг (XII аср охири –XIII аср боши) “Муъжам ал-булдон” асарида, Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан, Насаф, Кеш ва Термизга борганининг изоҳи билан бирга, аҳолига доир шу ерда яшаган атоқли шахслар, зиёратгоҳлар, ёдгорликлар тўғрисида маълумотлар келтирилади<sup>3</sup>.

Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб “Нафоҳат ул-унс”да 618 авлиё зикри берилган<sup>4</sup>. Авлиёлар ва уларнинг ҳаётига оид маълумотлар, шунингдек, авлиёларнинг инсон турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларга доир қараашлари зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда ёрдамчи материал вазифасини бажара олади. Шунингдек, 1496 йилда Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” номли

<sup>1</sup> Ҳофиз Абру. Ашқол ал-ақолим. – Ўз.Р ФАШИ. Кўлёзма. №5361. – Б. 290.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2 ж. – Т.: Фан, 1969. – 310 б.; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома («Шарафномайи шохий»). Биринчи китоб; Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 65.

<sup>3</sup> Ҳ. Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 143.

<sup>4</sup> Абдураҳмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафаҳот ул-унс. – Душанбе: Адид, 1990.– 584 б.

тазкирасида, 770 авлиёning таъриф ва тавсифини келтирган<sup>1</sup>. Мазкур асар ҳам Ўрта Осиё худудида авлиёлар номи билан боғлик топонимика, агиография ва персонификация таҳлилига қўшимча манба вазифасини бажаради. Манбада Термиз алломалари ҳакида ҳам сўз боради.

Маълумки, XV-XVI асрларда Ўрта Осиёга Рус ва Европа давлатларидан элчилар келиши қўпайган. Мазкур элчилар ўз маълумотларида, зиёратгоҳлар ёки ислом оламидаги шахслар бўлган авлиё, пирлар тўғрисида батафсил тўхтамаса-да, аммо Ўзбекистон жанубий худудларининг этник ҳолати, дини, аҳоли турмуш тарзи ҳакида келтириб ўтганлар. Албатта, бундай маълумотлар муаммонинг тарихий босқичларидаги деталларни аниқлашга ёрдам беради.

Е.К. Мейендорф “Россия элчилигининг Оренбургдан Бухорага 1820 йилги саёҳати” (Путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году) номли монографик тавсифида, Бухоро, Янги Урганч, Хива, Кўқон, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Бойсун, Шеробод ва бошқа шаҳарлар ҳакида қизиқарли шарҳлар келтирган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон тарихига оид манбаларнинг яна бири – XVII асрдан бошлаб, минтақага ташриф буюрган сайёҳларнинг сафарномалари бўлиб, уларнинг катта қисми рус, инглиз, немис, француз тилларида ёзилган. Мазкур минтақага қизиқиши, айниқса, XIX асрда кучайиб, бу даврда хориждан турли мақсадларда қўплаб экспедициялар уюштирилган, тадқиқотчи, сайёҳлар ташриф буюрганлар.

Марказий Осиёни ўрганиш учун юборилган иирик тадқиқотчилардан яна бири бу Шарль Эжен де Ужфальви (Южфальви) де Мезо-Ковездир(1842–1904)<sup>3</sup>. Француз ҳукумати томонидан Ш.Южфальфи раҳбарлигига Туркистонга 1876 ва 1887 йилларда икки маротаба махсус илмий экспедиция жўнатилган. Бу икки экспедициянинг натижалари “Француз илмий экспедицияси Россия,

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. – Т.: 2001. – 590 б.

<sup>2</sup> Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Предисл. Н. А. Халфина. – М., Главная редакция восточной литературы издательства Наука, 1975. – 182 с.

<sup>3</sup> Nebenzahl Kenneth. Mapping the Silk Road and Beyond. 2000 years of Exploring the East. – New York, 2005. – 176 p.

Сибир ва Туркистонда” номли олти жилдан иборат асарда умумлаштирилган (1-3 жиллар ёзма маълумотлар ва ҳисоботлар, 4-6 жиллар иловалар, фотосуратлар, гравюралар). Южфальви Туркистонни ўтган икки йил давомида этнографик нуқтаи назардан, урф-одатлари, анъаналари ва эътиқодларини ўрганган. Бунинг натижасида, Марказий Осиё этник атласи яратилган.

Шунингдек, ўлкада яшаган рус шарқшунос олимлари, асосан, маҳаллий ахоли ҳаёти турмуш тарзи, жумладан, уларнинг авлиё пирларга муносабати, ахоли турмуш тарзида ибодатнинг аҳамияти, зиёратгоҳларга ташриф масалаларини кенгроқ ёритгандар. Мазкур масала юзасидан А.Г. Арендаренко, А.И. Брянов, В.Духовская, А.Н. Куропаткин, Н.С. Лыкошин, Г.П. Федоров, В.Наливкин, М.Наливкина, Н.П. Остроумов, Н.Маллицкий, В.А. Парфентьев асарларида ҳам кенг маълумотлар учрайди<sup>1</sup>.

Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовскийнинг 1899 йилда ёзилган “Ислам в Туркестане” асарида, ахолининг зиёратгоҳларга ташрифи қуйидагича баҳоланган: тажриба шуни қўрсатмоқдаки, туземликлар касалликларни даволашда ўз ҳоҳишлари билан рус тиббиётчиларнинг хизматларидан фойдаланмоқда, бироқ даволаниш тугаши билан улар (Туркистон мусулмонлари – С.Ж.) даволаш натижалари янада яхшироқ бўлиши учун албатта “муқаддас жой”ларга ташриф буюришади. Бундай жойлардан маҳаллий ахоли

---

<sup>1</sup> Айни С. Бухара. Воспоминания. – М., 1960; Арендаренко А.Г. Досуги в Туркестане 1874-1889. – Спб, 1889; Брянов А.И. На память о Фергане. Новый Маргилан, 1901; Духовская В. Туркестанские воспоминания. – Спб, 1908; Куропаткин А.Н. Семиречье Из дневника // Военная мысль, 1920, №1, Дневник // Красный архив, 1923, № 1 (20); Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Спб. 1917; Федоров Г.П. 36 лет службы в Ташкенте. – Спб, 1913; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886; Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913; Остроумов Н.П. Характеристика религиозно-нравственной жизни мусульман, преимущественно Средней Азии // Православное обозрение, 1881; Сарты. Этнографические материалы. т.1. – Т., 1890; Современное правовое положение мусульманской женщины. – Казань, 1911; Маллицкий Н. Ишаны и суфизм. Сборник материалов по мусульманству. – Спб, 1899; Парфентьев В.А. Селение Вуадиль. (Статистический очерк). – Ежегодник Ферганской области. Т.3. – Новый Маргилан, 1904.

ўз дардларига даво излашади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Миллий архивининг (кейинги ўринларда – ЎзМА) жамғармаларида мустамлака, совет ва мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси этнографияси, бинолар архитектураси, давлат ва дин муносабатларига доир қимматли материаллар сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий давлат архивида (ЎзМА) архив ҳужжатлари учта йирик бўлим – тарихий (И-фондлар), совет даври (Р-фондлар), мустақиллик даври (М-фондлар) ва шахсий фонд бўлимида. Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзи мужассамлаштирилган ҳужжатлар сақланади. Масалан, 34-фондда ТАССР Маориф Халқ комиссарлигининг 1917-1924 йилдаги вакф ҳужжатлари, Туркистондаги область ва уездларга доир маълумотларни бирлаштириб, унда зиёратгоҳлар учун ажратилган вакфлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, 394-фондда Санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларнинг сақлаш Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис) жамғармаларида 1920-1928 йиллардаги Ўзбекистон худудидаги тарихий обида ва ёдгорликларнинг сақланиши, уларнинг руйхати, давлат муҳофазасидаги ҳолати тўғрисида маълумотлар сақланади.

Совет йилларида Ўзбекистоннинг жанубий худуд зиёратгоҳлари ҳолати ва уларнинг муҳофазаси юзасидан маълумотларни 2761-фондда «Республикансское правление общества охраны памятников истории и культуры» жамғармаларида учратиш мумкин. Шунингдек, 2296-фондда «Главное управление по охране памятников и изобразительного искусства Министерство культуры УзССР (1957-1976)» жамғармаси ҳам ўзида қимматли маълумотларни бирлаштирган. Унда ёдгорликларни сақлаш юзасидан буйруқлар, таъмирлаш реставрация жараёнлари, уларга ажратилган маблағлар, шу даврдаги ёдгорликларнинг расмий руйхати келтирилган. Шунингдек, ЎзМАда, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи билан бевосита боғлиқ архив ҳужжатлари жамланган М-фондлар ҳам архитектура, маданият қурилиш соҳасига доир тарихий ва бошқа жараёнларга тегишли маълумотларни ўзида қамраб олган. Масалан, М-7, М-38 фондларда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги жамғармасида маданий-тарихий бойликларни сақлаш юзасидан давлат аҳамиятига оид фармон,

---

<sup>1</sup> Духовский С.М. Ислам в Туркестане. – Спб, 1899. – С. 4-6.

қонун ва фармойишлар, уларнинг бажарилиши юзасидан тадбирлар, Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликлар руйхатига оид ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, М-35 фондда «Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству» жамғармаси ва бошқалар ташкил этган. Шунингдек, Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумотлари ҳам мазкур маълумотларни тўлдиришга хизмат қиласди.

Ўзбекистоннинг жанубий худуди Сурхондарё аҳолиси ҳаётида зиёратгоҳларнинг аҳамиятини ўрганишда аҳоли билан олиб борилган шахсий сұхбатлар, интервью, анкета сўровнома ҳам ислом динида диний күльт тарихига доир маълумотларни бойитишига хизмат қиласди. Масалан, сұхбат орқали маҳаллий аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифидан асосий мақсади, валий шафоатчи ёрдамида Аллоҳдан ният-мақсадларини амалга оширишда, турли касалликларни даволашда ёрдам сўраши ҳақида маълумотлар олинди ва тадқиқотга жалб қилинди.

Муқаддас қадамжолар тарихи мавзусининг долзарблиги шундаки, айрим кичик ҳаждаги илмий мақолаларни инобатга олмаганда, ҳозирги қадар Ўзбекистоннинг жанубий худудларидағи зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Россия империяси (1867–1917), совет ҳокимияти (1917–1991) ҳамда мустақиллик йилларида, Ўзбекистоннинг жанубий худудидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар масаласи этнографик жиҳатдан киёсий таҳлил қилинмаганлиги ва бу борада, яхлит мустақил тадқиқотнинг мавжуд эмаслиги мавзуни тадқиқот даржасида ўрганишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг жанубий худудидаги зиёратгоҳлар масаласининг тарихшунослигини тадқиқ этишда, уни нафақат мустақиллик даври, балки мустамлака ва совет йиларида унга бўлган муносабатни кўрсатувчи адабиётларни ҳам алоҳида таҳлил этиш мақсадга мувоғиқ, деб ўйлаймиз. Шу жиҳатдан, мавзу обьекти мустақиллик даврига тегишли бўлса-да, унинг келиб чиқиши, ривожланиши ва тарихий асосларини аниқлашда ёрдамчи ҳисобланган илмий тадқиқотларни асосан йўналишлар бўйича хронологик ва муаммовий жиҳатдан З та гурухга бўлиб ўрганиш лозим:

- а) совет йиллари (рус ва маҳаллий тилдаги адабиётлар);
- б) мустақиллик даври (маҳаллий ва замонавий рус адабиётлари).

с) Хориж тарихшунослиги.

Туркистон мусулмонларининг зиёратгоҳлари, мозор, муқаддас жойлари тўғрисида мустамлака даври муаллифлари томонидан маҳаллий ахоли ҳаётига ёки унинг ислом динига нисбатан муносабати баъзи ўринларда салбий баҳоланганд, баъзан этнографик нуқтаи назаридан баён этилган<sup>1</sup>.

Масалан, худудий зиёратнинг ўзи хос хусусиятларини академик В.В.Бартольд<sup>2</sup> асарларида тилга олинса, Туркистон мусулмонларининг зиёрат масаласи Ч.Валихонов<sup>3</sup> тадқиқотларида бериб ўтилади. Шунингдек, айнан шу даврда маҳаллий ахоли турмуш тарзига оид асарларда муқаддас жойлар тўғрисида фрагментар эслатиб ўтилган маълумотлар рус муаллифларининг географик-статистик

---

<sup>1</sup> Маллицкий Н. Ишаны и суфизм. Сборник материалов по мусульманству. – Спб, 1899.; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. В 3-х т., – Спб, 1906; Исламоведение. Введение в курс исламоведения. –Т., 1914; Беляевский. Материалы по Туркестану. – Спб, 1884; Гродеков Н.И. Киргизы и кара-киргизы Сырдарьинской области. Т.1 Юридический быт. – Т., 1889; Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – Спб, 1871; Михайлов Ф.А. Религиозные воззрения туркмен Закаспийской области // Сборник материалов по мусульманству. Т.2, – Т., 1900; Любимов П.П. Религии и вероисповедный состав населения Азиатской России. – Петербург, 1914.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения в 9 томах, т 1, –М., 1963; История Туркестана (конспект лекций) т 2, ч 1, –М., 1964; История культурной жизни Туркестана. Фергана. т.2, ч.2, –М., 1964; Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. т. 5, –М., 1968; Рецензия на книгу Н.П. Остроумов Исламоведение. Т.І. Аравия. Колыбель ислама. –Т., 1910. –М., 1966, Культура мусульманства. Ислам. Бартольд В.В. Сочинения. Том II, часть 2. – М., 1964.

<sup>3</sup> Валиханов Ч.Ч. Сочинения в 5 томах, Т.1-5. –Алма-Ата, 1985; Записки о дикокаменных киргизах. Т.2, О мусульманстве в Степы. Т.4. – Спб, 1899.

характерга эга бўлган маълумотларида ҳам акс этади<sup>1</sup>.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда зиёратгоҳлар фаолиятининг айрим жиҳатлари ёритилган совет йилларидағи адабиётларда, нафақат Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди, балки зиёратгоҳнинг умумий хусусияти ва аҳолининг муносабати таҳлил қилинган. Туркистон мустамлака даври зиёрат масаласини тадқиқ қилган олим В.Литвинов ҳам ўз тадқиқотида, муаммонинг ўрганилиш жиҳатларини таъкидлаб, ҳолатни куйидагича баҳолайди: Совет тарихшунослигига, зиёрат масаласи хукумат сиёсати даражасида ўрганилмаган. XX асрнинг 20-йилларида мусулмонларни инқилобий ўзгаришларга жалб қилиш мақсадида партия ва совет адабиёти бу масалани ўргана бошлаган. Б.Л. Куфтининг қозоқ маданияти ва ҳаёти тўғрисидаги китобида ҳалқнинг муқаддас жойларга ташрифи ҳакида қисқа эслатиб ўтилади. Кейинги йилларда мусулмон руҳонийлари фаолияти кескин таъқиб остига олиниб, мозор ва қабрларга ташриф қолоқлик ва жоҳиллик белгиси, деб баҳоланди. 1936 йилда Л.И. Клинович “Ислам в царской России” асарида маълумотларни қисқача берса-да, аммо Россия ва Туркистондаги ислом дини, мусулмонларнинг муқаддас жойларга зиёрати тўғрисидаги маълумотларга атрофлича тўхталиб ўтади. Бироқ у илмий нуқтаи назардан эмас, “шахсга сифиниш”нинг сабабларини синфиийлик мисолида кўрсатиб берган<sup>2</sup>.

Таъкидлаш ўринлики, XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган барча адабиётлар жамиятдаги сиёсий ўзгаришлар ва коммунистик партияниң ғоявий таъсири остида дин билан боғлиқ эскилил сарқити сифатида баҳоланиб, ёритилган. Шу маънода, бу даврда ёзилган адабиётларда, ислом эътиқодига қарши кураш, унинг

<sup>1</sup> Путешествие по окраинам Российской Азии и записки о ней. – Спб, 1868; Россия и Восток // Сборник географических и политических статей. – Спб, 1896; Веселовский Н. Памятник Ходжа Ахрара в Самарканде. Восточные заметки. – Спб, 1895; Григорьев В.В. Россия и Восток. Сборник исследований и статей по истории, этнографии и географии. – Спб, 1876; Миропиев М.А. О положении русских инородцев. – Спб, 1901; Радлов В. Образы народной литературы северных тюркских племен. Ч.5. – Спб, 1885; Череванский В.В. Мир ислама в его пробуждении. В 2-х частях. – Спб, 1901.

<sup>2</sup> Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865 - 1917 гг. Дисс. канд.ист. наук. – М., 2007. – 26 с.

моҳияти мутлақо салбий ва заарли экани юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилган. Тадқиқотларнинг асосий обьекти сифатида ислом дини ва унинг тарихини ўрганиш белгиланган бўлиб, хусусан Т.Сайдбаев, О.Сухарева, М.Жалолов, А.Аҳмедов, Р.Мавлютов, У.Юсупов каби муаллифлар ўз илмий ишларида ислом дини ва у билан боғлиқ маросимлар тарихини салбий баҳолаб, таҳлил қилганлар<sup>1</sup>. Масалан, Р. Мавлютов “Ислом” номли рисоласида, маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёрат феномени тўғрисида фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, мусулмонлар ўзларининг аввалги аждодларидан қолган диний эътиқод анъаналарига амал қилиб, турли қадимий иншоотлар, қабрлар, қабристонларни ҳамда дараҳт, тош ва бошқаларни муқаддас жойлар (мозорлар) сифатида ҳурмат қилишган. Одатда, бу мозорлар афсоналар билан муқаддаслаштирилган бўлиб, Ўзбекистон худудида илк бор VII-VIII асрларда мусулмон мозорларига сифиниш сифатида пайдо бўлган. Кейинчалиқ, мозорлардан қўшимча даромад олишга қизиқкан мусулмон руҳонийларининг ҳаракатлари билан амир, хон ва уларнинг қўмондонлари қабрлари муқаддас, деб эълон қилингани қайд этилган<sup>2</sup>.

Айтиш лозимки, зиёрат ва у билан боғлиқ маросимлар, нафакат ўзбек халқи орасида, балки ўлкада яшовчи турли миллат вакиллари орасида сақланган ва ҳозирга қадар қўлланиб келинаётган урф одатлардан бири хисобланган. Шу жиҳатдан, Россия тарихшунослигининг совет йиллари адабиётларида, бошқа худудлар аҳолиси (қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқлари) мисолида, муаммонинг

<sup>1</sup> Қаранг: Алиев М. Ислам и его обряды. –Т., Кзыл Узбекистан и Узбекистон сурхи, 1956. – 84 б. Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Ташкент, 1960. – 85 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М., 1974. – 168 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М., 1974. – 168 с.; Сайдбаев Т.С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. – М., 1984. – 302 с.; Ахмедов А. Ислам и современной идеино политической борьбе. – М., 1985. – 240 с.; Джалолов М. В тени ислама. –Т., 1987. – 104 с.; Сайдбаев Т.С. Диалоги об исламе. –Т., 1988. – 74 с.

<sup>2</sup> Мавлютов Р.Р. Ислам. Изд. 2-е. –М., Политиздат, 1974. – С. 100-110.

айрим масалалари ёритилган<sup>1</sup>. О.Муродов тадқиқотида, Зарафшон тоғиклари мисолида диний культнинг келиб чиқиши шомонлик дини илдизлари билан боғланса<sup>2</sup>, Л. Толстов тадқиқотида, Хоразм воҳаси туркий тилли аҳолиси ўртасидаги диний ибодат шакллари нинг тарқалиш асосларини халқ фольклори билан боғлаб, унинг тарихий ўтмишини массагет қабиласига бориб тақаган<sup>3</sup>. С.Абрамзон диний ибодатда культ масаласини қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқи турмуш тарзидаги диний элементлар мисолида қиёсий таҳлил қилиб, унинг асосларини бевосита қадимги тарихий жараёндаги диний эътиқод илдизлари қолдиқлари билан боғлиқлигини кўрсатиб берган<sup>4</sup>.

Сурхон воҳаси меъморчилиги ривожи Сомонийлар (IX-X асрлар), Қорахонийлар (XI-XII асрлар), Фазнавийлар ва Салжуқийлар (XI-XII асрлар) даврида ривожланиб, аллома ва авлиёлар қабри устига мақбаралар қурилган. Бундай тарихий обидаларнинг асосий қисми Термизда жойлашган. 1936 йил Термизда М.Е.Массон бошчилигига Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) ўз фаолиятини олиб борган. XIX аср охири – XX аср бошларида, Термиздаги Ҳаким Термизий (X-XIV асрлар), Зу-л-кифл (XI-XII асрлар), Султон Содот (XI-XIX асрлар) мақбаралари архитектураси, археологияси бўйича 1878 йилда А.Быкова дастлабки маълумотларни ёзиб қолдирган. 1927-28 йилларда Шарқ маданияти

---

<sup>1</sup> Муродов О. Шоманский обрядовый фольклор у таджиков средней части дошны Зеравщана// Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М: Наука, 1975; Толстов Л.С. Отголоски массагето-аларского субстрата в фольклоре тюркоязычных народов Хорезмского оазиса // Этнографии и археология Средней Азии. – М., 1979.; Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.

<sup>2</sup> Муродов О. Шоманский обрядовый фольклор у таджиков средней части дошны Зеравщана// Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М: Наука, 1975.

<sup>3</sup> Толстов Л.С. Отголоски массагето-аларского субстрата в фольклоре тюркоязычных народов Хорезмского оазиса // Этнографии и археология Средней Азии. – М., 1979.

<sup>4</sup> Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.

музейи ходимларидан Б.П. Денике, Б.Н. Засыпкин иншоотларнинг ўлчамларини ўрганган. 1936 йилда Термиз археологик комплекс экспедицияси аъзоларидан М.Е. Массон, Г.Ф. Парфенов, В.А. Шишкин ва 1938 йилда Г.А. Пугаченкова археологик ёдгорликлар ҳақида муҳим маълумотлар ёзган<sup>1</sup>. 1968 йилда З.А. Ҳакимов, 1977 йилда Э.В. Ртвеладзе ва В.А. Аршавская илмий изланишлар олиб борганлар<sup>2</sup>. Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларини эгаллаган Чагониён ўлкаси ҳамда ўрта асрлар даври шаҳарларининг тарихий топографияси, аҳоли ҳаёти 1936 йилда М.Е. Массон<sup>3</sup>, Г.А. Пугаченкова<sup>4</sup>, Э.В. Ртвеладзе<sup>5</sup> раҳбарлигидаги экспедициялар томонидан тадқиқ қилинган. Мазкур археологик қазишмаларда, ҳозирги кунда зиёрат маконига айланган тарихий ёдгорликлар ҳам ўрганилган.

Айтиш мумкинки, муаммонинг айрим жиҳатлари хориж тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, совет йилларида ҳукуматнинг ислом динига нисбатан олиб борган атеистик муносабати Марказий Осиёни тадқиқ этувчи институтларнинг муаммоли масалаларидан бири сифатида ўрганилган. Хориж

---

<sup>1</sup> Пугаченкова Г.А. Памятники искусства Советского Союза: Среднеая Азия. – М.: Эдесиан Лейпцик, 1983. – С. 256.; Термиз. Шахрисабз. Хива. – М.: Искусство, 1976.

<sup>2</sup> Аршавская В. А, Ртвеладзе Э. В, Ҳакимов З. А.Средневековые памятника Сурхандарьи. – Т.: Издательство литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1982. – С. 105-108.

<sup>3</sup> Массон М. Е. Городища старого Термеза и их изучение. Труды Уз ФАН СССР, сер.1 вып.2. –Т., 1940. – С. 113-126.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г. А.К исторической географии Чаганиана. Труды ТашГУ, вып.200. Археология Средней Азии, т.1.–Т., 1963. – С. 58-63.

<sup>5</sup> Ртвеладзе Э. В. К периодизации раннесредневекового Чаганиана. Раннесредне вековая культура Средней Азии и Казахстана. Тез.докл. конф. Душанбе, 1977. – С. 114-119.; Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. –Т., 2020. – 144 с.

тадқиқотчилари А.Беннигсен<sup>1</sup>, Ж.Уилер<sup>2</sup>, У.Коларз<sup>3</sup>, С.Уимбуш<sup>4</sup>, М.Олкотт<sup>5</sup> каби олимларнинг изланишларида совет ҳукуматининг дин борасида олиб борган сиёсати мисолида аҳолининг зиёрат жойларига ташрифи таъзиқ остига олингани, диндорларнинг таъкиб қилиниши, мусулмон ибодатлари учун мамлакатда етарли шароитлар яратилмаганлиги, мусулмонларнинг ҳаж сафарига боришлари чекланганлиги қайд этилган.

1991 йилдан сўнг Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви тарихий жараёнларни холислик нуқтаи назаридан ўрганишни янги босқичга кўтарди. Бу бевосита диний қадриятларнинг ҳалққа қайтиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, илмий изланишларда холислик, объективлик тамойиллари асосида тарихий ҳақиқатни тиклаш имкони яратилди. Жумладан, тарихчилар томонидан ислом дини илмига ҳисса кўшган, ҳалқаро ислом дунёсида ўз ўрнига эга бўлган машхур муҳаддис олимлар, тасаввуф намоёндалари асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиши ҳалқнинг ўз қаҳрамонлари билан яқиндан танишиш имконини берди.

---

<sup>1</sup> Bennigsen. A (co-authorship Lemercier-Quelquejay Ch). Islam in the Soviet Union. – New York: Praeger, 1967. – 272 p., Bennigsen A., Wimbush S.E. Muslim National Communism in the Soviet Union. A Revolutionary Strategy for the Colonial World. – The University of Chicago Press, 1979. – 267 p.

<sup>2</sup> Wheeler G. Russia and Islam: new trends in soviet policy // Central Asian Review. – Oxford, 1956. Vol. 4. № 1. – P. 1-3.; Wheeler G. The modern history of Soviet Central Asia. – New York: Frederich A. Praeger, 1964.; Wheeler G. The Russian Presence in Central Asia // Canadian Slavonic Papers. –Carleton University, 1975. Vol. 17. № 2-3. – P. 189-217.

<sup>3</sup> Kolarz W. Islam in the Soviet Union, 1917-1960. – Karachi-Dacca, 1960. – 72 p.; Kolarz W. Religion in the Soviet Union. – New York: St. Martin' Press, 1961. – 518 p.; Kolarz W. Russia and her colonies. – Hamden, Conn: Archon Books, 1967. – 334 p.

<sup>4</sup> Wimbush S.E. The politics of identity change in soviet central Asia // Central Asian survey. – London, 1984. – Vol. 3. – № 3. – P. 69-78.; Wimbush S.E. The Soviet Muslim Borderlands / The Last Empire. Nationality and the Soviet Future. Edited by Robert Conquest. – California: Hoover Institution Press, 1986. – Pp. 218-234.

<sup>5</sup> Olcott M.B. Soviet Islam and world Revolution // World Politics. – 1982. Vol. 34. № 4. – P. 487-504; Olcott M.B. Women and Society in Central Asia // Soviet Central Asia. The Failed Transformation. Edited by William Fierman. – Boulder: Westview Press, 1991. – P. 235-254.

Бошқа томондан, мазкур тадқиқотнинг обьекти ҳисобланган Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди этнографияси<sup>1</sup>, топонимикаси<sup>2</sup>, тарихи, муқаддас қадамжолари<sup>3</sup> номи билан боғлиқ авлиёлар, табаррук шахслар хақида маълумотларни жамлаган адабиётлар ва рисолалар чоп қилинди. Жумладан, С.Турсунов, Э.Қобилов, Т.Пардаев, Б.Муртазоевнинг Сурхондарё тарихи ва этнографиясига доир тадқиқотлари<sup>4</sup>, А.Холмирзаевнинг Сурхондарё табаррук зиёратгоҳларига доир рисоласи<sup>5</sup>, М.Пардаевнинг Олтинсой зиёратгоҳлари номи остида асари<sup>6</sup>, А.Набиевнинг та-

<sup>1</sup> Ипак йўли афсоналари. – Т.: Фан, 1993; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кузгусида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 14; Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё-этнографик макон. – Т.: Академ нашр, 2012.; Исаев А. Эргашева. С. Исаев О. IX-XII асрларда Термиз маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 30.; Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёхати. – Т.: Шарқ баёзи, 1993. – Б. 77.; Мирзаев Ж. Термиз Саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 16; Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 41-71.

<sup>2</sup> Мирзаев Ж. Термиз Саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 16.; Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 41-71.; Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 66.

<sup>3</sup> Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев – Т.: Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 58.; Набиев А. Тарихий ўлкашунослик (Ўлкани ўрганишнинг асосий манбалари) – Т.: Ўқитувчи, 1996.; Мирзо Кенжабек. Термиз таскироси. Буюк Термизийлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017.; Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тўпламни нашрга тайёрловчи. А.Бердиев. – Т.: 2013.; Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани хақида лавҳалар. – Т.: Фан, 1996.; Исмоил Хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайд ал-Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 14.; Ш.Шарипов, И.Хошёров. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Т.: Voris-nashriyot. 2016. – Б. 6-7.; Мухаммад Усмон Жамол. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий Ҳалқаро Маркази, 2009. – Б. 8.

<sup>4</sup> Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё-этнографик макон. – Т.: Академ нашр, 2012.; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 58.; Исаев А. Эргашева. С. Исаев О. IX-XII асрларда Термиз маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 30

<sup>5</sup> Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 2001. – Б. 33

<sup>6</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: Ёзувчи, 2003. – Б. 35.

рихий ўлкашунослик масаласига доир илмий изланишлари<sup>1</sup>, Ж.Мирзаевнинг Термиз олимлари ва саййидлари, уларнинг фаолияти ва асарлари асосида ёритилган тадқиқотлари<sup>2</sup> қизиқарли маълумотларни ўзида жамлаган. Бироқ бу маълумотлар Сурхондарё худуди зиёратгоҳлари тарихи ва уларнинг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ёритиб беролмайди.

Сурхондарё воҳаси тарихий обьектларини меъморчилик, архитектура нуқтаи назаридан ўрганиш И.Азимовнинг тадқиқотида кўзга ташланади. Хусусан, Ўзбекистоннинг XVIII-XX аср бошида ги архитектура ёдгорликларини тадқиқ этиш ишига багишлиган диссертациясида, Ўзбекистоннинг жанубий худудларидағи ёдгорликлар тўғрисида ҳам хulosалар бериб, бу худуддаги масжидлар конструкция ва безаклари хилма-хил бўлганлиги, симметрик, асимметрик, устунли гумбазсимон ганч ва ёғочга ёзилган ёзувли тасвир қўринишида эканлигини айтади<sup>3</sup>. Мустақиллик йилларида А.В. Арапов, М.С. Булатов ва Ю.Г. Тўйчиева илмий мақолаларида Остона бобо зиёратгоҳи билан боғлик хulosалар келтирилади<sup>4</sup>.

Хорижлик тадқиқчилар томонидан сўфийлик тариқатлари билан боғлик зиёратгоҳлар, уларнинг эпиграфикаси, у ердаги урф-одат ва маросимлар ҳамда вақфномалар бўйича Джо-Анн Гросс (АҚШ), Юрген Паул (Германия), Тьерри Заркон, Ҳабиба Фатҳи (Франция), Яёи Кавахара (Япония)нинг тадқиқотлари зиёратгоҳларни

---

<sup>1</sup> Набиев А. Тарихий ўлкашунослик (Ўлкани ўрганишнинг асосий манбалиари) – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б.38.

<sup>2</sup> Мирзаев Ж. Термиз Сайидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 16.; Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Т: Шарқ, 2001. – Б. 41-62-71.

<sup>3</sup> Азимов И. Архитектура Узбекистана XVIII-нач. XX вв.: Традиции и локальные особенности. Докт. Дисс. Архитек. Наук. – Т.: 1999. – 343 с.

<sup>4</sup> Арапов А.В., Булатов М.С., Туйчиева Ю.Г. Забытый «язык» символов. Ак-Астана баба // Мозийдан садо. – 2000. № 2/( 14). – Б. 12.

ўрганиш бўйича муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>. Шунингдек, хориж тарихшунослигида ислом динида зиёратгоҳлар ва у билан боғлиқ масалаларга доир айрим маълумотлар илмий мақола кўринишида ҳам таҳлил қилинган. Жумладан, хориж тадқиқотчиси Д.ДеУиз<sup>2</sup>, Д.Монтгомери<sup>3</sup>, М.Ибади<sup>4</sup>, Т.Дадабаев<sup>5</sup>, Д.Абрамсон, Э.Каримов<sup>6</sup> тадқиқотларида ҳам зиёрат масаласининг турли жиҳатлари юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Умуман, бу тадқиқот ва маколаларда келтирилган маълумотлар Сурхондарё воҳаси ҳудуди зиёратгоҳлари тарихи ва унинг аҳоли маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрни каби масалаларни бутун ҳолатини кўрсатиб бермайди. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқот мавзусини ўрганиш бугунги кунда муҳим ва долзарб эканлигини тасдиқлайди.

<sup>1</sup> Gross J.A., Urunbaev A. The Letters of Khawaja ‘Ubayd Allah Ahrar and his Associates. – Leiden-Boston-Koln, 2002. – P. 21–22; ГроссДж. Мусульманскaя Центральная Азия: Религиозность и общество. – Душанбе: Деваштич, 2004. – С. 77; SchaibaniDishe Grabinschriften. Herausgege benvon Babadjanov B., Muminov A., Paul J. – Wiesbaden, 1997. –P. 17; ZarconeT. Farg’ona valiy-lari // Qodiriya tariqati. – Istambul, 1997. –С. 27–29; Хабиба Фатхи. Значение женских ритуалов «Биби Мушкулькушод» и «Биби Сешанбе» в современной Центральной Азии // Ўрта Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-кисм. – Т., 2005. –Б. 15; Кавахара Я. Офок хожанинг ўғли Хожа Ҳасаншажараси ҳакида // Шарқшунослик. – Тошкент, 2004. –№ 12. –Б. 98–103; Kawahara Y. Tadhkira of Khwaja Hasan Sahibqiran: Studyon Private Manuscriptin Ferghana Valley // Journal of Asian and African Studies. – Leiden-Boston-Koln, 2006. – №. 71. – P. 26–30.

<sup>2</sup> DeWeese D. Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tiikles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition. –Pennsilvania, 1994.–pp.73–78.

<sup>3</sup> David W. Montgomery, John Heathershaw. Islam, secularism anddanger: a reconsideration of the link between religiosity, radicalism and rebellion in Central Asia // Religion, State & Society – 2016. 44:3, – pp.192-218.

<sup>4</sup> MehdiEbadi. Shrine Pilgrimage (Ziyārat) inTurco-Iranian Cultural Regions // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 4: Iss. 1, Article 7. Volume 4(I) –2016. – pp. 70-77.

<sup>5</sup> Timur Dadabaev. Religiosity and Soviet ‘modernisation’ in Central Asia: locating religious traditions and rituals in recollections of antireligious policies in Uzbekistan // Religion, State and Society, – 2014. 42:4, – pp. 328-353.

<sup>6</sup> Abramson D., Karimov E. Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State.eds. Sahadeo, Jeff, Russell Zanca. // EverydayLife in CentralAsia Pastand Present. –Bloomington: Indiana University Press, 2007. –pp. 319–338.\

## **II БОБ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР, УЛАМОЛАР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЗИЁРАТГОХЛАРНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Сурхон воҳаси қадим тарихи билан боғлиқ исломгача бўлган давр ёдгорликлари**

Ўзбекистоннинг жанубий худуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти нафақат Марказий Осиё, балки Шарқнинг қадимги маданият марказларидан бири ҳисобланган. Қадимги Буюк Ипак йўлида жойлашган Сурхон воҳаси зардуштийлик, буддавийлик, христианик ва монийлик каби турли динларнинг шаклланиши, тараққий этишига асос солган. Сополлитепа, Жарқўтон, Айритом, Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа ва Қоратепа каби қадимий археологик ёдгорликлар худудда ўзига хос муқаддас диний обидалар, зиёратгоҳлар каби тарихий-археологик комплексни ташкил этади<sup>1</sup>.

**Сополлитепа ёдгорлиги** Сурхондарё вилояти Музработ туманинаги, Уланбулоқсой этакларида жойлашган. Мазкур ёдгорлик бронза даврига (мил.авв. XVII-XV асрлар) оид бўлиб А.Аскаров томонидан ўрганилган<sup>2</sup>. Ёдгорликнинг марказий қисмида жойлашган қалъа тўлиқ очиб ўрганилган. У квадрат шаклида бўлиб, томонлари 82x82 мга teng. Қалъа уч қатор мудофаа девори билан ўралган. Деворлар лабиринт системасида қурилган, Т шаклидаги кўринишга эга. Бу мудофаа девори шу қадар геометрик шакл ва аниқликда қурилганки, ташқи душман қалъа дарвозасини топиши ҳам мушкул бўлган. Қалъанинг ҳақиқий дарвозаси жануб томонда бўлиб, Т шаклидаги буржлар – деворлар ёрдамида яна худди шундай 7 та сохта дарвоза барпо қилинган. Сополлитепа қалъа деворлари 2 м баландликкача сақланиб қолган, хом ғиштдан терилган.

---

<sup>1</sup> Массон В.М. Культурогенез Древней Центральной Азии. – СПб: Изд-во СПбГУ. 2006. – С. 184.

<sup>2</sup> Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, 1977. – С. 23-29; Аскаров А. Сапаллитепа. – Т.: Фан, 1973. – С. 12-18.

Қалъа ичидә йирик патриархал оиласынан иборат 8 та маҳалла жойлашган. Маҳаллалар бир-бираидан йўл ва ҳовлилар билан ажратилган. Умуман, Сополлитепа қалъасида меҳмонхона, ошхона, ётоқхонадан иборат 146 та катта ва кичик хоналар мажмуаси очилган. Деворлари 46x24x13 см, 42x22x12 см ўлчамдаги хом гиштдан терилган. Ўйлар деворга ўрнатилган ўчоқлар билан иситилган.

Сополлитепада учта қурилиш даври бўлганини кузатилган. Ҳар бир қурилиш даврида у ёки бу хоналар ўзгартирилган, янги хоналар қурилган. Лекин 8 та маҳалла барча қурилиш даврида ўзгармай қолаверган.

**Сополлитепа қабрлари.** Сополлитепада жами 138 та қабр очилган, мурдалар хона поллари, деворлари, йўл тагларига кўмилган. 125 та қабрда биттадан скелет топилган, 13 та қабр эса колектив қабр ҳисобланади. 4 та қабрда ҳайвон суюклари учраган. 6 та қабр кенотаф қабр ҳисобланади. Аёллар чап, эркаклар ўнг биқини билан, гужанак ҳолда кўмилган. 29 та қабрда бронзадан ясалган идиш ва тақинчоқлар топилган. Шундан 23 таси аёллар, 6 таси эркаклар қабрига тўғри келади. Аёллар қабрида кўпроқ қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган тақинчоқлар, соч тўғнағичлар, ойна, сурмадон ва ўсмадонлар учрайди<sup>1</sup>. Тақинчоқлардан ташқари, аёллар меҳнати билан боғлиқ қуроллар – игна, урчуқлар кўплаб мавжуд. Эркаклар қабрида эса кўпроқ пичоқ, теша, болта ва жанг қуроллари – найза, камон, ханжар кабилар учрайди. Сополлитепа қабрларида, шахсий буюмлардан ташқари, кўмиш маросимида олиб келинган буюмлар ҳам топилади. Булар жумласига ҳар хил овқатлар солинган сопол, бронза ва ёғочдан ясалган идишлар, муҳрлар киради.

Юқорида эслаб ўтганимиздек, 4 та қабрда ҳайвон – эчки ва қўй скелетига дуч келинган. Бу қабрларда ҳам, худди одам қабрлари идеқ, бой ашёлар учраган. Олтита қабр эса, кенотаф (скелетсиз) қабрга оид. Кенотаф қабрларда ҳам сопол ва бронза идишлар учрайди. Сополлитепа қабрлари катакомба (лаҳад), болалар қабрлари эса оддий ўра кўринишида қазилган. Катакомба қабрлар аввал тўғри тўртбурчак шаклида қазилган, сўнг лаҳад қазилган. Тор лаҳад гишт билан ёпилган. Айрим ҳолларда одамларни хумларга солиб кўмиш

<sup>1</sup> Аскаров А. Саполлитепа. – Т.: Фан, 1973. – С. 42-58.

одати ҳам бўлган. Вафот этган шахсни уйларнинг поли, девори ёки эшиги тагига кўмиш одати Ўрта Осиёда энеолит давридан маълум. Бу одат Жанубий Туркманистон ҳудудида жойлашган, энеолит даврига оид Қорадепе<sup>1</sup>, Геоксур ўлкасида кўплаб учрайди<sup>2</sup>. Сополлитепа ёдгорлиги билан бир вақтга оид бўлган, Шимолий Афғонистонда жойлашган Даштли ёдгорлигига ҳам ўликни уйларнинг поли ёки деворлари тагига кўмиш одат бўлган<sup>3</sup>. Бу одат нафақат Ўрта Осиё, балки Эрон, Ҳиндистон ҳудудларига ҳам тааллуқлидир.

Сополлитепани ўрганиш мобайнида бронза даврига оид минглаб моддий маданият намуналари қўлга киритилди. Бу манбалар асосида қадим тарихимизни мумкин қадар аниқ тиклаш имкониятига эга бўлдик. Сополлитепа меъморчилиги қадимги Шарқ маданиятида қайтарилмас, бебаҳо манба хисобланса, ундан топилган нафис кулолчилик ашёлари, бронзадан ясалган, санъат асари даражасида ишланган тақинчоқлар, хўжалик идишлари ўша давр моддий маданиятини тавсифлашга имкон берди.

**Кулолчилик.** Сополлитепада ўрганилган хумдонлар икки ярусли бўлиб, пасти оловхона, усти эса сопол пишириладиган гумбазсимон мажмуудан иборат. Гумбазсимон сополхонага иссиклик тор мўрилар орқали ўтган. Олов тегмай, фақат хилда пишган сополлар сифатли бўлган. Сополлар кулолчилик чархларида тайёрланган. Идишлар ташки тарафидан оч сариқ, қизил ангоб билан бўялган. Сопол идишлар шаклига қараб кўза, коса, чойнак, қадаҳ, ваза, хум каби турларга бўлинади. Сополлитепа сополлари мажмууси, шаклига қараб, 14 типга бўлинган.

Тошдан ясалган идишлар. Сополлитепадан тошдан ясалган 9 дона идиш топилган. Улар оқ ва гулоби рангли бўлиб, мармар ҳамда юмшоқ жинсли тошлардан ясалган, коса ва кўза шаклида

<sup>1</sup> Массон В.М. Кара-депе у Артыка // Тр. Южно-Туркменистанской археологической комплексной экспедиции т. 10, – М.: 1960. – С. 7.

<sup>2</sup> Сарианиди. Энеолитическое поселение Геоксур // Труды ЮТАКЭ. Т. X. – С. 225-318

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Материалы Советско-Афганской экспедиции 1969-1974 гг. / Отв. ред. И.Т. Крутникова. – М.: 1975. – 172 с.

ишланган. Барча тош идишлар қабрлардан топилган, жуда кичик ва бежирим ишланган<sup>1</sup>.

**Мис ва бронзадан ишланган идишлар.** Металлдан ишланган идишларнинг умумий сони 29 та. Улар хўжалик идишлари (коса, жўмракли коса, кўза) ҳамда аёллар ишлатадиган ўсмадон ва сурмадонлардан иборат. Бундан ташқари, Сополлитепадан ёғоч, тери ва ҳайвон шохларидан ясалган идишлар ҳам топилган<sup>2</sup>.

**Мехнат ва жанг қуроллари.** Қуроллар асосан тошдан ясалган. Сополлитепадан топилган барг шаклида ишланган 57 та пайконнинг 55 таси чақмоктошдан, иккитаси эса бронза ва суяқдан ясалганлиги тоштарошликтининг ривожини кўрсатади. Тегирмон, кели, кели соплари каби қуроллар ҳам тошдан ясалган. 10 дона пичоқ, 3 дона болта, 2 дона теша каби топилмалар бронза даври меҳнат ва жанг қуролларини ўрганишда манба бўлиб хизмат қиласди.

**Тақинчоқлар.** Сополлитепани қазиши давомида бронзадан ишланган 12 та ойна топилган, улар доира шаклида, айримлари эса балдоқли. Худди шунча сурмадон ҳам топилган, улар шакл жиҳатидан графинни эслатади, аммо жуда кичик ва нозикишланган. Асосан аёллар қабрида учрайдиган мунчоқлар ложувард (кўк), сердолик (оч-қизил рангли), олачипор ақиқ ва онекс, феруз (яшил) каби қимматбаҳо тошлардан ясалган. Улар айлана, ромб, чўзинчоқ шаклларда бўлиб, ип ўтказилиб шода қилиб, бўйинга ва қўлга тақилган. Бронза даври аёллари мунчоқлар қатори қўлларига бронзадан ясалган балдоқлар ҳам тақишган. Сополлитепадан айлана шаклидаги 34 та балдоқ топилган. Балдоқларнинг айримларига симметрик жойлашган ҳайвон – илон тасвири туширилган. Сополлитепа аёллари кўпроқ айлана шаклидаги сирға тақишини хуш кўришган, бу фикрни Сополлитепадан топилган 22 та айлана шаклдаги сирғалар исботлайди. Улар бронза ва кумушдан ясалган. Сополлитепа аёллари соchlарини узун қилиб ўриб, турмаклаб қўйганлар. Аёллар қабрларидан топилган 29 та соч тўғнағич бунинг далилидир. Тўғнағичлар узун мих шаклида бўлиб, узунлиги

<sup>1</sup> Рахимов К.А. Типология сооружений и кухонной посуды, связанной с огнем на памятниках Сапаллинской культуры. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 2011. – С. 15–16.

<sup>2</sup> Аскаров А. Сапаллитепа. – Т.: Фан, 1973. – С. 71-90.

10 см дан 25 см гача боради. Уларнинг учлари ўткир, бош қисмida ҳар хил ҳайвонларнинг тасвири туширилган (кийик, буғу, илон ва бошқ.). Битта тўғнағич боши инсоннинг букилган мушти шаклида ишланган<sup>1</sup>.

Муҳрлар. Сополлитепани ўрганиш давомида топилган 22 та муҳрдан 14 таси бронзадан, 7 таси тошдан ва 1 таси сополдан ясалган. Сополлитепа муҳрларининг айримларига қанотларини ёйиб турган бургут, айримларига гул туширилган. Кўпроқ геометрик шакл туширилган муҳрлар характерлидир.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Сополлитепа мил. ав. XVII-XV асрларга оид. Сурхондарё вилояти худудида ундан қадимги дехқончилик маданияти ёдгорликлари ҳозирги кунгача аниқланмаган. Шунинг учун академик А.Аскаров Сополлитепанинг пайдо бўлишини Жанубий Туркманистонда яшаган бир гуруҳ аҳолининг кўчиб келиши билан боғлади. Ҳақиқатда ҳам, Сополлитепадан топилган ашёвий манбалар Мурғоб воҳаси бронза даври ёдгорликларига жуда ўхшаш<sup>2</sup>. 200 йилдан ошикроқ вақт мобайнида Сополлитепа аҳолиси битта жойда турғун ҳаёт кечирган. Сополлитепа жамоалар тараққиётининг қишлоқ жамоаси босқичига тўғри келади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, уч қатор мудофаа девори билан ўралган бу ёдгорлик ичida саккизта маҳалла – патриархал оиласалар жойлашган. Патриархал оиласаларнинг биронтаси ҳукмдор оила бўлганлиги тўғрисида археологик манба йўқ. Ёдгорликнинг симметрик плани ҳам оиласаларнинг teng ҳуқуқли бўлганлигини тасдиқлади. Қабрлар ва улардан топилган ашёлар сонининг статистик таҳлили Сополлитепа аҳолиси teng ҳуқуқли бўлганлигидан далолат беради. Демак, бу ёдгорлик саккизта патриархал оиласалан иборат бўлган қишлоқ жамоасидир.

Сополлитепа аҳолиси ишлаб чиқариш қучларини, яъни ҳунармандчиликнинг барча турларини (кулолчилик, нафис санъат), уй қурилиши, ҳарбий қуроллар, дехқончиликни имкониятлари борича ривожлантиришган. Бизнингча, жамоани янада ривожлантиришнинг учта йўли қолган: қўшни халқларни босиб олиб,

<sup>1</sup> Аскаров А. Сапаллитепа. – Т.: Фан, 1973. – С. 94-101.; Рахимов К.А. Очаги эпохи бронзы Джаркутана // ИМКУ. Вып. 31. – Самарканд, 2000. – С. 70–76.

<sup>2</sup> Аскаров А. Древнеземледельческая культура. – Т.: Фан, 1977. – Б. 212-227.

талаш; ташқи савдоны ривожлантириш; жамоа худудини кенгайтириш. Сополлитепа ахолиси учинчи йўлни танлаган. А.Аскаров Сополлитепанинг инқирози масаласини аҳолининг янги жойга, айнан Жарқўтон худудига кўчиши билан боғлади.

**Жарқўтон ёдгорлиги** бронза (жез) даврининг энг йирик ёдгорлиги бўлиб, у Шеробод тумани Бўстонсой этакларида жойлашган. Ёдгорлик З қисмдан: арқ, шаҳар ва қабристондан иборат. Жарқўтон ёдгорлиги 1970 йилдан буён ЎзР ФА археология институти томонидан ўрганиб келинади<sup>1</sup>.

Жарқўтон А.А. Аскаров томонидан қадимги Шарқ цивилизацияси га хос илк дехқончилик маданияти ёдгорлиги, Т.Ш. Ширинов томонидан илк шаҳар сифатида талқин қилинди.

1994-2003 йиллар давомида Жарқўтон ёдгорлигига Ўзбекистон-Германия археологик экспедицияси кўшимча илмий тадқиқотлар ўтказди. Қазишмалар асосан Жарқўтон ёдгорлигининг арқ, шаҳристон ва қабристонида олиб борилди.

Адабиётларда таъкидланиб келинаётган Жарқўтон ёдгорлигининг умумий майдони 100 гектардан ошиқ деган маълумотни нисбий тушунча деб караш керак. Ёдгорликнинг горизонтал стратиграфиясини инобатга олсак, бир вақтда 100 гектарлик майдонда шаҳар бўлган. Ёдгорликнинг қабристон жойлашган тепаликлари ни шаҳар худудидан ажратадиган бўлсак, янада соддароқ шаҳар бўлганлиги кўринади. Булар «арқ» ва унинг атрофида жойлашган саккизта катта патриархал уруғ жамоалари мажмуасидан иборат бўлган «шаҳристон»дир. Тепаликлар баландлиги жиҳатидан бирбиридан унчалик фарқ қилмайди.

Жарқўтон арки ёдгорликнинг шимоли-гарбий қисмида жойлашган, умумий майдони 3 гектар, атрофи 1, 20-1, 50 метр қалинликдаги мудофаа девори билан ўралган, гарбий томонида Жарқўтон “шоҳлар саройи” жойлашган. Аркнинг ички қисми кичик тепаликлар мажмуасидан иборат. Бу ерда А.А. Аскаров томонидан қазилган стратиграфик шурф натижасида Сополли маданияти ашёлари билан бирга, Кучук I даврига оид сополлар мажмууси топилган.

<sup>1</sup> Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Т.: Университет, 2004. – 109 б.; Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. – Т.: 2006. – 138 б.

Аркнинг шарқий қисмидаги олиб борилган қазишмалар натижасида 4 та хонадан иборат оила яшаган уй қолдиғи очилди. Ўйнинг умумий кўриниши тўғри тўрт бурчак шаклда бўлиб, узунлиги 16, эни 10,5 метр. Топилмалар орасида энг эътиборга молик ашё, бронздан ишланган пичоқ дастаси бўлиб, унинг гулмихлари темирдан ясалган. Бу топилма Ўрта Осиёда темирнинг пайдо бўлиши борасида янги фикр юритишга имкон беради. Ушбу топилма Сополли маданияти аҳлининг темирни билганлигини кўрсатувчи ашёвий манба бўлиб хизмат қиласди<sup>1</sup>.

Жарқўтон аркининг марказий қисмидаги, кўлами 25x25 метр майдонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида диаметри 0,90 метрдан 4 метргача келадиган 16 та чуқур жойлашганлиги қайд этилди. Бу чуқурлар ҳар хил даврларга оид бўлиб, бештаси Жарқўтон, учтаси Кўзали, учтаси Мўлали ва бўстон даврларига оид бўлса, бештаси Кучук I даврига оиддир.

Аркнинг жанубий қисмидаги олиб борилган тадқиқотлар натижасида катта патриархал оила яшаган кўп хонали уй қолдиклари очилди. Ҳозиргача ўрганилган жойда уйнинг ҳовлиси, тошдан терилган ҳовли йўлакчалари, ҳовлига тулашган яшаш хоналари ўрганилди. Иккита қурилиш даври аниқланди. Ҳовли ва йўлакчалар ҳар икки даврда ҳам фаолият кўрсатган. Сигиниш жойлари - алтарлар доира шаклида бўлиб, улар хона поллари сатҳига нисбатан 0,30-0,35 метр баландликда курилган. Алтарларнинг девори 0,20 метр баландликда бўлиб, оловда куймаган, ичидаги кул қатламлари кузатилди<sup>2</sup>. Кўп хонали уйнинг шимол томонида бир-бирига яқин қилиб курилган иккита хумдан жойлашган. Жарқўтон аркининг шимолий қисмидаги олиб борилган ишлар натижасида мавсумий ўчоқ ва хумдан очилди<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, Жарқўтон аркининг шимолий, марказий ва жанубий қисмларида олиб борилган ишлар натижасида аркнинг қурилиш усули аниқланди. Арк фақат Жарқўтон даврида фаолият

<sup>1</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана (на примере Бактрии). Автореф. дисс. докт. ист. наук. – Самарканд, 2009. – 58 с.

<sup>2</sup> Рахимов К.А. Отопительные и кухонные очаги сапаллинской культуры (по материалам раскопок арка Джаркутана) // ИМКУ. Вып. 36. – Т.: 2008. – С. 258–260

<sup>3</sup> Аскаров А. Древнеземледельческая культура. – Т.: Фан, 1977. – Б. 127-132.

этган. Унинг гарбий қисмида монументал бино – қалъа, арк атрофи бўйлаб патриархал оилалар яшаган уйлар жойлашган, марказий қисми эса кенг очик майдондан иборат бўлган<sup>1</sup>.

Жарқўтон “шахристони” аркининг шимолий-шарқий, шарқий ва жануб томонларида жойлашган. У саккизта тепаликлар мажмуасидан иборат. Ўзбек-Олмон экспедицияси №5, №6 ва №8 тепаликларда қазишмалар олиб борди. Натижада, №5 тепаликда бунёд этилган уйлар 1,25 метр қалинликдаги платформа устига курилганлиги аниqlанди.

Олтинчи сонли тепалик шахристон тепаликлари орасида энг баланд ва ёдгорликнинг марказий қисмида жойлашган. Бу ерда А.А. Аскаров ва Т.Ш. Ширинов томонидан Жарқўтон олов ибодатхонаси очилган<sup>2</sup>. Сўнгги йилларда бу тепаликда Д.Хуфф қазишиша ишларини олиб борди ва ибодатхона курилишигача ҳам №6 тепаликда маҳобатли иншоот бўлганлигини аниqlади. №6 тепаликнинг энг қуий қатламида жойлашган ушбу бино онгли равища илк Жарқўтон даврида бузиб ташланган ва бизгача бинонинг бир қатор ғишт баландлигидаги ҳолати сақланган. Ўрганилган бино тўғри тўрт бурчак шаклида бўлиб, 0,90 метр қалинликдаги девор билан ўралган. Ушбу бино ичидаги томонлари 7 метрдан иборат бўлган квадрат шаклли хона, атрофида эса йўлаксимон хоналардан иборат бўлган мажмуа очилди. Мажмуа деворлари ва поллари гипс билан сувалган ва бевосита «оқ сарой» ни эслатади.

Олтинчи сонли тепаликда жами тўртта курилиш даври кузатилди. Энг қадимгиси тўғри тўрт бурчак шаклли қалъа – «оқ сарой» бўлиб, қуий қатламда жойлашган, А.А. Аскаров ва Т.Ш. Ширинов томонидан эса ибодатхонанинг юқори учта курилиш даври ўрганилган<sup>3</sup>.

Шахристоннинг жанубий ва жанубий-гарбий томонида қабристон жойлашган бўлиб, улар олтига тепаликдан иборат. Шахристон ва

<sup>1</sup> Аскаров А. История материальной культуры Узбекистана. – Т: Фан, 1969. – С. 56-62.

<sup>2</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С. 67

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Раскопки монументального храма на Джар-кутане // Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках, искусствах архитектуры и археологии. – Т.: 1985. – С. 14-31.; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: ИА АН Руз, 1993. – 245 с.

қабристонни табиий жарлик ажратиб туради.

**Далварзинтепа ёдгорлиги.** Далварзинтепа – қадимги шаҳар ҳаробаси. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маркази – Шўрчи шаҳридан 10 км шимолий-шарқда жойлашган. Майдон 47 га. Далварзинтепа 2 қисмдан: қудратли мудофаа девори (қалинлиги 10 м.гача) билан ўраб олинган шоҳ сарой қальяси ва шаҳарнинг ўзидан иборат. Шаҳар ҳам мудофаанинг истеҳкомли тизимиға эга бўлиб, бу ерда аслзодалар, хунармандлар, кулоллар, савдогарлар ва руҳонийлар истиқомат қилишган. Ўзбекистон санъатшунослик иммий тадқиқот институтининг санъатшунослик экспедицияси Далварзинтепада 1962 йили дастлабки текширув ишларини ва 1967 йилдан буён муентазам археологик қидирув ишларини олиб боради. Душанбе шаҳрида «Кушонлар даврида Марказий Осиё» мавзууда ўтган халқаро симпозиуми (1968) да экспедиция топилмалари (ҳайкаллар, кулолчилик буюмлари, шаҳар мудофаа иншоотларини ўрганиш натижалари ва ҳ.к.) асосида Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа ўрнида бўлган, деган фараз олдинга сурилган эди. Мил. ав. II аср охири – I асрларда ҳозирги Далварзинтепа ўрнида кичик манзилгоҳ пайдо бўлган. Кушон подшоларидан Канишка даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида шаклланган. Миль. авв. 1-аср охири – миль. бошларида Шимолий Бактрия ҳудудида Далварзинтепадан бошқа бунчалик йирик шаҳар манбаларда қайд этилмаган. Шаҳар ҳудудида уни бир қанча маҳаллаларга ажратган шоҳ кўчалар, шунингдек, тор кўчалар бўлган. Кенглиги 12 м.га яқин шоҳ кўчалардан бири бадавлат фуқароларнинг уйларидан иккитасига (дала белгиси: ДТ-5 ва ДТ-6) бориб такалади. 1972 йилги экспедиция шу уйларнинг биридан вазни салкам 36 кг чамаси келадиган олтин безаклардан ва ёмбилардан иборат ноёб ҳазинани ва фил суюгидан ишланган, дунёда энг қадимги бўлган шахмат доналарини топди (қаранг Далварзинтепа ҳазинаси). Бадавлат фуқароларнинг маҳалласидан ташқари шаҳарда, аркка (қўргонга) яқин ерда хунармандлар ва кулолларнинг уйлари жойлашган<sup>1</sup>. Шу ерда кўп хонали уй, кулолчилик

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций) // Автореф. дисс. докт. ист. наук. – М., 1976. – С. 48

буюмларини қуритиш майдончаси ва 11 хумдон очилди. Қадимги шаробпазлар яшаб, ишлаган уйлар ва мусалласхоналар шаҳарнинг қарши томонида жойлашган. Далварзинтепанинг шимолий-ғарбий қисмидан Кушон маъбудаларидан бирига бағишлиланган ибодатхона топилган. Шаҳар девори ташқарисида эса будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган даҳма топилди. Асосий шоҳ кўчалардан бири ўтган шаҳар марказида будда мажмуаси – улуғвор ҳайкаллари бўлган ибодатхона қад кўтарган (дала белгиси: ДТ-25)<sup>1</sup>. Миль. III аср охири – IV аср бошларида Кушон подшолиги эфталийлар томонидан забт этилгандан кейин Далварзинтепа вайрон қилиниб, ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина сақланиб келган<sup>2</sup>.

Араблар истилосидан сўнг шаҳар батамом вайрон қилиниб, ҳаёт Далварзинтепадан 10 км чамаси шарққа, Будрачтепа ўрнига кўчган. 1989 йил Далварзинтепани ўрганишда янги босқич бўлди – Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси билан Япониянинг Токиодаги Сока университети ва Кашихарадаги Археология институтининг проф. Кюдзо Като раҳбарлигидаги экспедицияси қамкорликда иш олиб боришиди. Марказий Осиё буддавийлик тарихини ўрганиш, буддавийлик персонажлари иконографияси, шақарсозлик жараёнининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятлари, давлатчиликнинг шаклланиши, Буюк ипак йўли излари, Ку-шонлар давридаги диний эътиқодларнинг ўзаро таъсири ва улар Бақтрия-Тоҳаристон санъатидаги акс эттирилиши япон ва ўзбек олимлари олдидаги энг долзарб илмий муаммолар қаторида туради.

**Фаёзтепа ёдгорлиги.** Фаёзтепа – мил. I-III асрларга оид будда монастир ибодатхона мажмуаси (вихара). Термиз ш. яқинидаги Эски Термиз шаҳар ҳаробаларининг шимолий-ғарбидаги Қоратепадан 1 км шимолий-шарқда жойлашган. Фаёзтепанинг очилиши 1968 йил баҳорида чўпон Абсад Бекнаев томонидан мергелий оҳак тошидан ишланган будда санамини кўчма кум устидан топиб, Термиз

<sup>1</sup> Пугаченкова Г.А. Из недавних открытий в Южном Узбекистане (к проблемам бактрийской городской культуры) // Памятники культуры. Новые открытия. Письменность. Искусство. Археология. 1974. – М., 1975. – С. 412-433.

<sup>2</sup> Iejrd. The role and significance of the Dalvarzintepa archeological site in the artistic heritage of Uzbekistan // OSF, 22 May 2021. Web. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/V8EUS>

ўлкашунослик музейига топширишидан бошланди. Ёдгорлик 1968-76 йилларда археолог Л. И. Альбаум томонидан ўрганилди<sup>1</sup>.

Фаёзтепа майдони күчма құмлар уюмидан тозаланғач, унинг меъморий тарҳи очилиб, юз қисмдан иборат монументал иншоот, яни марказий қисміда – ибодатхона, унинг шимолий-ғарбида монастир, жанубий-шарқида эса хўжалик қурилиш иншоотларидан иборатлиги аниқланган.

Мажмуанинг умумий майдони 1,5 минг кв. м га яқин. Ибодатхона таркибининг асосий қисмларидан бири – ступа бўлиб, у бошқа ибодатхоналардан фарқли ўлароқ, ибодатхона ҳовлисининг марказида эмас, балки унинг ташқарисида, муқаддас саждагоҳ билан бир параллел чизикда жойлашган. Улар ўзаро ҳовли майдонини кесиб ўтган ғишт ва мергелий тоши тўшалган йўлакча билан боғланган. Ибодатхонанинг муқаддас саждагоҳида Будда ҳайкали (Бодхисатва) жойлашган, саждагоҳ деворлари ранг-баранг деворий суратлар билан безатилган. Деворлар ости бўйлаб ўз вактида будда ҳайкаллари (бал. 4 м) кўйилган. Кўпчилик ҳайкаллар қизил ранг билан бўялган, сўнг устидан олтин суви юргизилган. Саждагоҳ жанубий деворида қизил кийимда Будда тасвири сакланган. Унинг 2 томонидан елкаларига елқапўш ташлаган узун кийимдаги 2 одам расми туширилган. Улардан бири Буддага қараб сажда қилмоқда. Саждагоҳнинг шарқий деворида ҳам қандайдир деворий расмлар изи кўринади. Хонадаги сувоқ парчаларида ҳар хил одамларнинг расмлари учрайди. 60x80 смли бир сувоқ парчасида Буддага юзланган 2 та эркакнинг расми топилган<sup>2</sup>.

Ҳар 2 шакл қиёфасига кўра, бақтриялик Будда ихлосмандлари бўлиб, уларнинг Буддага сажда қилиш ҳолати тасвиранган. Ушбу хонада ганчкори ҳайкал бўлаклари кўплаб учрайди. Ҳатто хонанинг шарқий девори остида ҳайкаллар учун пишиқ ғиштдан маҳсус тагкурси курилган, унинг усти эса мергелий тош парчалари билан силлиқ килиб қопланган. Ҳайкалларнинг кўпчилиги эса сомон кўшилган лойдан ясалиб, уларнинг сиртига ганч қоплама берилган.

<sup>1</sup> Альбаум Л. И. Раскопки буддийского комплекса Фаяэтепа // Древняя Бактрия. – Л., 1974. – С. 34-46.

<sup>2</sup> Альбаум Л.И. Исследование Фаяэтепа в 1973 г. // Бактрийские древности. – Л., 1976. – С. 14-18.

Ҳайкалларнинг боши маҳсус қолипда қўйилган. Қўл ва оёқлари алоҳида ясалиб, сўнг улар ҳайкал танасига ёпиширилган. Фаёзтепа ҳайкаллари орасида ганчдан ишланган Будданинг бош қисми диққатни ўзига тортади. Унинг тутамланган қопкора соchlари, фу-сункор чехраси унга гўзаллик бағишлади. Буддани бундай ишланиши күшонлар даври ёдгорлигида биринчи бор учраши эди. Ушбу муқаддас саждагоҳ эшиги қаршисида яхлит мергелий тошидан ясалган ноёб санъат асари – триада топилган. Триада марказида ипак мантияга ўралган Будда арка ва муқаддас бодха дарахти шоҳлари остида ўтирибди, 2 ёнида тик турган роҳиблар эса унга илтижо қилиб турган ҳолатда тасвирланган. Саждагоҳдан 2 та Ка-нишка ва битта Васудева танглари топилган.

Ибодатхона ҳовлиси тўғри тўртбурчак шаклида, майдони 33x20 м, унинг тўрт томони бўйлаб будда роҳибларининг эшиклари ҳовлига қаратилган хоналари жойлашган. Ибодатхона ҳовлиси ушбу хоналарнинг ҳовли томон деворлари бўйлаб яхлит узун айвон билан ўраб олинган. Айвон деворлари рангбаранг деворий расмлар билан безатилган. Рангли деворий безаклар айвон деворининг пастки қисмидагина сақланган. Айвон ости бўйлаб супа жойлашган.

Ибодатхона ҳовлисининг шимолий-гарбий қисмida, мергелий тош парчаларидан трапеция шаклида қурилган ҳовузча бўлиб, унинг томонини пастки қисмida сув оқизишга мўлжалланиб, тешикча ясалган. Тешикча жағлари кенг очилган шер боши қиёфасида ишланган. Бундай ҳовузларда тоза сув сақланган. Шер күшонлар даври санъатида Будданинг куч ва қудрат тимсоли сифатида ўз аксини топган. Диний мажмуанинг 2 қисми – монастир бўлиб, у ибодатхона билан ҳовли гарбий деворидан очилган эшик орқали боғланган. Монастир майдонида жойлашган хоналарда роҳиблар ва монастир талабалари истиқомат килишган, монастирда ўкув хоналари ва заллари, зиёратчилар тўхтаб ўтадиган ётоқхоналар жойлашган. Хоналар деворларида пилта чироқ ёритқичлари учун токчалар ишланган. Айрим хоналарнинг девори остида Будда ҳайкаллари ва уларни ўрнатиш учун супа тагкурсилар қурилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Альбаум Л.И. Исследование Фаязтепа в 1973 г. // Бактрийские древности. – Л., 1976. – С. 14-16.

Демак, роҳиб ва талабалар ҳамда зиёратчи сайёхлар марказий ибодатхонада диний маросимлар тўхтаган вақтда ўз ибодатлари ни монастир саждагоҳларида амалга оширганлар. Ибодатхонанинг жанубий-шарқида унинг хўжалик қисми жойлашган. Унинг майдони квадрат шаклида, ҳажми  $34,5 \times 33,5$  м. У ибодатхона билан эшик орқали боғланган. Ибодатхонанинг хўжалик қисмидаги 15 та хона очилган, уларнинг кўпчилигига ўчок қолдиқлари топилган. Мажмуя деворлари пахса билан тикланган, хоналардаги сўри супалар ва деворларнинг таъмири фишт билан урилган. Ҳамма хоналар сомон сувоқ қилинган, фақат иккита хона деворлари ганч билан сувалган. Бу 2 хона ибодатхона хўжалик қисмининг саждагоҳлари бўлган, деб фараз қилинади. Иккита хонадан тандир қолдиқлари ва қалин кул уюми топилган. Тандирли хоналарни қазиш вақтида кўплаб ҳайвон суяклари, хум, коса, нимкоса, сопол қадаҳ парчалари чиқкан. Хумлардан бошқа барча идишлар кулолчилик чархида ясалган ва оч қизил рангли ангоб биланқопланган. Сопол сирти арча баргли, дисксимон накшлар билан безагилган. Шунингдек, сопол парчаларига яланг оёқ Будда товон излари туширилган.

Сополлар ичидаги пилта чироқлар ва сопол қозонлар кўплаб учрайди. Бир хонадан сопол қувур топилган. Фаёзтепага Амударёдан сув келтирилганлигига ишора қилувчи канал изи ўрганилган. Ушбу каналга Амударёдан чиғир орқали сув чиқарилган, деб фараз қилинади. Ибодатхона хўжалик қисмининг катта ҳовлиси айланаси бўйлаб кенглиги 0,7 м ли супа курилган. Уни қазиш вақтида сон-саноқсиз турли ҳайвон суяклари топилган, кўплаб сопол коса ва қадаҳ, парчалари учратилган<sup>1</sup>. Ушбу ҳовли Будда ва унинг роҳиблари атаб курбонлик қиласиган жой сифатида талқин қилинади.

Фаёзтепа мажмуасининг деворлари, асосан, пахса ва ғиштдан курилган, айниқса, монастир ва ибодатхона деворларининг баландлиги 3 м гача сақланган. Ибодатхона хўжалик қисмининг жанубий шарқий деворлари яхши сақланмаган. Барча деворлар сомонли лой билан сувалган бўлиб, кўп ҳолларда сувоқ устига оқ рангда жило берилиб, унинг усти рангли расмлар билан безатилган.

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. Вып. 4. – М., 1974. – С. 62

Фаёзтепа Эрон сосонийларининг босқинчилек ҳужумлари натижасида харобага айланган. V аср – VI асрнинг 1-ярмида ибодатхона вайроналаридан эфталийлар даҳма сифатида фойдаланганлар. Араблар истилоси даврида Фаёзтепа бутунлай вайрон қилинган, кейинчилик у кўчма қўмлар остида қолиб кетган.

**Қоратепа ёдгорлиги.** Қоратепа – будда гор ибодатхоналар мажмуаси (милодий I-III асрлар). Эски Термизнинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб 1926-28 йилларда Москвадаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейи экспедицияси очган. 1937 йилда М. Е. Массон ва Е. Г. Пчелина текширган. 1960 йилларда археолог Б. Я. Ставиский қазиш ишлари олиб борган<sup>1</sup>. Ҳозирда Ўзбекистон – Япония қўшма археология экспедицияси иш олиб бормоқда.

Обида 3 та табиий тепаликда курилган. Умумий майдони 8 га дан зиёд. Жанубий дўнгликда 15 дан зиёд гор мажмуаси бўлган. Ғарбий дўнгликдаги гор мажмуаси 5тадан ортиқ бўлмаган. Шимоли дўнгликнинг шарқий қисмини ер юзасида жойлашган монументал мажмуа эгаллаган, ғарбий қисмини эса ер юзасига курилган унча ҳашаматли бўлмаган ибодатхоналар банд қилган.

Қоратепадаги ҳамма иморатлар турли вактларда барпо этилган. Кейинчалик аввалгиларига ёndoш қилиб курилган, сўнг улар билан бир вазифани бажаришган. Ҳаммаси бир неча бор таъмирланган ва тархи ўзгартирилган. Ибодатхоналар ёки бошқа муқаддас жойлар ичи мавзули (сюжетли) ва нақшинкор безак, лойганч, ганч, тош ҳайкали билан безатилган.

Гор ибодатхоналарини қуриш қоидалари хинклардан ўзластирилган. Аммо кейинроқ курилганларини режалашда бақтрийларнинг меъморий усуллари устун туради<sup>2</sup>.

Қоратепадаги дастлабки буддавий ибодат иншоотлари, афтидан, милодий I асрда қурила бошлаган. Қоратепанинг энг гуллаган даври милодий II-III асрларга тўғри келиб, бу пайтда ибодатхоналар кўплаб курилган, аввалгилари эса янгилangan ҳамда безатилган. Бу

<sup>1</sup> Массон В.М. Новые раскопки на Джейтуне и Кара-тепе // СА. Вып. №3. – М., 1962. – С. 161-165.

<sup>2</sup> Писарчик А.К. Традиционные способы отопления жилищ оседлого населения Средней Азии в XIX–XX вв. // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М.: 1982. – С. 101.

жараёнда күшоншохлар, уларнинг ноиблари, шаҳар ҳокимлари ва бадавлат шаҳарликларнинг ҳомийлиги ҳамда мадади муҳим ўрин тутган. Қоратепадан топилган, бағишлиов битиклари булган сополлар бу ҳолатни аник кўрсатади. Битикларга кўра, Қоратепадаги айрим мажмуютлар Кхадевакихара – Подшо монастири, Вхара Гулавхара вхад – Гулавхара ўғли (Гондафар) Вихараси, Окавихара деб номланган. Қоратепа битикларида роҳиблардан Буддашир, Буддхамитра, Живананда исмлари эслатиб ўтилган. Бой эркак ва аёл ҳомийлар қиёфаси расмларда ҳамда ҳайкалларда сақланиб қолган. Қоратепадан қўплаб будда ҳайкаллари топилган.

Милодий III аср охирига келиб Қоратепа мажмуалари инқирозга юз тутди ёки вайрон этилди. Бу сосонийларнинг Күшон давлатига қилган ҳарбий юришлари билан боғлиқ бўлса керак. Айрим мажмуютлар хоналарига оташкадалар ўрнатилган. Айни маҳалда Қоратепа мажмуютларининг муайян қисми милодий IV аср охири – V аср бошигача ишлаб турган. Милодий IV асрдаёқ Қоратепадаги қўплаб ташландик хоналар ва ғор ибодатхоналаридан қабр сифатида фойдаланилган, сўнг кириш жойлари хом ғишт билан уриб юборилган. Энг дастлабки қабрлар ёнида күшон-сосоний типидаги тангалар, Пероз тангалари ва унга тақлидан зарб қилинган тангалар учрайди<sup>1</sup>, кейинги қабрларда эса милодий V-VI асрлардаги Термиз ҳукмдорлари тангалари топилган, уларнинг бир томонида лангар тасвирланган. VII асрдан XII асргacha Қоратепадаги ярим кўмилган айрим хоналар ва горлардан зоҳидлар фойдаланишган.

Қоратепадан топилган расмлар, ҳайкаллар ва бошқа декоратив-амалий санъат буюмлари күшонлар давридан Тармита – Термизда ўзига хос анъана ва йўналишга эга бўлган алоҳида бадиий мактаб бўлганидан далолат беради. Бу мактаб күшонлар даврида Бақтрия бадиий маданиятигини эмас, балки бутун антик маданиятнинг ривожланишида катта роль ўйнайди.

Қазиши пайтида Қоратепадан Күшон подшолиги даврига оид сопол идишлар, коса ва кўзачалар, мис чақалар, оҳактошдан ишланган меъморлик деталлари, плиталар, сопол чироғдонлар топилган. Топилмалар ичida 70 дан ортиқ сопол идиш синикларига ҳиндча

<sup>1</sup> Массон В.М. Новые раскопки на Джейтуне и Кара-тепе // СА. Вып. №3. – М.: 1962. – С. 162.

битилган ёзувлар (кхароштҳи ва браҳма ёзувлари) ва деворларга чизилган кушон-бақтрия ҳамда форс-паҳлавий ёзувлари характерлидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Сополлитепа ёдгорлиги (мил. ав. XVII-XV асрлар) саккизта патриахал оиласдан иборат бўлган, улар хунармандчиликнинг барча турини ривожлантиришган. Сополлитепа инқирози янги жой бўлган Жарқўтонга кўчиш билан боғлиқ бўлган.

Жарқўтон (мил.ав. XV-XIV асрлар) бронза даврининг энг йирик ёдгорлиги бўлиб, 3 қисмдан: арқ, шаҳар ва қабристондан иборат илк шаҳар сифатида талқин қилинган. Жарқўтон ибодатхонаси бронза даврига оид оташпарамстликнинг йирик диний эътиқод ва мафкура маркази бўлган. Зардустийлик дини билан бирга диннинг бошқа бир кўриниши зоолатрик диний қарашларнинг ҳам бўлганлиги аниқланган.

Далварзинтепа (мил. ав. I аср охири ва мил.бошлари) Шимолий Бақтриядаги энг йирик шаҳар бўлиб, Кушон подшолиги пойтахти бўлган. У ердан топилган лой ва ганчдан ясалган кўпдан кўп турли ҳайкаллар Сурхон воҳасида қадимда ўзига хос юксак тасвирий санъат маданияти яратилганини исботлайди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди хисобланган ҳозирги Сурхондарё виялотида Фаёзтепа (милодий I-III асрлар) ва Қоратепа (милодий I-III асрлар) тарихий археологик ёдгорликлари жаҳон цивилизациясининг намунасиdir. Мазкур объектлар қадимги даврда айнан шу ўлкаларда буддизм дини билан боғлиқ анъаналрнинг мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Будда ибодатхоналаридан чиқган қимматбаҳо ҳайкаллар ва бошқа тасвирий санъат обьектлари айниқса нодир ва ноёбdir. Бундай тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлиқ ёдгорликлари ўз даврининг ҳаётӣ, мафкуравий ва диний эътиқодлари, маданий ва маънавий ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи қимматбаҳо манба хисобланади.

## **2.2. Сурхондарё вилоятида ислом дини билан бөғлиқ зиёратгоҳларнинг географик жойлашуви ва персонофикацияси таҳлили**

Сурхон воҳасидаги муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш ва уларни илмий таҳлил этишда уни юзага келтирган ижтимоий-иқтисодий ва маданий воқеликлар алоҳида аҳамият қасб этади. Муқаддас зиёратгоҳда дағн этилган шахсларнинг халқ олдидаги хизматлари, тинчликни сақлаш, юртни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиш ва ғалабани таъминлашдаги кароматлари, турли касалликлар ва оғатларнинг олдини олишдаги харакатлари халқ томонидан эътироф этилган.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда Сурхон воҳасининг ўзига хос қадимий ва тарихий обидалари қадимшунос олимлар томонидан ўрганилиб, муқаддас зиёратгоҳларнинг ҳудуди, географик жойлашуви, архитектураси ва меъморчилигини илмий таҳлил килиш масаласида бир қатор натижаларга эришилди<sup>1</sup>. Чунки Сурхондарёда дунёга машҳур ва мусулмон оламида алоҳида хурматга сазовор бўлган Абдуллоҳ Термизий, Адаб Собир Термизий, Аловуддин Термизий, Аҳмад Термизий<sup>2</sup>, Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Абу Исо Термизий, Абул Музаффар Термизий, Сайид Бурхониддин Термизий, Ҳожа Алоуддин Аттор, Дақиқий, Аъло ал-Мулк, Ҳожа Самандар Термизий каби алломалар етишиб чиқкан ва улар исломий

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда каранг: Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001. – 384 б.; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – 590 б.; Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2008. – 152 б.; Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т.: Akademnashr, 2012. – 560 б.; Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Т.: Yangi nashr, 2017. – 352 б.; Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жарқўргон тарихидан лавҳалар. – Т.: Yangi nashr, 2019. – 320 б.; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – 590 б.

<sup>2</sup> Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2008. – Б. 120-124.

илмларнинг соҳиблари сифатида фаолият олиб борганлар<sup>1</sup>. Тарихчи Абдулкарим ас-Самъоний “Ал-Ансоб” (Насабнома) деб номланган асарида Термизнинг қадимий шаҳар эканини алоҳида қайд этиб, ундан кўп уламолар, машойихлар ва фозиллар етишиб чиққанини келтириб ўтади. Машҳур олимлар сифатида Исҳоқ ибн Иброҳим Термизий, Абу Аҳмад ибн Ҳасан Термизий, машойихлардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий ва Абу Бакр Варроқ Термизий номларини қайд этади<sup>2</sup>.

Тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий 1527 йилда ёзган “Шарафномаи шоҳий” (Подшони шарафловчи китоб) асарида Термизнинг Балх ҳукмдорига бўйсунганини ва Абдуллахон шаҳарни қамал қилишдан олдин Ҳаким Термизий ва Абу Бакр Варроқ мозорлари шайхларини катта совғалар билан сийлаб, ҳурмат-эҳтиром қўрсатганини маълум қиласди<sup>3</sup>. Шарафуддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида 1399 йилнинг 11 сентябрида Кешдан Балхга йўл олган Амир Темур бир қанча термизлик алломалар қабрини зиёрат қиласиди. Унинг ёзишича, булар Ҳаким Термизий ва Шайх Абу Бакр Варроқ қабрлари бўлиб, 1404 йилда юришдан қайтаётганда термиз саййидларидан Худовандзода Аъло ал-Мулк хонадонига тушиб ўтган<sup>4</sup>.

Сурхондарё вилоятидаги энг йирик зиёратгоҳлар асосан Термиз ва унинг атрофида жойлашган бўлиб, улар қаторига Ҳаким Термизий, Зу-л-Кифл, Қирқ қиз мажмуи, Султон Содот мақбараалар мажмуи, Кокилдор ота, Мурч бобо сағанаси каби ёдгорликлар киради. Бу обьектлар турли давр воқеа-ходисалари таъсирида шаклланган бўлиб, ўзининг географик ва тарихий жойлашуви билан бошқалардан ажralиб туради.

---

<sup>1</sup> Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 8-15.

<sup>2</sup> Абду-л-Карим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома) / Тарж.: Абдулғафур Рассоқ, Комилжон Раҳимов. – Т.: Hilol nashr, 2017. – Б. 143-147.

<sup>3</sup> Холиков З., Дежимуродов Х. Термиз ва Ҷагониённинг ўрта асрлардаги тарихий географияси // Moziydan sado. – 2004, 2-сон. – Б. 22-24.

<sup>4</sup> Алиев Б., Холиков З. Термиз ва Ҷагониён тарихий манбаларда // Moziydan sado. – 2001, 4(12)-сон. – Б. 5-9

Воҳадаги муқаддас қадамжоларнинг аксариятини рамзий қабрлар ташкил этган бўлиб, уларни ўрганишда айнан шу жиҳатига, яъни қабрнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра, икки гурухга таснифлаш мумкин:

1. Шахс Дафн этилган қабрлар (ҳақиқий). Қабрлари мавжуд худудда ислом дини уламолари, ҳадисшунос олимлар ва тарихий шахслар номи билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар.

2. Рамзий қадамжолар. Рамзий зиёратгоҳга айланганлари халқ орасида хурматга сазовор киши ёки ислом йўлидаги саҳоба, пир, сайдид, тўра, авлиё ва диний унвонларга лойик кўрилган шахс номи билан боғлиқ ёки шахси номаълум афсоналарга асосланган ташриф масканлари ташкил этади. “Рамзий қабр” арабча “рамз”, “белги”, “ишора” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тили этимолологик лугатига кўра, “ишора қилиб турувчи” маъносини билдиради, яъни умумий тушунчада хурмат ишораси, белгиси сифатида ўзлаштирилган.

Сурхондарёнинг муқаддас зиёратгоҳлари кесимида бир муҳим ҳолатни кузатиш мумкин. Хусусан, машҳур шахслар номи билан аталган ҳамда муқаддас деб қаралган ташриф масканлари худуд мавқеини кўтариш имконига эга бўлади. Шу маънода айтиш мумкинки, Сурхон воҳасидаги зиёратгоҳларнинг аксар қисмини ислом йўлида хизмат қилган, ислом дини ва маданияти тараққиётiga хисса қўшган машҳур шахсларнинг исмлари билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Тасаввуф илмининг Термизда кенг тармоқ отиш сабабларидан бири шуки, Термиз карvon йўллари ўзаро кесишиган худудда жойлашиб, Бухоро ва Самарқанд шаҳрини Балх билан боғлаган бўлса, ўрта асрларда маданий-маърифий марказ ва IX-X асрларда дунё диний илми ривожланган худуд, саййидлар ва фозиллар етиштирган юрт ҳисобланган. Шеробод туманида ислом дунёси ҳадисшунослигига Имом Бухорийдан кейин иккинчи ўринда турувчи аллома, кўплаб асрлар муаллифи, муҳаддис олим Абу Исо Термизий дафн этилган (X-XI асрлар) зиёратгоҳ бўлиб, у туманинг шарқий томонида. яъни олти километр масофадаги Яхтийўл маҳалласи худудидаги қабристон ёнида жойлашган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани Яхтийўл маҳалласи. 2019 йил, 7 август. 4-дафтар.

Ислом оламида “Сиҳихи сittа” (Олти ишончли тўплам) номи билан машхур ҳадис китобларидан бирининг муаллифи, буюк мухаддис алломанинг тўлиқ исми – Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даххок ас-Суламий ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, у хижрий 209 (мил. 824) йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида таваллуд топган<sup>1</sup>. Ибн Амирнинг қайд этишича, Термиздан олти фарсаҳ (48 км) узоқликда жойлашган Буғ деган (ҳозирги Шеробод шаҳридан 6 км шарқда жойлашган) қишлоқда хижрий 279 йил 13 ражаб/милодий 892 йил 8 октябрда душанба куни вафот этган<sup>2</sup>.

Абу Исо Термизий ёшлигидан зийрак ва акл-идрокли бўлиб, аввал Термизда, кейин Бухорода таълим олган. У талабалик йилларида ҳадис илмига жуда қизиқкан. Шундай қизиқиш туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Ёшлигидан илм-фанга ташна бўлган Абу Исо Термизий 26 ёшидан бошлаб, ислом таълимоти ва ҳадиснавислиги билан бир қаторда Макка, Мадина, Ироқ, Хуросон, Дамашқ каби шаҳарларда қироат, баён, фикх, тарих ва фалакиёт каби фан соҳаларини ўрганиб, йирик комусий олим даражасига кўтарилиган ва илм оламида таникли кишига айланган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Абу Исо Муҳаммад Термизий. Сунани Термизий (ҳадис тўплами) / Тарж.: Мирзо Кенжабек. – Т.: Адолат, 1999. – Б. 12; Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 6.

<sup>2</sup> Асомиддин Т., Жўраев Н. Термизлик буюк сиймолар. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2001. – Б. 18.

<sup>3</sup> Қодиров Б.О., Ҳайдаров Т.Х. “Саҳихи Термизий” – жаҳон илм хазинасининг нодир намунаси // ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги ҳалқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 52-55.; Турсунов С. Термизий буюк сиймолар. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 20.

Абу Исо Термизий Имом -Бухорийнинг шогирди бўлиб<sup>1</sup>, Қутайба ибн Саид ал-Бағдодий, Али ибн Ҳажар, Марвазий, Ҳаннод ибн Сиррий Куфий, Абу Курайб Муҳаммад ибн Мусо Басрий, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Доримий Самарқандий<sup>2</sup> ва бошқа кўплаб Ироқ ва Ҳижоз машойихларидан ҳам илм олган. Ўз юртларида эса, Муҳаммад ибн Саҳл Фаззол, Бақр ибн Муҳаммад Дехқон, Абу Назр Рашодий, Ҳаммод ибн Шокир Насафий, Абу-л-‘Аббос Маҳбубий, Марвазий ва Ҳайсам ибн Кулайб Шоший каби зотларга шогирд тушиб, ҳадис илмини ўргангандарлар<sup>3</sup>.

Имом Термизийнинг асарлари ислом дунёсида мўътабар ҳисобланиб, “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” (Ишончли тўплам), “ал-Жомеъ ал-Кабир” (Катта тўплам), “Саҳиҳ ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий” (Термизий суннатлари), “аш-Шамоил ан-набавия” (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари), “Улум ал-ҳадис” (Ҳадис илмлари), “ал-Илал фил-ҳадис” (Ҳадислардаги иллатлар ёки нуқсонлар) каби номлар билан ҳам юритилган<sup>4</sup>.

Сурхондарё воҳасидан термизий нисбаси билан ижод қилган олимлар жуда кўп бўлган. Кейинги даврда исломий илмлар ривожида турли соҳаларда фаолият юритган олимлар силсиласи вужудга келишига сабаб солган. Айтиш лозимки, бунда Марказий Осиёда айнан тасаввуф таълимоти етакчилик қилган ва ҳакимия тариқатининг вужудга келишига асос бўлган<sup>5</sup>, Сурхондарё тасаввуф мактабининг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Уватов У. Мовароуннаҳр ва Ҳурросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий): Тар. фан. док. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 44 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Алимова М. Имом ад-Доримийнинг ҳадис илми ривожига кўшган хиссаси: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 27 б.

<sup>3</sup> Абду-л-Карим ас-Самъоний, ал-Ансоб (Насабнома) / Тарж.: Абдул-Фоғир Рассоқ, Комилжон Раҳимов. – Бухоро: Бухоро, 2002. – Б. 64.

<sup>4</sup> Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 11-12. (Обш 78) Уватов У. Имом ат-Термизий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O‘zbekiston, 2018. – Б. 19-28.

<sup>5</sup> Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Akademnashr, 2020. – Б. 33.

отаси Ҳаким Термизий бўлиб<sup>1</sup>, Термиз туманида у зотнинг шарафига X-XIV асрларга тегишли мейманий ёдгорлик мажмуаси барпо этилган. Мазкур зиёратгоҳ IX асрда яшаб фаолият юритган ҳакимиyлиқ тариқатининг асосчиси, термизлик машхур олим, катор диний-фалсафий асарлар муаллифи, йирик зоҳид Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳусайн<sup>2</sup> Ҳаким Термизий (ваф. 869)<sup>3</sup> номи билан боғлиқдир.

Ҳаким Термизий нафақат зоҳирий, шу билан бирга, ботиний илмларни чукур эгаллаган уламолардан биридир. “Ал-Ҳаким”<sup>4</sup>,

---

<sup>1</sup> Ҳаким ат-Термизий шахси ва ижодиёти ҳақида батафсил каранг: Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 56.; Аннаев Т.Ж. ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Мерос, 1998. – 78 б.; Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Т.: Университет. 2000. 96 б.; Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – Т.: ЎМЭ, 20017. 528 б.; ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Маънавият, 2001; Исаев А., Эргашева С., Исаев О. IX-XII асрларда Термиз маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.; Жалол Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд-Термиз, 2001. – 27 б.; Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – 128 б.; Турсунов С.Н. Термизий буюк сиймолар. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 17.; Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, ал Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005. – 78 б.; Турсунов С.Н., Чориев Р.Қ., Муртазоев Б.Х., Ҷўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Т.: Yangi nashr, 2019. – 288 б.

<sup>2</sup> Баъзи маълумотларда Ҳусайн баъзиларида Ҳасан номи келтирилади. Бу ҳақда ҳатто таникли олим У.Уватов ҳам тадқикотида келтириб ўтади. Каранг: Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 40-41.

<sup>3</sup> Олимнинг туғилган йили тўғрисида ҳам турли баҳслар олиб борилиб, VIII асрнинг ўрталарида дунёга келганлиги ёши 120 йил умр кўрганлигини таъкидлайдилар. Каранг: Муртазоев Б.Х. Ҳаким Термизийнинг таваллуди ва вафоти санларай баҳсига доир // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 15-19.; Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат Термизий, ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 41.

<sup>4</sup> Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Т.: Университет, 2000. – Б. 6.; Усмонов И. ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид мухим манба: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 14.

“Донишманд Термиз ота”<sup>1</sup>, “ат-Термизий” нисбасини айнан термизлик бўлганилиги учун олган.

Ул зот шарафига барпо этилган зиёратгоҳ объектининг машхурлиги нафақат вилоятда, балки бутун ислом оламида “Термиз ота” номи билан улуғланади<sup>2</sup>.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Мухаммад бин Али Ҳаким Термизий иккинчи табақадандур, кунияти Абу Абдуллоҳ бўлиб, Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Ҳузравайх ва ибн Жалло билан сұхбатга киришганини ҳамда олимнинг “Хат ул-валоят”, “Наҳаж”, “Наводир ул-усул”<sup>3</sup> ва кўпгина китоблари борлигини келтиради<sup>4</sup>.

Ҳаким Термизий машхур муҳаддис ва тасаввуф шайхларидан, VIII-IX асрларда яшаб ўтган. Бу алломанинг ота-онаси ҳадис илмидан хабарлари бўлиб, дастлабки таълимни улардан олгани келтирилади<sup>5</sup>. Аллома 25 ёшгача Мовароуннаҳр шаҳарларида таълим олиб, 27 ёшида Маккага Ҳаж амалини ўташ учун йўлга чиқади. Йўлда ҳадис илми ривожланган Куфа, Бағдод ва Басра шаҳарларида бўлиб, балхлик сўфий Аҳмад ибн Хизруя ва ‘Осим ал-Антакийнинг шеърлари билан танишади. Унинг илмий-адабий намуналаридан Ҳаким Термизий қаттиқ таъсирланган. У бир қанча сўфийлар, хусусан Абу Туроб ан-Нахшабий (ваф. 861) ва Яхё ибн

---

<sup>1</sup> Чориев З.У. Ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганиш тарихидан (тадқиқотлар шархи ва асосий вазифалар) // ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги ҳалкаро илмий конференция маъruzaga matnlari баёни. – Термиз, 2004. – Б. 5-8.

<sup>2</sup> Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид мухим манба: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 13–14; Ўзбекистон мусулмонлари идораси мъалумотномаси. – Тошкент, 2004 йил, март. – Баённома №2.

<sup>3</sup> Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид мухим манба: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 28.

<sup>4</sup> Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. – Т.: А.Навоий номидаги давлат музейи. 2001. – Б. 84.

<sup>5</sup> Аш Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут, 1993. – Б. 5-6.; Жалолиддин Мирзо. Муҳаммад Ҳаким Термизий: хаёти ва ижоди. – Т.: San'at jurnalı. 2007. – Б. 10-15.

Жамол ва Аҳмад ибн Хизруя (ваф. 855)нинг қўлида таълим олган<sup>1</sup>.

Ҳаким Термизий Шом, Бағдод, Миср мутасаввуф олимлари билан ҳам мулокотда бўлиб, илк суфийлик харакати, зоҳидлик ва орифлик гоялари кучайган Макка, Мадина, Миср, Бағдод, Басра, Куфа, Яман, Ҳамадон, Нишопур каби ислом дунёсининг марказий шаҳарларида тасаввуфий қарашлар шаклланган даврда яшагани илмий камолотида муҳим аҳамият касб этган. Тасаввуф илми бобокалонларидан бири Зуннун Мисрий (Зуннуния тариқати асосчиси), Боязид Бистомий (тайфурия тариқати асосчиси), Жунайд Бағдодий (жунаидия тариқатининг асосчиси), Абу Мансур Ҳаллож кабиларнинг тариқатларини ўрганган, мақомоту маноқибларни таҳлил қилган. Ҳаким Термизий Нишопурга бориб, ҳакимия тариқатига асос солган<sup>2</sup>. Халифа Маъмун Бағдоддада таъсис этган илм маскани Байт ул-хикмада фаолият қўрсатган олиму фозиллар орасида алоҳида шуҳрат топиб, “Қидват ул-авлиё”, яъни “Авлиёлар йўлбошчиси” деган ном билан танилган<sup>3</sup>.

Ҳаким Термизийнинг 400 дан ортиқ асарлар ёзгани, улардан 57 тасигина бизгача етиб келгани ҳакидаги баҳсли маълумотлар мавжуд<sup>4</sup>. Улардан айримлари ҳозирда ЎзР ФАШИ қўлзёмалар фондида, Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истамбул, Лондон

---

<sup>1</sup> Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / Пер. с англ. М.Г. Романова. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2004. – С. 118.

<sup>2</sup> Раҳимов К. Мовороннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шакллашини ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Akademnashr, 2020. – Б. 33.; Раҳимова О.Ж. Термиз шаҳрининг IX-X аслардаги маданий-маънавий тараққиёти // Давр, замон, шахс Республика илмий-амалий анжумани. Биринчи қисм. – Сурхон нашр, 2016. – Б. 67-69.

<sup>3</sup> Фойипов З. Тафаккур самосидаги ёрқин юлдуз // Moziydan sado. – 2001, 4 (12)-сон. – Б. 18-19.

<sup>4</sup> Бу ҳақда батафсил: Аш-Шайх Комил Мухаммад Мухаммад Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут, 1993. – Б. 10-11.; Абдулаев А. Ҳаким ат-Термизий ҳаёти, ижоди ва таълимоти // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъruzaga matnlari баёни. – Термиз, 2004. – Б. 19-21.

каби шаҳар қутубхоналарида сақланади<sup>1</sup>. Масалан, ҳакимиянинг мақомотлари, низомлари, пир-муридларга қўйиладиган талаблар, зикр ва ибодат усуулларига бағишланган “Китоб ан-нажоҳ” (Йўл-йўриқлар китоби), “Хатм ал-авлиё” (Валийлар мухри), “Иршод ат-толибин” (Толибларга йўриқнома), тасаввуфга оид “Китоб ҳақиқат ал-одамийа” (Инсоният ҳақиқати тўғриисдаги китоб), “Адаб ун-нафс” (Нафс одоби) номли китоблари ҳозиргача ўз илмий аҳамиятини йўқотмасдан келмоқд<sup>2</sup>. Унинг “Назоир ал-Қуръон”, “Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул” (Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усууллар)<sup>3</sup>, ақидага оид “Усул ал-муваҳҳидин”, “Хатм ал-вилоя”, шаръий масалаларга оид “Исбот ал-‘илал аш-шар‘ийя”, “Fafr ал-умур”, “Китоб ал-маноҳи”, “Китоб шарҳ ас-салот”, “Наврӯзнома”, “Солнома” каби асарлари машҳурдир<sup>4</sup>. Ҳаким Термизийнинг таълимоти ибодат ва маросим шариати, тасаввуф ҳамда эътиқод каби уч йўналишдан иборат бўлган<sup>5</sup>.

Ҳаким Термизига қайтгач, Жайҳуннинг Балх шаҳри ва Пайғамбар ороли кўриниб турадиган энг баланд қирлик, хушманзара ва баҳаво кирғоғидан жой танлаб, масжид ва хонақоҳ курдирган. Бу мақбара Эски Термизда, Амударё қирғоғида қад кўтариб, у ерда илм аҳли тўпланишар эди, олим вафотидан кейин ушбу хонақоҳда дағн этилган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Абдуллаев Р. Ал-Ҳаким ат-Термизий (аллома ҳаётномаси) // Moziydan sado. – 2001, 4(12)-сон. – Б. 20-22.

<sup>2</sup> Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Т.: Университет, 2000. – Б. 40.

<sup>3</sup> Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ал-Усул” асари ҳақида // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 26-27.

<sup>4</sup> Буюк алломаларимиз / Масъул муҳаррир Исломов З. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 13.

<sup>5</sup> Жумакулов Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг сўғифийлик тариқатида валийлик ва каромат тушунчалари (“Кашф ул-маҳжуб” асари асосида) // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 24-26.; Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 69.

<sup>6</sup> Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O’zbekiston 2018. – Б. 52-58.

Жарқўрғон тумани Ҳайитобод қишлоғидаги Ҳайитобод тепалигига 800 метрлар масоғада қабристон бор, унга киравериша ўнг томон очик жойда мусулмон оламида кам учрайдиган кўринишда лой билан сувалган қабр бўлиб, унинг тепасига учта туғ қадалган. Ҳаким Термизий мақбарасига яқин жойда “Ҳакимия” тариқати асосчиси Ҳаким Термизийнинг шогирдларидан бири Варроқ Термизийнинг қабри борлиги тўғрисида тахминлар мавжуд. Махаллий аҳоли вакилининг аждодларидан эшитган маълумотга таяниб айтишича, у Варроқ Термизийнику бўлиб, қабр IX-X асрлардан бўён мавжуд экан. Шўро даврида мақбара яқинида майдонларни текислаб ташлаш туфайли кўплаб тарихий обидалар, жумладан, муқаддас зиёратгоҳларнинг бузилиб, бутунлай йўқ бўлиб кетиши кузатилади. Шунинг учун Варроқ Термизий қабри ноаник бўлиб қолган<sup>1</sup>. Қабристонга кираверишга махаллий аҳоли томонидан ҳомийлик асосида дарвоза ва duo фотиҳа қилишлари учун очик айвон қурилган. Қабристон ёнида аввалдан Ҳайитобод масжиди бўлиб, у қайтадан ҳашар йўли билан 800 ўринли қилиб қурилган<sup>2</sup>.

Аллома тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар сақланиб қолинган бўлиб, хусусан Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида Абу Бакр Мұхаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизийга берилган тавсиф учрайди<sup>3</sup>. Алишер Навоий Варроқ Термизий асли Термиздан бўлиб, шайхлик даражасига эришган алломанинг “Варроқ” тахаллусини олишига касб-кори сабаб бўлганини таъкидлайди<sup>4</sup>. Варроқ қадимий ва кўхна китобларни қайта кўчириш ва муқовалаш билан шуғулланувчи кишиларга нисбатан ишлатилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти. Термиз тумани, 2020 йил 19 август. 4-дафтар.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Ҳайитобод қишлоғида яшовчи, махалла раиси 1956 йилда туғилган Асроров Каромат бобо билан бўлган сұхбат. – 2020 йил 21 август. 3-дафтар.

<sup>3</sup> Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Т.: Faafur Fulomномидаги нашиёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 412-416.

<sup>4</sup> Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. Нашрга тайёрловчи А. Мадраимов ва бошқ. – Т.: А. Навоий номидаги давлат музейи. 2001. – Б. 84-87.

<sup>5</sup> Суюнова Ҳ. Ал-Ҳаким ат-Термизийга Абу Бакр Варроқ Термизий севимили ва садоқатли шогирд сифатида // Давр, замон, шахс Республика илмий-амалий анжумани. Биринчи кисм. – Сурхон нашр, 2016. – Б. 43-45.

Варроқ Термизийнинг (ваф. тах. 907) таваллуд саналари аниқ эмас, бироқ Балх шаҳрининг Аёз деган жойида дунёга келган деб айтилган. “Шайх ал-ислом” унвонига эга бўлган машҳур шайх сифатида “Таврот” ва “Инжил” китобларини ўқигани сабабли замондошлари уни “Илм ва хикмат ҳазинаси”, деб атаганлар. Абу Исо Термизийнинг тогаси<sup>1</sup> Варроқ Термизий қатор асарлар муаллифи бўлиб, унинг “Китоб ал-ихлос”, “Китоб ал-хуроф”, “Китоб ал-ажаб”, “Китоб ҳақиқат ал-бойин”, “Одоб ал-‘олим ва-л-мута‘аллим” каби таснифотлари мавжуд<sup>2</sup>.

Яна шуни таъкидлаш ўтиш жоизки, баъзи бир зиёратгоҳлар минтақада машҳур тарихий шахслар авлодига тегишли мақбараларни ўзида мужассам этади. Масалан, Кокилдор ота зиёратгоҳи (XII аср) Ҳаким Термизий номи билан боғлиқ бўлиб, Кокилдор ота Ҳаким Термизийнинг куёви, унинг қизи Хурайда бинти Мухаммад ал-Ҳакимнинг умр йўлдоши сифатида қайд этилган. Унинг асл исми Сомон Ашур Ҳамзай Ҳофиз Кокилдор бўлиб, у машҳур хаттот, олим ва кўпгина асарлар муаллифи сифатида маълум<sup>3</sup>. Сомон Ашур 942 йилда Термизда Ҳамзай Ҳофиз (достон айтувчи, куйловчи) оиласида таваллуд топган.

Аҳмад Устурлобий Термизий<sup>4</sup>нинг 36 нафар шогирдларидан танлаб олинган Сомон Ашур 21 ёшида сочини ўстириб, “Ҳамзай Ҳофиз Кокилдор” тахаллуси билан 341/952-53 йилда Қирқ қиз қальясига

<sup>1</sup> Турсунов С.Н., Чориев Р.К., Муртазоев Б.Х., Чўтматов Ж.О. Ином Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Т.: Yangi nashr, 2019. – Б. 176-177.

<sup>2</sup> Пардаев Т.Р. Ҳожа Варроқ Термизий ва унинг маънавий мероси // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги ҳалқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 48-50.; Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 56.; Турсунов С. Термизий буюк сиймолари. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 17.

<sup>3</sup> Сомон Ашур Ҳамзай Ҳофиз Кокилдор. Шажарот ал-калом. – Тошкент, тошбосма. Ҳўжамшукурова Гулсумнинг шахсий кутубхонасида сакланмоқда. – Термиз шаҳри. – Б. 20.

<sup>4</sup> Устурлобий мақомининг берилиши Термиз расадхонаси 800\1397 номи билан боғлиқ. Бу ҳақда қаранг: Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қальялари ёхуд Термиз тарихи. – Т.: Yangi nashr, 2017. – Б. 56-59.; Олим биографияси ҳақида батафсил: Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – И.: ЎМЭ, 2017. – Б. 264-266.

илм ўрганишга ва ўргатишга жўнатилган. Ўз даврининг таниқли кишиси бўлган Кокилдор ота илми нужум, илми табобат, муфассири Қуръон соҳиби ҳисобланган. Катта жамоа илм соҳиблари ўртасида юксак обрў-эътиборга эга бўлган. Сомон Ашур Қирқ қиз қалъаси қизларига илми нужум, риёзиёт ва ҳандасадан сабоқ берган. Қалъада уни “Ҳамзай Ҳофиз Кокилдор” деб аташган. Шу даврда олимнинг “Шажараи Ҳофузия”, “Ривоёт ал-устоз” ва “Шажарот ал-калом” тарихий асарлари ёзилган. 966 йилда Сомон Ашур Ҳаким Термизийнинг қизи Ҳурайдага уйланган. Шу иили уларга “Кўшки Кокилдор” мақбараси қурилишига рухсат берилган. “Ҳамзай Ҳофиз” мақбарасининг қурилиши тугалланмасдан, 370/980-81 иили оламдан ўтган. У ўзига атаб қурилаётган Кўшки Кокилдорга қўйилган. Кейинчалик бу зиёратгоҳ қабристонга айланган. Мақбара ўша ерлик саховатпеша кишилар томонидан бир неча марта таъмирланган. 2001 йил август ойида мазкур алломанинг хокини Султон Содот қабристонига кўчирилган<sup>1</sup>. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, мазкур шахснинг мақомоти саййидлик даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Термиз туманидаги Алишер Навоий номли махаллада Қирқ қиз қалъаси жойлашган. Бу IX-XIV асрларга оид ёдгорлик намуналаридан бўлиб, унга Қалъа маликаси ҳисобланган Ҳурайда бинти ал-Ҳаким у ерда талабаларга илм бергани келтирилади. Қирқ қиз қалъаси бошлиғи Руҳайдай Даврон IX аср охири – X аср бошларида яшаган етук олима ва ўз замонасининг давлат арбоби бўлибгина қолмай, турли миллат ва ҳар хил шаҳарлардан келган талабаларга устозлик қилган. Нафақат диний, балки дунёвий асарлар яратган олима “Табобат ул-зан” (Аёллар табобати), “Ривоят-ул ҳакимия” (Ҳакимия ривоятлари), “Ҳикмат уз-зан” (Аёллар ҳикматлари), “Тафсири Қуръон”, “Одобу илм ат-толибуз зан” (Илм олувчи аёл одоби) каби асарлар муаллифи ҳамdir<sup>2</sup>. Бу эса ўша даврдаги аёлларнинг илм-фанда иштирок этганини кўрсатади.

<sup>1</sup> Сомон Ашур Ҳамзай Ҳофиз Кокилдор. Шажарот ал-калом. – Тошкент, тошбосма. Хўжамшукурова Гулсумнинг шахсий кутубхонасида сакланмоқда. – Термиз шаҳри. – Б. 15-20.

<sup>2</sup> Хўжамшукурова Г. Қирқ қиз ёхуд аёллар академияси // Талабалар дунёси. – Тошкент, 2009. №7 (09). – Б. 7.; Сомон Ашур Ҳамзай Ҳофиз Кокилдор. Шажарот ал-калом. – Тошкент, тошбосма. Хўжамшукурова Гулсумнинг шахсий кутубхонасида сакланмоқда. – Термиз шаҳри. – Б. 123.

Маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос мавқега эга бўлган обьект бу Термиз тумани Паҳтакор маҳалласида жойлашган Султон Со-дот мажмуидир. У ерда XI-XIX асрлар мобайнида Термиз сай-йидларининг оила вакиллари дафн этилган. “Сайид” сўзи араб тилида “жаноб” деган маънони англатади, шунингдек, Мухаммад (с.а.в.) нинг неваралари Ҳасан авлоди “шариф” ва Ҳусайн авлоди “сайид” унвонлари билан алавий саййидлар, алоҳида ҳусайнний ёки ҳасайнний саййидлар, деб юритилган. Сайидлар Яқин Шарқ ва Мағриб ўлкаларида кўпроқ соодот, ашраф ёки ашриф номлари билан машхур бўлишган. Тадқиқотчи олим Ў. Султоновнинг фикрича, Ўзбекистон ҳудудида саййидлар авлодининг тарқалиши тахминан IX-XIII асрлар сиёсий ва демографик омиллар таъсирида Мовароуннаҳр ва Ҳурросонга кўчиб келишганини қайд этади<sup>1</sup>. Сайид унвонига эга бўлганлар ўрта асрларда Марказий Осиёнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган<sup>2</sup>.

Термиз саййидлари номи асрлар давомида Термизда тасав-вуф таълимоти ривожланиб, мактаблар шаклланганини кўрсатади. Н.Турсунов XVII аср бошларида Термиз саййидлари шажара-си араб тилидан форс тилига ўтирилганда хўжа термини пайдо бўлгани ва бу саййидларни хўжалар деб аташ ҳам умумий маънода қабул қилинганини маълум қиласди<sup>3</sup>.

Тарихчи олим С.Турсуновнинг келтиришича, Али ибн Абу То-либнинг Фотимадан туғилган ўғли Ҳусайн сўнгги Сосоний шоҳи Яздигарднинг кизига уйланади. Улардан Ҳусайн ал-Асғар, ундан эса, Убайдулло дунёга келади. Халифа ал-Мансур даврида (754–755) Амир Убайдулло, деб эълон қилинади. Унинг ўғли Жаъ-фар ал-Хужжат Мадина ҳокими бўлган. Термиз саййидларининг

<sup>1</sup> Султонов Ў. Ўрта Осиёда Сайидлар хонадонларининг шаклланиши ху-сусида // Imam Buxoriy saboqlari. – 2018, 1-сон. – Б. 27-30.

<sup>2</sup> Бабаджанов Б.М. Садат-и Терmez // Ислам на территории бывшей Рос-сийской империи. Том 1. – М.: Восточная литература, 2006. – С. 338–341.

<sup>3</sup> Олим, тадқиқотида саййидлар номи хўжалар номидан юкори бўлганлигини ҳам таъкидлайди. Бу ҳакда батафсил: Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси хўёжалари // Moziydan sado. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.; Турсунов С.Н., Чориев Р.Қ., Муртазоев Б.Х., Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Т.: Yangi nashr, 2019. – Б. 275-287.; Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. Т: Akademnashr, 2012. – Б. 383-384.

асосчиси Ҳасан ал-Амир Жаъфар ал-Хужжатнинг ўғли Амир Хусайннинг фарзандидир. Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келиб у ерда 11 йил яшайди ва 861 иили Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Ҳасан ал-Амир Термизга бориб у ерда бутунлай ўрнашиб қолади<sup>1</sup>.

Термизлик Сайид Амир Абдулло Исмоил Сомонийнинг қизи Махзума (ёки Моҳи сиймо) га уйланади. Уларнинг фарзандларидан бошлаб термиз саййидлари исми шарифига XVII асргача Худовандзода лақаби қўшилган<sup>2</sup>. Ўрта асрларда хозирги Султон Содот мақбараси жойлашган худуд “Шахри Сомоний” номи билан ҳам аталган. Термиз саййидларининг мақбараси ҳисобланган Султон Содот Сомонийлар даврида қурила бошлаган ҳамда Фазнавийлар даврида мажмуанинг асосий қисми қад қўтарган<sup>3</sup>.

Чингизхон босқини даврида Термиз вайрон қилинган бўлса, XIII–XIV асрларга келиб, Термиз саййидлари фаолияти билан шаҳар янгидан юксалади. Бу тўғрида Ибн Баттута ҳам ўз кундакларида қайд этиб, Термиз ҳукмдори Аъло ал-Мулк Худовандзода (“Хованд” сўзи қиска шакли<sup>4</sup>) Чифатой улуси хони Бузан (1335–1338) га қарши курашда иштирок этади ва хон урушда катл қилинади. Шундан бошлаб, Термиз “Мадинат ар-рижол” (Мардлар шаҳри) деб айтиб ўтган номи билан юритилади<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Жалолиддин Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 25.

<sup>2</sup> Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси хўжалари // Moziydan sado. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.

<sup>3</sup> Жалолиддин Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд Термиз, 2001. – Б. 8.

<sup>4</sup> XII–XIV асрларда Убайдуллоҳ Аъражнинг Термиздаги авлодлари худовандзода фахрий номи билан танилган. Бу ҳақда қаранг: Султонов Ў. Ўрта Осиёда Сайидлар хонадонларининг шаклланиши хусусида // Imam Buxoriy saboqlari. – 2018, 1-сон. – Б. 27-30.

<sup>5</sup> Жалолиддин Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б.11.; Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қальалари ёхуд Термиз тарихи. – Т.: Yangi nashr, 2017. – Б. 50-70.

Термиз саййидларининг Амир Темур ва унинг хонадони билан ҳам боғлиқлик жиҳати бўлган. Соҳибқироннинг пирлари шайх Сайид Барака ва саййид Шамсиддин Амир Кулол номи билан боғланган бўлса<sup>1</sup>, Темур авлодларининг Термиз саййид авлодлари билан куда-андаги бўлиши орқали Қашқадарёда ҳам Термиз саййид авлодларининг вакиллари вужудга келган. “Гумбази саййидон” уларнинг оиласига мақбарасига айланган<sup>2</sup>.

Россия империяси даврида Термиз саййидлари ўзларининг азалий маскани бўлган Саловат қишлоғидан кўчирилган. Шу даврда Султон Содот мақбараси шайхи Азизхўжа Бухоро амири Абд ал-Аҳад (1885–1910) ҳузурига бориб, Термиз ҳудудидаги ерлар саййидлар сулоласига тегишли экани тўғрисидаги ҳужжатни топширади. Шу тариқа Термиз саййидларининг фаолияти ўз-ўзидан барҳам топади<sup>3</sup>. XI асрдан то XIX асргача вафот этган Термиз саййидлари Султон Содот мақбарасига кўйилган. Бу жой ҳозиргача саййидлар хурмати учун зиёрат қилинади.

Жарқўрғон туманидаги Хўжа қишлоғида ўз замонасининг таникли арбоби, элчи, жангчи ва тарихчи олим сифатида танилган Хожа Самандар Термизий (XVII–XVIII асрлар) зиёратгоҳи жойлашган. Кўпгина туманлар аҳолиси ҳозиргача у зотни пир деб тан оладилар. Хожа Самандар Термизий асли Термиз саййидларидан бўлиб, XVII–XVIII асрларда яшаб, салкам юз йил умр кўрган, замондошлари томонидан оловқалб, ўтқир тилли, дея

---

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввубуф ҳақида тасаввур. – Т.: Hilol nashr, 2016. – Б. 110–112.

<sup>2</sup> Баъзи манбаларга кўра, Амир Темур кизи Султон Баҳтбегимни Термиз саййидларидан бўлган Ҳасанга никоҳлаган ва Қашқадарё воҳасининг маълум бир қисм ерларини совға тарикасида берган. Сайид Ҳасан у жойда ўз ланганини (суфийларнинг маконини) курган. Бу ҳақда қаранг: Турсунов С. Термизий буюк сиймолари. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 28–29.

<sup>3</sup> Мирзаев Ж. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 16–18.

таърифланган<sup>1</sup>. Мовароуннахрда Шайбонийлар сулоласи даврида (1500–1601) Термизда ҳокимият саййидлар қўлидан кетган бўлишига қарамай уларнинг мавқеи сақланиб қолган. Аштархонийлар сулоласи даврида (XVII–XVIII асрлар) Термиз саййидларидан “Дастур ал-мулук” асари муаллифи Ҳожа Самандар Термизий яшаган<sup>2</sup>. Н.Турсунов алломани Жалойир қишлоғи хўжаларидан бўлганини келтиради<sup>3</sup>. XVII аср охирида Бухоро хонлигига сиёсий-иктисодий таназзул туфайли Термиз саййидлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Ҳожа Самандар Термизий авлодлари ўзларини “хўжалар” деб ҳисоблашади. Алломанинг Хўжа, Абдукаримхўжа, Ўзбекхўжа, Пошшоимхўжа деган ўғиллари бўлган<sup>4</sup>. Ҳожа Самандар Термизий авлодлари хозирги кунда Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани Хўжа қишлоғига яшаб келмоқда.

Олтинсой туманининг Кичик Вахшувор мавзусида аллома Мавлоно Муҳаммад Зоҳид (ваф.936/1529) номи билан танилган зиёратгоҳ мавжуд. У зотни XV–XVI асрларда яшаган нақшбандия тариқатининг “олтинчи силсиласида” ги йигирманчи пир сифатида тилга олинади. Аллома Яъкуб Чархийнинг<sup>5</sup> невараси бўлиб тақво, илм ва парҳезда замонасиининг ягонаси бўлган. “Равзат ул-ислом” китоби муаллифи келтиришича, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид Ҳисор вилоятидаги айрим халифалардан тариқат таълимини олади, тунлари бедор бўлиб зуҳд ва риёзат билан машғул бўлар экан. Шу сабабли ҳам унга Зоҳид исми берилган. Мавлоно Муҳаммад Зоҳид нақшбандийлар раҳнамоси Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор (1404–1490)

<sup>1</sup> Ҳожа Самандар ат-Термизий. Машриқ замин ҳикмат бўстони (Дастур ул-мулук). – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 18.

<sup>2</sup> Ҳожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук: Подшохларга қўлланма. Форс тожик тилидан таржима Ж.Эсонов. – Т.:Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 4-9.

<sup>3</sup> Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси хўжалари // Moziydan sado. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.

<sup>4</sup> Ҳоликов Иброҳим. 1961 йила туғилган, Ҳожа Самандар Термизий мақбари. – 2020 йил, июль. – Сурхондарё вилояти, Жарқўргон тумани, Хўжа қишлоғига яшовчи Хўжа маҳалласи котиби 1953 йилда туғилган Абдувойидов Жалолхон билан сұхбат. – 2021 йил, 21 август. 3-дафтар.

<sup>5</sup> Қаранг: Саидова Г. Яъкуб Чархий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O‘zbekiston 2018. – Б. 245-248.; Ҳамидjon Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 302-304.

сухбатида бўлиб, иршод олиб қайтган ва ўз юргига шу йўналишда муридлар тарбиялаган<sup>1</sup>. Алломанинг қабри Вахшуворда жойлашгани қайд этилади. Олимнинг фаолияти ва исми ҳозирги авлодлар учун ибрат намунаси бўлиб қолади.

Сўфи Оллоёр (1644–1721) зиёратгоҳи Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғида жойлашган<sup>2</sup>. Айтиш мумкинки, вилоятда шундай номдаги бир қанча қадамжолар ҳам мавжуд бўлиб, бу олимнинг аҳоли орасида хурмат-эътибори юксак эканига далолат беради. Масалан, Олтинсой тумани Оқарбулоқ қишлоғида “Масжид ота зиёратгоҳи” ҳам Сўфи Оллоёр қадамжоси деб изоҳланади. Маҳаллий халқ орасидаги ривоятларга кўра Сўфи Оллоёр халфалири билан Самарқанддан чиқиб шу ерда тўхтаб ўтгани учун аҳоли бу жойни қадамжо ҳисоблаб, унинг яқинида кичик масжид бунёд этган. Шу вақтдан бошлаб зиёратгоҳга сифатида ташриф масканига айланиб қолган<sup>3</sup>.

Сўфи Оллоёрнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар асарларида тарқоқ ҳолда учрайди<sup>4</sup>. “Рисолаи Азиза” асарида шоир 1634 йилда Миёнкол мавзесига карашли Минглар қишлоғида таваллуд топиб, хитой кипчоқ қабиласининг Ўтарчи уруғидан бўлган. Шоир Бухоро мадрасаларида таҳсил олган ва Жўйбор шайхлари даргоҳида тарбияланиб диний ва дунёвий илмларини мукаммал даражада ўрганган. Ўзбек адабиёти тарихида забардаст шоиргина эмас, йирик олим сифатида ҳам танилган<sup>5</sup>. Унинг “Маслак ул-муттақийн” (Тақвдорлар маслаги) форсийда назм йўли билан битилган, “Мурод ул-орифин” (Орифлар-донолар муроди) тасаввуф масаласига бағищланган, “Махзан ул-мутеъин” (Мутелар хазинаси) араб тилида фикҳга оид асар, “Сабот ул-ожизин” (Ожизлар саботи) туркийда ёзилган ҳамда “Қиёматнома”, “Муборак ҳаж сафари” каби асар ва

<sup>1</sup> Асророва Л. Ҳожа Муҳаммад Зоҳид. – Т.: Ўзб ҳалқаро Ислом академијаси, 2020. – Б. 4-12.

<sup>2</sup> Меликул Ҳанжар. Вахшувор ва Сўфи Оллоёр (Тарих хусусида уйлар). – Жайхун-Термиз, 1993. – 28 б.

<sup>3</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 31.

<sup>4</sup> Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 370-375.

<sup>5</sup> Сувонқулов И. Сўфи Оллоёр / Буюқ юрг алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: Ўзбекистон 2018. – Б. 407-418.

панднома руҳидаги шеърлари мерос бўлиб қолган<sup>1</sup>.

Сўфи Оллоёр Катта Вахшувор қишлоғига 1710 йиллар атрофига келган деб айтилади. Бу вактга қадар Катта Вахшуворда аҳоли яшамаган, уни илонлар макони дейишган. Шу сабабдан бу жой аҳоли ўртасида Вахшимор яъни илонлар дараси деб аталган. Сўфи Оллоёр илонларни бу жойдан ҳайдаб юборгани келтирилади<sup>2</sup>. Халқ орасида Сўфи Оллоёргининг биттагина ўғли бўлган, дейишиди. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, аслида шоирнинг икки ўғил, бир қизи бўлган<sup>3</sup>. Мутасаввуф олим ва валий Сўфи Оллоёр авлодлари<sup>4</sup> ҳозиргача ҳаёт бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги Катта Вахшувор қишлоғида ҳамда Шўрчи туманидаги Далварзин қишлоғида истиқомат қилишади<sup>5</sup>.

Бундан ташқари, Сўфи Оллоёргининг ҳозирги авлодларидан бир қисми Самарқанд шаҳрида ва вилоятнинг Чўнқаймиш қишлоғида истиқомат қилишади. Улар ўзларини “эшон” деб атайдилар ва тасаввуф вакили сифатида олимнинг ишларини давом эттирмокдалар<sup>6</sup>.

Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Мовароуннахрлик мутасаввиғ олим, авлиё ва нақшбандия тариқатининг олтинчи силсиласида ўн еттинчи пир сифатида тилган олинган Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси ва куёви Хожа Алоуддин Аттор дағн этилган (ваф. 1400)<sup>7</sup>. Асл исмлари Мухаммад ибн Мухаммад Хоразмийдир<sup>8</sup>. Тадқиқотчи оlimа Л. Асророва унинг отаси хоразмлик бўлгани ва атторлик савдоси билан шуғулланганини

<sup>1</sup> Мирзо Меърожиддин. Сўфи Оллоҳёр ва Ислом шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 15-30.

<sup>2</sup> Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 10-11.

<sup>3</sup> Мелиқул Ҳанжар. Вахшувор ва Сўфи Оллоёр. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 23-24.

<sup>4</sup> Мирзаев Р. Шажара – аждодлар садоси. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 20-23.; Мирзо Меърожиддин. Сўфи Аллоҳёр ва Ислом шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 63.

<sup>5</sup> Пардаев М. Олгинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 14-15.

<sup>6</sup> Мирзо Меърожиддин. Сўфи Оллоҳёр ва Ислом шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 60-76.

<sup>7</sup> Маманазаров А., Сатторов Б. Денов дурдонаси. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2001. – Б. 13-16.

<sup>8</sup> Абдураҳим Ҳисорий. Тухфатул Ансоб. ЎзР. ФАШИ Асосий қўллэзма №5432.

қайд этади<sup>1</sup>. Бироқ, Навоийнинг асарида Бухорий тахаллуси билан келтирилади<sup>2</sup>. Хожа Алоуддин Аттор саййидлар табакасига мансуб бўлиб, насаби Али ибн Абу Толибининг ўғли Имом Ҳусайнга бориб боғланади. У ёшлик чоғиданоқ илмга ташна бўлиб, тафсир, ҳадис ва ақида илмларини ўрганган. Акалари савдогарлик билан Аттор эса илм йўлини танлаб, юқори даражаларга эришади<sup>3</sup>. Боҳовуддин Нақшбанд ҳаётлигига Бухорода яшаган кейинчалик XIV асрнинг 90-йилларида Чағониёнга, ҳозирги Денов шаҳрига кўчиб, Нақшбандия тариқатини давом этиради ва кўплаб шогирдлар тайёрлайди. Хўжа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” ва Салоҳ ибн Муборак “Анис ат-толибин” асарларини Хожа Алоуддин Атторнинг кўрсатмасига биноан ёзган. Умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1400 йилда касаллик туфайли вафот этган<sup>4</sup>.

Хожа Алоуддин Аттор вафотидан кейин XV аср давомида Чағаниёнда у кишининг авлодлари (ўғли Хожа Ҳасан Аттор<sup>5</sup>) нақшбандия тариқатини давом эттирганлар. Қабри Денов шаҳрида жойлашган. Мазкур қабристонга Хожа Алоуддин Аттор авлодлари қўйилган бўлиб, Шайх Аттори Валий ёки Остона бува деб ҳам номланади<sup>6</sup>.

Йирик суфий ва олим нақшбандия тариқатининг улуғ намояндини Хожа Ахрор Валий (1404–1490) Ҳиротдан Яъкуб Чархий ҳузурига, Ҳисор водийсига бориб, нақшбандия тариқати асослари-

---

<sup>1</sup> Асророва Л. Хожа Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бухорий сабоклари. – 2020, 3 сон. – Б. 44-46.

<sup>2</sup> Навоий Алишер. Насойим ул-мухабbat. 17-том. – Т.: А.Навоий номидаги давлат музейи. 2001. – Б. 265-266.

<sup>3</sup> Фахруддин Али Сафий. Раشاҳоту айнил ҳаёт. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 27.

<sup>4</sup> Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг маънавий маданият тарғибот маркази, 1994. – Б. 28–30.

<sup>5</sup> Фахриддин Али ас-Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт / Таржима муаллифи Домла Ҳудойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX). Нашрга тайёрловчи Ҳасанов М., Умрзоков Б. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. – 536 б.

<sup>6</sup> Маманазаров А., Сатторов Б. Денов дурдонаси. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2001. – Б. 16.; Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маънавий маданият тарғибот маркази, 1994. – Б. 9-13.; Асророва Л. Хожа Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бухорий сабоклари. – 2020. 3-сон. – Б. 44-46.

ни ўрганган<sup>1</sup>. У ердан Самарқандга қайтишда Чаганиёнда маълум вақт яшаган<sup>2</sup>. Сафар чоғида Деновда бўлиб, Хожа Алоуддин Атторнинг набираси Хожа Муҳаммад Аттор билан учрашган<sup>3</sup>. Хожа Ахрор Валийнинг қабрлари Самарқандда бўлиб, у ер ҳам катта зиёратгоҳга айланган.

Сурхон воҳасида ислом оламида машҳур бўлган пайғамбар, саҳоба, хўжа, эшон, авлиё номлари билан улуғланадиган зиёратгоҳлар мавжуд. Улар рамзий маънодаги мажмуалар ҳисобланиб мазкур қадамжоларнинг пайдо бўлиши тўғрисида маҳаллий халқ орасида турли ривоят ва афсоналар келтирилади.

Айтиш мумкинки, Самарқанд Ҳазрати Довуд, Ҳазрати Дониёр номи билан аталган пайғамбарлар культи мавжуд бўлса, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ҳам пайғамбар номларига тегишли деб аталаидиган зиёратгоҳ масканлари мавжуд<sup>4</sup>. Масалан, Куръони Каримда номи зикр этилган Пайғамбар Зу-л-Кифл номи билан боғлиқ Термиз шахри яқинидаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида Зу-л-Кифл зиёратгоҳи жойлашган<sup>5</sup>.

Зу-л-Кифл номи Куръони Каримда (қайси сурә ёки оят номи) келтирилиб, унга кўра “Исмоил, Идрис ва Зу-л-Кифлни эсланг! Барчалари сабр қилувчилардандир. Биз уларни ўз раҳматимизга доҳил қилдик, дарҳақиқат, улар солиҳ зотлардандир”<sup>6</sup>, дейилади. “Яна Исмоил, ал-Ясаъ ва Зу-л-Кифлни эсланг! Барчалари яхши

---

<sup>1</sup> Турсунов С., Рашидов К. Бойсун. – Т: Akademnashr, 2012. – Б. 373.

<sup>2</sup> Орзивеков Р. Хожа Ахрорнинг устози – Яқуб Чархий (устоз-шогирд мактаблари) // Хожа Ахрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни. Илмий-амалий анжуман маърузалари, тезислари. – Т.: Миллий университет, 2004. – Б. 84.

<sup>3</sup> Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг маънавий маданият тарғибот маркази, 1994. – Б. 32–34.

<sup>4</sup> Суюндиқ Мустафо Нуротоий. Мунаввар қадамжолар. – Т.: Noshirlik yog'dusī, 2011. – Б. 12.

<sup>5</sup> Дамашқнинг шимол тарафида Қосион ал-матал номли тоғ бўлиб, ундағи жойларнинг бири Зу-л-Кифл деб номланади Қаранг: Доктор Шавқий Абу Халил. Атлас ал-Куръон. – Дамашқ, 2001. – Б. 100.; Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи. Исломият тарихидан. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 133.

<sup>6</sup> Куръони карим, 21: 85–86. 38: 48.

кишилардандир”<sup>1</sup> деб айтилган.

Ибн Касирнинг айтишича, мазкур ояти карималарнинг зоҳирий маъносига биноан Зу-л-Кифл улуғ пайғамбарлар қаторида зикр этилган. Ўзлари ҳам пайғамбар эканликларига далолат қилади. Аммо Зу-л-Кифл қайси қавмга юборилгани ҳақидаги маълумот йўқ. Ривоятга кўра, румликларнинг Зу-л-Кифлга эргашганликлари нақл этилади. Бу қавм Зу-л-Кифлдан ўзларининг узоқ умр кўришликларини Аллоҳдан сўрашини илтимос қилишган. Аллоҳ Зу-л-Кифлнинг дуосини қабул этиб, “Улар ўзлари хоҳлаганларича ўлмаслар. Бунга сен ҳам кафил бўлгин”, деган ваҳий келади. Бишр ўз қавмига бу башоратни етказади. Илоҳий ваҳийга ўзи кафил бўлади. Шу сабабдан ҳам уни “Зу-л-Кифл” деб атай бошлаганлар<sup>2</sup>.

Айюб пайғамбар васиятларини ўғиллари Ҳавмалга қолдирган эдилар. Ҳавмалдан сўнг эса иккинчи ўғиллари Бишр ибн Айюб ота васиятини давом эттиради. Кўпчилик уламоларнинг келишувларига биноан, Бишр ибн Айюб – Зу-л-Кифл исмли пайғамбардир. Аксарият тафсирларда Зу-л-Кифл умрининг охиригача Шомда яшайди, ўғиллари Абдонга васият қолдириб, 75 ёшда оламдан ўтди<sup>3</sup>.

Баъзи ривоятларда Зу-л-Кифл макбарасида Зу-л-Кифл пайғамбар эмас, бошқа бир авлиёнинг қабри деб айтилади. Шундай ривоятлардан бирида Маккан Мадинадан тўрт киши XI-XII асрларга тегишли Бухоро томонга ўтиб келиши керак бўлган. Шулардан бири авлиё бўлиб, улар Афғонистон орқали Амударёдан ўтмоқчи бўлганлар. Йўловчилар сувдан ўтишдан олдин сув бўйида дам олишган. Шу пайт авлиёга илҳом келиб: “Сенинг кунинг битди, қабринг шу ерда бўлади”, дейди. Авлиёнинг ёнидаги кишилар авлиёга: “Сизни Термиз ота атрофидаги мозорга қўямиз”, дейдилар. Шунда авлиё: “Йўқ, мен сувдан ўта олмадим. Вафот этсан сандиққа солиб, оқизинглар. Сандиқ қаерда чўкса, ўша жой менинг мозорим бўлади”, дейди. Авлиёнинг ҳамроҳлари васият-

<sup>1</sup> Куръони карим, 38: 48.

<sup>2</sup> Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 189.

<sup>3</sup> Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи. Исломият тарихидан. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 133-226.

га амал қилиб, уни сандиққа солиб, оқизадилар. Сандиқ оқимга қарши оқади ва бир жойда чўқади. У ерда орол пайдо бўлиб, бу жой “Орол пайғамбар” деган номни олади. Авлиёнинг ҳамроҳлари мозор устига мақбара қуришади, бу жой муқаддас зиёратгоҳга айланади. “Орол пайғамбар” номи “оролнинг пойи” деган маънони билдиради<sup>1</sup>.

Махмуд ибн Валийнинг “Баҳр ал-асрор” асарида оролга асли турк миллатига мансуб машҳур ислом лашкарбошиси Исҳоқ ибн Кунтожнинг (ваф. 992) дафн этилгани хақида маълумот ҳам берилади<sup>2</sup>.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Ироқнинг ал-Ҳилла шаҳри яқинида Зу-л-Кифл зиёратгоҳи мавжуд. Мусулмон оламининг бошқа шаҳарларида ҳам рамзий қадамжолар учрайди. Жумладан, Туркманистоннинг Мари шаҳрида ҳам у зотнинг номлари билан боғлиқ қадамжолар борлиги аниқланган<sup>3</sup>.

Шунингдек, Олтинсой туманида Хидиршо қишлоғида Хидиршо зиёратгоҳи (XIV аср) мавжуд бўлиб, унинг номи Хизр пайғамбар исми билан боғлиқлиги ҳам келтирилади<sup>4</sup>.

Саҳобалар номи билан боғлиқ культларнинг пайдо бўлиши ва кўпайишида турли конфессиялар ва ақидавий оқимларнинг ташаббуси, зоҳидлик ҳаракати ва қарашларининг такомиллашуви мухим ўрин тутган<sup>5</sup>. Саҳобалар муқаддас ислом динини бутун ба-шариятга етказиш йўлида барча машаққатларни қўтариб, бу вазифани тўла-тўқис адо этган зотлардир. Саҳобаларни яхши кўриш ва уларни пайғамбарлардан кейин энг афзал инсонлар, деб ишониш ва тасдиқлаш ҳам ҳар бир мусулмоннинг бурчи ҳисобланади. Куръони каримда сахобаи киромларга шундай хитоб қилинган: “Сизлар одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдиларингиз”

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017.  
– Б. 189-190.

<sup>2</sup> Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Б. 25.

<sup>3</sup> Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.  
– Б. 96.

<sup>4</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: Ёзувчи, 2003.  
– Б.15.

<sup>5</sup> Рахимов К. Мовороуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Akademnashr, 2020. – Б. 35-39.

(Оли Имрон сураси, 110-оят).

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Саҳобаларимни таҳқирламанглар, жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, агар сизлардан бирингиз Ухуд (тоги) мислича олтин сарфласа ҳам, улардан бирортаси “муд” ига (544 грамга teng ўлчов бирлиги) ҳам, у (муд) нинг ярмига ҳам эриша олмайди”, дедилар” (Термизий ривоят қилган).

Чунки бу зотлар пайғамбарларнинг охиргисига саҳоба бўлишдек баҳтга сазовор бўлган ва Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган ҳидоят нурини бошқаларга етказиши йўлида молу жонларини фидо қилган мўминлардир<sup>1</sup>. Сурхон воҳасининг Ангор туманида Саъд ибн Абу Ваққос, Абдураҳмон ибн Авф, Шеробод туманида Атоулла Саид Ваққос, Олтинсой туманида Саъд ибн Абу Ваққос, Хўжаипок Узун туманидаги Абу Хурайра (Оқ Остона бобо) зиёратгоҳлари сахобалар номи билан боғлик зиёратгоҳлар ҳисобланади. Худди шундай номда зиёратгоҳлар Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Навоий вилоятларида ҳам мавжудлигини кўриш мумкин<sup>2</sup>. Аксарият зиёратгоҳлар номида “Ашараи мубашшара” деб ба-шорат берилган сахобаларга ургу берилади. “Ашараи мубашшара” ислом дунёсида ҳаётлик чоғида Муҳаммад (с.а.в.) томонидан жаннатийлиги башорат берилган ўн саҳоба номи билан боғлик<sup>3</sup>. Ана шундай “Ашараи мубашшара” (Жаннатий экани башорат қилинган ўн саҳоба) дан бири<sup>4</sup> – Абдураҳмон ибн Авфга (ваф. 654\32 хижрий) атаб барпо этилган Ангор туманидаги Абдураҳмон ибн Авф, Олтинсой туманидаги Хўжаипок зиёратгоҳидир. Абдураҳмон ибн Авф Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилган муҳожирлардан бўлиб, Бадр, Ухуд ва бошқа жангларда Муҳаммад пайғамбарнинг ёнида бўлган. Ухуд жангидаги 20 жойидан яраланган. Дастлаб факир

<sup>1</sup> Абдулқодир Абдул Рахим. Эътиқод дурдоналари. “Бадъул амолий” шархи. – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 294.

<sup>2</sup> Суюндик Мустафо Нуровоий. Мунаввар қадамжолар. – Т.: Noshirlik yog'dusi, 2011. – Б. 33-36.

<sup>3</sup> Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳакида қисса. – Т.: Мовароунаҳр, 1994. – Б. 23-27.; 101 улуғ саҳобий. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт бирлашмаси, 2018. – Б. 115-119.

<sup>4</sup> Имоми Таҳовий. Ақоид. (Сайдиялик шайх Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз изоҳи ила.) – Т.: Мерос, 1992. – Б. 19.

бўлган, кейинчалик тижорат билан шуғулланиб, бойиб кетган. Хайр-эҳсонни кўп қиласидиган зот бўлган<sup>1</sup>.

Гарчанд Абдураҳмон ибн Авф Мадинадаги Бақиъ қабристонига дафн этилган бўлса-да, бироқ саҳоват борасидаги хайрли ишлари туфайли мусулмон дунёсининг турли ҳудудларида ўрта асрларда ёк унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар вужудга келган.

Сейди Али Раиснинг (XVI аср) “Миръотул мамолик” асарида келтирган маълумотларига кўра, Абдураҳмон ибн Авфнинг мозори Басра шаҳрида ҳам бўлган. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Марказий Осиё ҳудудида ҳам Абдураҳмон ибн Авф номи билан боғлиқ бир нечта зиёратгоҳлар мавжуд. Масалан, Тожикистоннинг Ашт туманидаги Бобойи-об зиёратгоҳидан ташқари Шахристон ва Ҳисор туманларида ҳам унга атаб қадамжолар барпо этилган<sup>2</sup>. Тарихчи Ҳамза Камоловнинг таъкидлашича, Курама ва Ҳисор тоғларидаги саҳоба Абдураҳмон ибн Авф номи билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиш сабаби унинг мусулмон дунёсида фоят саҳийлиги билан танилганидан юзага келган<sup>3</sup>.

Олтинсой тумани муқаддас зиёратгоҳларга бой ҳудудлардан ҳисобланади. Туманда VI–VII асрларда яшаган саҳобалардан бири, ислом динини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган Ҳўжа Ҳасан Илфорий шарафига барпо этилган “Каптархона” номи билан танилган зиёратгоҳ (XIX–XX асрлар) мавжуд. Шунингдек, Хайробод тепа яқинида Ҳўжа Соат маҳалла марказидан 400–500 метрлар чамаси юқорида, йўлнинг ўнг томонида машҳур саҳоба Саъд ибн Абу Ваққос (ваф. 674) номи билан боғлиқ зиёратгоҳ бор<sup>4</sup>.

Саъд ибн Абу Ваққос номи ҳам “Ашараи мубашшара” дан (жаннатий экани башорат қилинган ўн саҳоба) дан бири сифатида

<sup>1</sup> Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳақида қисса. – Т.: Мовароуннаҳр, 1994. – Б. 20-21.

<sup>2</sup> Сейди Али Раис. Миръотул мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). Таржима ва изоҳлар муаллифи Зуннунов Ш., Азимжонов С. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963. – Б. 97.; Абдулазизов С. Ҳақикат дар бораи мозорҳо. – Душанбе: Ирфон, 1970. – Б. 7.

<sup>3</sup> Ҳамза Камол. История Северного Таджикистана. – Душанбе: Деваштич, 2005. – Б. 132.

<sup>4</sup> Суюндик Мустафо Нуротоий. Мунаввар қадамжолар. – Т.: Noshirlik yog'dusi, 2011. – Б. 35-36.

тан олинган Саъд ибн Абу Ваққоснинг тўлиқ исми – Молик ибн Ваҳб ибн Абдуманноф ал-Қураший аз-Зухрийдир. У маккалик илк иймон келтирган саҳобалар орасида тўртинчи бўлиб исломга кирган<sup>1</sup>. Ҳижознинг Ақиқ деган жойида вафот этиб, Мадинада дағн этилган. Саъд ибн Абу Ваққоснинг вафот санаси бўйича икки хил маълумот мавжуд. Ал-Воҳидийнинг айтишича, 55/674–75 йилда 83 ёшида, Абу Намининг фикрича эса, 58/677–78 йилда вафот этган<sup>2</sup>.

Узун тумани Сурхон дарёсининг чап қирғоғидаги Оқ Остона бобо қишлоғида машхур саҳоба, ровий, фақихлардан бири бўлган Абу Ҳурайра (602–679) номи билан боғлиқ Оқ Остона бобо зиёратгоҳи (Х–XI асрлар) жойлашган<sup>3</sup>. Оқ Остона бобо номи билан аталадиган қадамжо машхур саҳоба Абу Ҳурайра номи билан боғлиқ бўлиб, ҳаётлари давомида 5374 та ҳадис ривоят қилган<sup>4</sup>. Абу Ҳурайра номи билан боғлиқ культнинг тарқалиш сабаблари ҳозиргача яхши ўрганилган эмас<sup>5</sup>. Ҳар ҳолда у ҳадис илмининг Марказий Осиёда VIII–IX асрлардаги ривожи ва муваффакият қозониши билан боғлиқ бўлса керак.

---

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1996. 2-ж. – Б. 452–453; Аҳмад Лутфий. Содот асри киссаси. Интизор кутилган тонг. 1-кисм. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 243–244; Абу Исо ат-Термизий. Сунан ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997. 5-ж. 607-ҳадис.

<sup>2</sup> Ибн ‘Асқалоний. Ал-Исоба фи тамайиз ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1995. 3-ж. – Б. 63–64; Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳакида кисса. – Т.: Мовароуннаҳр, 1994. – Б. 3.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А. Ақ-Астана баба // Советская археология. – Т., 1960. № 3. – Б. 24.

<sup>4</sup> Муҳаммад Абдураҳмон ал-Муборакғурий. Тухфат ал-Аҳвазий би-шарҳ Жоми‘ ат-Термизий. Зуҳд боби. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1990. 7-ж. – Б. 244.

<sup>5</sup> 101 улуғ саҳобий. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Тошкент халқаро ислом академияси, 2018. – Б. 151–158.

Шеробод тумани Чигатой қишлоғида Мұхаммад пайғамбарнинг сарбози, Ҳазрат Алининг яқин қариндоши, саркарда Ахтам саҳобага атаб қурилган Ахтам саҳоба зиёратгохи (Х–XI асрлар) жойлашған<sup>1</sup>. Шунингдек, Шеробод туманида Атоулла Саид Баққос, Ахтам саҳоба, Сулаймон ота, Жамолмерган ота, Хўжамуқон ота, Хўжанқо ота, Қайриёғоч ота, Сайид ота, Боботепа, Чўпон ота, Қирқчилтон ота, Кўктош Валий, Чўлпон ота, Работак қабристони каби зиёратгоҳлар мавжуд. Маҳаллий аҳоли уларни саҳобалар, илк араб саркардаларнинг номлари билан боғлайди. Эътироф этиш лозимки, Ахтам саҳоба (Наманганд, Тошкент вилоятлари), Чўпон ота (Самарқанд вилояти), Қирқчилтон ота номлари билан боғлиқ культлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд.

Воҳада ислом дини йўлида хизмат қилган, муқаддас жойларда кароматли авлиёлар, тасаввуф намояндадари, олимлар, эшонлар дағн этилган кабрлар мавжуд. Хайдаркул хожи бобо қабри Сурхондарё вилояти Денов туманининг Остона бува қабристонидаги Хожа Алоуддин Аттор зиёратгохи ёнида жойлашган.

Бойсун тумани Омонхона қишлоғида жойлашган Ҳазрат Султон Валий (XIV аср) зиёратгохи ҳақида ёзма тарихий манбаларда маълумотлар мавжуд эмас. Тадқиқотчи олим А. Холмирзаевнинг маълумотича, ўлимидан сўнг шу ерда дағн этилган<sup>2</sup>. Ривоятларга кўра, Ҳазрат Султон Валий XIV асрда Балҳда туғилиб, ўзига устоз излаб, Сиддик саҳоба билан бирга ҳозирги Омонхона дарасига келиб жойлашган<sup>3</sup>. Шу ерда кирқ кун чиллада ўтириб, “Балогардон” деган лақабга сазовор бўлған. Бойсундаги Паданг қишлоғида жойлашган Хўжакўшқарон обьекти<sup>4</sup> муқаддас зиёратгоҳ сифатида маҳаллий аҳоли томонидан эъзозланиб келинади. Аммо дағн этилган шахс ҳақида маълумотлар унинг тарихини аниқлаш имконини бермади.

<sup>1</sup> Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – Б. 79.

<sup>2</sup> Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табарруқ зиёратгоҳлари. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 2001. – Б. 33.

<sup>3</sup> Зарипова М. Муқаддас зиёратгоҳлар халқимиз маънавиятининг белгиси // “Бойсун баҳори – миллий маънавиятимиз дурданаси” халқаро илмий анжу-манга бағишлиланган мақолалар тўплами. – Термиз: Сурхон нашр, 2017. – Б. 157-158.

<sup>4</sup> Турсунов С., Рашидов К. Бойсун. – Т.: Akademnashr, 2012. – Б. 377.

Ўрта асрларда (VII-VIII асрлар) ислом дини давлат дини мақомини олгач, ижтимоий муносабатларда хўжалар (форс тилида хўжайин, соҳиб) янги ҳукмрон табақаси шаклланиб, жамиятда асосий иқтисодий ва маънавий кучга айланган ҳамда маълум соҳаларда ўзига хос имтиёзларга эга бўлишган. Марказий Осиёда эшонларнинг аксарияти қишлоқда истиқомат қилгани фанда “Марказий Осиё қишлоғига хос тасаввуф” деб ҳам юритилади. Сурхондарё воҳаси хўжаларини тадқиқ қилган олим Н.Турсунов уларни мурид овламайдиган хўжалар ва мурид овлайдиган хўжалар ёки “эшонлар” деб икки гурухга ажратади<sup>1</sup>.

Олтинсой туманида эшонлар ва уларнинг авлодлари дафн этилган катта гумбазли Корахон Эшон бобо зиёратгоҳи (XVI аср) жойлашган. Мазкур шахс хўжалар оиласига мансуб оксусяклар табақаси вакилларидан хисобланади<sup>2</sup>. Қадамжолар орасида номларини аниқлаш иложи бўлмаганлари ҳам учрайди. Лекин маҳаллий аҳоли уларни “авлиё” сифатида қабул этади.

Жумладан, Ангор туманида XI–XII асрларга оид Хўжа Рўшнойи зиёратгоҳи биноси Занг жамоа хўжалигидаги, Термиз-Ангор автомобиль йўли устида жойлашган. Мақбарада хоки ётган одамнинг асл исми маълум эмас. Аммо у ҳақда баъзи ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятларда мазкур авлиё кароматлари билан машхур бўлгани қайд этилган.

Шунингдек, Термиз шаҳрининг Адиг Собир Термизий кўчаси, 16-йда жойлашган Мурч бобо<sup>3</sup> зиёратгоҳининг сафаси XIX аср охири – XX аср бошларида барпо этилган. Нақл қилишларича, бу зиёратгоҳга сўфий Сайид Абдували Самарқандий дафн қилинган. Халқ орасидаги ривоятга кўра, Сайид Абдували Мурч бобо Самарқанддан Балх орқали ҳаж зиёратига боришга муваффақ бўлган. Ҳаждан қайтишда Балхдан мурч олиб, белига туғиб олган. Унга ўғли ҳамроҳлик қилган. Йўлда қароқчилар белидаги тугунини кўриб, у кишини қатл этишган. Жасадларини ўша ерга кўмиб,

<sup>1</sup> Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси хўжалари // Moziydan sado. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.

<sup>2</sup> Мирзаев Ж. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 18–34.

<sup>3</sup> Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазев Б. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 130.

белидаги мурчни қабр устига сепиб кетишган. XIX аср охирида Имом Али бойнинг чўпонлари қўй боқиб юрганда, қабрни очиб кўрадилар. Тананинг ҳолати бузилмай ўз ҳолида турган. Имом Али бой марҳумни бошқа жойга кўчирилмоқчи бўлганда фалаж бўлиб қолади. Шундан кейин унинг қабри устига мақбара қурдиради ва ўзи фалажликдан вафот этади. Шу пайтдан бошлаб, бу жой зиёратгоҳга айланади<sup>1</sup>.

Кўмғўрғон туманининг Хўжа қишлоғида пахта даласи бўйида Сайид Жамол ва Сайид Камол Термизийлар қабри бўлиб, маҳаллий аҳоли вакилининг айтишича, бу зот VIII-IX асрларда яшаб ўтган, диний ва дунёвий илм соҳиби ва фалакиётшунос олим бўлган. У кишининг “Хисобутул ал-хисоб” асари бўлиб, унинг қаерда сақланаётгани маълум эмас. Сайид Камолиддин Термизий VIII-IX асрларда ўтган, мироблик қилган, кўзалар ясатиб, сардобалар курган. Унинг Мовароуннаҳр худудида 13 та сардoba қурдиргани айтилган. У кишининг “Иқлим ал-Мўътадил”, “Иқлим ас-Сиом”, “Табобат ал-Иқлим” асарлари бўлиб ҳозиргacha қаерда сақланаётгани аниқланмаган<sup>2</sup>.

“Такия” ва “работак” сўзлари сўфиylар қароргоҳи маъноси ни билдиради. Қизириқ тумани Такия ота қишлоғидаги Такия ота зиёратгоҳи<sup>3</sup> (такс. XII аср) аҳоли орасида кенг маълум, бироқ мақбарада хоки ётган киши ҳақида айтилган айрим ривоятлардан бошқа маълумотлар сақланмаган<sup>4</sup>. Сариосиё тумани худудида (XVII–XIX асрлар) Хуфор қишлоғида яшаган, халқ орасида кароматли авлиё сифатида катта ҳурматга сазовор бўлган – Каримқул домла зиёратгоҳи мавжуд<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Чори Тоғаев. 1977 йилда туғилган. – Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, 2020 йил, 19 август. З-дафтар.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти Кўмғўрғон тумани Хўжақишлоғида яшовчи, 1972 йилда туғилган Абдираимов Баҳодир билан бўлган сухбат, зиёратгоҳ маъсул ходими. – 2020 йил 21 август. З-дафтар.

<sup>3</sup> Турсунов С.Н., Чориев Р.Қ., Муртазоев Б.Х., Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Т.: Yangi nashr, 2019. – Б. 118-123.

<sup>4</sup> Дала тадқикотлари. – Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Такия ота қишлоғи. 2020 йил, 10 июнь.

<sup>5</sup> Турсунов С., Қурбонов А., Турсунов Н., Пардаев Т. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 98.

Шунингдек, Шерободнинг тоғли худудидаги Хўжамуқон қишлоғида Хўжамуқон ота зиёратгоҳи жойлашган. Қишлоқ мазкур авлиё номи билан аталади. Авлиё ҳақида бир жумла ривоятлар кенг тарқалган. Шеробод тумани Талашқон маҳалласида Қирқчилтон ота (Қирқчилтон культи), Дўстлик маҳалласида Кўқтош Валий, Навбог қишлоғида Чўлпон ота зиёратгоҳлари мавжуд. Туманда аҳоли зиёрат қиласиган Работак қабристони ҳам жойлашган. Одатда ҳар кандай қабристон зиёратгоҳ бўлмаслиги мумкин. Бандиҳон туманинди Шакарли ота, Бектепа, Улуғсой зиёратгоҳлари маҳаллий худуддагина маълумдир.

Музработ туманида Музработ қишлоғида XV асрга оид Музработ ота (Бузрук ота) зиёратгоҳи жойлашган. Шунингдек, ҳалқ томонидан зиёрат қилинадиган, аммо шахси аниқланмаган Ҳазрати Султон зиёратгоҳи, Оқ олтин маҳалласига қарашли Миршоди қишлоғидаги катта адир ёқасида Хўжайгор ёки Авлиё ота зиёратгоҳи (XVIII–XIX асрлар) жойлашган<sup>1</sup>. Шунингдек, ўлкада аёллар номи билан боғлиқ Бойсун тумани Ширинобод қишлоғидаги бир тепалик устида Бибиширин зиёратгоҳи жойлашган<sup>2</sup>. Сурхондарё вилоятининг Юрчи кўргони Дўстлик қишлоғида Биби Сарпуш зиёратгоҳи жойлашган<sup>3</sup>.

Сурхондарёдаги зиёратгоҳларнинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг аксарияти кўпинча баланд тепаликлар ва адир жойларда жойлашиши рамзий маънода қадамжо билан номи боғлиқ шахсларнинг ҳалқ томонидан улуғланишини англатади.

Шунингдек, воҳада табиат культи билан боғлиқ ривоятлар асосидаги муқаддас қадамжолар ҳам мавжуд. Масалан, ҳайвонлар культи билан боғлиқ Кўпрак ота зиёратгоҳини мисол келтириш мумкин<sup>4</sup>. Яна Миршоди қишлоғидаги Кийик ота зиёратгоҳи

<sup>1</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 31–32.

<sup>2</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т.: Akademnashr, 2011. – Б. 377–378.

<sup>3</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи кўргони Дўстлик қишлоғи. 2020 йил, 27 август. З-дафтар.

<sup>4</sup> Ит образи суфийлик тарикатлари таълимотларида кенг тарқалган ҳодиса саналади.

(XVIII–XIX асрлар)<sup>1</sup>, шулар жумласидандир<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, тоғ билан боғлиқ қадимги қалъа культи – Хўжай Барку тоги Ушр қишлоғида Хўжай Ҳисор, Сариосиё туманинаги Хўжай Илғор зиёратгоҳи, тоғ бағрида Хўжай Хубон (яхшилар Хўжаси) зиёратгоҳлари, Ҳурсандтоғ тепасидаги жойлашган Чош қишлоғида Хўжай Пирях (Қари муз хўжаси) зиёратгоҳлари мавжуд.

Сариосиё тумани Сангардак қишлоғида Шарра мозор зиёратгоҳи бўлиб<sup>3</sup>, булар тўғрисида турк адмиралি Сейди Али Раис шундай маълумотни келтиради: ... Чагониёнга, яъни Ҳисори Шодмонга ўтганини, у ердан Темур Султон номи қўйилган жойга келиб Сангардак тогидан ошганини, тоғ бағридан чиқиб ёмғир ёқгандек сув томчилари тинмай оқиб туришини томоша қилганини айтади. Сайёх бу ерда “Шарро мозор” деб аталган ҳеч қандай зиёратгоҳ борлигини келтирмаган<sup>4</sup>.

Сариосиё Хонжиза маҳалласидаги Хонжиза қишлоғида Ҳурсанд тогидан оқадиган дарёнинг бўйида Чашми дивонаҳо (Девоналар булоги), Десурх қишлоғидаги Қизилсой бўйида «Оби сурхон», Найҳо тогининг тагида «Шайхлар булоги» деб аталувчи булоқлари билан машҳур<sup>5</sup>, «Кўк тераклар булоги»<sup>6</sup>, тоғнинг уч жойидан сув чиқиб туради<sup>7</sup> Хонжиза маҳалласи Дебодом қишлоғининг тепасида Хўжай Мурид зиёратгоҳи, ундан сал тепарокда Дарвазаҳо зиёратгоҳлари жойлашган. “Хўжа майхона” зиёратгоҳи Бойсун тумани Темирдарвоза маҳалласи Дарбанд қишлоғида тоғ орасидаги

<sup>1</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 29–30.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Ушр қишлоғи. 2020 йил 16 август.

<sup>3</sup> Эрназаров Фарҳод, 1931 йилда туғилган, Шарра мозор зиёратгоҳи шайхи. – Сурхондарё вилояти Денов тумани, Сангардак қишлоғи. 2019 йил, июль.

<sup>4</sup> Сейди Али Раис. Миръот ул-мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). Тарж. Ш.Зунунов, сўзбоши С.Азимжонов. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963. – Б. 97.

<sup>5</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Десурх қишлоғи. 2021 йил 18 июнь.

<sup>6</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи. 2021 йил 18 июнь.

<sup>7</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Дебодом қишлоғи. 2021 йил 18 июнь.

дарада жойлашган<sup>1</sup>. Ўнг томонда тогнинг тагидан катта ҳажмда муздай сув оқиб чиқади, сувнинг қаердан келаётганим маълум эмас ва у Мочайдарёга бориб қуилади. Дара қуюқ дараҳтлар билан ўралган, тог бурама шаклда қўриниб, уни камдан-кам учрайдиган бир мўжиза десак бўлади. Балиги қўп бўлгани учун “Моҳи балиқ” майхона маъносини берган. Даранинг чап томонидаги тоғ ён бағрида иккита қабр бўлиб, унинг атрофи тош билан ўралган, қабрга белги ҳам қўйилган, маҳаллий аҳолининг айтишича, бу жойда Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) нинг куёвлари Ҳазрат Алининг қабри<sup>2</sup> мавжуд ва икки қабрнинг кимга тегишли экани маълум эмас. Тарихий манбаларда қўра Али (р.а.) бу ерга келмаган. Қабр кимга тегишли бўлса ҳам ҳақиқити ёки рамзийми, буни аниқлашнинг иложи йўқ.

Сурхондарёда нафакат диний илмлар, балки дунёвий илмлар ривожига хисса қўшган олимлар ҳам етишиб чиқкан ва худудда шундай номдаги зиёратгоҳлар мавжуд. Масалан, Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида (XII аср охири XX аср бошларида яшаган) маҳаллий уломалар – Сўфий Ҳисорий Хондизагий, Мухаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий, шайх Нодирмуҳаммад Самарқандий, Эшони Сафар халифа, Сўфий Айниддин Хондизагий номларини<sup>3</sup> келтириш мумкин.

Хонжиза жамоа хўжалиги Хўжай Асмин қишлоғи тепасида Кўйи сафет (Оқ тоғ) этагида Қирқ қиз (Чил духтарон) зиёратгоҳи жойлашган<sup>4</sup>. Хўжай Асмин номли авлиё номи билан боғлиқ зиёратгоҳ қишлоқнинг тепа қисмидаги Кўйи сафет тоғи этагида жойлашган<sup>5</sup>. Шунингдек, воҳада шаҳидлар номи билан боғлиқ культ – Хонжиза маҳалласида Шоҳидон тогининг остида шаҳидлар учун тош билан ўралган Шаҳидон мозороти (Шаҳидлар мозори) бўлиб, дараҳтлар

<sup>1</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т.: Akademnashr, 2011. – Б. 383-384.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Бойсун тумани. 2019 йил 9 август. 4-дафтар.

<sup>3</sup> Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – Т.: ЎМЭ, 2017. – Б. 380-391.

<sup>4</sup> Мухаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий. Тачаллои ишқ. – Душанбе, 2003. – 44 б.

<sup>5</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хўжай Асмин қишлоғи. 2021 йил 18 июнь.

номи билан боғлий қульт – Хонжиза маҳалласи йўлининг чап томонида, қишлоқдан анча узокда Мозори Тўқ зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, унинг атрофида дўлана дарахти бор<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжоларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида маҳаллий халқнинг илм-фан, ислом дини, касб-хунар, тиббиёт, ўзликни англаш, тасаввур ва онгнинг юксалиши ва устоз-шогирд мактабларини шакллантиришда табиат ва жамият ўртасида уйғунликни вужудга келтириш, ҳукмрон синфлар билан оддий халқ ўртасида ўзаро ҳамкорликни яратишга муносиб хисса қўшган улуғ инсонлар хизмати алоҳида инобатга олинган ва тарихан шаклланган. Бундай шахслар номи маҳаллий аҳоли томонидан улуғ ва муқаддаслик дараҷасига кўтарилиган. Воҳадаги ҳар бир зиёратгоҳ маҳаллий аҳолининг маънавий-тарбиявий ҳаётида мухим роль ўйнаган, у ерда ётган шахс онги, тасаввури, диний ва дунёвий илмларни эгаллаши билан ажralиб турган ҳамда унинг касби билан боғлиқ хизматлари инобатга олиниб, тарихий воқеаларга, урф-одатларга қўшган ҳиссаси дикқат-эътиборда тутилган. Бундан худуддаги зиёратгоҳларнинг аксарияти авлиё дараҷасига кўтарилиган саҳобалар номи билан боғлиқ масканлар ҳамда саййидлар наасаби улуғланганини кўриш мумкин. Мазкур ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа худудларида учрамайди, шунга қарамай худуднинг ўрта асрлардан кейинги йилларга қадар ислом дини ва маданияти уйғунлашган, маҳаллий қадриятлар билан исломий анъаналар трансформацияга учраганини кўриш мумкин.

Шуни ҳам айтиб қўйиш жоизки, вилоятнинг тоф ва чўл худудларида шаҳарга нисбатан диний ва маданий соҳадаги ўзгаришлар секин кечганини кўриш қийин эмас. Натижада олис минтақаларда эски диний тажриба – диний қараш, тасаввурлар ва амалиёт узокроқ вақтгача сақланиб турган. Зиёратгоҳлар ҳам кўпинча аҳоли зич жойлашган ерларда шаклланиб, зиёратчиларнинг серқатновлиги боис уларнинг обод бўлишини таъминлаган. Бошқача айтганда, бундай қадамжолар атрофида масжидлар бунёд этилгани у ерда ибодат қилиш учун шароит ва имконият яратган бўлса, акса-

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи. 2021 йил 28 июнь.

рият қадамжоларнинг төғ ва табиат билан уйгунлашгани у ерда маҳаллий аҳолининг ташрифи ва ҳордиқ олиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади. Бунга Термиз шахри ва унинг атрофида ҳамда Олтинсой туманида жойлашган қадамжоларни мисол қилиб келтириш мумкин. Чунончи, авлиёлар номи билан боғлиқ ривоятлар Марказий Осиё учун умумий бўлган тушунчалар билан кафолатланади. Шу сабабли улар ҳақида батафсил тарихий маълумотлар сақланмаган. Шундай бўлса-да, воҳанинг ўзига хос ва бошқа худулардан ажralиб турадиган хусусияти бу ерда ислом дини уламолари ва саҳобалар номи билан боғлиқ рамзий қабрларнинг кўплиги билан изоҳланади. Буни фан нуқтаи назаридан аҳолининг диний қарашларга ишонч-эътиқоди юқори бўлгани ва уни ўрганиш ва билиш юзасидан мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Тадкиқотга жалб этилган ва аниқланган Сурхон воҳаси зиёратгоҳлари характеристига кўра, умумий таснифларни қуидагилар ташкил этади:

- а) Куръон каримда зикр этилган пайғамбарлар билан боғлиқ: Зу-л-Кифл пайғамбар, Хидиршо (Хизр) пайғамбар;
- б) саҳобалар билан боғлиқ: Сайд ибн Абу Ваққос, Абдураҳмон ибн Авф, Аҳтам саҳоба, Хўжа Ҳасан Илгорий, Абу Ҳурайра;
- в) машҳур мутасаввифлар номи билан боғлиқ: Ҳожа Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр, Мавлоно Музҳаммад Зоҳид;
- г) буюк алломалар: Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий, Варроқ Термизий, Сомон Ашур Кокилдор, Ҳожа Самандар Термизий;
- д) Сайидлар номи билан боғлиқ: Султон Содот;
- е) маҳаллий авлиёлар номи билан боғликлари: Хўжа Рўшнойи, Қорахон Эшонбобо, Такия ота, Мурч бобо, Хўжайи Хубон, Хўжайи Пирях, Хўжайи Мурид, Хўжамқара, Хўжайи Хисор, Хўжайи Асмин, Каримкул домла, Музрабод ота, Хўжайи Муқом ота, Қирқчилтон ота, Чўлпон ота, Хўжайи Қўшқарон, Сайд Жамол ва Сайд Камол, Хўжайипок, Хўжайигар ёки Авлиё ота, Ҳазрати Султон Валий, Яккатут бобо, Кийик ота, Шакарли ота, Ҳайдарқул ҳожи бобо, Масжид ота, Кўппак ота, Кўктош Вали, Боги шайхо;
- ё) аёллар номи билан боғлиқ: Биби Зайнаб, Бибиширин, Қирқиз, Чашмаи Сора;

ж) шаҳидлар номи билан боғлиқ: Чашмаи Бибихур-Бибинур мозороти, Мазори тўқ, Ҳовуз мозороти, Писта мозороти, Шоҳидон мозороти, Шарра мазор;

з) этник номлар билан боғлиқ Чилдўхтарон, Бобо Така, Бектепа, Улуғсой, Курбонсоат, Дарвозаҳо, Кўтири булоқ, Чашми сафидоро, Чашмаи Девоноҳо зиёратгоҳлар мавжуд.

Яна шуни айтиш лозимки, аксар зиёратгоҳлар диний шахс (персона) номи билан боғлиқ бўлиб, термизийлар номи билан илм ахли етишиб чиққани ўлканинг зиёрат масканлари худудий ва умумий топонимик бирлик асосида ўзига хос шаклланганини кўрсатади.

## **2.3. Зиёратгоҳларнинг шаклланиши ва тарихий ривожи: археологик ва меъморчилик фанлари нуқтаи назаридан таҳлил**

Сурхондарё кулай географик шароити, табиати, иқлими, шарқ мамлакатларини боғловчи савдо худуд экани ва узоқ ўтмишдан бери маданият шаклланишига ўзининг ҳиссасини қўшиб келаётгани билан ажралиб туради. Хусусан, Буюк Ипак йўлида жойлашган воҳада буддавийлик, зардуштийлик, христианлик ва монийлик каби турли динларнинг таъсирини кўриш мумкин<sup>1</sup>. Бунинг натижасида Сополлитепа, Жарқўтон, Айритом, Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа, Коратепа каби қадимий археологик ёдгорликлар ўз даврида пайдо бўлиб, кейинчалик зиёратгоҳ жойларга айланган<sup>2</sup>. Шаҳарлар орасида Термиз воҳадаги энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, архитектура комплекслари шаклланган, буюк аллома ва авлиёлар дафн этилган муқаддас зиёратгоҳларни ўзида мужассамлаштирган йирик маданият ўчоги хисобланади.

Маълумки, ўлка қадамжолари ва уларнинг ҳолати ҳақида ўрта асрларда географ, сайёҳ ва элчилар кўплаб маълумотларни қайд

---

<sup>1</sup> Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. (историко-теоритическое исследование) Изд. Второе. – М., Наука. 1988. – С. 300-301; Хашимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. – Алматы: САГА, 2001. – С. 8-22.; Древняя и средневековая культура Сурхандарьи // Отв. ред. Э.Д. Ртвеладзе, Ш.Пидаев. Сборник научных статей, посвященных археологическим исследованиям в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001. – 127 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.; Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения северного Тохаристана. – Т.: Фан, 1988. – 82 с.

<sup>2</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамгарма, 1-руйхат, 253-иш, 9-варак.; Маданий мерос департаменти архиви. СД-6407 фонд, С-руйхат, 48-иш, 4-32 вараклар.; ЎзМА, ф. 394-жамгарма, 1-руйхат, 190-иш, 64-88 вараклар. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул мухаррир: Ёвқочев Ш.А. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 69-73.; Пидаев Ш. Қадимий Термиз. – Т.: Фан, 2001. – 32 б.

этадилар<sup>1</sup>. Воҳанинг илмий қимматга эга бўлган археологик ва меъморчилик ёдгорликлари 1925 йилга қадар рус маъмурияти амалдор ва хизматчилари томонидан қолдирилган йўл хотирала-рида қайд этиб келтирилган<sup>2</sup>. Масалан, 1880 йилда Термизга таш-риф бујорган француз олими Гийом Капю Термиз архитектура ёд-горликлари ҳақидаги дастлабки тадқиқотларни қайд этган бўлса<sup>3</sup>, 1925 йилда Средазкомстарис ташкилоти ходими И.И. Умняков бошчилигидаги экспедиция гурухи Термиздаги меъморчилик ёд-горликларини ўрганишни илмий тадқиқот даражасига олиб чиқди. Археолог тадқиқотчилар томонидан эски харобалар ўрнини текши-риш, уни қурилган йилини аниклаш, харобалик даражаси ва таъ-мирлаш мумкинлиги билан шугулланди. Кейинги йилларда жумла-дан, 1926-28 йилларда Б.П. Денике бошчилигига В.Л. Вяткин, Б.Н. Засыпкин, Б.В. Витмаринлардан изборат гурух Шарқ маданияти музей археологик экспедицияси иш олиб борган<sup>4</sup>. Экспедиция IX-XIV асрларда шаклланган Қирқ қиз ёдгорлиги, XI-XVII асрларда-ги Султон Содот мақбараси ансамбли, IX-XVII Ҳаким Термизий мақбараалари комплексини ўрганди. Бу экспедиция натижалари ар-хеологик ва меъморчилик ёдгорликларини ўрганиш ишига муно-сиб хисса бўлиб қўшилди. Ўзбекистон жанубининг санъати ва меъ-морчилиги ҳақидаги маълумотлар билан тарих фани бойитилди<sup>5</sup>.

Кейинги йиллардан, хусусан 1933 йилда М.Е. Массон раҳбар-лигига Термиз археологик комплекс экспедицияси Айритомда

<sup>1</sup> Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ибн Мухаммад ибн Мансур ат-Тамиий ас-Сам‘оний. Ал-Ансоб (б-жилдли). 1-ж. / Мухаммад ‘Абд ал-Қодир ‘Ато’ ҳошиялари билан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1998. – Б. 482–485.

<sup>2</sup> Пославский И.Т. О развалинах Термеза // Средниазатский вестник. – 1896. Декабрь. – С. 84-100; Ананьев А.Г. Шираабадская долина. – Спб, 1914. – С. 13.; Мушкетов И.В. Туркестан. – СПб, 1886. Т.1. – 578 с.

<sup>3</sup> Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1969. – С. 25-27.; Пугаченкова Г.А. Зодчество в Центральной Азии в XV веке. Ведущие тенденции и черты. – Т.: изд. Гафур Гуляма, 1976. – С. 25-33.

<sup>4</sup> ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 14-20 вараклар.; Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 1-5 вараклар.; Аршавская З.А., Ртвельадзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сур-хандаръи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 12-13.

<sup>5</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 8-20, 63-67, 79-91 вараклар.

қазилма ишларини олиб борди ва будда ибодатхонаси харобаси мавжудлигини топишга эришди<sup>1</sup>. 1960 йилда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигидаги экспедиция Холчаён тепалигини текширишга киришди. 1960-1962 йилларда Л.И. Ремпел бошчилигидаги санъатшунослик экспедицияси<sup>2</sup> Сурхондарёдаги қишлоқлар архитектурасини ўрганишини бошлади.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Термиз ва Чагониённинг архитектураси араб истиносидан олдинги давр анъаналари билан чамбарчас боғланиб, меъморий зийнатнинг умумий композицияси буни ўзида акс эттиради. IX-X асрлар меъморчилигига оид қурилишда сифатли ғишт ва ганч ишлатила бошланган<sup>3</sup>. Пишиқ ғишт асосан мақбараларни барпо этишда ишлатилиб, X аср иморатларида устунлар ёғочдан кўтарилиб, араб истироси билан ислом маданиятининг кириб келганини масжид, меҳроб, минбарлар, миноралар марказий қисми устида гумбазларнинг тоқлари пайдо бўлишида кўриш мумкин бўлади<sup>4</sup>.

Кейинги асрларда мозорлар устида мақбаралар бунёд этилиб, зиёратгоҳларда ибодат учун масжид ва хонақолар қурилган<sup>5</sup>. Архитектор санъатшунос олим Д.А. Назиловнинг фикрича, масжидларнинг бошқа ҳудудлардан ажralиб турадиган ўзига хослиги шу билан изоҳланадики, меҳроблар безаш учун кўйилган бўлиб, уларнинг ўйиқ жойларида ўсимлик барглари тасвири туширилган. Меҳробларнинг ўйиқ жойлари чуқурлиги 80 смни ташкил этади<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Воронина В.Л. Вопросы охраны и использования памятников народной архитектуры в республиках Средней Азии. Экспресс-Информация, Сер. Музееоведение и охрана памятников, Вып. 1. – М., 1973. – С. 37-39.

<sup>2</sup> Ремпель Л.И. Народная архитектура предгорной зоны Юга Узбекистана // Искусство зодчих Узбекистана. Вып. 4., 1969. – С. 156-191.

<sup>3</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-6410 фонд, С-руйхат, 48-иш, 14-21 вараклар.

<sup>4</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандаръи. – Т.: Изд. Гафур Гулямъя 1982. – С. 53-54.

<sup>5</sup> Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. (историко-теоретическое исследование) Изд. Второе, – М., Наука. 1988. – С. 3-8.

<sup>6</sup> Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. – Т.: Фан, 1983. – С. 92.

Сурхондарёда устунларнинг асосий кўринишга қараб уларни бешта гурухга ажратиш мумкин, устуннинг пастки қисмида орнамент жойлаширилган, иккинчиси кўп қиррали устун ромб шаклидаги ўйиқлардан ташкил топган. Ярим сферали қайта тескари ўйқилган шаклдан иборат<sup>1</sup>. Айнан шундай меъморчилик шакллари воҳа зиёратгоҳ масканлари архитектурасида кузатилади.

Сурхондарё вилоятида давлат муҳофазасига олинган маданий мерос обьектлари сифатида худудда 494 та тарихий, бадиий ва илмий аҳамиятга эга моддий маданий мерос обьектлари сабаб ўтилади<sup>2</sup>. Уларнинг орасида ислом оламида олтита машҳур муҳаддислардан бири бўлган Абу Исо Термизий мақбараси (Х-XI асрлар) алоҳида ўрин эгаллаб, у аллома вафотидан 150 йил ўтгач, ҳозирги Шеробод тумани яқинида қабр устига кўтарилган<sup>3</sup>. Аллома қабри устида мақбарани XV аср ўргаларида Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф таъмирлатгани ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>4</sup>.

Мақбара Шеробод туман марказидан жануби-шарқда жойлашган бўлиб, тўрт ҳадли бинодан ташкил топган. Ҳозирги кунда мақбара бир-биридан равоқлар орқали ўтувчи 4 хонали бўлмадан иборат. Хоналар тарҳи 4,3x4,5 мни ташкил этади. Шимоли-шарқий тарафи айвон қурилиши муносабати билан кейинчалик тўсилган. Шунингдек, уч хонали бўлма мураббаба тарҳли, улардан жанубдаги си гўрхона, унда мармар сагана З поғонали бўлиб, муқарнас нақш ва ёзувлар билан пардозланган. Гўрхонадан тор узун йўлка орқали хонақоҳга ўтилади. Хонақоҳ гумбаз томли ва меҳробдан иборат бўлиб, ёнидаги икки хонадан шимоли-шарқий тарафга чиқилади<sup>5</sup>. Хонақоҳ олдидаги уч айвонли гумбаз, қалқонсимон бағалли девор-

<sup>1</sup> Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. – Т.: Фан, 1983. – С. 114-115.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2018-йилдаги фармойишига илова тарзида тасдиқланган обьектлар рўйхати. Иловага қаралсин.

<sup>3</sup> Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Т., 2020. – 144 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

<sup>4</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 253-иш, 7-25, 31-32 вараклар.

<sup>5</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандаръи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма, 1982. – С. 93-98.

лари ганчкор безаклар билан пардозланган. Мақбаранинг бош тарзини кичик қўшксимон гумбазли қурилма эгаллаган. Мақбаранинг марказий зали ва масжид меҳроб билан, жанубдан гўрхона тарафдан эса фиштили пештоқ билан, шимол томондан кенг айвон билан ўралган. Учинчи зал ҳам саккиз қиррали пешайвон ҳамда уч ва саккиз қиррали накшлар билан безатилган.

Мақбара хонасининг устки қисми гумбаз билан ва тўртта хонаси эса тўғри услубда ёпилган бўлиб, хонақоҳ квадрат шаклдаги 24-25x4,5-5 смли пишиқ фиштдан лой қоришмалари воситасида қад кўтарган. Бинонинг умумий майдони 19,3x6,8 м, учта хона бир хил 4,3x4,3 метрни ташкил этади. Турли даврларда бино талофотларга учраб, XV асрда шимоли-гарбга қараб йўналтирилган ҳамда мажмуа шимоли-гарбий томондан анчагина шикастланган. Мақбаранинг олд тарафига XX аср бошларида устунлари ўймакор бўлган айвон қурилган. Абу Исо Термизий мақбарамининг қурилиши бўйича дастлаб Д.Н Логофет, 1945 йилда В.А. Воронин, 1968 йилда археолог З.А. Ҳакимов, 1977 йилда А. Акименко, И.Гудков ва В.А. Аршавскаялар тадқиқот ишларини олиб боргандар<sup>1</sup>. Бу тадқиқотлар меъморчилик ва археология фанида янги ва муҳим маълумотларни берди.

Ҳаким Термизий<sup>2</sup> мақбарами IX-XV асрларга оид мемориал комплекси бўлиб, ўзида масжид, мақбара, хонақо ва сағанани бирлаштиради<sup>3</sup>. Л.Ю. Маньковскаянинг фикрича, мажмуа 3 хонали мақбара, тарихий жараёнларда ўз ҳолатини ўзгартирган масжид, хонақо ва айвондан ташкил топган<sup>4</sup>. Мақбара ҳақидаги дастлабки маълумотни 1878 йилда А. Быкова аниқлаган бўлиб, 1881 йилда Бухородан афғон амири ҳузурига кетаётган француз сайёҳи Г.

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйхат, 48-иш, 14-27 вақлар.; Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: Yangi nashr, 2014. – Б. 54-55.

<sup>2</sup> Массон М.Е. Надписи и штуке из архитектурного ансамбля у мавзолея Ҳаким и Термези. – Труды ТашГУ. Новая серия. Вып. 172. Кн.37. Археология Средней Азии. У. – Т., 1960. – С.44-80.

<sup>3</sup> Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Т., 2020. – 144 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

<sup>4</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1980. – С. 146-148.

Бонвало ва рассом Каню Эски Термиз харобаларини кўздан ке-чириб, Ҳаким Термизий қабри ёнида кўплаб қабрлар борлигини аниқлашга муваффақ бўлишган<sup>1</sup>.

1926-27 йилларда шаҳар маданият музейи ходимлари Б.П. Денике ва Б.Н. Засыпкин иншоотнинг ўлчамини ўрганган. 1936 йилда ТАКЭ (Термиз археологик комплекс экспедицияси) аъзолари М. Е. Массон бошчилигига тадқиқот ишларини ўтказган. 1938 йилда Г.А. Пугаченкова мақбара ҳақидаги маълумотларни ёзиб қодирган. 1947 йилда В.П. Петров, 1955 йилда В.М. Филимонов ва К.А. Шахуринлар бошчилигига ёдгорликнинг таъмирланишига оид тадқиқотларни амалга ошириллар<sup>2</sup>.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, IX асрда мақбаранинг шимоли-гарбий қисмида айвонли масжид курилган, сайқалланган пишиқ ғиштдан ишланган ва шу ғиштнинг ўзидан ёзма безаклар акс этган<sup>3</sup>. XIII асрнинг бошларида унинг ховлиси шаклланади ва бир гумбазли мақбара бунёд этилади. XIV асрнинг охирида (1389\1390) мақбаранинг шаркий томонида чиллахона барпо этилган. XV асрда мақбарага иккита пештоқ умумий гумбаздан иборат хонақо қурилиши бошланади ва мақбарада оқ мармарли сафана ўрнатилган<sup>4</sup>.

Ҳаким Термизий мақбараси ҳақида меъморий ўлчовлар ва архитектура иншооти ҳақидаги илмий маълумотларни биринчи марта 1955-1956 йилларда архитектор Б.Филимонов эълон қилиши натижасида таъмирлаш ишлари олиб борилди ва қурилишга ўзгартиришлар киритилди. Мақбара 5,10x4,70 м кўламда бўлса, ёдгорликнинг умумий ҳажми 28x29 метрга teng бўлган. 1955-1957 йилларда Ҳаким Термизий мақбараси илмий тадқиқ этилиб, XIV-XV асрлардаги кўриниши қайта тикланди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX-XX аср бошлари). – Т.: Фан, 2010. – Б. 8-9.

<sup>2</sup> ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-руйхат, 39-иш, 12-19 вараклар.

<sup>3</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9735 фонд, Ф-руйхат, 53-иш, 1-10 вараклар.

<sup>4</sup> Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1969. – С. 401-402.

<sup>5</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйхат, 48-иш, 14-27 вараклар.

Ҳаким Термизий мақбарасини X-XV асрдаги ёдгорлик сифатида баҳолаш мумкин. Даҳма ёнида масжид ҳам бўлиб, ёдгорлик ўзининг ўлчамига кўра, узунлиги 4 м, баландлиги тахминан 2 м ва кенглиги тахминан 1 метрни ташкил этади. Мақбара 3 қисмдан иборат, деворнинг пастки қалин қисми ва ўрта қисми тузилмалардан иборат. Мақбара оқ мармарли плитадан тикланиб, кўп сонли ёзувлардан ташкил топган<sup>1</sup>. Унинг орқа энсиз қўндаланг қисми тузилиши жиҳатдан ҳар хил тахмонлардан иборат. Бино безатилган ёғоч устунларни, йўнилган эшиклар, шифт, меҳроб, масжид, ёғочли қабр тошидаги ёзувлардан иборат. Бинони архитектура манзараси ёғочлари учун чинор, қайрагоч арча ва теракдан фойдаланилган<sup>2</sup>. Ҳаким Термизий комплексида масжид айвонли мажмуаларни ўзида бирлаштириб, айвон П шаклда ва бўлиб X асрда масжид айвондан ташкил топган<sup>3</sup>.

Марказга интилма гумбазли мақбаранинг айвон ва саҳни масжид билан бирлаштириб юборилган. Мақбара чорток шаклида қад ростлаган бўлиб, ичкарида очик аркли пештоқлар зеб бериб туради<sup>4</sup>. XI аср охирида қораҳонийлар ҳукмдори Абул Музффар Аҳмад Тегин (1081/1095) фармойишига кўра, даҳманинг ички томони ажойиб ўймакор ғишталар билан қоплаб чиқилган. Мақбаранинг шимолий ён деворига унча катта бўлмаган масжид туташиб кетган. Масжиднинг қурилиш кўриниши Бухоро намозгоҳи архитектура-сига ўхшаб кетади. У уч қуббали бўлиб, очик аркли пештоқи ғишт териб чиқилган ҳовли саҳнига олиб чиқади. Масжиднинг мақбара девори давомчиси бўлган ғарбий девории марказида меҳроб қад кўтарган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Пугаченкова Г.А. Зодчество в Центральной Азии в XV веке. Ведущие тенденции и черты. – Т.: Изд. Гафур Гуляма, 1976. – С. 25-33.

<sup>2</sup> Денике Б.П. Архитектурный орнамент Средней Азии. – М.: Ленинград, изд. Академии архитектуры, 1939. – С. 116-117.

<sup>3</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1980. – С. 114-115.

<sup>4</sup> Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана – Architecture of the Soviet Uzbekistan. – М.: Стройиздат, 1987. – С. 16-17.

<sup>5</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 109-111 вараклар.

Ҳаким Термизий мақбарасининг асосий қисми Амир Темур даврида 1390 йилнинг август-сентябрида қуриб битказилган. Унда мақбарага мармар тошлар билан безак берилиб, унинг усти оқ рангли філ суюги ва турли туман ўсимлик ранглари билан безатилган. Жануби ва шимоли ганжли панжааралар билан чегараланган. Иншоотнинг умумий ўлчами 28,0x29,0 метр, деразалар катта ҳажмли, мақбаранинг ўлчами 5,10x4,70 метрни ташкил этган<sup>1</sup>.

XV аср охирида даҳманинг шарқий деворига набираси Халил Султон ҳукмронлиги даврида (1405\1409) мажмуанинг шимоли-шарқий қисмидаги хонақоҳ қад ростлаган. Мармардан тикланган сағана ҳам шу даврда барпо этилган Темурийлар ҳукмронлиги даврида хонақоҳ баланд асос (баландлиги 1,5 м) устига пишиқ ғиштдан қурилган, унга туаш хоналар таъмирланган<sup>2</sup>.

Хонақоҳнинг шимолий ва жанубий томонларига пештоқ ишланган. Хонақоҳ ҳовлисининг фарбида З губазли масжид мақбарага туашган бўлса, З равоги ҳовлига қараган. Масжиднинг фарбий томонидаги девор марказида кенг ҳошияли меҳроб бор. Унда бўртма ёзув, сопол шакллар, оралиқ заминдаги ўйма ганч безаклар ўзига хос кўринишни акс эттиради<sup>3</sup>. Масжид устунлари ғиштдан безакли қилиб терилган бўлиб, равоқ орқали мақбарага ўтилади. Гумбаз остида куфий хатида Қуръон суралари ўйиб ёзилган. Мақбари ичкарисидаги сағана Темурийлар даври тош ўймакорлиги санъатининг юксак намунаси ҳисобланиб, сағана З поғонали, асосий исломий нақш ва ёзувли ҳошиялар, ўрта қисмидаги икки ёни шамчироқ билан безатилган<sup>4</sup>. Кичик мақбарада Абдуллахон ҳукмронлиги даври XVI аср ҳовли худудида 9 гумбазли масжид қурилган бўлиб, олдида енгил равоқ устунли айвон жойлашган. Жануб тарафидан кираверишда яна бир мақбара (гўрхона ва зиёратхонадан иборат) қурилиб, равоқли бўлмалар орқали Ҳаким Термизий мақбараси ва

<sup>1</sup> ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-руйхат, 39-иш, 17- варак.

<sup>2</sup> Пугаченкова Г. Термез. Шахрисябз. Хива. – М.: Искусство, 1976. – С. 36-37.

<sup>3</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйхат, 48-иш, 14-27 вараклар.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г.А. Зодчество в Центральной Азии в XV веке. Ведущие тенденции и черты. – Т.: Изд. Гафур Гуляма, 1976. – С. 25-33.

хонақоҳни ўзаро боғлаб туради<sup>1</sup>.

Ҳаким Термизийнинг қабртоши Темурийлар сулоласининг вакиллари Халил Султон ва Шоҳруҳ Мирзо томонидан қуфий хатининг исломий гириҳ нақши услубида таърҳ муаммо шаклида битилган “Хамса ҳамсuna миннаттайн” сўзлари ҳижрий 255/869-870 санада вафот этганини қўрсатади<sup>2</sup>. В.В. Бартольд Ҳаким Термизий қабри устидаги тош ёзувини қуйидагича келтиради: “Унинг номига ҳамду санолар бўлсин. Бу ерда шайх, имом Абу Абдуллоҳ Алининг ўғли ал -Ҳаким ат-Термизий дафн этилган жой, Аллоҳ уни раҳматига олсин. У шайхларнинг буюги, нотиқ ва машҳур китоблар муаллифи, фикҳ илмининг билимдони, 255 йилда вафот этди. Худо раҳмат қилсин”, деган ёзувлар бор. Бой қирқма безакли мақбара эпиграфик безаклар Мовароуннаҳр хукмдори Абул Музаффар Аҳмад Тегин номи ва ёрлифи билан боғлиқ. М.Е. Массон уни Аҳмад ибн Ҳизр деб ҳисоблайди (1018\1095)<sup>3</sup>.

Марказий Осиёдаги тош ўймакорлиги бўйича энг ажойиб ёдгорлик намунаси ҳисобланган Ҳаким Термизий мақбарасига устидаги оқ мармартош насх хатида XIV асрдан олдинги давр деб баҳоланади. Мармар ўймакорлиги ва қабртошининг тузилиши XIX аср охирлари учун характерли бўлган. Мармартош XV аср бошларида қўйилган деган маълумотлар бор<sup>4</sup>. Бироқ у XV асрдан олдин пайдо бўлмаганини “Зафарнома” асарида учратиш мумкин. Бу мақбаранинг орнаменти Гўри амир мақбараси тош тўрсимон панжараларга жуда ўхшаш бўлиб, бу Улуғбек даври услубини қўрсатади.

<sup>1</sup> Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Ташкент, 2020. – 144 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

<sup>2</sup> Фойипов З. Тафаккур самосидаги ёрқин юлдуз // Moziydan sado. – 2001, 4(12)-сон, – Б. 18-19.

<sup>3</sup> Шаропов С. Моддий маданият намуналарининг Сурхон воҳасида илмий-тарихий ўрганилишининг аҳамияти // Давр, замон, шахс: илмий-амалий мақолалар тўплами. Иккинчи қисм. – Термиз: Сурхон-нашр, 2016. – Б. 54-56.

<sup>4</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-1589 фонд, Ф-руйхат, 53-иш, 51-67 вараклар.

1980-1981 йиллар мақбара ва хонақоҳ қайта пардозланди. Мажмуманинг умумий тарҳи 28,0x29,0 м, мақбарани 5x14,7 м ни ташкил этади.<sup>1</sup>

Яна шуни айтиб қўйиш керакки, X асрдан бошлаб Термиз работи ҳисобланган қисмнинг шимолий тарафида Варроқ Термизий мақбараси тикланган бўлса, Жайхун тарафда Варроқ мозорига қадар Ҳаким Термизий мақбарасининг гўрхона қисмида аллома дағн этилган ва унинг хоки устида мўъжазгина мақбара бунёд этилган. Кейинчалик Қорахонийлар даврида қурилган маҳбобатли иншоотга асос бўлиб қолган бу илк мақбара 28x28x4 см; 30x30x4-5 см ўлчамга эга хом ғиштлардан кўтарилиб, бу турдаги ғиштлар меъморчиликда Сомонийлар давридан бошлаб кенг кўлланилган<sup>2</sup>.

Ҳаким Термизий дағн этилган жой араблар босқини арафасида марказий буддавийлик ибодатхоналаридан бири. Бу уни Термиз ибодатхонаси IX аср сифатида изохлайдилар. Кейинчалик бу икки аллома қабрлари атрофида йирик қабристонлар пайдо бўлган<sup>3</sup>. Тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) ҳам ўз қайдномаларида буни тасдиқлаб, Ҳаким Термизий ва Варроқ Термизийнинг муқаддас қабрлари Кўхна Термиз деворига яқинлигини ва қальянинг шимолий томонидан жойлашганини қайд этади<sup>4</sup>.

Маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос мавқега эга бўлган обьект – Термиз тумани Пахтакор махалласида жойлашган Султон Содот мажмуидир. XI-XIX асрлар мобайнида Термиз саййидларининг оила вакиллари дағн этилган<sup>5</sup>. Тарихчи олим С.Турсуновнинг фикрича, бу мажмууда дастлаб 9 асрнинг ииккинчи ярмида вафот этган пайғамбар авлодларидан бўлмиш Сайид Ҳасан Амир

<sup>1</sup> Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: Yangi nashr, 2014. – Б. 51-54.

<sup>2</sup> ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-рўйхат, 39-иш, 17- варак.

<sup>3</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9735 фонд, Ф-рўйхат, 53-иш, 4-31 вараклар.

<sup>4</sup> Холиков З., Дежимуродов Х. Термиз ва Чагониённинг ўрта асрлардаги тарихий географияси // Moziydan sado. – 2004, 2-сон. – Б. 22-24.

<sup>5</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-6405 фонд, Л-рўйхат, 65-иш, 4-8 вараклар.

мақбараси бунёд этилган<sup>1</sup>. Ушбу мажмуа 20 га яқин мақбара<sup>2</sup> ҳамда 170 тагача қабрни ўз ичига олади<sup>3</sup>.

Султон Содот мемориал мажмуаси XI-XVII асрларда Термиз сайдилари сулоласига тегишли мақбара сифатида шаклланган<sup>4</sup>. Б.П. Денике мақбара нақшларига асосланган ҳолда уни XI асрға мансуб эканини қайд этади<sup>5</sup>. Унинг дастлабки асосини 2 та мақбара (XII аср) ташкил этиб, XV асрда масжид вазифасини бажарувчи айвон билан бирлаштирилган. Тарихчи олим Жалолиддин Мирзо мақбараларнинг энг қадимгиси Сомонийлар даврида, асосий қисми Темур томонидан қурилганини қайд этади. У ўз даврининг таниқли меъморлари томонидан ганч-ўймакор безаклари билан ишланган<sup>6</sup>. Мажмуа асоси Пайғамбар авлодларидан бири Сайид Ҳасан ал-‘Амр саганаси устида бунёд этилган. 1898 йилда Москва антропология ва этнография жамияти аъзолари томонидан олиб борилган текширувга кўра, А.А. Семенов марказий пештоқидаги ёзувларга асосланган ҳолда уни Султон Сайид ал-Муҳамад, умуман, Ҳусайн авлодлари қурдирган мақбара деб изохлайди<sup>7</sup>. Шунинг учун Ҳусайн мақбараси сайдилар ва маҳаллий мусулмон уламоларининг юкори табакаси, сулоласи ва мақбараси деган ном билан улуғланади.

Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарида Амир Темур вафотидан кейин XV асрда Термизни эгаллаган набираси Халил Султон зиёрат учун келиб, уни қайта таъмирлатгани ва ҳудудни кенгайтиргани ҳақида маълумот келтирилади<sup>8</sup>. Мақбаранинг

---

<sup>1</sup> Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: Yangi nashr, 2014. – Б. 55.

<sup>2</sup> Катта қаср ёки кўргонни эслатувчи 18 та мақбара қурилганлиги хам таъкидланади. Қаранг: Холиёров А., Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё обласи. Қисқача справочник. – Т.: Ўзбекистон, 1970. – Б. 39-40.

<sup>3</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9154 фонд, Ф-рўйхат, 53-иш, 11-32 вараклар.

<sup>4</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-рўйхат, 253-иш, 9-19 вараклар.

<sup>5</sup> Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1969. – С. 32-33.

<sup>6</sup> Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 31-33, 62.

<sup>7</sup> Семенов А.А. По границам Бухары и Афганистана (Путевые очерки 1898 года) // Исторический вестник. 1902. №4. – С. 117.

<sup>8</sup> Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: Faafur Fuлом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – Б. 20.

кўндаланг қисмида меҳроб жойлашган, ҳар иккала мақбарада ҳам марказий тузилишдан фойдаланилган, пиширилган ғишт безакли материал вазифасини бажарган. Ҳар иккала мақбарада қабр тоши мавжуд бўлиб, у ўз даврининг безаги қандай бўлганини кўрсатиб беради. XV асрнинг бошида мақбара пештоқи юқорига қўтарилиши ва ёрқин рангли майолик плиталардан фойдаланилиши кузатилади. XV асрнинг иккинчи ярмида ҳар иккала мақбарада иккита янги бинони вестибюл бирлаштиради<sup>1</sup>.

Султон Содот мақбарасининг ўрганилиши дастлаб 1906 йилда Россия география жамияти ва ботаника ботанинг кўмагида Р.Ю. Рожевицнинг Термизга келиши билан бошланган ва Султон Содотни энг кўркам ва энг чиройли деб баҳолаган. Унинг фикрича, биринчи қисмида қабрлар жойлашган бўлса, иккинчи қисмида муллалар яшаган. Шуниси дикқатга сазоворки, барча бинолар нақшинкор бўлиб, гумбаз ғиштлари бир қатор қилиб терилган. Обиданинг ташқи томони рангли кошинкор бўлиб, унда ўлдузлар ва маржонсимон гуллар тасвирланган. Рангли кошинларнинг хажми 1 смдан 0,5 аршингача (1 аршин 0,71 м) ташкил этади. Кошинлар оқ, кўк, мовий ва тилла рангли қилиб ишланган. Мажмуанинг иккинчи қисмида обиданинг ички хоналари сувоқ қилиниб, баъзилари оқ ва қўнғир рангларга бўялган<sup>2</sup>.

Мазкур масалада жиддий тадқиқотни А.А. Семенов эълон қилган бўлиб<sup>3</sup>, муаллиф томонидан Термиз саййидлари ёритилган кўлёзмаларнинг ишга жалб қилиниши билан муваффақиятли яқунланган<sup>4</sup>. 1923 йилда шарқшунослар Ассоциацияси йўналиши бўйича ўрганган олим М.Г. Вячеслов Афғонистон билан бирга Термизни ҳам тарихий ракурсда ўрганади. Унинг фикрича, Султон Содот мажмуаси Султон Амир Ҳусайн Содот ва Хўжа Аслар масжидидан ташкил топган. Бундан ташқари, Султон Содотнинг

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 116-119 вараклар.

<sup>2</sup> Рожевиц Р.Ю. Поездка ва Южную и Среднюю Бухару в 1906 году. – Спб, 1908. – С. 148.

<sup>3</sup> Семенов А.А. Происхождение термезских сейидов и их древняя усыпалница Султан-Саодат. Протоколы и сообщения Туркестанского кружка любителей археологии. – Т., 1914. – С. 12.

<sup>4</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 350-иш, 250-255 вараклар.

ташкіл топиш санасини мусулмон архитектурасининг қадимги даврига тегишли эканини келтиради. 1938 йилда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигига ўтказилган экспедиция мақбарада ҳар жиҳатдан текширув ишларини олиб борди. 1965 йилги текширувлардан олинган хulosага кўра, Султон Содот мураккаб ва йирик архитектура ёдгорлиги сифатида бир неча асрлар давомида шаклланиб, ўз даври тўплланган музейини ташкіл этиши, даври X-XI асрлар ва XVII асрлар билан якунланишини қайд этади<sup>1</sup>. Шу даврда Султон Содот ҳовли, айвонли масжид ва пештоқли хоналардан иборат бўлган<sup>2</sup>. Бу мажмууда бошқа ёдгорликларда кузатилмаган тузилишили ва техник архитектура ютукларини кўриш мумкин. Бу мақбарадаги ноодатий иккита бирлаштирилган масжидда кўзга ташланади.

Агар мозорларни ташки тўрнишига эътибор берсак, уларнинг гумбази бир хонали, кўп хонали ва кенг ташкіл этилганлиги билан изоҳланади. Марказий Осиёдаги меъморий ёдгорликларнинг аксарияти айниқса IX ва XX аср бошидагилари композицияси бир хонали гумбаздан ташкіл топган, X-XIX асрларда конгломерат кўп хонали шаклдан ташкіл топган. XI-XVIII асрларга тегишли Султон Содот қабристонининг кўш мозордан иборатлиги кўп хонали шаклдан иборат эканлиги кўрсатади<sup>3</sup>. Даҳлиз тузилиши ўзига хос бўлиб, масалан, Султон Содотда даҳлиз йўлак кўриниши тузилмасини ўз ичига олиб, кенг ва узун хонадан иборат, мажмуани бутун интеръери билан кўриш имконини беради<sup>4</sup>.

Султон Содот мақбараси нақшинкор пишиқ ғиштдан терилган, девор кисми ўзига хос янги унсурлар билан бойитилган геометрик шаклдаги безаклар билан безатилган. Мақбаранинг олд томони шарққа қаратилган бўлиб, турли шаклдаги ғиштлар билан ишланган<sup>5</sup>. Юқори қисмининг икки қатори кенг гумбазли, кичик

<sup>1</sup> Пугаченкова Г. Терmez. Шахрисябз. Хива. – М.: Искусство, 1976. – С. 41-51.

<sup>2</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-6405 фонд, Л-руйхат, 65-иш, 5-47 вараклар.

<sup>3</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало ХХ в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1980. – С. 134-141.

<sup>4</sup> ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 14-20 вараклар.

<sup>5</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9733 фонд, К-руйхат, 12-иш, 4-47 вараклар.

ўрта гумбаз қисми кириш пештоқига уланган. Мажмуанинг энг қадимги қисми XI асрга тегишли мақбарадир. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар ( $9\times 9$ ,  $0,05$  м ва  $10,15\times 10,25$  м) дан иборат. Шунингдек, ҳовли тўридаги пештоқ ва икки қанотидаги гумбазли мақбарлар бир хил тарҳда, жануб тарафидаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўринади. Шимоли гарбидаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий гишт ( $27\times 27\times 5$  см) дан жуфт-жуфт ҳолда терилиб, мавжли безак ҳосил қилинган ҳамда ички хона дөвораларига ҳошияли бўртма равоқлар ишланган.

Жануби-гарбдаги мақбара шимоли-гарбдагисидан бир оз кичик, шакли оддий, ганч сувоқли. Мазкур икки мақбара орасидағи пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган<sup>1</sup>. XIV асрда икки мақбарани боғловчи равоқ қурилиб, унинг ташки томони кесма ҳаворанг гиштчалар билан безатилган. XV асрда безак бериш санъати янада ривож топиши натижасида даҳмага қўшимча буёқ ва чирой берилади. Шу даврда термизлик саййидларнинг бошқа даҳмалари ҳам барпо этилиб, уларнинг аксариятига пуштиранг буёқ берилган ва гумбазига айланма зинапоя ишланган<sup>2</sup>. 1881 йилда Термизга ташриф буюрган француз сайди Г. Бунвало обида ёнида масжид борлиги ҳақида маълумот бериб, уни Қарши ва Бухорадаги масжидлар билан бир хил усулда қурилган деб ҳисблайди<sup>3</sup>. Султон Содот мақбаралар мажмуи кейинги йилларда таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди.

Жайхун дарёси irmoқлariдан бирида узунлиги 8, эни 5-6 кмни ташкил этган майдонда оролча бўлиб, уни “Пайгамбар ороли” деб атайдилар. Оролнинг жанубида Зу-л-Кифл номи билан аталувчи мақбара XI-XII асрлар мавжуд. Тадқиқотчи олим В.В. Бартольд X асрдаёт Келиф шахри яқинидаги Амударёнинг чап қирғоғида Зу-л-Кифл работи бўлгани ва бу зиёратгоҳ кейинчалик Термиз яқинидаги хилват Пайгамбар оролига кўчирилгани, мақбара эса

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.В., Аршавская З.А. Архитектурный комплекс Зул-Кифл // САУ, – 1978. №1. – С. 36-39.

<sup>2</sup> Ҳакимов З.А., Шваб Ю.З. “Султон Содот” в сборнике искусство зодчих Узбекистана. Вып. 4. – Т., 1969. – С. 29-43.

<sup>3</sup> Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда: (XIX-XX аср бошлари). – Т.: Фан, 2010. – Б. 8-9.

XV асрға оид эканини қайд этади<sup>1</sup>. Архитектура ишлари бүйича күмита қарорларида бу мақбара XII асрға оид эканини айтиб ўтилган<sup>2</sup>.

Л.Ю. Маньковскаянинг фикрича, “Пайғамбар орол”даги Зул-Кифл мажмуасига алоқадор масжид мўгуллар келишидан олдинги даврда тикланиб, унинг пештоқ гумбаз қисми бурчакли қисмдан иборат<sup>3</sup>. У ўзида масжид, гўрхона ва унга туташ икки хонадан иборат қисмни бирлаштиради. Масжид мураббаъ тарҳли, гумбазли, олди пештоқли, меҳробига ганчкори гириҳ нақш ишлангани билан ажралиб туради. Гўрхона масжид сатҳидан бир метрча баланд қурилган бўлиб, унда сафана сақланган. Гўрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади, хона деворига фиштлар мавжли шаклда терилган<sup>4</sup>.

Мақбара таркибига бир-бирига боғлиқ, аммо ҳар хил даврга тегишли симметрик кўринишдаги хоналар барпо этилган. Бу мақбара икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм квадрат шаклида қурилган масжидdir. У гумбазли, олди пештоқли, меҳробига ганчкор нақш ишлангани. Иккинчи қисми гўрхона бўлиб, у ерда сафана жойлашган. Шунингдек, уларга туташ яна иккита хона мавжуд. Масжиднинг асосий қисми шарққа қараган, унинг кириш пештоқи куб кўринишидаги куббалар билан безатилган<sup>5</sup>.

Қирқ қиз ёдгорлиги қишлоқ-кўргон сарой архитектурасининг ноёб турига мансуб бўлиб, IX-XI асрларга оид, Сомонийлар даврига тегишли ҳозирги Термиз тумани худудида жойлашган. У квадрат шаклга эга, тўрт томонли икки қаватдан иборат айвонли, ховлиси кўп қисмли хоналардан ва бирлаштирувчи йўлакдан иборат. Фасадлар хилма-хил бўлиб, ҳар бирининг марказида чукур гумбазли

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 120-122 вараклар.; Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.:Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 22–25.

<sup>2</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 268-269 вараклар.

<sup>3</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1980. – С. 106-107.

<sup>4</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 78-79.

<sup>5</sup> Ртвеладзе Э.В., Аршавская З.А. Архитектурный комплекс Зул-Кифл // САУ. – 1978, №1. – С. 36-39.

айвон, деворлар юзаси ёриқлардан, бурчакда думалоқ минора жойлашган<sup>1</sup>. Қурилиш ва безак ашёлари сифатида хом материалдан фойдаланилиб, унинг мураккаб деворларидан қуббасимон конструкциялар қилинган<sup>2</sup>. Археолог санъатшунос олима Е.Г. Некрасованинг таъкидлашича, Қирқ қиз обьекти Султон Содотда жойлашган ансамблларнинг аналогияси, яъни такрори ҳисобланди. У хонақо ҳужраларини бирлаштирувчи ҳовлидан ташкил топган<sup>3</sup>.

Қирқ қиз қалъаси йирик шаҳардан ташқаридаги кўргон-қаср анъянавий меъморчилик услубида қурилиб, араблар келгунига қадар Ўрта Осиё меъморчилик мактабининг услубини такрорлайди<sup>4</sup>. Мазкур бино ўрта асрларда шаҳар ташқарисидаги кўргон вазифасини ўтаган. Қалъанинг ўзига хослиги шундаки, унда дунё томон кўндаланг қатъий мутаносиб ҳолда бунёд этилган. Қасрнинг пастки ва юқори қаватлари 17 та хонадан иборат, очик ва ёпиқ арклар деворларнинг ташки томонини безаб турган ва бу IX асрда ҳукмронлик қилган сомонийлар даври услубига хослиги билан ажралиб туради<sup>5</sup>. Унинг қандай максадда қурилгани ҳалига қадар маълум эмас. Ўрта асрларда Термиз шаҳри ташқарисидаги қалья шаҳар ташқарисидаги кўргон вазифасини бажариб келганини кўрсатади<sup>6</sup>. Марказий Осиё архитектура ёдгорликлари ҳолатини ўрганган Л.Ю. Маньковская Қирқ қиз XI-XII аср хонақоларига даҳлиз билан марказий гумбазли залнинг боғланганини қайд этади.

1936 йилда Қирқ қизда тадқиқотларни М.Е. Массон бошчилигига Термиз археология комплекс экспедицияси (ТАКЭ) ўтказган<sup>7</sup>. У Қирқ қиз ёдгорлигини Б.Н. Засыпкин сингари VIII-IX асрлар эмас,

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-6410 фонд, С-руйхат, 48-иш, 21-24 вараклар.

<sup>2</sup> Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1969. – С. 400-401.

<sup>3</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйхат, 48-иш, 4-29 вараклар.

<sup>4</sup> Холиёров А., Бичков Д., Бинников А. Сурхондарё области. Маънавий маданият ёдгорликлари. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – Б. 113.

<sup>5</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 268-269 вараклар.

<sup>6</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1980. – С. 130.

<sup>7</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 253-иш, 30-34 вараклар.

кейинги давр ўзбеклар ҳукмронлиги бўлган давр билан боғлади. М. Массон уни VI-VII асрга тегишли эканини айтади. Б.В. Веймарн уни карвонсарой бўлганини қайд этади. 1967 йилда З.А. Ҳакимов раҳбарлигига олиб борилган археологик тадқиқотларда жануби-гарбий дахлизларга кириш йўлакларида шурфни ўрганади<sup>1</sup>. Асосий қурилиш материалини 30-32x5-6,5 смли хом фишт ташкил этишини, гиштга сомон қўшилгани, 2 см қалинликда лой ётқизилгани қайд этилади. Ёдгорликнинг асосий қисмида кириш эшиклари орқали асосий марказий қисмга ўтиш мумкин, пишган фишт ва катта ҳажмли ганчдан иборат уюм бор. Масалан, 17 хонада размери 7,2x4,6 м ташкил этиб, ширинаси гарбий деворнинг қалинлиги 1,6 м, деворнинг юқори қисми бузилган бўлиб, беркитилган қисми сақланмаганлигини қайд этади<sup>2</sup>.

Яна айтиш мумкинки, қалъя тўртбурчак тарҳли ( $53,3 \times 54,8$  м) 1 қаватли, фақат йўлаклар умумий баландлиқда икки қаватли бўлиб, хом фишт ( $30 \times 30 \times 5$  f 5,5 см) тоқ терилиб, равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ гиштлар ҳам ишлатилган. Қалин девор билан ўралган (ташкил девор қалинлиги 2-2,5 см) бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган; буржлар оралигига токлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда тақрорланувчи туйнуклар очилган. Қалъанинг барча хоналари ва марказдаги саҳн ( $11,5 \times 11,5$  м) ўзаро йўлаклар билан боғланган; марказий саҳн ҳовли ёки гумбазли зал бўлган деб тахмин қилинади. Айвон ва йўлаклар бинони тўрт қисмга ажратган. Булар иккита бир хил тузилган (5 хона ва 3 томонидан йўлак, эни 2,1 м) шимолий гарбий ва шимоли-шарқий ҳамда иккита жануби-гарбий (иккита йўлакча билан боғланган 5 та хона) ва жануби-шарқий (йўлакча билан боғланган иккита хона ва уч устунли катта меҳмонхона) қисмлардир. Шуни ҳам

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 79-91 вараклар.; Ҳакимов З.А. Памятники архитектуры в Южном Узбекистане // Художественная культура Средней Азии IX-XIII века. – Т.: 1983. – С. 29-41; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Т.: Узбекистон, 1974. – 124 б.

<sup>2</sup> Некрасова Е.Г. Археологическое исследование Кырк-Кыз // Древняя и средневековая культура Сурхандарьи. Сбор. Научн. Стат. Посв. Арх. Исс. Сурханд. Области. РУзб. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2001. – С. 114-121.

айтиб қўйиш керакки, йўлаклар ва хоналар девордаги туйнуклар орқали ёритилган. Қирқ қиз қальяси панасида балхи ҳамда кесишиган гумбазсимон тоқлар, бошқа турлардаги гумбазлар, тоқлар ва равоқларга қўлланилган<sup>1</sup>. Қалин девор билан ўралган, бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган; буржлар оралиғида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, бир маромда такрорланувчи туйнуклар ишланган. Қаъланинг барча хоналари ва марказдаги саҳн ҳовли ёки гумбазли зал бўлган деб тахмин қилинади. Қалъя тепасида балх, кесишиган гумбазли тоқлар, бошқа турдаги гумбазлар тоқ ва равоқлар қўлланган. Яна шуни маълумот ўрнида келтириш мумкинки, айвон ва йўлаклар бинони тўрт қисмга ажратиб, 40 хонадан иборат бўлгани қирқ асбоб – устурлоб мавжудлиги келтирилади<sup>2</sup>.

Кокилдор ота мақбараси XII асрда бунёд этилиб, хонақоҳ тўғри тўртбурчак тарҳли (27, 5x17 м) 5 хонадан иборат. Баланд ва чуқур равоқ пештоқ орқали марказий хонага (7,5x7,5 м) кирилади<sup>3</sup>. Марказий хонанинг гумбази 8 қиррали пойгумбаз устига ўрнатилган бўлиб, икки ён томондан хоналар ўзаро ўхшаш, тент ҳажмда, калон орқали боғланган орка ва ён эшиклиари бўлган. Марказий хона саҳнида бир нечта қабр сақланиб қолган<sup>4</sup>.

Археолог санъатшунос олим Г. Пугаченкова XII асрга оид Кокилдор ота мақбараси ўзида узун кириш жойини, асосий зал, вестибюль ва 2 та томондан хоналар ва йўлак бирлаштирганини, асосий ташки томоннинг кўриниши фронтал бўлиб, текис пештоқли унинг тепасида зал гумбазлари ва ён томондан қанотлари мавжудлигини, интерьерини турлича ганч билан безатилган безаклар ташкил эти-

<sup>1</sup> Древняя и средневековая культура Сурхандарьи // Отв. ред. Э.Д. Ртвеладзе, Ш.Пидаев. Сборник научных статей, посвященных археологическим исследованиям в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2001, – 128 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

<sup>2</sup> Пугаченкова Г. Терmez. Шахрисибз. Хива. – М.: Искусство, 1976. – С. 23-28.

<sup>3</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 240-241 вараклар.

<sup>4</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-6404 фонд, 3-руйхат, 98-иш, 1-28 вараклар.; Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 86-88.

шини қайд этади<sup>1</sup>.

Ангор туманида жойлашган Хўжа Рўшнойи мақбараси XI-XII асрларга оид, квадрат шаклдаги бир хонадан иборат бўлиб, гумбазли мақбара дарвозаси шарққа қараган. Мақбара унча катта бўлмаган пештоқли, ташки томони икки зинапояли бўлиб, гумбазнинг усти саккиз қиррали услубда ёпилган. Тўрт томондаги бурчакларга ғишт билан ишлов берилган. Мақбара пишиқ ғиштдан барпо этилиб ғиштнинг ўлчами олти метр, иншоот яхши сақланган ва маҳаллий аҳоли томонидан таъмирланганини кўриш мумкин.

Мурч бобо мақбарами Термиз шахрида жойлашган бўлиб, 1947 йилда Г.П. Петров, 1966 йилда Ю.З. Шваб, А. Ткаченко, Н.Н. Кузьминалар тадқиқот ишларини олиб боргандар<sup>2</sup>. Мақбара XIX аср охири XX аср бошига қурилган бўлиб, хонақоҳ кун ботиш томонига ёнбош ҳолатда квадрат шаклда бунёд этилган. Эшикнинг икки ёни арк ва пештоқ шаклида мақбара қурилиши архитектура услубида бўлиб, пишиқ ғиштдан терилган<sup>3</sup>.

Ангор тумани Ҳайрабодтепа масканида саҳоба Саид ибн Абу Ваққос номи билан боғлиқ мақбара (XX аср) бор. Мақбара квадрат шаклда қурилиб, усти ўқсимон гумбаз билан ёпилган. Ҳозирги мемориал услубда қурилган мақбара Саид ибн Абу Ваққос номи билан аталади ва унинг меъморчилик услуби Оқ Остона бобо мақбарамисига ўхшайди<sup>4</sup>.

Саид Ибн Абу Ваққос (даври ноъмалум) Олтинсон туманининг Хўжасоат марказида жойлашган. Зиёратгоҳ темир панжаралар билан ўралган, деворларига диний панд-насиҳатлар, ҳикматли сўзлар битилган. Зиёратгоҳга икки ёғоч эшик орқали кирилади. Ҳовлининг ҳар икки томонидан тахминан бир гектар мўъжазгина боғ барпо этилиб, унда турли мевали дарахтлар экилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-2988 фонд, Т-руйхат, 48-иш, 1-9 вараклар.; ИНВ. 4888. Эскизный проект реставрации хонако Кокильдора близ г. Термеза. – Ташкент, 1982. – С. 1-74.

<sup>2</sup> ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 268-269 вараклар.

<sup>3</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз шахри зиёратгоҳи имоми билан сухбат. 2020 йил 20 август.

<sup>4</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Ангор тумани. 2020 йил 20 август.

<sup>5</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани. 2020 йил 15 август. 5-дафтар.

Атоулла Сайд Баққос мақбараси Шеробод туманида жойлашган (Х-ХІ асрлар). У саҳобалардан бири Атоулла Эшон Мирхайдар номига атаб курилган. Мақбара унчалик катта бўлмаса-да, бир хонали марказий мақбаранинг кириш йўлаги жануби-шарққа қаратилган. Мақбара квадрат шаклда бўлиб, устига шарсимон гумбаз ёпилган<sup>1</sup>. Мақбаранинг пештоқи, деворлари бир хил текис қилиб безатилган шарқий томондан деразалар учун ўрин қолдирилган. Бинонинг устки қисмида ярим қубба шаклдаги бўшлиқ бўлиб, ички тарафида уч қатор бош безак терилган. Ички қиёфаси ғишт ҳолида қолдирилган ва ортиқча безак берилмаган. Мақбара хом ғиштдан 24-26x24-26x4-4,5 см, 10x10x65 см ўлчовида бўлиб, лойиҳанинг ташқи ўлчови 6,80x6,40 м, ички ўлчови 5,25x4,75 м бўлган. Хонанинг кенглиги 7,70x7,75 метрга тенг. Мақбаранинг марказий қисмини кўтаришда хом ғиштдан фойдаланилган. Аркнинг уни ярим қубба шаклидаги бўшлиқ бўлиб, ичи ғишт билан арчасимон қилиб терилгани мақбаранинг XI асрга тегишли эканини билдиради. Бу мақбарани XV-XVII асрларда курилган архитектуранинг қадимги намунаси десак тўғрирок бўлади. 1977 йилда В.А. Варшавская мақбарада дастлабки тадқиқот ишларни олиб борган<sup>2</sup>.

Узун тумани Оқ Остона бобо қишлоғида жойлашган Оқ Остона бобо мақбараси X-XI асрларга оид бўлиб<sup>3</sup>, Абу Ҳурайра деган номи ҳам бор. Г.А. Пугаченкова Сурхондарё воҳасидаги X асрга оид Оқ Остона бобо зиёратгоҳи бурчакли қисмлардан иборат бўлгани қайд этади<sup>4</sup>. Л.Ю. Маньковская фикрича, Оқ Остона бобо X-XI асрларга тегишли, куб кўринишдаги ҳажм гумбаз билан қопланган. Ярим гумбазли формадаги деворли бўлинган<sup>5</sup>. Оқ Остона бобо қабри

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД- 1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 8-20 вараклар.

<sup>2</sup> Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: Yangi nashr, 2014. – Б. 63.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А. Ақ Астана –баба // Советская археология. – 1960, №3. – С. 326.

<sup>4</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало ХХ в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1980. – С. 106-107.

<sup>5</sup> Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1969. – С. 358.

зиётратхонага айланган маскан 2 пештоқ қисмдан иборат бўлиши, некрополь оркали дафн этилган жойга кириб борилиши уни мақбарага айлантирган.

Оқ Остона бобо мақбараси мақбара квадрат шаклида, ташқаридан 9x8,7 м ва ичкаридан 3,65x5,80 метрни ташкил этади. Тузилиши жихатдан кубга ўхшаш, ўқсимон гумбаз билан сайқалланган. XV асрдаги таъмирлаш ишларида жануби-шарқий девор қайта таъмирланиб, қолган уч тарафи хом ғишт билан ўралган, унинг уч бурчагидан (шарқдагисидан ташқари) минорачалар чиқарилган. Айтиш мумкинки, гумбаз ости қисмлари қайта тикланган. Дастребки кириш қисми шимоли-шарқий томонда жойлашиб, бу ерда минора бўлган. Кейинчалик кириш жойи жануби-шарқий томондан очилиб, сағанали бино минораси панжара оркали ёритилган. Ёруғлик ўтувчи дераза жануби-гарбий қисмдан очилган. Бинонинг олди томони шаклдор нақш билан безатилиб, кенг вертикал жуфт ғиштлардан ҳам безак берилган<sup>1</sup>. Иморат квадрат пишиқ 23x24x3,5 см, 26x4,5; 22,5x4 см ҳажмли ғишт ва 10x10x66 см лой қоришмасидан терилиб, гумбазнинг биринчи айланаси ва пастки қисм деворлари маҳсус катта ҳажмдаги 45-50 см ғишт билан кўтарилган. Архитектура ёдгорлигидаги ўзига хослик мақбаранинг барпо бўлиш санасини аниқлашга ёрдам беради, пишиқ ғишт билан ишланган ёдгорликлар X-XI аср охиридағи қурилиш услубига хосдир. Мақбара ичидаги йирик ҳажмдаги ганч билан сувалган сағана бўлиб, у кечроқ пайдо бўлган<sup>2</sup>. XIX асрнинг охирида уста Худойберди ёдгорликнинг ўпирилган гумбаз қисмини қайта тиклаган, бинонинг шарқ томонидан қўшимча кириш йўлаги барпо этилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандаръи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 77-78; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

<sup>2</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандаръи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 59.

<sup>3</sup> Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиётратгоҳлари. – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – Б. 42-43.

Ахтам саҳоба мақбараси тахминан X-XI асрларга оид бўлиб, у мақбара, ёзги масжид, ҳовли ва рамзий ўчоқ бўлган хонани ўз ичиға олади. Мақбаранинг асоссий қисмини квадрат шаклдаги гўрхона ташкил этиб, ичкарида устунли сағана мавжуд. Унинг кириш эшиги жануби-шарқий тарафдан, мажмуа пишиқ фиштдан қурилган, усти текис қилиб ёпилган атрофи ганч сувоқ билан безатилган. Унинг ўлчами 5,15x4,90 м. Масжиднинг ўлчами 6,90x3,80 м. Рамзий ўчоқ бўлган хонанинг ўлчами 2,85x2,45 м, мажмуа 26x5,5 см ҳажмдаги пишиқ фиштдан барпо этилиб, мақбара меҳробидан катта ҳажмли томонлари 42,44 м, қалинлиги 6-6,5 см курилиш ашёси топилган<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, Олтинсой тумани Хидиршо зиёратгоҳи архитектураси тўғрисида кўп маълумотлар сақланиб қолмаган. Масжид устунларидан бирида 1331 йил деб ёзилган араб имлосида битилган рақамли ёзувгина сақланиб қолган. Зиёратгоҳ қабр ва масжидни ўз ичига олади<sup>2</sup>.

Такия ота мақбараси XII асрга оид деб тахмин қилинади, Салжуқийлар даврида қурилган. Мақбара гўйилган кишининг шахси номаълум. Мақбара кўп гумбазли, унинг таг хонасида икки тўғ сағана ва икки устун бўлиб, у уч хона ва икки йўлакдан иборат, хом гишт ва пахсадан қурилган<sup>3</sup>.

Музработ ота XV асрга оид меъморий мажмуа бўлиб, унча катта бўлмаган бир хонали мақбара ва йигирма қадамча жануброкда гумбазли масжииддан иборат. 1996 йилга келиб мақбара 10-15 та қабр кўчирилиб, масжид ичидаги сағана қайта таъмирланди.

Хожа Самандар Термизий мақбараси XVII-XVIII асрларга оид обида бўлиб, Жарқўргон тумани Хўжа қишлоғидаги дарё бўйида жойлашган. Дарё мақбара га яқинлашгани боис у ердаги қабрлар тепаликка қайта дағн этилган. Хожа авлодлари Хожа Самандар Термизий қабри устига мақбара бунёд этган<sup>4</sup>. Мақбара квадрат

<sup>1</sup> Маданий мерос департаменти. СД-1531 фонд, М-рўйхат, 31-иш, 63-67 вараклар.

<sup>2</sup> Дала тадқикотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани. 2020 йил 16 август. 5-дафттар.

<sup>3</sup> Дала тадқикотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани. 2020 йил 16 август. 5-дафттар.

<sup>4</sup> Маданий мерос департаменти архиви. СД-9735 фонд, Ф-рўйхат, 53-иш, 1-10 вараклар.

шаклда, усти ўқсимон бўз билан ёпилган.

Хожа Алоуддин Аттор сағанаси XV асрга оид. Зиёратгоҳда аввал фақат валийнинг сағанаси ва унинг атрофида қабристон мавжуд эди. Хозирда бу жой Остонабува қабристони деб аталади.

Бойсун туманининг Омонхона қишлоғида жойлашган Ҳазрат Султон Валий зиёратгоҳи XV асрга оид бўлиб, унда Султон Валий мозори ва унинг атрофида қабристон жойлашган. Қабрнинг ўнг томонига авлиёнинг халфаси, шу қабр пастки қисмида уларнинг фарзандлари қабри қўйилган. Қабрлари устига ёдгорлик бино этилмаган<sup>1</sup>.

Катта Вахшувор қишлоғида жойлашган Сўфи Оллоёр (XVII–XVIII асрлар) зиёратгоҳи ўзида мақбара ва масжидни бирлаштириб, қадимшунос олим Л.И. Ремпел масжид устунларидан бирининг ёзувини ўқиш орқали 1713 йили қуриб битказилганини аниқлади. Масжид биноси турли вакъларда XIX асрда Файзулла Охунд ва XX аср бошида Кўқон эшони томонидан таъмирланган<sup>2</sup>.

Зиёратгоҳга киришда дарвоза ва унинг атрофида шоирнинг шеърлари битилган ғиштин лавҳлар бор. Тор ва узун йўлак қабристонга қадар чўзилган. Йўлакка бетон ғиштлар намозгоҳга қадар терилган. Сўфи Оллоёр қабри тепасида тўртта тўғ турибди<sup>3</sup>. Масжиднинг шимоли-шарқий қисми икки айвон, қўшимча хона ва ҳовлидан иборат. Иморат тўғри бурчак шаклида икки ёқлама айвон билан туташган. Бинога киришнинг жануби-шарқий ва шимоли-шарқий йўллари мавжуд. Иморат синчли пахсадан қурилиб, икки қават девор билан ўралган. Масжиднинг ташқи тарафида кўлбалар бор, меҳроб қисми жуда тор бўлиб, тўртта устун қўйилган. Айвонда еттита, залда эса олтита бақувват устунлар бор. Айвоннинг диаметри 14,0x16,2 м залнинг диаметри эса 11,1x9,7 м ташкил этади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.:Faafur Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 33–34.

<sup>2</sup> Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: Faafur Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 38–39.

<sup>3</sup> Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 7-8.

<sup>4</sup> Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандаръи. – Т.: Изд. Гафур Гуляма, 1982. – С. 68-69.

Хўжасаот қишлоғининг қўйи қисмida жойлашган Курбон соат зиёратгоҳи XVII асрда барпо этилган, бино атрофи тош девор билан ўралган. Зиёратгоҳга қарашли майдон 1-1,5 гектар ерни эгаллайди. Унинг ёнида масжид бўлиб, орқа томонидан кичик ҳажмдаги осто-нада бир неча кишиларнинг қабрларини кўриш мумкин. Қабр атро-фи пахса деворлар билан ўралган, девор турли оғатлар туфайли текисланиб, 1970 йилда тўлиқ таъмирланган<sup>1</sup>.

XVII асрга тегишли Мавлоно Муҳаммад Зоҳид сафанаси Кичик Вахшувор қишлоғида жойлашган.

Хўжа Ҳасан Илғорий ёки Каптархона зиёратгоҳи XIX-XX аср-га оид бўлиб, зиёратгоҳ атрофи шарқона усулда безалган деворлар билан ўралиб, у ерда иккита қабр бор. Биринчи қабр Хўжа Ҳасан Илғорий бўлиб, 3-4 метр узунликда, эни 2 метр, баландлиги 1-1,5 метрни ташкил этади. Қабрнинг барча жойлари цемент билан сувал-ган. Қабр тепасига тоғ эчкиси ёки кийик шохи қўйилган. Икки шоҳ ўртасига қора тош жойлаштирилган. Қабр олдида кичкина эшикча бўлиб, остига тупроқ солинган. Иккинчи қабр Аввал Ҳалфага тегишли бўлиб, ҳажм жиҳатдан биринчи қабрдан анча текис. Зиёратхона бошида икки тут дараҳти борлигини кўришимиз мумкин<sup>2</sup>.

Биби Зайнаб зиёратгоҳи XIX асрда барпо этилган. Қабр, оддий пишиқ ғишт билан ўралган бўлиб, тепасига бир мушт, бири очик бўлган қўлларнинг рамзий белгиси қўйилган. У Биби авлодлари ва маҳаллий аҳоли дағн этилган қабристон билан туашган<sup>3</sup>.

Кийик ота зиёратгоҳи XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, Олтин-сойдаги Миршоди қишлоғида жойлашган. Унинг икки томони адирлик бўлиб, сой ёқасида жойлашган ва зиёратгоҳ оддий пахса девор билан ўралган. Нураган девор ўртасидаги қабр, оддий тупроқ билан кўтариб қўйилган. Тепасига иккита кийик шохи илиб қўйилган. Зиёратгоҳ атрофида қабрлар мавжуд эмас<sup>4</sup>.

Хужайгор ёки Авалиё ота зиёратгоҳи XVIII-XIX асрларга оид

<sup>1</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: Ёзувчи, 2003. – Б. 27-28.

<sup>2</sup> Дала тадқикотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Вахшувор қишлоғи. 2020 йил 17 август.

<sup>3</sup> Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: Yangi nashr, 2014. – Б. 85-86.

<sup>4</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 29-30.

бўлиб Миршоди қишлоғидаги ғорда яшаган авлиё ота оламдан ўтгандан сўнг шу жойга дағн қилинган. Мазкур қабр оддий девор билан ўралиб, қабрга оқ байроқ жалов қадалган. Йиллар ўтиши билан бу жойга бошқа қабрлар қўйилиб, кейинчалик катта қабристонга айланган. 1882 йилдан бошлаб зиёратгоҳга айланган. Маҳаллий аҳоли томонидан қабр устига оддий девордан мақбара қурилган. Бу мақбара йиллар ўтиши билан емирилган бўлса, кейинги йилларда Ғуломхон эшон томонидан қабрга кичик, аммо пишиқ ғиштдан янги мақбара бунёд этган<sup>1</sup>.

Якка тут бобо зиёратгоҳи XVIII–XIX асрларга оид бўлиб, маҳаллий аҳолига мансуб Садри Халифа уни таъмирлатган. Дағн этилган зотнинг қабр атрофи пахса девор билан ўралган, кейинги йилларда текисланиб, қабр ҳам йўқолган. Кейинчалик аҳоли уни тозалаб, зиёратгоҳга айлантирган.

XIX–XX асрларга оид Қорахон Эшон бобо зиёратгоҳи маҳаллий аҳолига олдиндан маълум, кейинги йилларда унинг устига фақат гумбаз барпо этилган<sup>2</sup>. Ангор туманида XX асрда қурилган Абдураҳмон ибн Авф, Саъд Абу Вакқос зиёратгоҳлари жойлашган.

Сурхон воҳаси архитектурасининг ўзига хос хусусияти шундаки, худуд ўзидан олдинги меъморчилик анъаналарини ўзлаштириб, маҳаллий қурилиш услублари билан қоришиб аралашиш натижасида бетакрор ижод намуналари яратилган. Бунда Султон Содот, Ҳаким Термизий ва Қир қиз ёдгорлиги Термиз архитектура меъморчилик ёдгорликларининг энг сара намуналари ҳисобланади. Шунингдек, воҳадаги ёдгорликлар архитектурасини тадқиқ этиш 1925 йиллардан бошланиб, 1940–1950 йилларда амалий ишлар амалга оширилган. Бироқ, воҳада қадимий ҳисобланган бошқа ёдгорликлар қаровсиз қолиб, айниқса қабрларнинг ерга қўшилиб кетиши кузатилади. Совет йилларида мазкур зиёратгоҳлар вайронага айлантирилиб, улардан отхона ва омборхона сифатида фойдаланилган.

Вилоятнинг меъморий ёдгорликларини ўз хусусиятига кўра

---

<sup>1</sup> Ўша асар.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Олтинсой тумани. 2021 йил 16 август.

иккига ажратиш мумкин. Яъни, асосий ёдгорлик зиёратгоҳлар хисобланган Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий ва Қирқ Қиз мажмуаси IX-XII асрларда қурилган ўз даврининг меъморий обидаларидир. Ушбу тарихий археологик аҳамиятга эга меъморчилик намуналари санъъатшунос олимлар томонидан шўро даврида бир неча марта экспедициялар уюштириб ўрганилган. Унда мақбара мажмуанинг тузилиши, ишлатилган ғишт, сағаналар ҳолати, орнamenti ва услубларининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қабр устига мақбаралар барпо этилиши X-XI асрларда бошланиб, сағана ва жомеъ масжидлар қурилиши ўрта асрларга хос анъанавий услугуда XIX-XX асрларга-ча таъмирланган. Кейинги йилларда бундай мақбаралар бевосита маҳаллий аҳолининг маблағлари хисобига таъмирлаб қурилган. Масжидлар ҳашаматли тўртбурчакли, эллин маданияти устунлари илиа тўрт томонга кетадиган, кенг равоқлари қалқонсимон, қанотларга ўрнатилган гумбазлар билан ажратилган. Ҳашамдор гумбазли мақбара ёки қабр устига барпо этилган сағаналар қишлоқларда жуда кам учрайди. Асосан айвонли масжидлар кўпроқ мавжуд. Рамзий қабрлар билан боғлиқ яна бир ҳолатни кузатиш мумкинки, қабр жойлашган манзилда аҳолининг шу зиёратгоҳга ҳурмати ва ишончи билан бир қабр атрофида юзлаб қабрларни ву-жуғда келгани ва қабристонга айланганини кузатиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, воҳа зиёратгоҳларининг аксарияти табиат кўйнида жойлашган ва табиат ҳодисалари (тоғ, дарахт, сой, сув) номи билан боғлиқ. Шунинг учун мазкур зиёратгоҳларда фақат оддий қабрларни учратиш мумкин. Бундай манзилларга аҳоли турли касалликлардан фориғ бўлиш ниятида ташриф буюрадилар. Бундай зиёратгоҳлар аҳоли учун дам олиш маскани вазифасини ҳам ўтайди.

## **2.4. Зиёратгоҳлардаги маданий-маърифий ҳаётнинг этнографик ва социологик таҳлили**

Муқаддас зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ўлка аҳолисининг анъанавий диний тасаввурлари ва эътиқод қарашларини илмий таҳлил этишгина эмас, илмий тадқиқотлар натижаси сифатида моддий-маданият намуналарининг маънавий-маърифий аҳамиятини ёшлар таълим-тарбиясида кўллаш имкониятини ҳам беради. Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти жаҳон маданияти цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси билан алоҳида мавқега эга. Ушбу ўлка ўзининг улуғ алломалари, забардаст олимлари ҳамда меҳнаткаш ҳалқи билан жаҳонга танилган. Шуни эътироф этиш ўринлики, бу каби табаррук зотларнинг меросини ва тарихини ўрганиш, пировард натижада дафн этилган гўшаларини обод қилиш, дин-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат килади<sup>1</sup>.

Суюндик Мустафонинг таъкидлашича, бир мамлакатга йўлинг тушса, мозори билан бозорини бориб кўриш кераклиги, мозорни кўришдан мурод шу ҳалқнинг аждодлари кимлигини билиш, ўтган донишманд ва фозилларга, тарихий хотирага муносабатларини аниқлаш бўлиб, ўзлигини англаган, муқаддас билган ҳалқ бундай инсонларни улуғлайди. Бу каби манзилларда қўноқ тутган зотларнинг илмидан, меросидан, тафаккуридан ҳосил бўлган

---

<sup>1</sup> Ислом маданияти ва тарбияси ҳақида тўлиқроқ: Хўжамуродов И. Ислом миллийлик қадрият (Ислом ва ўзбек ҳалқи миллий ўзлигини англашнинг шаклланиши). – Т.: Фан, 1993. – 122 б.; Абдураҳмон Қоя. Ислом ахлоқи. – Т.: Мовороуннаҳр, 1997. – 111 б.; Аззамходжаев С. Ёшларга ислом маърифатининг таъсири // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. Тўпл. З.Исломов ва бошқ. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 444 б.; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёsat, дин ва миллий ўзликни англаш (Сиёсий-фалсафий таҳлил). – Т.: Фалсафа ва хуқуқ нашриёти, 2010. – 171 б.; Қодиров Қ. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – 120 б.

самара кўнгилга қувват, ниятга мадад, умидга таянч бўлади<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам оқил ва фозил зотлар, доно ҳукмдорлар улуғлар қабрини зиёрат ва обод этишни ўзларига савоб ва шараф деб билганлар.

Шу жиҳатдан халқнинг миллатнинг миллий қадриятлари билан яқинроқ танишишда бошқа муҳим омиллар сингари ахолининг маънавий-маърифий ҳаётида аҳамиятга эга бўлган муқаддас қадамжоларнинг хизмати ва ўрни катта. Муқаддас объектлар атрофига шаклланган маданият ва жамият тарихида юз берган воқеа-ҳодисалар, уларга муносабат, шу муҳит билан боғлиқ урф-одат, анъана, маросимлар муайян тил ва образлар орқали талқин қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муқаддас зиёратгоҳлар тарихидан сўзловчи ҳақиқатлар халқимизнинг босиб ўтган тарихини ҳар томонлама ёритишга, Ватанни севишга, илм-фан, таълим-тарбияни тарғиб қилиб баркамол инсон бўлишга ундайди.

Тарихий жараёнларда воҳада зиёратгоҳларга ташриф ва уларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади. Масалан, тарихчи Ибн Баттута ўз саёҳатлари давомида Хоразм (Шамсиддин Синжарий,) Бухоро (Сайфиддин Боҳарзий) ва Самарқанддаги (Қусам ибн Аббос) табаррук қадамжоларига ташриф буюриб, Термиздаги шайх Азизон номли зовияга ҳам тўхтаганини айтиб ўтади. Унинг дўсти Умарий “Ўрта Осиёда табаррук қадамжолар қошидаги зовиялар кенг тарқалишини Мовароуннаҳрдаги бадавлат шахслар томонидан мадраса ва карvonсаройлар билан бир каторда зовиялар ҳам Аллоҳ йўлида қурилган” деб изоҳлайди<sup>2</sup>.

Дала тадқиқотлари Сурхондарё вилоятидаги зиёратгоҳларнинг 70 фоизини Термиз, Шеробод, Музработ, Ангор, Бойсун, Олтинсой, Сариосиё худудларида жойлашганини аниқлашга имкон яратди. Ушбу худудларда истиқомат қилган алломалар, олимлар, диний билим рахнамолари фан ва маданиятнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган.

---

<sup>1</sup> Суюндиқ Мустафо Нуротоий. Мунаввар қадамжолар. – Т.: Noshirlik yog'dusi, 2011. – Б. 5.

<sup>2</sup> Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. – Т.: Шарқ машъали, 1993. – Б. 52-54.

Бундай муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар тарихий-географик жойлашуви жиҳатидан қуёш нури тик тушадиган, тупроғи ва иқлими тоза, аҳоли зиёрат қилиши учун кулай бўлган худудларда жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳолининг маънавий дунёқарашига ижобий таъсир этадиган тарбия маскани сифатида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уларнинг баланд тепаликларда жойлашиб, гўзал табиати, сўлим ва салқин ҳавоси экотуристик йўналишда зиёратчиларнинг йилдан-йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ерда дам олишлари ва тиловат қилишлари учун барча шартшароитлар яратилган. Ушбу зиёратгоҳлар жамиятимиз ривожига, миллий ғоя ва туйғуларимизнинг янада мукаммал шаклланишига ҳисса қўшадиган маънавият марказлари сифатида хизмат қилмоқда. Айтиш мумкинки, аҳоли орасида зиёратгоҳга ташриф нафақат диний ибодат, балки ҳалқ маънавияти юксалишида, дунёвий ва диний билимлардан хабардор бўлишларида, одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ғояларини тарғиб этишда муҳим ўрин тутади.

Хусусан, жамиятимизда баркамол, дунёқараши кенг, нафақат илм-фан, балки одоб-ахлоқда ибрат олинадиган шахсни тарбиялашда беназир алломаларнинг илмий-маънавий мероси билан ёшларни таниширишнинг аҳамияти жуда катта. Инсон шахси уни амалга оширган ижобий ишлари билан боғлиқ манбаларни ўрганиш, дунёвий ва диний илмларга қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотга эга бўлиш, таникли шахсларнинг жамият ва инсоният тафаккури юксалишидаги фаолиятини тарғиб қилиш билан боғлиқ. Шу маънода, Сурхон воҳасида илмий салоҳият, диний билимларни тарғиб этган инсонлар номи билан боғлиқ воқеа-ходисаларни акс эттирувчи муқаддас зиёратгоҳлар, унда дафн этилган зотларнинг кароматларини кўрсатиш орқали ҳалқимиз маънавиятини янада бойитиш мумкин бўлади.

Айтиш мумкинки, VIII-IX асрларда Термиз дунё шаҳарлари орасида илмий ва диний фанлар соҳасида илмий кашфиётлар яратган олиму фозиллар билан танилган эди. Мовароуннаҳрлик олимлар билан бир қаторда термизлик олиму мунахжимлар ҳам халифаликнинг марказий шаҳарлари расадхоналарида фаолият

кўрсатишган<sup>1</sup>. Жумладан, Ҳаким Термизий ҳинд халқининг қадимги санскрит ёзувидаги битилган насрый йилномасини таҳлил қилиб, ўзи узоқ йиллар давомида кузатган самовий жисмларининг одамлар ҳаётига, ахлоқига, ердаги об-ҳавога, ҳайвонот оламига таъсирини чукур мушоҳада этди ҳамда хулоса тарзида самовий ёритқичларнинг қуёшга ва ерга сояси тушишининг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида ёзган фикрлари туфайли илми нужумда ҳам донишмандлик мақомига эришди<sup>2</sup>.

Жаҳонга танилган Ҳаким Термизий асарлари турли тилларга таржима қилиниб, ўрганиб келинмоқда. Масалан, эронлик олим Абдулхусайн Зарринкуб “Жустижу дар тасаввуфи Ирон” (Эрон тасаввуфидан изланиш) деб номланган асарида Ҳурросон сўйилари бобида Ҳаким Термизий тўғрисида бир қанча маълумотларни келтиради.

Олмон олими Бернад Рудольф Ротка Жон Увкин билан бирга 1996 йилда Англиядаги Ҳаким Термизийнинг араб тилида ёзилган “Бадув уш-шашъ” ва “Сийрат ул-авлиё” асарларини инглиз тилида китоб ҳолида шарҳ билан нашр этган. 2000 йилда ушбу китоб Эронлик олим Мажидиддин Кайвоний томонидан “Мафҳуми валиоят дар оғозини ирфони ислом” номи остида форс тилида таржи-ма қилиниб нашр этилди<sup>3</sup>. Ҳаким Термизийнинг асарлари ирфоний ва тасаввуфга доир қимматли маълумотларни ўзида бирлаштириб, рисолалари мазмун ва мундарижасига кўра, ҳар хил тафсир, ҳадис, фикхий, ирфоний ҳамда тасаввуфий масалаларни қамраб олган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Термизда расадхона фаолияти 800\1397 йиллар билан боғлиқ ва Устурлобий мақомининг берилиши ҳакида қаранг: Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қальбалари ёхуд Термиз тарихи. – Т.: Yangi nashr, 2017. – Б. 56-59.; Олим биографияси ҳакида батафсил: Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – И.: ЎМЭ, 2017. – Б. 264-266.

<sup>2</sup> Фойипов З. Тафаккур самосидаги ёрқин юлдуз // Moziydan sado. –2001, 4(12)-сон. – Б. 18-19.; Темурий А., Жўраев Н. Термизлик буюк сиймолар. Биринчи китоб. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 46 б.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Термиз ва термизликлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – 128 б.; Турсунов С., Чориев Р., Муртазов Б., Чўтматов Ж. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Т.: Yangi nashr, 2019. – 288 б.

<sup>4</sup> Абдуллаев Р. Ал-Ҳаким ат-Термизий (аллома ҳаётномаси) // Moziydan sado. – 2001, 4(12)-сон. – Б. 20-22.

Жумладан, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда асосий талаблардан ҳисобланган қалбнинг покланиши, нафснинг тийилиши устувор мақомга эга, инсон эришиши қодир бўлган билим бу тасаввуфий маърифат ёки ҳикмат ёшларнинг қалбида тажаллий топган илоҳий нур билан тенглаштирилади. Ана шу тасаввуфий маърифат ва инсоний маънавият руҳи ҳар қандай дунёвий неъматлардан, нафсоний майллардан покиза, бутун нияти, фикри, зикри или Аллоҳга интилган кишиларгагина насиб этиши келтирилади<sup>1</sup>.

Шунингдек, маънавий ахлоқий хислатлари илм-фан, жамият тарбияси йўлида қўшган улкан ҳиссаси ҳар жиҳатдан ибрат олишга арзигулик бўлган Мавлоно Муҳаммад Зоҳиддек мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти дастуруламал бўлмоғи лозим. Садриддин Салим Бухорий келтирган маълумотга кўра, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ўз пири муршиди Ҳожа Ахронинг мана бу ўйтларига бир умр амал қилган: “Аллоҳ таолонинг ҳаққини сақлагил, то Ҳақ таоло сени ўз хифзу химоятида сақлагай. Ва осонлик ва хурсандлик вақтида ўзингни Аллоҳга ошно қил, то қаттиқлик ва душворлик чоғида сенга дастгирик қилгай ва ҳар вақтки, бир ҳожатинг тушса, Аллоҳ Таоло даргоҳида йиғлагил ва ёримандлик Андин ўзгадин тилама ва яқин билгилки, агар ҳамма ҳалқ хоҳласаларки, бирор манфаатда санга тақдир бўлмабдур, санга еткурамен десалар еткуролмаслар. Ва агар хоҳласаларким бир заرارга кўра пешонангга битилмабдур, санга ёпиштурсалар, ёпуштира олмаслар. Сўзларнинг яхшироғи зикрdir ва ишларнинг яхшироғи намоздир. Хислатларнинг яхшироғи хилм (юмшоғлик хушфеъллик) соликга (тариқат йўлига кирган киши) тўрт нарса керакдур: илмурки, риёзатга солур то ани тўғри ва мулоим килур; зикрурки, анга мунис ва ҳамдам бўлур, то ёлғизликда қўрқмас; парҳезкорликдирки, ани тўхтатқуввидур, то ҳам ношойистага қарамагай; яқиндурки, анга марка ва суворадур, то ҳамроҳлардин кейин қолмагай. Дунёнинг роҳати уч нарсадур: Ҳазрат Ҳақ таоло тоати, Қуръон тиловати ва биродарлар зиёрати<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Турсунов С., Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. – Т.: O‘zbekiston НМИУ, 2016. – 280 б.

<sup>2</sup> Асророва Л. Ҳожа Муҳаммад Зоҳид. – Т.: Ўзбекистон ислом академияси, 2020. – Б. 10-14.

Нақшбандия тариқатининг улуг тарғиботчиларидан бири Сўфи Оллоёр ижодида ҳам илм-маърифатга чақириш фикри тарғиб қилинади<sup>1</sup>. Айтиш лозимки, унинг “Маслак ул-муттакин”, “Сабот ул-ожизин” асарлари ўрта аср мадрасаларида асосий бошлангич манба вазифасини бажарган бўлиб, унда умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ масалалари бадиий талқин этилади. Жумладан, “Сабот ул-ожизин” асарида камтаринлик ҳақида мавъиза ёзилган бўлиб,

*Такаббур қилмагил эй бемаъоний,*

*Фалоний ўғлидурман эй фалоний.*

*Ишонма отага, қолма талабдин,*

*Киёматда сўрулмасдир насабдин<sup>2</sup>.*

Сурхон диёрида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган бир холат кузатилади, бу Қирқ қиз номи билан боғлик зиёратгоҳ жойи аслида Аёллар академияси бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Қизлар академиясида тахсил олаётганларга кейинчалик ўз юртларида худди шундай илм мактаблари ташкил этишларига имконият берилган. Улар муҳрли ҳужжатлар билан қайтишган ва хотин-қизларга ўз юртларида мадраса олиялар ташкил этишган<sup>3</sup>. Оғзаки маълумотларга кўра, ҳалқ достонларида зикр этилган душманлар ҳужумини қайтара оладиган қаҳрамон қиз Гулойим ва унинг 40 дугонаси айнан шу ерда яшаган. Шунингдек, XX асргача ҳалқ томонидан Қирқ қиз қальаси манзили Шаҳри Сомоний – деб ҳам аталган<sup>4</sup>.

О. Муродовнинг ёзишича, Ўрта Осиё ҳалқларида қадимдан “Қирқ қизлар” га илтижо қилиб, мадад сўраш одати мавжуд бўлган. Бу одат кейинчалик фолбин аёлларда сақланиб қолган. Элшунос олима О.А. Сухарева томонидан ёзиг олинган матнда фолбин аёл-

---

<sup>1</sup> Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – Т.: ЎМЭ, 2017. – Б. 447-476.

<sup>2</sup> Сувонкулов И. Сўфи Оллоёр / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O'zbekiston, 2018. – Б. 407-418.

<sup>3</sup> Хўжамшукрова Г. Қирқ қиз ёхуд аёллар академияси // Талабалар дунёси. – Т., 2009. №7 (09). – Б. 6.

<sup>4</sup> Древняя и средневековая культура Сурхандарьинской области // Отв. ред. Э.Д. Ртвеладзе, Ш.Пидаев. Сборник научных статей, посвященных археологическим исследованиям в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001. – 127 с.

ни чилтон покиза, яъни қирқта бокира хур қизларга мурожаати ҳам келтирилади<sup>1</sup>.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Қирқ қизлар билан боғлиқ ри-воятларда қирқ раками сакрал аҳамиятга эга бўлган ракам сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, қирқ рақамини эъзозлаш туркӣ ҳалқларда қадим замонлардан бошланганини деярли барча олимлар тасдиқлашади. Бу ракам исломдан олдинги урф-одатларга бориб тақалади. Энг муҳими, рақамларни илоҳийлаштириш, унинг кароматларига ишониш ва у билан турли маросим ва тадбирларни белгилаш, айниқса, Марказий Осиёда кенг тарқалган эди. Вакълар ўтиши билан мазкур “сехрли” ракам ислом қоидаларига ҳам сингиб, турли маросимлар мана шу ракам атрофида амалга ошириладиган бўлди<sup>2</sup>.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ширинобод қишлоғидаги бир тепалик устида Бибиширин зиёратгоҳи жойлашган. Ривоят қилинишича, Ҳазрат Бибиширин Омонхонада абадий қўним топган соҳибкорамат авлиё Султон Валийнинг туғишган сингиллари Бибираҳон бўлади. Бибиширин бибимиз ўз замонасида ҳақ мумаласи ва маърифат бобида беназир инсон бўлган<sup>3</sup>.

Тадқиқотчи М. Зарипова Омонхона ва Бибиширин мавзесидаги қариялар билан қилган сухбатига асосланиб айтишича, Омонхонадаги шифобахш сув, авлоддаги Бошчашма Ҳазрат Султон Валий кароматлари ила содир бўлганинини такидлайди. Ҳазратнинг дуоларини олиш учун Бойсунга ташриф буюрган Мовароуннаҳр хукмдори Амир Темур билан Дилоркамда Санги Султондаги учрашуви у кишининг ўз даврида катта нуфузга эга эканига далолат қиласи. Бибиширин мақбараси катта қабристон четида қад кўтарган<sup>4</sup>. Демак, Бибиширин момо ҳам Амир Темур даврида

<sup>1</sup> Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 115.

<sup>2</sup> Бухоро аёллари. Абдуллаева З.М., Қосимова Н.Қ. ва бошқ. – Бухоро, 1997. – 108 б.

<sup>3</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т: Akademnashr, 2011. – Б. 378.

<sup>4</sup> Зарипова М. Муқаддас зиёратгоҳлар-ҳалқимиз маънавиятининг белгиси // «Бойсун баҳори» – миллий маънавиятимиз дурданаси» (Халқаро илмий анжуманга бағишиланган мақолалар тўплами). – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 157-158.

яшаган авлиё Султон Валийнинг синглиси бўлиб, акасидай халқ орасида юксак маънавият, илм бобида тенгсиз бўлган, шу сабаб маҳаллий аёллар орасида ҳурмат қозонган.

Айтиш мумкинки, воҳада Юрчи қўрғонининг Дўстлик қишлоғида Биби Сарпуш зиёратгоҳи ҳам хотин-қизлар номи билан боғлиқ<sup>1</sup>. Зиёратгоҳ тарихи ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Маҳаллий аҳоли вакилининг айтишича, қабрнинг ўнг томонида зиндан бўлган (XII-XIII асрлар), у ердаги маҳбусларга қиз таом, нон олиб келиб турган ва бу сирни сақлаган, шу сабаб унга Биби Сарпуш (сир сақловчи) деб ном қўйишган, уни Қоракўз ҳам деб аташган. Ота-онаси мусулмон бўлмаса-да қиз ислом динини қабул қилган. Шу сабаб аҳоли орасида ҳурмат қозонган. Вафотидан кейин қиз шу ерга дағн этилган. Кейинчалик бу ер маҳаллий аҳолининг катта қабристонига айланган. Биби Сарпушнинг қабри очик жойда тепалик бағрида жойлашган. Қабристон номи ва зиёратгоҳ “Биби Сарпуш” деб аталади. Зиёратгоҳ худудида у ерга келувчи зиёратчиларнинг намоз ўқиши учун маҳаллий ҳомийлар томонидан икки хонали уй, усти ёпиқ шийпон қилинган<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда бу жой зиёратга келувчи аёлларни мардлик, жасурлик, эътиқод ва иродаси мустаҳкам, сир сақловчи, вафодор аёл сифатида эзгуликка чорлайди.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳ феноменида шайх образи алоҳида ўрин эгаллади. Қадамжоларда зиёратчиларга хизмат кўрсатадиган кишиларни шайхлар, хизматчилар ва қоровуллар ташкил этади. Улар келувчи зиёратчиларнинг хизматида бўлиш баробарида шу жойда хоки ётган шахс ҳақида маълумот берадилар. Ўрта асрларда ҳукмдорлар томонидан зиёрат масканларига ҳукмрон сулолалар, хонликлар ёки бекликлар тарафидан шайхлар тайинланган бўлса, кейининг йилларда бу билан маҳсус диний ташкилот вакиллари шуғулланадиган бўлган.

---

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи қўрғони Дўстлик қишлоғи. 2020 йил 27 август, 3-дафтар.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи қўрғони Дўстлик қишлоғида яшовчи, 1967 йилда туғилган Саидов Ашурали ака билан бўлган сухбат. – 2020 йил 27 август, 3-дафтар.

Маълумки, ислом дини тарқалган мамлакатларда аввал билим-дон кишилар, олимлар, сўнгра уламолар, фақиҳлар, кейинчалик сўфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасадди ходимлари ҳам шайх деб юритилган<sup>1</sup>. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида: “Шайх – мозор, қадамжо каби зиёратгоҳлар мутасаддиси, авлиёларга, Худо йўлига аталган назр-ниёзларни қабул қилувчи руҳоний”, деб изоҳлаб ўтилган<sup>2</sup>. Аммо шайх тўғрисидаги ушбу изоҳ етарли эмас. Мозор шайхи нафақат нарз-ниёзни қабул қилувчи, балки мозорнинг мавқеини ушлаб турувчи, у ердаги қадимий анъаналарни давом эттирувчи шахс сифатида муҳим рол ўйнаган.

Мозор шайхлари тўғрисида Б.Х. Кармышева қўйидагиларни келтирган эди: “Мозорлардаги шайхларга келсак, уларнинг жамиятдаги ўрни ва даромадлари улар қўриқлаётган зиёратгоҳнинг машхурлиги ва вакфнинг келтираётган фойдаси билан боғлиқ бўлган. Оддий шайхлар ва унинг оила вакиллари зиммасига зиёратчиларга тунаб қолиш учун жой бериш, хўжалик анжомлари ва қурбонлиқ қилинган ҳайвонлар гўштини қайнатиш учун ўтин тайёрлаш, мозорни, жумладан, диний маросимлар учун таҳоратхона ва таом пишириладиган, қурбонлиқ келтирадиган жойни ва масжидни тоза сақлаш сингари хизмат кўрсатиш вазифаси кирган”<sup>3</sup>.

Муқаддас зиёратгоҳларга эгалик қилиш ва ундаги шайхлик вазифасини эгаллаш бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу ваколотга эришишда шайхлик хукуки қўйидаги категорияларга саййидлар, хўжалар, сўфийлик тариқати намояндлари ҳисобланувчи эшонлар авлоди, сўфий пирлар қўл остида хизмат қилган мадраса муаллимлари маҳдумлар<sup>4</sup>, охундлар, мозорларда

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 266.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т.: Фан, 1967. – Б. 392.

<sup>3</sup> Кармышева Б.Х. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухарского ханства в конце XIX – начале XX века // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – М.: Наука, 1985. – С. 101.

<sup>4</sup> Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. 2001. №2. – С. 128-131; Ўша муаллиф. “Народный” суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. – Т., ИФЕАК – 2004. – С. 1-11.

хизмат қилиши туфайли шайхлик ҳуқуқини қўлга киритган оддий табақага мансуб оиласлар каби гурухларга бўлинган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир зиёратгоҳга шайхлик қилиш ҳуқуқи дастлаб унинг олдинги шайх авлодларига, агар авлодлари бўлмаса, мозорга хизмат қилаётган оиласларнинг авлодларига берилган ва ушбу ҳолат авлоддан-авлодга ўтиб келган. Баъзан улар тушда шайхлик қилиш учун мозордаги авлиёдан рухсат берилганини асос қилиб шайхлик ҳуқуқига эга бўлганлар<sup>1</sup>.

Муқаддас зиёратгоҳлардаги тутган ўрни ва мавқеи жиҳатидан катта шайхлар ҳамда кичик шайхлар каби турларга бўлинади. Катта шайхлар жумласига муқаддас зиёратгоҳларнинг калитларига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шайхлар кирган. Бундай шайхларнинг зиёратгоҳларда ўз хонаси бўлиб, фақатгина улар рухсат берган тақдирда мозорга кириш мумкин бўлган. Катта шайхлар турли касалга чалинган кишиларни, жумладан, ақлдан озғанларни даволай олиш қобилиятига ҳам эга бўлганлар. Кичик шайхларнинг сони биргина муқаддас зиёратгоҳларда баъзан ўн нафардан ортиқ бўлиб, иккинчи даражали ишлар билан шуғулланганлар. Улар мозор атрофидаги дараҳтлар, булоқ ёки муқаддас тошлар атрофида йиғилганлар. Кичик шайхлар келган зиёратчиларга дам солиш, кинна ҳайдаш билан ҳам шуғулланишган. Бундай шайхларнинг кўплиги туфайли зиёратгоҳларда шайхлик қилиш ҳуқуқи ҳафтанинг икки ё уч кунига қараб белгиланган. Бундай шайхларнинг асосий вазифаси зиёратчиларни дуо қилишдан иборат бўлган<sup>2</sup>.

Зиёратгоҳлардаги оиласларий шайхлар: эр-хотин шайхлар, акаука шайхлар, опа-ука шайхлар, ота ва ўғил шайхлар, она ва қиз шайхлар. Бундай оиласларий шайхларнинг каттароқ ёшлиси ҳар доим зиёратгоҳнинг бош шайхи ҳисобланган.

<sup>1</sup> Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 60.

<sup>2</sup> Шайхлар макоми ҳақида батафсил: Маллицкий. Н. Ишаны и суфизм // Туркестанские ведомости. 1898. – С. 71-72; Исмоилов Л.Э. О некоторых важных моментах в биографии Мавераннахрского суфийского шейха XVI в. // Вестник Омского университета. Серия «Исторические науки». – 2019. №2 (22). – С. 12-16; Сулаев И.Х. Шейхи и общины мюридов в советском Дагестане (20-30-е гг.) // Вестник института ИАЭ. – 2010. №1. – С. 43-55.

Ёлғиз ўзи шайхлик қилувчилар. Бундай шайхлар қаторига ки-рүвчиларнинг ваколати оиласвий шайхлик қилувчиларга нисбатан кам бўлган.

Шайхлик қилиш учун талаблар ҳам мавжуд бўлган: жумладан, шайхлар даволаш қобилиятига эга бўлиш, мозор аввалги шайхининг руҳсати, ўша кишининг дастлабки диний билимлари (намоз ўқиш, Куръон оятларини билиши сингари) етарлилиги, зиёратчилар билан мулоқот қилишга қодир бўлиши лозим, деб аҳоли томонидан қаралган. Аммо баъзи ҳолатларда авлиёлар ҳақида ҳаддан зиёд бўрттирилган маълумотлар бериб, тарихий маълумотларни бузиш ҳолатлари ҳам учрайди. Аҳоли орасидаги ўз насабларини улуғ шахслар номлари билан боғлайдиганлар ҳам кўпинча бўрттирилган маълумотлар тўқилишига сабаб бўлган.

Зиёратгоҳларда яна бир муҳим жиҳат кўзга ташланадики, у ерда чиллахоналар бўлиб, суфийлар кирк кун Аллоҳ учун тоат-ибодатда бўлишган. Масалан, Термиз туманидаги Ҳаким Термизий зиёратгоҳи чиллахонасида қадимдан халифалар, муллалар, қорилар, баъзида зиёратга келган кишилар кечаси билан ибодат қилишган ва ҳозирги кунга кадар мазкур чиллахона объект сифатида сақланиб қолмоқда<sup>1</sup>.

Тадқиқот давомида олиб борилган сўровнома ва интервью шундай хulosалар қилишга асос яратиб бердики, зиёратгоҳларда фаолият юритаётган раҳнамолар, табакалар ва оқимларнинг ислом тарихидан хабардор бўлиши, диний мадраса, масжид билан бевосита боғланиши ҳамда мукаммал ҳолисона диний билимни ўзлаштирилиши долзарб масаладир. Чунки муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида фикр юритаётган раҳнамолар миллат маърифатини, таълим ва у билан боғлиқ инсон омилини чукурроқ тушуниши ва ҳар бир нарсага тарихий ҳолисона нуқтаи назаридан қарashi зарур, деб ҳисоблайдилар.

Кўпчилик зиёратчилар учун авлиёлар уларни Аллоҳ билан боғловчи восита деб ҳисоблашади. Шу сабабдан муқаддас жойларни зиёрат қилиш маҳаллий халқларнинг ҳаётида катта ўрин тутади. Маълумки, муқаддас мозорларнинг машхурлиги унга

---

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз тумани. 2020 йил 27 июнь.

дафн этилган авлиёларнинг кароматлари билан белгиланган<sup>1</sup>. Агар авлиёлар хаёти мобайида кўплаб кароматлар кўрсатган бўлса, демак, унинг қабрига зиёратга келувчилар ҳам кўпроқ бўлади, деб қаралган.

Халқ олдидағи хизмати, мавқеи, давлат бошлиқларининг зиёратгоҳларга эътибори, у ерга ўрта асрларда машхур шайхларнинг раҳнамолик қилиши, вақфдан мулк ажратганлиги, мусофириларга қаров жой бўлганлиги, ўз вақтида одамлар шу жойдан паноҳ топгани, тушган эҳсонлардан камбагалларга тарқатилиши, давлат бошлиқларининг у ерга ҳафтада келиб туриши ёки бирор жанг олдидан зиёратга бориши, ёки пиридан, зиёрат шайхидан дуо олиши, ҳажга бора олмаганларнинг яқин жойдаги зиёратларга бориши ҳам олдиндан кўп зиёратчиларнинг келишига сабаб бўлган.

Кишилар турмушдаги шахсий мусибат ва омадсизлик, айниқса, бефарзандлик, яқин кишиларининг баҳтсизлиги, ҳаётдан зерикиш, касаллик ёки ўлимдан хавфсираш, ёлғизлик ҳис-туйгуси ва шу каби бошқа социал-психологик омиллар инсонларни диний хиссиятларга берилиш натижасида муқаддас зиёратгоҳларга бориши учун муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабдан мозорлардаги дин пешволари, шайхлар зиёратчиларнинг эмоционал ҳолатидан фойдаланиб уларнинг ҳиссий туйгуларига таъсир қилишга интиладилар ва бу ўринда муқаддас жойлар ва уларда дафн этилган авлиёлар билан боғлиқ ривоятларнинг роли муҳим аҳамият касб этиш баробарида уларнинг турли урф-одат ва маросимларга бўлган эътиборини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, зиёратгоҳларнинг кишилар турмушидаги ўрнини янада муҳим бўлишини таъминлайди.<sup>2</sup> Зиёрат маросимларида бажариладиган урф-одатлар билан боғлиқ қарашлар кўп асрлик тарихга эгадир. Улар узоқ тарихий давр паллаларида шаклланиб, у ёки бу этнос яшаган географик муҳит, хўжалик турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари, анъанавий маданияти, этник қатламлари ва бошқа бир қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқ

<sup>1</sup> Кныш А.Д. Суфизм // Ислам. Историографические очерки. – М., 1991. – С.153.

<sup>2</sup> Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т.: Институт истории АН РУз, 2008. – С. 12.

бўлган. Этнолог олим А.Ашировнинг фикрича, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётий тадбир ҳисобланади<sup>1</sup>. Зиёратгоҳларда бажариладиган удумлар узок вақтлардан бери амал қилиниб келаётгани маълум. Бу аввало зиёратчиларнинг руҳий ҳолатида яққол намоён бўлади.

Зиёратгоҳлар вилоятда қадимдан мавжуд бўлиб, аҳоли у ерга чин ихлос ва турли ниятларда боришади. Зиёратга борган киши, аввало, шу муқаддас жойга боргани учун ўша ерда ётган кишининг руҳияти ҳаққига дуо-фотиҳа ўқийди, Аллоҳ йўлига эҳсон қиласди. Қабр зиёрати инсонга ўлимни ва охиратни эслатади<sup>2</sup>.

Муқаддас жойларга зиёратчилар чоршанба ва жума кунлари келганлар. Айниқса, аёлларнинг зиёратгоҳга айнан чоршанба куни келиши, ушбу кун билан боғлиқ қадимги қарашлардан келиб чиққан. Чоршанба куни ўсимлик ва сувларга жон ато қилинган экан, озиқ-овқат, кийим-кечак орқали киши баданига кириб олган ёмон руҳларни чоршанба куни қувиши кўпроқ фойда келтиради<sup>3</sup>.

Кўпроқ аёлларни зиёратга бориши, руҳий таскинга муҳтожлиги, қайси зиёратга эътибор кучлилиги ёки давлат бошлиқларининг қайси зиёратгоҳларга ташрифи орқали зиёратгоҳнинг мавқеини кузатиш мумкин.

Аҳолининг фикрича, зиёратгоҳлар муқаддас жойлар бўлиб, у ерга борган зиёратчилар ниятларини худодан чин кўнгилдан сўрасалар, ниятларига етадилар. Ўша ерда ётган майитнинг ҳаққига дуо-фотиҳа қилиш савобдир. Зиёратга бориб майитнинг ҳаққига курбонлиқлар қилиш мумкин эмас. Фақат Аллоҳ йўлига садақа ва эҳсон қилиш лозим.

Зиёратгоҳда ўтирадиган маҳаллий қорилар, зиёратгоҳга келиб тавоғ қилиш, у ерда жонлиқлар сўйиши, мушкулкушодлар ўтказиш, дараҳтларга ип боғлаш, тошларни чайиб ичиш, тупроқларидан суриш мумкин бўлмаса-да, бу ҳолатлар удумга айланганини таъкид-

<sup>1</sup> Аширов А. Анъанавий никоҳ туйи маросимлари урф-одатлариининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида) // O‘zbekiston tarixi, – 2003. 2-сон. – Б. 38-39.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари – Сайфиддинов Алиакбар. 1958 йилда туғилган. Сурхондарё вилояти Бош имом хатиби. Термиз тумани Пахтакор маҳалласи. 2019 йил август.

<sup>3</sup> Саримсоков Б. Ўзбек маросими фольклори. – Т.: Фан, 1995. – Б. 154.

лашади<sup>1</sup>. Бундан халқнинг қандайdir эҳтиёжи қондирилишини айтишиади. Балки ҳақиқатан ҳам ҳар бир зиёратгоҳнинг Аллоҳ томонидан берилган хосияти бордир. Одамлар бу жойларга худодан дардларига шифо тилаб боришса, худо шифо берарди. Ҳар бир жойнинг ўзига хос хислат ва хосиятлари шу ерда ўтирган қори, имом ва маҳаллий ахолига маълумдир.

Жарқўргон туманида яшовчи Ҳусанов Олломурод аканинг айтишича, зиёратгоҳга бориш ҳам фарз, ҳам қарздири. У бошига бир мушкул иш тушганида чин ихлос билан Термиз отани зиёрат қилган, эртаси куни ушбу мушкулотдан фориг бўлган<sup>2</sup>. Р. Пардаев фикрича, зиёратгоҳга одамлар нима ниятлари бўлса, шуни Худодан сўраб келишади, у ерни тавоғ қилиш, турли амалларни бажариш зиёратчиларнинг ота-боболаридан қолиб кетган удумдир. Улар бу хатти-харакатларидан ўзларини енгил ҳис этиб, шу жойда ётган кишининг рухлари қўллайди, деб ҳисоблашади<sup>3</sup>. Улар бу ерга келиб, маънавий покланади. Ўзларини қушдай енгил сезади. Кўп зиёратчилар қариндошлари шу ерга қўйилгани учун қабрларини зиёрат қилишга келади. Зиёратчилар Аллоҳ йўлига жонлиқлар сўйиб, садака қилишади. Зиёратгоҳ ёнидаги чиллахоналарни ҳам зиёрат қилишади, қабр устидаги тошларни муқаддас ҳисоблаб, сувда чайқаб ичишади, у ердаги тупроқни азиз тупроқ, деб баъзан ялашади. Буларнинг ҳаммаси қадимдан қолган удумлар бўлиб, уларни таъқиқлаш қийин. Одамлар шундай ихлослари билан ўз мушкулларини ўзлари осонлаштираётгандек ҳис этади. Зиёратчилар бу ерда намоз ўқишиади, Куръон тиловат қилдиришади<sup>4</sup>.

Воҳа зиёратгоҳларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳар бир зиёратгоҳ нафақат орзу ва ниятларнинг ушалиш учун ибодат маскани, балки фарзанд, баҳт, турли касалликларга даво сўраш учун алоҳида таснифланганини кўриш мумкин.

<sup>1</sup> Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – Б. 185-197.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани. 2020 йил 20 август.

<sup>3</sup> Пардаев Рустам, 1964 йилда туғилган, Оқ Остона бобо зиёратгоҳи мулласи. – Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Оқ Остона қишлоғи. 2019 йил, 21 июнь.

<sup>4</sup> Дала тадқиқотлари.– Сурхондарё вилояти Узун тумани Оқ Остона қишлоғи. 2019 йил 28 июль.

Масалан, Кокилдор ота (ХII аср) зиёратгоҳига<sup>1</sup> асосан, Худодан фарзанд сўраб, яра-чакаларига шифо тилаб, шу билан бирга, болаларига кокил қўйғанлар келишади. Улар кокилларини шу ерда олдиришади, аллома ҳаққига Куръон тиловат қилдиришади, садақа ташлашади<sup>2</sup>. Шу сабабли ушбу зиёратгоҳга асосан, кокилли гўдакларни етаклаб келаётганларни қўриш мумкин. Муқаддас мозорларга зиёратга келувчи ҳар бир киши ўзи билан курби етганича “ислик” олиб келган. Хусусан, бефарзанд аёл мозорга келгач, шайх аёлдан зиёратга келиш мақсадини сўрагач, аввалги тилаб берган болаларидан қолган кокилни биттасини бера туриб, “кейинги келишингизда, иккита қилиб олиб келасиз”, деб айтган. Бу билан ўша аёлни фарзанд кўриб, фарзандининг ҳам кокилини олиб келишига ишора бўлган.

Хабар берувчининг сўзларига кўра, кокил қўйишнинг маъноси шундан иборатки, Ҳазрати Алиниңг фарзандлари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн кокилли туғилишган экан. Шу сабабдан, ҳар бир фарзанд қўриш орзусидаги аёл “Менинг ҳам фарзандим Ҳазрати Алиниңг фарзандларига ўхшаган бўлсин” деб фарзанд кўрса, кокил қўяр экан. Бизнингча, кокил қўйиш Ҳазрати Али билан боғлиқ бўлса керак. Чунки Алиниңг лақабларидан бири Ҳайдар бўлиб, бу исм жасур маъноларини англатса, эркак болаларда орқага ўриб қўйиладиган бир тутам соч ҳам ҳайдар деб аталган<sup>3</sup>.

Хожа Алоуддин Аттор қабри ёнида беш панжанинг изи бор. Зиёратга келган кишининг панжалари шу панжа изига тўғри келса, у киши ниятига етиши мумкинлигига ишонишади<sup>4</sup>. Олтинсой тумани Ҳўжасоат жамоа хўжалигига жойлашган Саъд ибн Абу Ваққос номи билан боғлиқ зиёратгоҳ бўлиб, бу ерга асосан, тушида қўрқанлар, жинга чалинганлар, асаб касалига йўлиқканлар, бо-

<sup>1</sup> Исаков Нурмуҳаммад 1957 йил туғилган, Кокилдор ота зиёратгоҳида.  
– Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Кокилдор ота махалласи. 2019 йил, 29 июль.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз тумани Алишер Навоий маҳалласи. 2019 йил 29 июнь.

<sup>3</sup> Бегматов Э. А. Ўзбек исмлари. – Т.: Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси, 1991. – 567 б.

<sup>4</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Номозгоҳ қишлоғи. 2019 йил 14 июль.

ласи турмаганлар, яъни тезда нобуд бўладиганлар, чала тугадиган аёллар, жисмоний заиф кишилар Худодан гуноҳларини кечишини сўраб, дилларини пок қилиш учун келадилар. Қабрдаги беш панжা белгиси эса, кимки мени зиёрат қилса, Худо тилагини беради, деган маънони англатар экан<sup>1</sup>.

Ангор туманидаги Хайрободтепа ёнида жойлашган Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи<sup>2</sup> атрофида чиллахона бўлиб, у ерга фарзандлари чақалоқлик пайтида чилла бўлганлар, баданларига сўгал ва яра тошганлар келишади. Ҳозирги кунда чиллахонанинг йигирма иккита зинапояси бўлиб, чуқурликка кириб кетилади. Зиёратчилар ният қилишиб, у ерга тушиб чиқадилар. Қўлларига, баданларига яра-чака, сўгал чиққан кишилар тупроқларидан суришади, ундан уйларига ҳам олиб кетадилар. Олган тупроқлари учун садака пули ҳам қолдирадилар.

Бундан ташқари, ушбу зиёратгоҳда одамлар фарзанд, баҳт, турли касалликларга даво сўраб, Худога тоат-ибодат қилишади. Бу жойга ҳафтанинг чоршанба, якшанба кунлари 130–140 нафар зиёратчи келишади. Улар Ҳайит кунлари ва чоршанба кунларида жонликлар сўйиб, Худо йўлига садака қилишади. Баҳти очилмаган қизлар Худодан баҳт сўраб, мушкулкушодлар ўтказишади<sup>3</sup>.

Олтинсой тумани Катта Вахшувор кишлоғидаги Сўфи Оллоёр (XVII–XVIII асрлар) зиёратгоҳи араб давлатлари, республикамиз ва вилоятимиизда таниқли ҳисобланиб, у жойга Швейцария, Арабистон, Афғонистон давлатлари, республикамизнинг турли вилоятлари, вилоят туманлари, асосан, Шўрчи, Денов, Олтинсой, Сариосиё, Узун туманларидан ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари кўп келишади. Зиёратчилар ҳафтада 200–300 кишини ташкил қиласиди. Улар учун яхши шароит яратилган, супалар, дам олиш жойлари қилинган. Зиёратчилар бу ерга Худодан нима тилаклари бўлса, сўраб келишади, жонликлар сўйиб, садака қилишади, Сўфи Оллоёр ҳаққига Қуръон тиловат қилдиришади, мушкулкушодлар ўтказишади.

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Хўжасоат кишлоғи. 2020 йил 4 август.

<sup>2</sup> Ҳасанов Мурод, 1951 йилда туғилган, маҳаллий аҳоли вакили. – Сурхондарё вилояти Ангор тумани, Хайробод тепа қишлоғи. 2019 йил, 27 июнь.

<sup>3</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Ангор тумани Хайрободтепа қишлоғи. 2019 йил 27 июнь.

Бу зиёратгоҳда хоки ётган Сўфи Оллоёр шоир ва суфийликда камол топган улуғ валий бўлиб, ҳозиргача у кишининг ҳассалари, ўзлари тӯшаб ўтирган кигизлари, чироги, кўзалари, лаҳад тахталари хам сақланиб турибди. Зиёратгоҳларнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, Сўфи Оллоёрнинг ҳассаси теккан жойдан сув чиққан эмиш. Катта Вахшувор аҳолиси шу табаррук сувдан истеъмол қилишади. Уларнинг бири Қорабулок, иккинчиси Қўтиrbулок деб аталади. Қўтиrbулокнинг суви тери касалликларига даво бўлиб, булоқ суви бир йилда олти ой чиқади, олти ой қурийди<sup>1</sup>. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, фақатгина Сўфи Оллоёрнинг авлодлари қабрлари устида қирқбўғин, қоратиканак ўтлари ўсади. Бошқа қабрларда бундай ўтлар учрамайди. Асосан, бу жойга бефарзандлар келишади. Валий ҳаққиласига Куръон тиловат қилдиришади<sup>2</sup>.

Хўжайпок зиёратгоҳидан шифобахш сув чиқади. Аниқланишича, сув таркибида фосфор, олтингугурт, туз, хлорид, сульфид, азот, темир ва бошқа моддалар бор. Бу сув асосан, бош, оёқ, бел оғриқлари, кўкрак қафасининг кисилиши, турли яралар, чипкон, тошма, тери, асаб касалликларига даводир<sup>3</sup>.

Олтинсой туманида сахоба Хўжа Ҳасан Илгорийнинг шарафига қилинган қадамжо аҳоли орасида Бўри Ҳалифа бобо номи билан машхур бўлиб, айтишларича бу киши яраларнинг пири бўлган экан. Зиёратчилар яралари яхши бўлиб кетиши учун қабр тупроқларидан суртадилар<sup>4</sup>. У ердаги биринчи қабр Хўжа Ҳасан Илгорийнинг қабри бўлиб, олдида кичкина эшикча бор. Унинг остига тупроқ солинган. Зиёратчилар ўша тупроқдан олиб, яраларига малҳам қиладилар<sup>5</sup>. Кимки қўрқкан бўлса ёки боласига чилла тушган бўлса, шу ерга зиёратга келиб, Куръон оятларидан ўқиса, Аллоҳдан даво сўраса, ниятига етар экан. Боласи турмаганлар ҳам

<sup>1</sup> Зиёратгоҳ имоми билан сухбат. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани. 2020 йил, 17 август.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғи. 2021 йил 17 июнь.

<sup>3</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 15–16.

<sup>4</sup> Меликулов Абдуқодир. 1940 йилда түғилган, Хўжа Ҳасан Илгорий зиёратгоҳи маъсул ходими. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани, Яккатур қишлоғи. 2020 йил, 18 август.

<sup>5</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 23–24.

шу ерга зиёратга келишади. Бундан ташқари, бу зиёратгоҳга турли яралар, тери касалликлари, песлар, без тушиш ва бошқа яралар билан касалланган беморлар Худодан чин кўнгилдан ихлос билан касалларига шифо сўрасалар, тузалиб кетар экан<sup>1</sup>.

Узун туманида Оқ Остона қишлоғида X–XI асрларда шаклланган Оқ Остона бобо зиёратгоҳининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерга асосан, баҳти очилмаган қизлар, иши юришмаган кишилар, бундан ташқари, Худодан фарзанд сўраб келишади. Қизлар супурги олиб мақбарани супуришади. Туркий халқларнинг эртак ва ривоятларида подшоҳ саройининг остонасини супуриш маликага совчиликка келганликларини англатган бўлса, муқаддас мозорларда супуриш авлиёлардан мадад сўрашни билдирган<sup>2</sup>.

Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий зиёратгоҳига асосан, кишилар Аллоҳдан ишларининг барорини, фарзанд, баҳт, соғлик, касалларига даво истаб келишади. Ҳафтанинг чоршанба куни зиёрат куни ҳисобланади, бошқа кунларида ҳам зиёратчилар ке-либ туришади. Улар бу ерда мушкулкушодлар ўтказишади, Худо йўлига жонлиқлар сўйишади, аллома ҳаққига Куръон тиловат қилдиришади<sup>3</sup>.

Бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, аксарият кишилар зиёратгоҳларга бориш, у ерни қадрлаш, майитлар ҳаққига дуо-фотиха қилиш савоб, деб ҳисоблади. Зиёрат қилиш, қабристонга бориш охиратни эслатишини, кишиларнинг кибр-ҳавога берилиб кетишига йўл қўймаслигини, уларнинг Аллоҳдан қўрқишига ва ножъя ишлар қўймаслигига имкон яратишини таъкидлайдилар<sup>4</sup>. У ерга чин ихлос билан Худодан ниятларини сўраб борганлар мақсадларига етади. Аллоҳ йўлига эҳсон қилса, савоб топади. Азиз-авлиёларнинг мозорларини ва қабристонларни зиёрат

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Яккатут қишлоғи. 2020 йил 20 август.

<sup>2</sup> Басилов В.Н. Легенда: верить или не верить? // Советская этнография. – Москва, 1974. №1. – С. 164.

<sup>3</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Яхтийўл маҳалласи. 2019 йил 29 июль.

<sup>4</sup> Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрат одоби. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 80 б.; Қалтис саволларга холис жавоблар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2001. – Б. 30.

қилиш ислом динида савоб иш саналади. Бунинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари бор. Азиз-авлиёлар мозорига борганда Каъбани тавоғ этгандек атрофини айланмасдан, одоб сақлаб, тиловат ва дуо қилиб, савобини мозор соҳибининг руҳига бағишилаш лозим<sup>1</sup>.

Зиёратгоҳларда жонлик сўйиш масаласида кўпчилик жонлик гўштини тарқатиб, унинг савобини ўзи суйган азиз-авлиёлар руҳига ва хонадонидан ўтганларнинг руҳига ҳадя этиши мумкин, деб ҳисоблайди. Сўйилган молларни азиз-авлиёга аташ ҳаромдир<sup>2</sup>. Масалан, Ҳазрати Довудга, Термиз отага аташ ва бошқалар. Зиёратгоҳларда қурбонлик маросими ўтказишда қуидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Қурбонлик араб тилида Худога яқинлашиш, яъни унинг раҳмат-шафқатига сазовор булиш учун Худо йўлига жонлик сўйишни англатган<sup>3</sup>. Хабар берувчининг сўзларига кўра, ҳар бир қурби етган одам зиёратга келса, товук ёки хўрот, кўй, эчки “жонлик” ни қурбонлик қилган. Ўша жонлик гўштининг бир қисмини шу ерда пишириб тановул қилишган. Қолганини пиширмай, яъни “хомталаш” қилиб шу мозорга келганларга эҳсон қилган<sup>4</sup>.

Мушкулкушод маросими аёллар томонидан ўтказиладиган амаллардан ҳисобланади<sup>5</sup>. Унда бу маросимни ўтказишни ният қилган аёл етти дона кулча нон, етти хил мевани дастурхон устига қўйиб уйига аёлларни таклиф этади. Супра устига тош қўйилиб, чироқ ёқилади ва тогорага ун солиб, усти ёпиб қўйилади. Мевалар етти қисмга бўлиб, кулча нонлар билан бирга келган кишиларга тақсимлаб қўйилади. Мушкулкушод ўтказаётган аёл қўйлагининг этагига мевалардан солиб, ҳовлини айланиб келади, Худодан ниятларини сўрайди. Кейин тогорадаги унни очиб қўришади, гўёки унга Худо қандайдир белгилар, йўллар кўрсатгандай қўринади,

<sup>1</sup> Ҳожи Абдуллоҳ Абдурроziқ. Зиёрат одоблари. Мўъминлар мулоқоти ва дўстлик одоблари. – Т.: Моворуннаҳр, 2005. – Б. 15-18.

<sup>2</sup> Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 295.

<sup>3</sup> Ҳамроқулов Ж. Қурбонлик фазилати // Ислом нури. – 2013 йил 19 (492)-сон. – Б. 2.

<sup>4</sup> Алланазаров Нарзулло, 1975 йилда тугилган, Алишер Навоий маҳалласи котиби. – Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, 2019 йил, 30 июнь.

<sup>5</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – Б. 188-190.

уларнинг кўзи билан қараганда унда чизиқчалар пайдо бўлади. Шундан кейин ҳамма аёллар мушкули осон бўлиши учун аёлномига дуо ўқиб, ниятлари амалга ошсин, мушкуллари енгил бўлсин, дея ният қиласидилар<sup>1</sup>.

Муқаддас жойлардаги дараҳт ва ўсимликларнинг муқаддас саналаши маҳаллий аҳоли ўртасида асрлар мобайнида шаклланиб келган ва унинг илдизлари исломдан олдинги диний қарашлар билан боғлиқ<sup>2</sup>. Энг муҳими, муқаддас зиёратгоҳлар воҳанинг дарё, ариқ, булоқ, кон, хунармандчилик, дехқончилик, чорвачилик, дараҳт, турли доривор ўсимликлар ўсадиган худудларда шаклланиши, асосан, географик ҳолат билан боғлиқдир.

Шунингдек, муқаддас зиёратгоҳлар шаклланишида географик мухит алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўтмиш аждодларимиз улуғ аллома ва авлиёларнинг образини талқин қилишда худуд иқлимига, табиат экологиясига, ернинг баланд жойлашишига, у ернинг турили дараҳтлар ва доривор ўсимликлар билан боғлиқлигига алоҳида эътибор берган<sup>3</sup>. Шу жиҳатдан, Сурхондарёдаги зиёратгоҳларнинг кўпинча баланд тепаликлар ва адирларда жойлашиши рамзий маънода қадамжо билан номи боғлиқ шахсларнинг ҳалқ томонидан улуғланишини англатади.

Тадқиқотчи Н. Турсунов Сурхондарё воҳаси этнографияси ни тадқиқ қилган ҳолда, худудда анимистик тасаввурлар билан боғланган авлиё, анбиё, муқаддас жойлар, табиат кучлари ва аждодлар руҳига сифиниш кенг тарқалганини қайд этади ва буни тотемизм, фетишизм, анемизм каби ибтидоий дин билан боғлиқ расмруслумлар деб баҳолайди. Уларга ғайритабиий горлар ва қоялар, шифобахш булоқлар ва дараҳтлар ҳам зиёратгоҳга айлантирилгани, Анжирота, Мурчбобо, Чинорота каби муқаддас дараҳтлар, Бойсун ва Сайрободдаги “муқаддас” балиқли булоқлар киритилган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Узун тумани Оқ Остона бобо кишилоги. 2019 йил 21 июнь.

<sup>2</sup> Pitrovsky M.B. Islam - belief and a way of life // Islam. Short directory. – M., 1983. – pp. 45.

<sup>3</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С. 626-627.

<sup>4</sup> Турсунов Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. – Т.: Yangi nashr, 2015. – Б. 120-121.

Мазкур воҳада ҳайвонлар культи билан боғлиқ бир нечта зиёратгоҳларни учратиш мумкин. Жумладан, Олтинсой тумани “Оқ олтин” маҳалласига қарашли Миршоди қишлоғидаги катта адир ёқасида жойлашган Хўжайгор ёки Авлиё ота зиёратгоҳи, Кийик ота зиёратгоҳи баландлиқда жойлашган бўлиб, икки томони адирлик, ўртада эса катта сой оқадиган худудда бўлиб, 200–250 йиллик ушбу зиёратгоҳга ҳаётлик чогида овчилик билан шуғулланган кароматгўй авлиё дафн этилган. Мархум васияитга кўра, уни ўлимдан сақлаб қолган бир кийикнинг ёнига кўмишган<sup>1</sup>. Шунингдек, Олтинсой туманида Хўжа Ҳасан Илгорий номи билан барпо этилган “Каптархона” номи билан танилган зиёратгоҳ бошида иккита тут дарахти бўлиб, кўрқкан ва боласига чилла тушгандар ушбу дарахт орасидан ихлос билан ўтадилар<sup>2</sup>. Кутурган ит қопса ёки тирнаса, маҳаллий аҳоли дарҳол “Фалаба” маҳалласи ҳудудида жойлашган – Кўпрак ота зиёратгоҳига<sup>3</sup> ташрифдан ёрдам кутишади.

Зиёратгоҳларга хос яна бир нарса шундаки, унинг ҳудудида тог-табиат культи борлиги билан ажralиб турари, жумладан, Сангардак тоғидаги зиёратгоҳ<sup>4</sup>, Хўжай Илгор<sup>5</sup>, тоғнинг юз метр тепалигидан оқ сув оқиб тушадиган жойда қадимий Шарра мозор<sup>6</sup>, тог остида Хўжай Хўбон (яхшилар Хўжаси)<sup>7</sup> зиёратгоҳлари бор. Гўзал табиат обьектлари билан боғлиқ муқаддас жойларнинг кўплиги Сурхон замини зиёратгоҳларининг ўзига хослигини кўрсатади. Шунингдек, булоқлар сув билан боғлиқ культ маҳ-

<sup>1</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 29–30.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Зиёратгоҳ ҳовлисида кўйилган маълумотдан. 2020 йил 20 август.

<sup>3</sup> Тошқулов О. Бойсун мўъжизалари. – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 127.

<sup>4</sup> Пославская О. Туристскими тропами Узбекистана (Пути в природу). – Т.: Узбекистан, 1985. – С. 151–154.

<sup>5</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 29 июль.

<sup>6</sup> Эрназаров Фарҳод, 1931 йилда туғилган, Шарра мозор зиёратгоҳи шайхи. – Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил, 5 август.

<sup>7</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 5 август.

сус эслатиб ўтишни талаб этади. Улар ҳаёт экологияси асосини ташкил этади. Хурсандтоғ тепасидаги муз катламларида жойлашган Чош қишлоғида Хўжай Пирях (Қари муз хўжаси)<sup>1</sup>, Хонжиза маҳалласидаги Хонжиза қишлоғида Хурсанд тоғидан оқадиган дарёнинг бўйида Чашме девонаҳо (Девоналар булоғи), «Кўк тераклар булоғи»<sup>2</sup>, Десурх қишлоғидаги Қизилсой бўйида «Оби сурхон», Чашмаи Соро<sup>3</sup>, Найҳо тогининг тагида «Шайхлар булоғи» деб аталувчи<sup>4</sup> зиёратгоҳлар жойлашган. Мазкур зиёратгоҳларнинг булоқлари шифобахш сув чиқадиган булоқ бўлиб, муқаддас саналадиган ҳовуздаги балиқлар ейилмайди ва баъзи ҳолатларда ахоли ҳовуздан турли мақсадларда (ният қилиб) сув ичади.

Зиёратгоҳларда сув культи унинг даволовчи шифобахш хусусиятга эгалиги билан ҳам изоҳланади. Масалан, Бойсун туманиндағи Сиддиқ саҳоба қадамжоси ҳамда Омонхона қишлоғи Қамари Азиз қадамжоси, Ҳазрат Султон Валий балогардон зиёратгоҳи шифобахш сувларининг нафақат ихлос билан ичишдаги балки тиббий фойдалари тўғрисида фан ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради<sup>5</sup>. Қамари Азиз қадамжосидаги Омонхона шифобахш булоқ суви Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н.А. Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш институтида таҳлил қилиб кўрилганда сувнинг санитария-бактерологик кўрсатгичларга тўлиқ жавоб бериши аниқланди. Мазкур шифобахш сув таркибида кўплаб фойдали микроэлементлар мавжуд бўлгани сабабли сурункали гепатит, холицистит, ошқозон ичак, қандли диабет каби кўплаб касалликларни даволовчи хусусияти

<sup>1</sup> Дала тадқикотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Чош қишлоғи. 2019 йил 31 июль.

<sup>2</sup> Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1957 йилда туғилган Тоҷик филологияси фани ўқитувчиси, Хонжиза болалар оромгоҳи директори Соҳибов Раҳматулло ака билан бўлган сұхбат. – Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи 2020 йил 16 август.

<sup>3</sup> Дала тадқикотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Нибури қишлоғи. 2021 йил 18 июнь.

<sup>4</sup> Дала тадқикотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Десурх қишлоғи. 2021 йил 18 июнь.

<sup>5</sup> Алланов Т., Алланов О. Омонхона мўъжизалар манзили. – Т.: Тафаккур, 2013. – Б. 11-19.

мавжудлиги исботланди<sup>1</sup>.

Зиёратгоҳларда дарахтлар культи ҳам алоҳида феноменни ташкил этиб, аксарият зиёратгоҳларда дарахтга ният қилиб ип ёки мато боғлаб қўйилади. Латта боғлаш орқали зиёратчи муқаддас жойга нисбатан умид ва ишончини намойиш этган. Унинг истаги рӯёбга чиққач, иккинчи марта келиб боғлаган латтасини ечган ва мозорга атаб қурбонлик қилган. Бу хол Ўрта Осиё ҳалқларига хос бўлиб, Ч.Ч. Валихонов қозоқлардаги бу одатни зиёратгоҳларда ҳар бир йўловчи дарахтга қўйлакнинг ёки бирон бир матонинг парчасини боғлаб, ҳайвонни қурбонлик келтирганини қайд этади<sup>2</sup>. Масалан, Олтинсой туманидаги Хўжасоат қишлоғида жойлашган Қурбон Соат зиёратгоҳидаги қадимий азим тут дарахти<sup>3</sup>, шунингдек, Хонжиза маҳалласи Мозори Тўқ зиёратгоҳи атрофида дўлана дарахти мавжуд бўлиб<sup>4</sup> ташриф буорувчилар томонидан дарахт шохларига турли мато ва рўмollар илингани кўзга ташланади<sup>5</sup>.

Умуман, хулоса қилиб айтганда юртимизда мавжуд муқаддас зиёратгоҳлар, мақбараалар, қадамжолар диний ва миллий қадриятлардан саналади. Мазкур жойлардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдизларига эга. Уларни илмийлик асосида чуқур ўрганиш юртимиз маънавий ҳаётининг юксалишига, ҳалқ орасидаги айrim салбий одатларга барҳам берилишига, шу билан бирга, ижобий хислат ва урф-одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёкараш, алломаларимиз меросига нисбатан меҳр-муҳаббат хис-туйгуларини тарбиялашга хизмат қиласи.

Сурхондарёдаги мавжуд зиёратгоҳлар маҳаллий аҳолининг олий туйгуларини шакллантиришда, кишиларни ватанпарварлик,

<sup>1</sup> Тошқулов О. Бойсун мўъжизалари. – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 126-128.

<sup>2</sup> Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978. – С. 56.

<sup>3</sup> Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 27.

<sup>4</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи. 2019 йил 6 август.

<sup>5</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани 2019 йил 6 август.

мехр-муруувават, мардлик руҳида тарбиялашда, саховат ва меҳр туйғусини уйғотишида мұхим рол ўйнайды. Тадқиқот давомида азиз-авлиёлар, уламо-ю алломаларнинг қабрларини зиёрат қилиш давомида уларнинг руҳларига Қуръон тиловат қилиниб, қабрларни зиёрат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз экани аҳоли онгига сингдирилиб, уларнинг диний-маънавий меросга нисбатан соғлом дунёқарашини шакллантиришида холисона бағрикенглик гояларини тарғиб қилиш мұхим аҳамиятга эга экани тарихий-хаётый мисолларда очиб берилди. Мазкур воҳа зиёратгоҳларига ташриф жараёнида яна бир мұхим ҳолат кўзга ташланадики, ҳар бир зиёратгоҳнинг ўзига хос шифобахшлик хусусияти кўзга ташланади. Авлиёлар ва булоқ номлари билан боғлиқ қадамжоларга маълум касалликларга шифо истаб, ёки орзу умидларини амалга оширишларида (турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, муродлари ҳосил бўлиши) ташрифни зиёратгоҳни аҳоли орасида тизимлашганини кўрсатади. Бунда асосан аёлларнинг иштироки кўп кузатилади.

Аждодларимиз ўзларининг ҳаёт тажрибаларида муносиб ҳурматга сазовор бўлган шахсларнинг номларини агадийлаштиришга, амалга оширган ишларини келажак авлодга намуна сифатида қолдиришга ҳаракат қилган. Муносиб шахсларнинг меросини ва тарихини ўрганиш, пировард натижада улар дағн этилган қабристонларни обод қилиш, диний-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш, уларнинг дунёвий ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади.

Зиёратгоҳлар ва мозорларга ташриф ҳалқ руҳиятида ифодаланган бўлиб, уларда асрлардан асрларга ўтиб келаётган афсона ва ривоятлар, турли ҳикматли ҳикоятлар ҳалқ оғзаки бадиий ижодида сақланиб қолган. Авлиёларнинг руҳларини ёд этиш, уларга дуо ўқиши, орқали инсон ўз қалбини поклаши, ҳаёт тарзини ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштириши мумкин бўлади. Чунки бундай шахсларнинг ҳаёт йўли, сўзлари ва эзгу амаллари ҳалқимизга ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб қолади.

Зиёратгоҳ ёнидаги шифобахш сувлар ёнида қабр бўлгани учун уни муқаддас ҳисоблашини, масалан, Олтинсойдаги Хўжаипок олтингугуртли сув, ёки Омонхона номи билан боғланади. Аҳоли орасида ишонч шундай ҳолатга етиб борганки, қабристон ёнла-

ридан чиқадиган сувларни авлиё ёки пир каромати деб муқаддас баҳолайдилар. Зиёратгоҳ ёнида масжид мадраса, борлиги у ернинг маънавий маскан бўлгани, одамлар айнан зиёратга бориб шифо топди эмас, Аллоҳдан эканлиги, бу уларга руҳий таскин бўлиши, мумкин. Бошқа томондан, зиёратгоҳ жойлашган худудларнинг табиат билан уйғунлиги, тог, сув ва тоза ҳавонинг мажудлиги айнан воҳада экотуризмни ривожлантириш учун асос бўлади. Бунинг учун нафақат табиат, балки у билан боғлик қадамжоларнинг ҳам мавжудлиги худудий туристик манзилларни ривожлантиришга хизмат қиласи.

Шу билан бирга, ҳозирда унутилиб бораётган урф-одатлар айнан зиёратгоҳларда янги анъаналар билан уйғунлашган ҳолда давом этайтганини кузатиш мумкин. Зиёратгоҳларда ахоли ҳаётига кириб бораётган урф-одатлар, турли ирим-сиримларнинг туб илдизи қадим-қадимларга бориб тақалади. Мана шу сабабдан зиёратгоҳлар этнографлар, фольклоршунослар, психолог, социолог ҳамда тиббиёт ходимлари учун тадқикот обьектини ўтайди. Демак, зиёратгоҳларнинг сакланиб қолиниши маданий ва маънавий меросимизни асрраб-авайлашда мухим аҳамият касб этади.

### **III БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУРХОНДАРЁ<sup>1</sup> ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ТИКЛАНИШИНинг МАЊНАВИЙ АҲАМИЯТИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**

#### **3.1. Мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси зиёратгоҳлари тикланишининг мањнавий аҳамияти**

Мустақил Ўзбекистон ўзига хос бўлган тараққиёт йўлидан бо-раётган ҳозирги шароитда жамият мањнавиятини юксалтириш, миллий ва диний қадриятларни тиклашга эришиш мухим вазифалардан бири саналади. Шу мањнода, азалий анъаналарга асосланган миллий мафкура мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асоси бўлиб хизмат қиласиди. Ислом тинчлик, иймон, эҳсон, поклик ватанпарварлик дини эканлиги истиқлол йилларининг илк кунлариданоқ, алоҳида таъкидланди<sup>1</sup>. У халқнинг мањнавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланаётганлиги, жамиятимизни яхшилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффакиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир. Юксак маданият ички мањнавиятга эга бўлган ҳалқ яратади. Ана шу ҳалқгина буюк яратувчанлик қудратига эга бўлади. Шу жихатдан, аждодларимиз томонидан яратилган улкан бебаҳо миллий қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Жаҳон туризмининг бир қисми бўлган зиёрат туризми ҳалқаро миқиёсда кенг фойдаланилиб келинади. Айтиш мумкинки, зиёратгоҳларга ташрифда иштирок этиш орқали ўзларининг мањнавий, руҳий ва жисмоний эҳтиёжларини қондириш мақсадида уюшадилар. Зиёрат туризми обьектлари деганда, мамлакат ичida одамлар диккатини тортадиган тарихий обидалар, буюк шахслар қадамжолари каби тарихий, мањнавий ва маърифий аҳамиятга молик обьектларни ўз ичida бирлаштиради.

---

<sup>1</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг мањнавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – Б. 160; Имомназаров М., Эшмуҳамедова М. Миллий мањнавиятимиз асослари. – Т.: Мањнавият, 2015, – Б. 65.

Диний ёки зиёрат туризми республикамизда қадимдан ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида мустамлака ва Совет давлати ҳукмронлиги даврида, зиёратгоҳларга ташриф таъқиб остига олинган эди. Хусусан, 1898 йилда ишлаб чиқилган қонунга биноан Туркестон ўлкасидаги диний маҳкамаларни, яъни масжид, мозор, мақбара ва зиёратгоҳлар назорат остига олиниб, унга ташриф Туркестон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган кўрсатмаларга биноан, уеъзд ҳамда вилоят бошлиқлари томонидан таъқиқланган эди<sup>1</sup>. Шу қарор ва кейинги йилларда давлатнинг дин борасида олиб борган сиёсати натижасида, аллома ва олимларнинг қабрлари ҳаробага айлантирилган, совет йилларида улардан омборхона, сақловхона сифатида фойдаланилганини тарихий жараёнлар кўрсатади.

Халқаро ҳисобларга кўра, сўнгги йилларда 250 млн.дан ортиқ кишилар айнан зиёрат мақсадида турли зиёратгоҳ ва ўzlари учун муқаддас ҳисобланган жойларга бориб, туристик дам олмоқдалар. Жаҳон мамлакатлари ҳудудлари 11 та зиёратгоҳ минтақаларига бўлиб ўрганилса, Марказий Осиё минтақаси ислом дини макро минтақаси ҳисобланади<sup>2</sup>. Шу маънода, Марказий Осиё мамлакатлари орасида қадимиш шаҳарлари, бой тарихи билан ажralиб турдиган Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантириш учун барча ресурслар мавжуд. Хусусан, Сурхондарё вилоятлари ҳудуди тарихий жараёнларда жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси билан алоҳида мавқега эга<sup>3</sup>. Шу жиҳатдан, ушбу ўлкадан етишиб чиққан буюк алломалар, қадимиш тарих, илмий ва маънавий меросни воҳа номи билан жаҳонга танитиш, ундан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда дин масалалари ва зиёрат туризмининг шаклланиши ва ривожланишига асосий эътибор

<sup>1</sup> Болтабоев С. Чоризм ҳукмронлиги даврида ислом. Ўқув-услубий кўлланма. – Наманганд, 2005. – Б. 43-44.

<sup>2</sup> Фуломов С. Тошкент иқтисодий районида диний туризмни ривожлантиришнинг баъзи бир масалалари // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т., 2010. – С. 122-124.

<sup>3</sup> Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. Vol.02, Issue: 02, Feb 2021. – Pp. 89-99.

мустақилликка эришгандан кейин бошланди. Гарчи 1990 йилда мұхаддислик илмининг йирик намояндаларидан бири, ислом оламда машхур бўлган Абу Исо Термизийнинг 1200 йиллиги нишонланган бўлса-да, алломанинг асарлари ва маънавий меросидан халқ бехабар эди. Олимнинг қабри жойлашган худуд ҳам етарлича обод этилмади. 1991 йилдан кейин, айнан истиқлол йилларида Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди. Виждон эркинлиги масаласининг давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабати масаласида мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилди. Бу ҳуқуқий негиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши бўлди<sup>1</sup>. Виждон эркинлиги қонуни Қуръони карим ва ҳадислар нашрини амалга ошириш, ислом олимларининг бой илмий меросини ўрганишга йўл очиб берди. Ислом уламолари ва пешволари, азиз-авлиёларнинг тариқатлари ойдинлашди. Абдухолик Фиждувоний, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Муъин Насафий каби юзлаб пир, авлиё даражасидаги шахсларнинг таълимоти ўрганилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати мусулмонларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ислом дунёсининг муқаддас ёдгорликларини, тарихий обидаларини диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказди. Янги масжидлар очилди, дин арбоблари ва руҳонийлар учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Диний ташкилотларга ўз даврий нашрларини чоп этиш ўйлидаги тўсиклар олиб ташланди. Қуръони карим ва ҳадислар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Ҳамюртларимизнинг Ҳаж ва Умрага, Макка ва Мадина зиёратига, диний фарзни адo қилишга бориши кенгайди. Масалан, ҳажга 1980 йилда Собиқ Иттироқ бўйича 20 киши, 1991 йилда 1500 киши, 2000 йилда 4000 га яқин киши борган.

Республикамизда Рамазон ва Курбон ҳайитлари байрам сифатида нишонланиб, дам олиш куни, деб эълон қилинди. Диний таш-

<sup>1</sup> Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида // Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 19-сон. – Т.: Адолат, 1998. – Б. 224-234.

<sup>2</sup> Ҳўжамуродов И. Ислом миллийлик қадрият (Ислом ва ўзбек халқи миллий ўзлигини англашнинг шаклланиши). – Т.: Фан, 1993. – 122 б.

килотлар халқаро алоқаларни кенгайтириш имконига эга бўлди<sup>1</sup>. Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмита (1992) ташкил этилди. Тошкент ислом университети (1999) ва унинг негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси (2018), 1995 йилда халқаро ислом тадқиқотлари маркази (1995), Имом Бухорий халқаро жамғармаси (1998)<sup>2</sup>, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2017)<sup>3</sup>, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2020)<sup>4</sup> ташкил этилди.

Мамлакатимизда зиёрат туризми соҳаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан иқтисодий тараққиётнинг устивор йўналиши сифатида эътироф этилиб, унга эътибор иқтисодий сиёсат даражасида кўтарилиган. Соҳа ривожи учун зарурӣ-ташкилий, хуқуқий механизм вужудга келтирилиб, хукумат томонидан тегишли меърий хужжатлар қабул қилинди ва бу борадаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Жумладан, 1992 йил 27 июлда “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги фармонга ва айнан шу йилнинг 20 октябрида ВМнинг 424-сонли қарори асосида Дастан қабул қилинди бу миллий туризмни ташкил қилиш учун асос бўлди<sup>5</sup>. 1993 йил Ўзбекистон 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилоти (ВТО)га аъзо бўлди<sup>6</sup>. 1994

<sup>1</sup> Ҳасанов А. Диний бағрикенглик. Ўзбекистон анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси // Маънавий ва диний етклиқ давр талаби. Тўпл З.Исломов ва бошқ. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 80-81.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. – Т.: ТИУ нашриёт бирлашмаси, 2009. – Б. 14-18.; Ислом ва ҳозирги замон / Ўқув қўлланма. Маъсул мухаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: ТИУ нашриёт матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 3-5.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги № ПҚ-2774 «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/3113645>

<sup>4</sup> Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/4945427>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПФ-447 сонли “Ўзбектуризм”МКнинг ташкил топиши тўғрисида”ги фармони // Xalq so‘zi. 1992 йил 27 июль.

<sup>6</sup> Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблияси Бали шаҳрида (Индонезия) бўлиб ўтган мажлис, 1993-йил, X сессия. Манба: Основополагающие документы ЮНВТО. Том I. – Февраль, 2016. – С. 19-21.

йил БМТ ва ЮНЕСКО кўмагида Жаҳон туризм ташкилотининг Ипак йўли, деб номланган халқаро семинари ўтказилди<sup>1</sup>. 1995 йил 2 июнда “Президентнинг Ўзбекистон Республикасини Буюк Ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги УП-1162 фармони эълон қилинди<sup>2</sup>. Бундай фармон ва қонунлар замирида, ҳудудимиздаги зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар билан машҳур бўлган Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларни туризм салоҳиятини ошириш вазифаси кўзда тутилган эди.

1996 йил 25 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигига маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 335-сонли, 1997 йилда Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режа, ўз навбатида, зиёрат туризмини ҳам қамраб олган эди<sup>3</sup>.

Таъкидлаш ўринлики, Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг ички туризмини тиклаш ва халқаро туризмни ривожлантиришга эътибори 1996 йил октябрда туркий тилли давлат бошлиқларининг Тошкент шаҳрида ўтказилган тўуртичи учрашувида кўриб ўтилди. Унда Ўзбекистон биринчи Президенти “Буюк Ипак йўлини тиклаш, маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асрар ва барқарор ривожлантириш дастурини биргаликда ишлаб чиқиш, мақсадли сайёҳат йўналишларини кенгайтириш ва сайёҳликнинг тегишили инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги таклифлар

---

<sup>1</sup> Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2 - Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – Pp. 99-102.

<sup>2</sup> Рустамов Р.А. Ўзбекистонда туризм фаолиятини хуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш муаммолари // Актуалные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.1. – Ташкент, DP Patent press, 2009. – Б. 67-70.

<sup>3</sup> Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизими-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қаранг: <https://lex.uz/docs/5356705?query=%Фан,%20таълим%20ва&exact=1>

илгари сурилди<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 8 августда “Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди<sup>2</sup>. Шунингдек, 1998 йил 15 апрелда қабул қилинган ва 2005 йилгача бўлган даврда “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ВМ қарори туризмнинг келажак истиқболини белгилашда катта аҳамият қасб этиб ушбу фармон мамлакатимизда миллий туризмни ривожлантиришнинг аниқ чора тадбирларини белгилаб берди.

Юқоридаги фикрга асосланиб, мустакиллик йилларида, муқаддас қадамжоларда ҳони ётган авлиё ва алломаларнинг фаолиятига бағишлиб, ЮНЕСКО раҳбарлигига халқаро аҳамиятга эга бўлган саналар ташкил этилиши билан бир қаторда, илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифа сифатида белгиланди. Бунинг натижасида, Термизнинг 2500 йиллик ёши нишонланди<sup>3</sup>.

Ўзбек халқи миллий маънавияти, тарихининг бир қисми бўлган муқаддас зиёратгоҳлар халқимиз турмушида қадимдан муҳим аҳамият қасб этиб келган. Бинобарин, юртимиздаги мавжуд кўплаб зиёратгоҳлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган машхур кишиларнинг номлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг бекиёс меросини аҳоли орасида тарғиб этиш ҳозирги кунда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Республикада етти мингдан ортиқ ёдгорликлар бўлиб, шу жумладан, уларнинг 2500 тасини архитектура ёдгорликлари ташкил этади, улардан 2700 дан зиёди археология ва мингдан ортиқ маҳобатли санъат ёдгорликлари давлат ҳимоясига олинган. Шундан келиб чиқиб, 2008 йил 7 августдаги 938-сонли қарорида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида амалга ошири-

<sup>1</sup> Karimov I.A. O‘zbekiston XXI asr bo’sag’asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – Т.: O‘zbekiston, 1997. – Б. 303-309.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 346-сонли “Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш” тўғрисидаги қарори // Xalq so‘zi. 1998 йил 9 август.

<sup>3</sup> Юсупова К.Н. Туризм – маънавият ва маданият тарғиботчиси // Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.1. – Т.: DP Patent press, 2009. – Б. 108-114.

лаётган ишлар нақадар муҳим эканлигини кўрсатди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ташкилотининг тенг хукукли аъзоси сифатида<sup>2</sup> Хивадаги Ичанқалъа кўриқхонасида (1990) ҳамда Бухоронинг тарихий марказида (1993) жойлашган ёдгорликлар, Шахрисабз шаҳридаги Темур ва темурийлар даври мъеморий ёдгорликлари (2001) ва Самарқанд шаҳри марказидағи тарихий ёдгорликлар (2002), Халқаро Жаҳон Маданий Мероси Кўмитасига 13 та машхур ёдгорликлар сифатида рўйхатга олинди. Республикадаги Оқ Остона бобо, Араб ота, Ишратхона, Мирсаид Баҳром мақбаралари, Баҳоуддин, Чор Бакр, Шайх Мұхтор Валий, Ҳаким Термизий мъеморий мажмуалари, шунингдек, Работи Малик, Жарқўрғон ва Вобкент миноралари, Қирқ қиз саройи жаҳон моддий ёдгорликлари рўйхатига киритилиши учун аризалар тақдим этилди<sup>3</sup>.

Биргина Сурхондарёда 561 та маданий меросга оид тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ёш даври палеолит босқичидан, то XX асртагача бўлган даврни қамраб олади. Улардан 44 таси археологик, 36 таси архитектура ва муқаддас қадамжолар, 39 таси монументал ва санъат, 42 таси диккатга сазовор туристик жойларни ташкил этади<sup>4</sup>.

Халқ маънавий-маърифий ҳаётида зиёратгоҳларнинг ўрни ва аҳамияти юксаклигидан келиб чиқиб, ҳозирда унут бўлиб кетаётган урф-одатлар кўриниши, айнан зиёратгоҳларда янги анъаналар билан уйғунлашган ҳолда давом этишини таъминлаш вазифалари белгиланди. Зиёратгоҳларда бажарилаётган урф-одатлар, турили иримларнинг туб илдизи қадим-қадимларга бориб улансада, зиёратгоҳлар нафақат маҳаллий этнографлар, фольклоршунос-

<sup>1</sup> Bag'rikenglik – barqarorlik va taraqqiyot omili / Mas'ul muharrir – A.Achiliev.  
– T.: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 2007. – Б. 11-32.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳашимов М. ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Тар. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 11–13.

<sup>3</sup> Мансуров Р. Мъеморий ёдгорликларни саклаш ва таъмирлаш // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 3 (23). – Б. 4–5.

<sup>4</sup> Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. Vol:02, Issue:02, Feb 2021. – Pp. 89-99.

лар, психолог, социолог ҳамда тиббиёт ходимлари учун, балки хорижий мутахассислар учун тадқиқот обьектини ўтайди. Демак, зиёратгоҳларни сақланиб қолиниши маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистоннинг жанубий воҳасида жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларда дафн этилган аждодларимиз ўзларининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, илму маърифатга бағишлаган умрлари, илмий мероси билан жаҳон маънавияти ривожига муносиб ҳисса кўшган. Мазкур мерос, ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий тарбиялашда чексиз имкониятлар яратади. Юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг қадамжоларига илмий-тадқиқот экспедицияларини ташкил этиш, ҳалқаро республика ва вилоят миқёсида илмий-амалий конференциялар ўtkазиш анъанага айланниб қолди. Шу маънода, Республикада мавжуд тарихий ёдгорликлар ва диний аҳамиятга эга бўлган обидаларни таъмиrlаш, реконструкция қилиш, тикилаш масаласида бир қанча тадбирлар амалга оширилгани муҳим ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида ҳам мустақиллик йилларида тарихий ва диний аҳамиятга эга бўлган меъморий иншоотларда таъмиrlаш ва тикилаш ишлари олиб борилди. Хусусан, археологик тадқиқот ишлари Эски Термиз ва Шеробод ҳудудларида ҳам олиб борилиб, уни дунё буйича етакчи олим Като Кюдзо бошчилигига амалга оширилди<sup>1</sup>. 2005 йил ёз-куз мавсумида Шеробод тумани Тўпор қишлоғига Термиз археологик музейи ходимлари ва ТерДУ билан ҳамкорликда “Қайрагоч ота” ёдгорлигига археологик қазиш ишлари амалга оширилиб, бинонинг тўлиқ пишиқ ғиштдан барпо бўлганлиги, мақбара биносида ярим сфера шаклидаги гумбаз мавжуд бўлганлиги аниқланди<sup>2</sup>.

2010 йилда ўтказилган археологик тадқиқот натижаларига бағишланган ҳисобот сессияси йиғилиши А.Бобохўжаев раҳбар-

<sup>1</sup> Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. – Vol: 02 Issue:02, Feb 2021. – Pp. 89-99.

<sup>2</sup> ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 228-иш, 23-24 вараклар.

лигига Ҳаким Термизий ансамблида олиб борилди<sup>1</sup>.

Мустакиллик йилларида совет давридан фарқ қилган ҳолда ҳалқнинг маънавияти, ўзлиги қайтиши билан мазкур зиёратгоҳлар нафақат туризм, балки тарихий-маданий мерос обьектига айлантирилиб, уларнинг ҳар бири давлат рўйхатига олинди. Олтинсой тумани Кичик Вахшувор қишлоғидаги Мавлоно Зоҳид зиёратгоҳида<sup>2</sup>, 1999 йилда Ҳонжиза қабристони ёнида жойлашган етти асрлар муқаддам бўлган катта қишлоқ масжиди маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли қайта қурилган<sup>3</sup>. Сайид Жамол ва Сайид Камол Термизийларнинг қабри ҳароба ҳолда, оддий пахса девордан лой сувоқ қабр бўлган бўлса, 2000 йилларда катта қабристон чеккасида таъмирлаш ишлари олиб борилган, 2015 йилда эса, устига учта ўқсимон гумбаз қурилган. Мақбаранинг кириш жойига дарвоза қўйилиб, 300 кишилик масжид барпо этилган<sup>4</sup>. Узун туманидаги Оқ Остона бобо зиёратгоҳида 2001-2002 йилларда олиб борилган археологик қазишмалар чогида, мақбара ичидаги бир неча қабрлар ўрганилган. Қазишлар давомида, мақбаранинг олд томонидаги девор яқинида еттита қабр борлиги аниқланган.

Ушбу тадбирлар натижасида республикамиздаги, шу жумладан, Сурхон воҳасидаги Ҳаким Термизий меъморий мажмуа, Султон Содот мажмуи, Кокилдор ота хонақоси, Қирқ қиз каби ёдгорликлар ва мажмуалар ҳолати сақлаб қолинди. 2001 йил август ойида Кокилдор отанинг хоки Султон Содот қабристонига олиб бориб, дағн этилди<sup>5</sup>. Жумладан, 1990 йилда Абу Исо Термизий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланиши муносабати билан Шеробод тумани Яхтийўл қишлоғида жойлашган аллома номи билан

<sup>1</sup> O‘zbekiston arxeologiyasi / Археология Узбекистана. – 2011, 1(2)-сон. – Б. 147-148.

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Кичик Вахшувор қишлоғи. 2020 йил 17 июнь.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Ҳонжиза қишлоғида яшовчи, 1957 йилда туғилган Соҳибов Раҳматулло билан бўлган сухбат. Тожик филологияси фани ўқитувчиси. – 2020 йил 18 июнь.

<sup>4</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани 2020 йил 21 август.

<sup>5</sup> Исақов Нурмуҳаммад, 1957 йил туғилган, Кокилдор ота зиёратгоҳи имоми. – Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Кокилдор ота қишлоғи. 2020 йил 18 август.

боғлиқ мақбара қисман таъмирланди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан 2001-2002 йилларда биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Эски Термиздаги Ҳаким Термизий, Термиз туманидаги Қирқ қиз, Султон Содот, Кокилдор ота зиёратгоҳлари қайтадан таъмирланди<sup>1</sup>. 2006 йилнинг июнь-сентябрь ойларида Термиз археология музейи ва Термиз давлат университети олимлари томонидан кенг кўламли археологик қазув, назорат ишлари амалга оширилди ва бу борада, хуносалар ҳам берилди. Ҳаким Термизий мақбараси шарқий ва шимолий-шарқий томонларида тош қатламга ўйиб ишланган форсимон иншоатларни ўрганиш мақсадида 10 та форсимон бино қолдиқлари топилган, яъни бу форсимон иншоатлардан Ҳаким Термизий ва унинг шогирдлари сўфийлик фаолиятларида фойдаланганлар. Ҳаким Термизий мақбарасининг меъморий тузилиши ойдинлаштирилди, уни хом ғиштдан қурилгани ва X аср бошларига оид эканлиги айниқланди. Иккинчи археологик тадқиқот натижаларига кўра, мақбаранинг иккинчи қурилиш даври X аср ўрталарига, учинчи қурилиш даври XI аср охири ва тўртинчи қурилиш даври Амир Темур хукмронлиги даврига, бешинчи қурилиш даври Халил Султон хукмронлигининг илк боскичи, олтинчи қурилиш даври XVI асрга, 7 қурилиш даври XVII-XVIII асрларга тўғри келади. Археология музейи фондида бу мақбара атрофидан 448 дона сопол буюмлар топилган<sup>2</sup>.

ЎзР ВМнинг 2009 йил 15 октябрдаги “Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2009 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Термиз туманидаги Ҳаким Термизий зиёратгоҳида кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди.

2016 йил август ойидан – 2017 йил май ойигача Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Археологик ёдгорликларни сақлаш бўлими томонидан бюджет маблағи ҳисобидан

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – 2021 йил 17 апрель.

<sup>2</sup> Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX-XX аср бошлари). – Т.: Фан, 2010. – Б. 15-16.

қайта таъмирланган. Зиёратгоҳ худуди 10 га бўлиб, у ерда Термизийлар тарихи музейи, зиёратчилар учун 200 ўринли ошхона мавжуд. Зиёратгоҳ худуди 2,06 га бўлиб, у ерда 300-425 ўринли масжид, 25 кишилик эркаклар, 20 кишилик аёллар таҳоратхоналари, 5 та зиёратчилар учун устунли айвонлар, 5 та савдо майший хизмат нуқталари, күшхона ва бошқа маъмурият бинолари қурилган, атрофи девор билан ўралиб, 4 та кириш дарвозаси ўрнатилган. Мажмуа худудига охирги 10 йил давомида 39 хилдаги манзарали дараҳтлар ва гуллар экилган. Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси алоҳида нодавлат, нотижорат давлат ташкилоти бўлиб, ўзини ўзи таъминлайди. Зиёратгоҳда 37 киши фаолият кўрсатади<sup>1</sup>. 2016 йил 5 апрелда ЎзР ВМнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий мақбараси мажмуаси худудида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш тўғрисидаги 1\377 сонли қарори қабул қилинди<sup>2</sup>. Абу Исо Термизий зиёратгоҳ 2017 йил февралда вилоят Адлия бошқармасидан 270-сонли гувоҳнома билан Абу Исо Мухаммад Термизий мажмуаси сифатида рўйхатдан ўтказилиб, нодавлат ва нотижорат ташкилот сифатида фаолият бошлаган. 2016 йил сентябрь ойида у ерда таъмирлаш ишлари бошланиб, 2017 йил апрель ойида тугалланган. Мажмуа Тошкентда фаолият юритувчи “Ижод” хусусий фирмаси томонидан таъмирланган. Зиёратгоҳ атрофига 400 дан зиёд манзарали дараҳтлар, қишки ва баҳорги гуллар экилган. Мажмуада 20 киши фаолият олиб борган<sup>3</sup>.

Шунингдек, Термиз тумани Алишер Навоий маҳалласида Қирқ қиз (IX-XIV асрлар) архитектура ёдгорлиги 2001-2002 йилларда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан давлат бюджети ҳисобидан таъмирланган. 2018 йил Қирқ қиз маданий мерос обьекти Республика бюджетидан 254 миллион сўм маблағга қайта ре-

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида яшовчи, 1956 йилда туғилган Чориев Абдирахим ака билан бўлган сұхбат. Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси директори. – 2019 йил 11 июл. 2-дафтар.

<sup>2</sup> Жайхун соҳилидаги табаррук маскан // Adolat. – 2016, 52-сон. – Б. 2.; Турсунов С.Н, Чориев Р.Қ, Муртазоев Б.Х, Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва Термизлик алломалар. – Т.: Yangi nashr, 2019. – Б. 7-12.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Чагатой қишлоғида яшовчи, 1953 йилда туғилган Йўлдошов Абдулла ака билан бўлган сұхбат. Абу Исо Термизий ёдгорлик мажмуаси ҳисобчиси. 2019 йил 7 август. 4-дафтар.

ставрация қилинганд<sup>1</sup>.

Қизириқ тумани Такия қишлоғи четида жойлашган Такия ота мақбарааси (тах. XII аср) икки хонадан иборат бўлиб, бешта гумбаз билан ёпилган. Мақбарада тўртта қабр бўлиб, асосий қабр ичкаридаги хонада, қолган учта қабр ташқаридан киришда, биринчи хонада жойлашган. Тахминан XIX аср охирларида буҳоролик Хидир Боташ деган киши, учинчи гумбазни ёрилган қисмини қайтадан тиклаган. Ўзи ҳам шу қабристонга дафн этилган. Ташқаридан ҳам 2 та қабр бўлган. 1996-1997 йилларда маҳаллий аҳоли томонидан мақбара таъмирланган. 2014 йилда туман ҳокими О.Т.Алимардонов ташаббуси билан ҳамда маҳаллий ҳомийлар ёрдамида мажмуя устидаги 5 та гумбаз қайтадан қурилган, ташқаридаги иккита қабр ҳам ичкарига олиниб, икки хонали мақбара битта катта хонага айлантирилган. 2015 йилда йўқолиб кетган чиллахона очилиб, янгидан тикланган. 2020 йил августида маҳаллий ҳокимият ва ҳомийлар ёрдамида 100 млн.ошиқ маблағ эвазига ургутлик усталар томонидан ёмғир туфайли ёрилиб, таъмирталаб бўлиб, қолган 4 та гумбазлар қайтадан реставрация қилиниб, мақбара янгидан тўлиқ тамирланган. Катта гумбаз чиннидан бўлганлиги сабабли мағлағ етмай, таъмирланмай қолган. Зиёратгоҳга боришда йўлнинг ўнг томонида 1990-1991 йилда ҳалқ томонидан ҳашар йўли билан қурилган 400 ўринли масжид бор. Зиёратгоҳ яқинида 2020 йил март ойида 114 ўринли таҳоратхона қурилган, унга вилоят ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳомийлик қилинганд<sup>2</sup>.

Айтиш лозимки, мазкур тадбирларда Ўзбекистон Туризм ва спорт вазирлигининг маркази Илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси меъморий ёдгорликлардаги ноёб санъат намуналарини қайта тиклаш ва консервация қилиш ишлари билан муентазам равиша

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри. 2021 йил 26 апрель.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Такия қишлоғида яшовчи, 1968 йилда туғилган Равшанов Шотемир билан бўлган сухбат. 2019 йил 20 август. 3-дафтар.

шугулланиб келмоқда<sup>1</sup>. Бошқарма илмий-тадқиқот ишлар асосида айрим ёдгорликларни консервациялаш ва тиклашдан бутун бошли меморий мажмуа ҳам тарихан шаклланган қадимги шаҳар марказларини тиклаш ишлари олиб борилган.

Айтиш ўринлики, аждодларимиз, буюк аломаларимиз миллий қадриятларининг олий белгиси сифатида ватанга муҳаббатни ватанпарварликни ифода этишда ажойиб намуналар қўрсатган. Сурхондарё воҳасида термизийлар, ўзларининг тахаллусларини шу юрт номи билан боғлаганлиги ҳам бир ибратдир. Шу билан бирга, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан Насаф ва Термиз олимларининг асарлари ўрганилиб, нафакат Ўзбекистонга, балки бутун дунё олимларига аждодларимизнинг қилган ишлари тақдим этилди<sup>2</sup>.

Ўзбеклар маънавият соҳасида дорилғунун яратган халқдир. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди<sup>3</sup>. Жумладан, Сурхон воҳасидан мусулмон оламида машҳур бўлган олтита муҳандислардан бирининг табаррук қабри бор<sup>4</sup>. Илк манбаларга асосланиб, Пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаш, улар орасидан ишончлиларини тартиблаш ва мусаххих, энг ишончли ҳадис тўпловчи, деб тан олинган, Бухорийдан кейин турган Абу Исо Термизийдир. Ҳадисшунос олимнинг келтирган ҳикматлар мажмуаси инсонлар, жамиятни улуғ фояга, фаровон ва ҳар томонлама адолатли жамият қуриш, етук баркамол

<sup>1</sup> Эшонбобоев Ў. Истиқлол туфайли сайқалланган муқаддас қадамжолар // Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Фарғона). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишинган илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 87-91.

<sup>2</sup> Наврӯзова Г. Мустақилликнинг улуғ неъматлари // Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишинган илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 68-70.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. З-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 7.

<sup>4</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Яхтийўл маҳалласи. 2019 йил 24 июль.

инсонни тарбиялашга, олийжаноб мақсадлар сари етаклашга хизмат қилиб келмоқда. Улар факат шариат ақкомларига оид умумий қоидаларни акс этиб қолмай, инсонларга хос фазилатлар, ахлоқ, таълим-тарбия ва бошқа қадриятларни камраб олган.

Абу Исо Термизий қолдириган асарлар ислом цивилизациясининг асосли равишида ривож топишида катта манба бўлиб хизмат қиласиган ҳадисларни бутун оламга мерос қилиб қолдириши, унинг номини нафақат ватанимизда, балки бутун ислом оламида машхур эканлиги, бизни фаҳрлантиради. Асарларда илгари сурилган ғоялар асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда аҳамият касб этади. Масалан, Абу Исо Термизийнинг тарбиявий қарашлари акс этган ҳадисларнинг асосий мазмун-моҳиятини илм олиш, турмуш тарзини шакллантиришга, ўзаро муносабатларни тартибга солишга, иймон ва эътиқодни юксалтиришга, диний, шаръий масалаларни тушунишга, табиат, атроф-муҳит, жисмоний ривожланиш масалалари ташкил этади. Шунингдек, ҳадислар исломий манба сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, маънавий қадриятларимизни тиклашда кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик каби умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир ва ҳозирги шароитимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда бугунги кун саволларига жавоб топишга ёрдам беради. Шу маънода, олимнинг мазкур асари инсонларни ислом дини тартиблиари орқали ахлоқий поклик ҳамда инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Абу Исо Термизийнинг барча асарларида таҳорат, салот, закот, рўза, ҳаж, жаноза каби соф ислом дини аҳкомлари билан бирга, савдо-сотиққа оид ҳадислар ҳам жамланганки, бу нафақат диний, балки дунёвий илмлар, ижтимоий фанлар соҳасида ҳам муҳим ҳисобланади<sup>1</sup>. Абу Исо Термизийнинг ҳадисларидан яхши сабоқ олган фуқароларимиз инсоний камолот,

---

<sup>1</sup> Султонов Н. Термизий ўғитлари ва миллат тарбияси // Истиқлол йилла-ри: миллий-диний қадриятларнинг ҳаллқа қайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишинланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Имом Бухорий ҳалқаро жамғармаси, 2001. – Б. 65-68.

қалб ва рух тараққиёти учун озуқа олиб, ҳар хил ақидалар, мазҳаб, секталар домига тушмаслигига ишонч бўлади<sup>1</sup>.

Қ.Қодировнинг фикрича, Абу Исо Термизийнинг ҳадисларида, нафақат ислом дини ривожланишининг муаммолари, балки тарихимиз, миллатимизнинг инсон, ҳаёт, турмуш, оила тўғрисида шаклланган тушунчаларининг мантиқий таҳлили мавжуд<sup>2</sup>. Абу Исо Термизий ҳадислари мазмуний йўналишини исломда оила, ота-она, фарзанд, никоҳ, шариат масалалари ижтимоий-тарбиявий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, мақсади тарбиялашга қаратилган. Одоб-ахлоқ, тоат-ибодат масалалари, тарбиявий-гоявий аҳамиятга эга бўлиб, ғоя ва эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Шунингдек, таълим, маърифат, зиё, маънавият масалалари табиявий-гоявий жиҳатдан илмли бўлишга йўналтирилган. Жамият, адолат, мезон, бошқарув масалалари эса, ҳуқуқий билимни ривожлантиришни мақсад қиласди<sup>3</sup>.

Абу Исо Термизий ўз тарбиявий қарашларида инсонни ўрганиш, оламни тушуниш, фалсафий дунёкараш, ҳалқ ижодиёти, ахлокий этика тушунчалари, ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши масалаларини таъкидлайди. Инсоннинг хулки, одоби, турмуши, никоҳ муаммоларини аниқ кўрсатиб, юзага келиши мумкин бўлган масалаларни тушунтиришга ва ечишга ҳаракат қиласди. Абу Исо Термизийнинг ҳадислари мазмун ва моҳияти жиҳатидан диний қадриятлар гоясини ифодаловчи тизимни вужудга келтирган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Бозоров О. Умуминсоний қадриятлар ва исломий ахлоқ // Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг ҳалқка кайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлиланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Имом Бухорий ҳалқаро жамғармаси, 2001. – Б. 46-47.

<sup>2</sup> Қодиров Қ.Б. Имом Абу Исо Мұхаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари. Автореф. Пед. Фан. Номз. – Тошкент, ТДПУ, 2008. – Б. 13.

<sup>3</sup> Уватов У. Ал Ҳаким ат-Термизий ва унинг асарлари ҳақида // Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент–Термиз, Фан. 2001. – Б. 36-40.

<sup>4</sup> Қодиров Қ.Б. Имом ат-Термизий асарларида тарбия масалалари // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. 1-сон. – Б. 93-96.; Наврӯзова Г. Ҳаким Термизий ва Боҳоуддин Накшбанд // Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент – Термиз, Фан. 2001. – Б. 12-14.

Шунингдек, Хожа Саманар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асари ҳам давлат бошлиқларини адолат ва ҳақиқатга чорлаган китобгина бўлиб қолмай, ўз даври барча ижтимоий табақаларини тарбиялаш учун зарур бўлган одоб қомусидир. Муаллифнинг фикрига қўра, ижтимоий адолат ҳамда эътиқод туйғусини шакллантиришнинг биринчи босқичи, каноатлиликни ўргатиш орқали ҳосил бўлади. Бевосита якка шахснинг кўпроқ боғлиқлиги таъкидланади<sup>1</sup>. Шарқ мумтоз адабиётида ниҳоятда кўплаб бадиий талқинларга мавзу бўлган бу асар инсон тарбияси, унинг руҳий-маънавий комилликка интилиши ҳақида эканлиги билан ҳамма даврлар учун аҳамиятли бўлиб қоладиган манбалардан биридир<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда дин, диний тасаввурлар билан бирга, дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам ёнма-ён яшаб келган ҳозирги Ўзбекистон жанубий худудларида мавжуд бўлган зиёратгоҳлар тархи инсоният дунёсининг, маданий ҳаётининг, ахлоқий тартиб-қоидаларининг бойлигини ва хилма-хиллигini таъминлашга хизмат қиласди. Маънавий-ахлоқий ҳаётимида диний илмларнинг ўрни катта бўлиб, у умуминсоний, ахлоқий қадриятларни сингдиришга хизмат қиласди. Шу маънода, Сурхондарё воҳасида мустақиллик йилларида қайта тикланган зиёратгоҳ ва қадамжолар миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, динимизнинг бир бўлаги сифатида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай зиёратгоҳларда дафн этилган шахслар номи, фаолияти, илму ирфони, қилган амалларини ёшлар, маҳаллий аҳолига таништириш миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимиға, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз қасбининг

<sup>1</sup> Мирзаев И. Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асарида маънавий комиллик масаласи // Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг ҳалққа қайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Имом Бухорий ҳалқаро жамғармаси, 2001. – Б. 41-43.

<sup>2</sup> Хожа Самандар Термизий ва унинг “Дастур ул мулуки” // Термиз шахрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент– Термиз, Фан, 2001. – Б. 18-19.

моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташки фаолиятидан хабардор бўлиш ва уни қўллаб-кувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқаларни шакллантиришга хизмат қиласди.

### **3.2. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришда Сурхондарё вилоятидаги маънавий-маърифий аҳамиятга эга зиёратгоҳларнинг ўрни**

Сўнгги йилларда ижтимоий муносабатларнинг тубдан янгилаши миllий ва ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги тасаввурларни ўзгартирибгина қолмай, балки илк нишоналари пайдо бўлаётган қадриятлар, йўналишлар, тушунчалар учун манба бўлмоқда. Хусусан, маънавият соҳасида миllий мағкурамизни шакллантириш, ёшларни маданий меросимиз, бой анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласининг дастлабки ўринда туриши Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёsatнинг накадар тўғри эканлигини кўrsатиб беради. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ёшлар тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш юзасидан, “динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуг олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш”<sup>1</sup> вазифасининг кун тартибига кўйилиши тадқиқотчилар олдига янги илмий изланишларни бошлаб берди.

Маълумки, Ўзбекистонда 7-8 мингдан ортиқ тарихий обидалар мавжуд бўлиб, 200 дан ортиғи ЮНЕСКО рўйхатида, ислом маданияти обидаларини асрраб-авайлаш ва тарихий обидаларга бой давлат сифатида Ўзбекистон 9-ўринни эгаллаб турибди<sup>2</sup>. Маданий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқ 2017 йил 10 сентябрь.

// <https://president.uz/uz/lists/view/1063> <https://president.uz/uz/lists/view/1018>

<sup>2</sup> Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2. – Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – Pp. 99-102.

тарихий аҳамиятга эга бўлган обьектлардан 545 таси архитектура, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат ва 5500 дан ортигини археологик обьектлар ташкил этади<sup>1</sup>.

Зиёратгоҳларга ташриф туризм соҳаси билан боғлиқ бўлиб, бу соҳани ўрганувчи олимларнинг фикрига кўра, туризм XXI асрда дунё микиёсида энг устивор фойда келтирувчи соҳага айланган. Ҳозир у автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди<sup>2</sup>. Туризм соҳасини ривожлантириш миллий ва минтақавий иқтисодиётни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон жаҳон туризм ташкилотининг Ипак йўли лойиҳасининг асосий бўгини бўлиб, бу лойиҳа бўйича туристларнинг ихтиёрига таклиф этилаётган турларнинг аксарият қисми Ўзбекистон худудидан ўтади. Ўзбекистонда асосан маданий туризм бошқа турларга қараганда кўпроқ ривожланган. Маданий туризм деганда асосан инсонлар томонидан ўзга халқлар маданияти ва урф-одатларига бўлган кизиқиши асосида амалга ошириладиган туризм саёҳати тушунилади. Туризм йўналиши бугунги кунда жаҳон давлатларида устивор соҳага айланган вактда мамлакатимизда табиий, маънавий, маданий, моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризми салоҳиятини ривожлантириш, у ерга маҳаллий аҳоли билан бирга, хорижий туристларни ҳам жалб қилиш давлат истиқболини белгилайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида кўп

---

<sup>1</sup> Джалилов О.З. Проблемы и перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане (1991-2010 гг.) автореф. Дисс. канд ист.наук. – Т., 2011. – Б. 4.

<sup>2</sup> Dağdeviren A., Özdemir H., Göker G. İlçesinin Turizm Potansiyeli (Tourism Potential of İlgaz District) // Journal of Tourism and Gastronomy Studies, 5-4 (2017). – Рр. 504-533; Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане // Экономический Вестник Узбекистана. – 2004, №3. – С. 61.

марта масаланинг турли жиҳатларига эътибор қаратдилар<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, республикада зиёрат туризмини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг жанубий худудлари ҳисобланган Сурхондарё вилоятларида жойлашган зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларнинг ҳам ўрни бор. Мазкур худудлар ўзининг туристик салоҳияти бўйича нафақат республикада, балки бутун дунёда машхур. Вилоятдаги тарихий, архитектура, ва археологик обидалар, диний қадамжолар ҳамда ўзига хос маданий ва этнографик анъаналар минтақа туризм ҳазинаси ҳисобланади. Ўзбекистон туризми моддий-техник базасининг 87% Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларига тўғри келса-да, Сурхондарё, воҳасида ҳам туристларни жалб этиш мумкин бўлган кўплаб маданий туристик обьектлар мавжуд.

Тадқиқотчи олим О.Жалиловнинг фикрича, Ўзбекистонда маҳсус туризмнинг диний ва тарихий аҳамиятидан келиб чиқиб, ривожлантиришнинг учта йўналиши таклиф этилади. Биринчиси, бу Қорақалпоғистон Навоий, Каттакурғон, Кармана, Ходжайли Беруний шаҳарларда туризмнинг моддий-техник базасини шакллантириш бўлса, иккинчи йўналиш Қарши – Термиз худудларда тарихий археологик туризмни ривожлантириш, бунда курорт дам олиш турлари билан чамбарчас боғлаш таклиф этилади. Унинг фикрича келаётган туристларнинг 5-10% мазкур худудларга ташриф буюриш истагини билдиришади ва бунинг учун Қарши, Шахрисабз, Термиз – Денов шаҳарларининг моддий-техник, туристик базасини мустаҳкамлаш назарда тутилади. Учинчиси, Жиззах ва Фаргона туристик имкони-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Ўша муаллиф. Миллий тараққиёт йўлумизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 123 б.; Ўша муаллиф. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.; Ўша муаллиф. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. // Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

ятлари, тўртинчисини Тошкент вилояти<sup>1</sup> ташкил этади.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Зиёрат туризми бўйича мамлакатимизнинг салоҳияти жуда юқори<sup>2</sup> бўлиб, мазкур йўналишда зарур қулайликлар яратиш мақсадида, Дин ишлари бўйича қўмита таркибида “Зиёрат туризмини қўллаб-кувватлаш бўлими” ташкил этилди, айрим мусулмон мамлакатлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди.

Айтиш лозимки, сўнгги йилларда сайёхлик саноатини ривожлантириш, юртимизга келаётган хорижлик сайёхлар оқимини янада қўпайтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, ўтган давр мобайнода соҳани тартибга солиш ҳамда унинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган норматив-хуқуқий база яратилди. Шу ўринда, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев бошчилигига мазкур соҳанинг қўллаб-кувватланиши юзасидан фармон ва қарорлар туризмни, хусусан унинг таркибида зиёрат туризмини ҳам жадал ривожлантиришда муҳим хуқуқий асос ишлаб чиқилди<sup>3</sup>. Жумладан, 2016 йил 2 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида туб бурилиш даврини бошлаб берган ПҚ-2666-сонли “Ўзбекистон Республикаси Туризми ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қарори ва “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъмин-

<sup>1</sup> Джалилова О. Основные направления развития туризма в Республике Узбекистан // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т., 2010. – Б. 149-151.

<sup>2</sup> Туризм – мамлакатимиз иқтисодиётининг эрганги қуни. <https://president.uz/uz/1516.>; Мирзиёев Ш.М. Оққўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти) // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.; Ўша муаллиф. Ҳар қандай синовларни енгишга қодир халқ // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 303-336.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. ЎзР Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

лаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди<sup>1</sup>. Мазкур фармонда туризм салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий туризмга қўшимча тарзда зиёрат қилиш, экологик, мърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш турларини ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятига татбиқ этиш на- зарда тутилди<sup>2</sup>. Ушбу Фармон асосида, Ўзбекистонда туризмга оид давлат сиёсатини юритувчи “Ўзбектуризм” миллӣй компанияси ту- гатилиб, унинг ўрнига Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди. Мазкур фармонда Ироил, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Тур- кия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хори- жий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан, 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда- ги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам “Туризм индустрисини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузил- масини кенгайтириш, ўрта муддатли истиқболда “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси”га асосан, аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилди”<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бошчилигидаги хукумат туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири экан-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси- нинг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4861-сонли фармони. 2016 йил 2 декабрь. <https://www.lex.uz/docs/3548467>

<sup>2</sup> Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент, 2017 йил 3-сон. – Б. 11.

<sup>3</sup> Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш- нинг ижтимоий-иктисодий механизmlари. Электрон манба: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz). – С. 368-374.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.”Ўзбекистон Республикаси- нин янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ- 4947 Тошкент шахри 2017 йил 7 февраль // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

лиги, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарурлиги таъқидланди. Буни даврнинг ўзи тақозо этаётгани айтилди<sup>1</sup>.

Агар мазкур тадбирларнинг натижаларини Сурхондарё вилоятида кузатадиган бўлсак, вилоятда жами 561 та моддий-маданий мерос обьектлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигига ЎзР ВМ томонидан 2016 йил 28 октябрдаги №08\1-76 сонли “Буюк муҳаддис Абу Исо Термизийнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришга доир чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида”ги қарори ҳамда 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори халқимиз, миллатимиз тарихи ва тараққиётига ҳисса қўшган алломаларимизнинг муқаддас руҳларини шод этиб, улар томонидан яратилган илму фан ютуқлари натижаларини кенгрок ўрганиш ва ҳаётда фойдаланиш учун муҳим ижобий дастур бўлди. Мазкур дастур асосида, мақбараси ободонлаштирилди ва унинг худудида замонавий жомеъ масжиди курилди. Вилоядта 2017 йилда таъмирланган обьектлар рўйхатида зиёратгоҳ сифатида Денов туманидаги “Саид Оталиқ” архитектура ёдгорлиги Республика бюджетидан 533 млн 500 минг сўм маблағ ажратилиб, таъмирланди. 2018 йилда эса, вилоядта таъмирланган обьектлар сифатида Термиз шаҳридаги Қирқ киз архитектура ёдгорлиги (294 млн сўм маблағ), Жарқўргон туманидаги “Жарқўргон минораси” архитектура ёдгорлиги (98 млн сўм маблағ) ни айтиш мумкин. Шунингдек, Олтинсой туманидаги Мавлоно Муҳаммад Зоҳид зиёратгоҳи учун (800 млн сўм) ажратилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилган<sup>3</sup>. Маданий мерос бошқармасининг бюджет маблағлари хисобидан Хожа Алоуддин Аттор ва Мавлоно

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризмни янада ривожлантириш масалалари”бўйича маҳсус йиғилиши // Xalq so’zi. 2017 йил 4 октябрь.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. Термиз шаҳри, 2021 йил 16 июнь.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоятида жойлашган маданий мерос обьектларида олиб борилган таъмирлаш ишлари тўғрисида // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 июнь.

Мұхаммад Зоҳид мақбаралари янгидан қуриб битказилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ри-вожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар натижаси сифатида, вилоятда 2020 йил 1 февралга қадар 10 та маданий мерос объектларига сайёхлар ва маҳаллий аҳолининг кирибчиқишини электрон ҳисобга олиш учун турникет, ушбу объектларга олиб борувчи йўл кўрсаткичларини ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 200 млн сўм маблағ ажратилган. Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маблағлари ҳисобидан манзилли режа асосида 343 та обьектга муҳофаза белгиси ўрнатилди. “Маҳаллий ва хорижий сайёхлар орасида машҳур музейлар ва моддий-маданий мерос обьектларида ташриф буюрувчилар учун 150 та моддий ва археология обьектларига йўл кўрсатгич (инглиз, рус ва бошқа тилларда) ўрнатиш ва бепул “Wi-Fi” худудларини ташкил этиш” ишлари амалга оширилди. Маданий қийматга эга бўлган Сурхондарё вилоятидаги 561 та маданий мерос обьектларининг кадастр хужжатлари тўлиқ расмийлаштирилди<sup>2</sup>.

Туризм инфратузилмасида туристнинг хавфсизлиги, энг муҳим жиҳатдир. Мамлакатимизда туристик салоҳиятни юксалтириш, уларга кулагай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 23 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, туристлар оқими юқори бўлган Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилояtlарида 2018 йил 1 январдан хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил қилинди<sup>3</sup>. Ушбу бошқарма хорижий давлат ва халқаро ташкилотлардан ташриф буюрадиган делегацияларни кутиб олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш билан боғлик

<sup>1</sup> Асророва Л. Ҳожа Мұхаммад Зоҳид. – Т.: Ўзб ҳалқаро Ислом академияси, 2020. – Б. 12-13.; Ўша муаллиф. Ҳожа Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бухорий сабоклари. – 2020, 3-сон. – Б. 44-46.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 июнь.

<sup>3</sup> Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари туристларга нисбатан жиноят содир этилишига йўл қўймаган // uza.uz. 2019 йил 12 июнь.

тадбирларни амалга оширишлари белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари 2019 йил март ойидан Тошкент шахри, Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилоятларида ҳам жорий этилди<sup>1</sup>.

2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб, юртимизнинг азиз жойларини зиёрат қилиш учун Индонезия, Малайзия ва Туркия фуқароларига визасиз режим киритилди. Айнан зиёратчи туристлар учун “Pilgrim visa” жорий қилинди. У Ўзбекистонга зиёрат қилиш, маданий-тарихий ва диний-маънавий мерос ҳамда анъаналаримизни ўрганиш учун келганларга икки ой муддатга берилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-хукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли қарорининг 12-иловасига мувофиқ, 2020 йил 1 марта қадар 561 та объектларни муҳофаза қилиш ва сақлаш шартномасини тузиш ҳамда уларга жамоатчи инспекторларни биректириш белгиланган бўлиб, бугунги кунда Сурхондарё вилояти “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 404 та жамоатчи инспекторлар биректирилди. Шуниндек, Ангор туманида 21 та маданий мерос объектлари, Бойсун туманида 71 та, Денов туманида 91 та, Жарқўргон туманида 23 та, Қизирик туманида 21 та, Жарқўргон туманида 7 та, Олтинсой туманида 44 та, Музрабод туманида 11 та, Сариосиё туманида 33 та, Шеробод туманида 99 та, Термез туманида 44 та, Узун туманида 29 та, Шўрчи туманида 61 та, Термиз шахрида 9 та маданий мерос объектлари мавжуд<sup>3</sup>.

Сурхондарё вилоятини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номзод объектлар (Муҳаммад Хаким

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт ва туризм обьектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229 –сонли қарори. 2019 йил 6 март. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>2</sup> Туризм-ривожланишнинг янги тармоғи // Правда востока портали. 2019 йил 29 апрель.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар хисоботи. – Термиз шахри, 2021 йил 21 июнь.

Термизий, Зурмала, Султон Содот, Қирқ қиз саройи, Кокилдор ота ҳонақоси, Фаёзтепа ва Қоратепа буддизм иншоати, Заразутсой қоятош расмлари, Жаркўрғон минора, Оқ Остона бобо) рўйхати шакллантирилиб, Туризм ва спорт вазирлигига юборилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармогини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПК-4095 сонли қарорига кўра, вилоятдаги 8 та туристик обьектлар-Жаркўрғон минораси, Шерободдаги Хўжайон туз гори, Узун туманидаги Оқ Остона бобо мақбараси, Олтинсой туманидаги Сўфи Оллоёр, Мавлоно Мухаммад Зоҳид ва Хўжаипок зиёратгоҳларига олиб борувчи 59 км йўллар таъмирланди.

Бу йилларда Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги ПҚ-4667 сонли ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 2020-2022 йилларда Сурхондарё вилояти Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тўғрисида”ги 222-сонли қарорлари ижросини таъминлаш максадида, вилоят аддия бошқармаси томонидан 2020 йил 22 май куни 294-сон билан Денов туманидаги “Хожа Алоуддин Аттор” жамгармаси ташкил этилиб, гувоҳнома олинди. Бугунги кунда меморий обидани таъмиглаш бўйича топосёмка тайёрланиб, лойиха ишлари олиб борилиб, ҳомийлик асосида таъмирланди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят филиалига бириклирлган зиёратгоҳ ва қадамжоларда 2019-2020 йиллар мобайнида: Такия ота зиёратгоҳига 260 млн. сўм, Мавлоно Мухаммад Зоҳид зиёратгоҳига 800 млн. сўм, Хожа Алоуддин Астор зиёратгоҳига 850 млн., Султон Санжар Мозий зиёратгоҳига 350 млн. сўм, Оқ Остона бобо зиёратгоҳига 500 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, “Такия ота” зиёратгоҳининг гумбази алмаштирилди ва таҳоратхона

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шахри, 2021 йил 21 июнь.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шахри. 2021 йил 21 июнь.

барпо этилди. Мавлоно Мұхаммаж Зоҳид, Хожа Алоуддин Астор зиёратгоҳлари тўлиқ қайта тикланди. Султон Санжар Мозий зиёратгоҳида катта иморат ва Оқ Остона бобо зиёратгоҳида чиллахона, қоровулхона, таҳоратхона ва қўшимча иморат (ошхона) барпо этилди<sup>1</sup>.

2021 йил ҳалқаро миқёсида пандемия даврини бошидан ўтказган бўлса-да, Ўзбекистонда мазкур соҳани жаҳон андозалари асосида ривожлантириш иши давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралда “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони қабул қилинган<sup>2</sup>. 2021 йил 24 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор бўйича вилоятда ички ва зиёрат туризмни таъмирлаш мақсадида рўйхат шакллантирилиб, туризм бошқармасига тақдим этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 марта “Моддий-маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарор бўйича барча моддий ва археология мероси ёдгориликлири оператив бошқаруви билан Маданият бошқармасига ва Музей кўриқхонасига топширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида Туризм ва спорт вазирлиги фаолияти ташкил этилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий

<sup>1</sup> 2019-2020-йиллар мобайнода Сурхондарё вилоят зиёратгоҳ ва қадамжоларда қилинган таъмирлаш ишлар хакида қисқача хисобот // Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вакф” хайрия жамоат фонди маълумоти. – Т., 2021 йил 3 июнь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 феврал кунида “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони <https://lex.uz/docs/5315060>

<sup>3</sup> Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони <https://www.lex.uz/docs/5356603>

Мажлисга Мурожаатномасидаги (2020 йил 29 декабрь) белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятдаги моддий-маданий мерос объектларини қайта хатловдан ўтказиш учун Ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди ва Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2021 йил 25 январдаги 06-06/208-сонли қарори билан вилоят бўйича маданий мерос ёдгорликларида қайта хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ушбу хатлов натижасида, шаҳар ва туманларда маданий мерос ёдгорликлари ўрганилмоқда<sup>1</sup>. Ўрганишлар натижасида ёдгорликларнинг аксарият қисми аянчли аҳволда эканлиги аниқланди. Бу ҳолат юзасидан далолатномалар тузилди. Ноқонуний эгалланган, объектларда ноқонуний курилиш ишлари олиб борган фуқароларга огоҳлантириш хатлари бериш жараёнида фуқаролар оғолантириш хатларини олишдан бош тортиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Жумладан, Ангор туманида 21 та, Жарқўргон туманида 23 та, Қизириқ туманида 7 та, Жарқўргон туманида 7 та, Музрабод туманида 11 та, Терmez туманида 31 та, Терmez шаҳрида 22 та маданий мерос объектлари қониқарли ҳолатда бўлган, деб баҳоланди. Бойсун туманида 74 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, хатлов жараёнида 39 та объект кўрилди, 39 та объектдан 5 тасида ноқонуний ҳолатлар кузатилиб, 1 та объект қабристонга айлантирилгани аниқланди, 17 та объект тоғли ҳудудда бўлганлиги сабабли ҳозирги кунда боришининг иложи бўлмади. 16 та объект топилмади. Денов туманида 91 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шулардан 23 тасида ноқонунний ҳолатлар аниқланди, 7 таси қабристонга айлантирилган жойлардир. Олтинсой туманида 41 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, 41 та объект хатлов жараёнидан ўтказилди, 7 та объектда ноқонунний ҳолатлар кузатилган бўлса, 1 та объект қабристонга айлантирилганлиги аниқланди<sup>2</sup>. Шеробод туманида 99 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шулардан 74 та объект кўрилди. 25 тасида ноқонуний ҳолатлар аниқланган, 4 таси қабристонга ай-

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри. 2021 йил 21 июнь.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри. 2021 йил 21 июнь.

лантирилган жойлардир. Хатлов жараёнида кўплаб ёдгорликларда ноқонуний холатлар аниқланган<sup>1</sup>. Аниқланган холатлар бўйича тегишли тартибда ҳужжатлар тайёрланиб муаммоларнинг ечими юзасидан вазифалар белгиланди.

Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон катта туристик салоҳиятга эга. Ўзбекистон сайёхлик кўлами ва тарихий жойлар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат қаторида туради<sup>2</sup>. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз шаҳарларида жойлашган моддий ва номоддий материал обьектлари дунё тарихий ва маданий мероси БМТнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда тарихий, маданий, меъморий, археологик аҳамиятта эга бўлган туристларни жалб қилиш мумкин бўлган обьектлардан 4000 дан зиёд тарихий ва меъморий обидалар<sup>3</sup>, туристик обьект сифатида қамраб олингани 140 та деб кўрсатилади<sup>4</sup>.

Ўзбекистоннинг жанубий худуди ҳисобланган Сурхондарё вилоятининг маънавий-маданий мероси, турли-туман тарихий-археологик обьектлари қуляй табиий-иклим шароити, ҳудудимизда ҳар қандай ландшафтларини кўришимиз мумкин. Ислом дунёсида тан олинган алломаларнинг мақбаралари, табаррук қадамжолар кўп. Бугунги кунда жаҳонда туризм ўйналиши устувор соҳага айланган бир даврда, жанубий воҳадаги табиий, маънавий, маданий ва моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризми салоҳиятини ривожлантириш, у ерга маҳаллий аҳоли билан бирга, хорижий туристларни ҳам жалб қилиш давлатимиз истиқболини белгилайди. Мазкур ҳудудларда диний туризмни рвиожклантиришда ички, миллий, минтақавий ва маҳаллий сайёхликнинг аҳамияти катта. Аммо мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри. 2021 йил 21 июнь..

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Қишлоқ ҳаёти газетаси. № 153-154 (8861)-сон. – 2017 йил 23 декабрь

<sup>3</sup> Аскархўжаев С.М., Аскархўжаев М.Б. Ўзбекистонда туризм ва кичик бизнесни ривожлантиришда меъморий обидалардан фойдаланишга доир айрим мулоҳазалар // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т., 2010. – Б. 42-45. (общ232 с.)

<sup>4</sup> Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане // Экономический Вестник Узбекистана. – 2004, №3. – С. 61.

туриб, узқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдала-  
нилмади. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан туризм-  
га оид турли хил ҳужжатлар қабул қилингани давлатимизнинг ту-  
ризм ривожига юксак эътиборидан далолат бўлди.

Зиёрат туризми мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини  
янада оширишда, миллионлаб мусулмонларнинг буюк алломалар  
ва мутафаккирлар ўтган муқаддас заминимизга ташриф буориши-  
да, бизда мавжуд исломий меросни ўрганишда мухим аҳамиятга  
эга. Мазкур соҳада “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан турли  
йўналишдаги йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Хай-  
рия тадбирлари, вақф мулкларини тасарруф қилиш ишлари билан  
бир каторда “Вақф” хайрия жамоат фонди Ўзбекистонда зиёрат  
туризми соҳасини ривожлантиришга ҳам ўз хиссасини қўшишда  
фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, Фонд раҳбарияти сайёхлар учун  
зарур инфратузилмани яратишида, зиёратгоҳларни таъмирлаш ва  
ободонлаштириш, масжидлар куриш, мавжуд масжидларни қайта  
таъмирлашга аҳамият қаратмоқда<sup>1</sup>. Бунинг натижасида, нафакат  
юртимиз аҳолиси учун, балки мусулмон мамлакатлардан ташриф  
буюраётган сайёхлар учун ҳам кулай шароитлар яратилади.

Президентимизнинг Туризмни ривожлантириш концепцияси  
(2019 йил 5 январь) асосида 2025 йилга бориб, туризмнинг  
Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2,3 фоиздан (2017)  
5 фоизга, хорижлик сайёхлар сонини эса 9-10 миллион нафарга,  
жумладан узқ хорижий мамлакатлардан келувчи туристлар сонини  
2 миллионгача ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, туризм экспорти  
ҳажмини 950 миллион АҚШ долларидан 2,2 миллиард АҚШ  
долларигача ошириш кутилмоқда. Жойлашув воситалари сонини  
850 тадан 3000 тагача чиқариш режалаштирилган. Туроператорлар  
сони ҳам 980 тадан деярли икки бараварга ошиши кўзда тутилган<sup>2</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистонда зиёрат туризмининг хукукий ва инсти-  
туционал асосларини ишлаб чиқиш орқали “Сайёхлик тўғрисида”  
ги қонунга “Исломий зиёрат туризми” ёки зиёрат атамаларини ки-

<sup>1</sup> Вақф хайрия жамоат фонди жамғармаси ҳисбот маълумотномасидан.  
Тошкент шаҳри, 2021 йил 14 май.

<sup>2</sup> Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда Зиёрат туризмини ривожлантиришнинг  
ижтимоий-иктисодий механизmlари [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz). – С. 368-374.

ритишни ўз ичига олади. Республикамиз элчиҳоналари хузурида

Ислом туризмини ривожлантириш марказларини ташкил этиш<sup>1</sup>, диний характердаги ёдгорлик обидалар ҳудудида цехлар ташкил этиб, уни ривожлантириш, архитектура қиёфасининг бузилишга йўл кўймаслик таклифлари<sup>2</sup> берилади.

Мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, маънавиятнинг тарихий илдизларидан далолат берувчи обидаларни дикқатга сазовор объект сифатида туристик маршрутга киритилмаган. Бу жойларга факат шу яқин жойда яшовчи маҳаллий аҳоли зиёратга боради. Бунинг учун шу жойларнинг тарихини аниқлаш, китоблар, йўл кўрсатгичлар нашр қилиш ва аҳоли орасида реклама қилиш орқали бу жойларда туризм салоҳиятини ривожлантириш мумкин бўлади.

Б.Бердиёровнинг айтишига кўра, Ўзбекистонга хусусий йўналиш ва туристик ташриф буюрувчилар камида 10% сайёҳатларнинг экологик жиҳатлари билан қизиқадилар. Унинг фикрича, экотуризм бу табиий, маданий ва ижтимоий қадриялар билан мослашган ҳамда табиий мухитда ўзаро уйғунлашувни тарғиб қиласидиган ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини ўрганишга хизмат қиласидиган туризмнинг алоҳида соҳасидир.

Ўзбекистон Республикаси давлатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг экотуристик районлари харитасига мувофиқ, бутун мамлакатимиз ҳудуди 14 экотуристик районга ажратилган. Ҳар бир экотуристик районга экотуристик ҳудуд деб қараш мумкин. Улар жумласига Устюорт, Орол ва Оролбуйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдаркўл, Сирдарё, Чирчик, Оҳангарон, Фарғона, Туркистон, Қашқадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристик районлари киритилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Kodirov D., Mavlonova U., Kodirov T. Halal Tourism in Central Asia: Developing Service Systems in Uzbekistan // Journal of Halal Service Research, – Vol.1, Iss.2, 2020. – Pp. 35-45.

<sup>2</sup> Аскархўжаев С.М., Аскархўжаев М.Б. Ўзбекистонда туризм ва кичик бизнесни ривожлантиришда меъморий обидалардан фойдаланишга доир айrim муроҳазалар // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т., 2010. – Б. 42-45. (общ232 с.)

<sup>3</sup> Бердиёров Б.С. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмат бозоридаги ўрни. Автореф. дисс. икт. фан. номз. – Самарқанд, 2010. – Б. 14. (общ. 24 б.)

Ч.Хусановнинг фикрича, республикада қуйидаги туристик йўналишларни ривожлантириш таклифи берилган, унда экскурсия ва тарихий туризм сифатида Ўзбекистон шаҳарлари Бухоро, Самарқанд билан бирга, Шаҳрисабзни ҳам киритади. Археологик туризм йўналишида Термиз, Қува, Хоразм йўналишини белгилаш келтирилиб, бу билан туристик археологик қазишмаларда иштирок этиш ва бундай сайёҳат билимлар орттиришга хизмат қилишини айтади. Шунингдек, республикада рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, этник ёки носталгик туризм ҳамда диний туризмни киритади<sup>1</sup>.

Агар бундай имкониятларни экотуристик йўналишда воҳа зиёратгоҳ ва қадамжолари мисолида кўрсатадиган бўлсак, масалан, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида Хурсанд тогидан келадиган дарёнинг бўйида Чашми девоноҳо (Девоналар булоги), қишлоққа киришда, ўнг томонда тераклар кўп бўлганлиги учун бу ердан чиқаётган булоқ “Кўк тераклар булоги”, Десурх қишлоғидаги Кизилсой бўйида “Оби Сурхон”, Найҳо тогининг тагида “Шайхлар булоги”, Кенгузар қишлоғига Коракиз адирлигидаги Кўтиргулоқ зиёратгоҳи, қишлоқнинг тепасида Чашмаи Бибихур-Бибинур мозори, Нибу қишлоғи тогининг тепасида шифобахш сув чикадиган булоқ Чашмаи Соро зиёратгоҳи, Дебодом қишлоғининг тепасида Дарвазаҳо зиёратгоҳи, Хўжаасмин қишлоғи тепасида Кўйи сафет (Оқ тоғ) этагида Қирқ киз (Чил дуҳтарон) зиёратгоҳи, Шакарсеб (Шакар олма) булоги<sup>2</sup>, Олтинсой тумани Вахшувор тоғ ҳудудида жойлашган Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид зиёратгоҳлари, Бойсундаги Хўжа Майхона зиёратгоҳини қайд этиш мумкин.

Шунингдек, Сангардак тоғида 100 метрлар тепалиқдан оппоқ сув оқиб тушадиган жойда қадимий “Шаррамозор” деб аталувчи табиат томонидан пайдо бўлган жуда чиройли манзарали шаршара бор. 2018 йил бу шаршара “Вакф” хайрия жамоат фонди Сурхон-

<sup>1</sup> Хусанов Ч.К. Особенности развития туризма в национальной экономической модели (на основе материалов Республики Узбекистан) Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Т., 2006. – С. 18-19. (общ 24 б.)

<sup>2</sup> Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Чош Хўжасмин, Хонжиза, Десурх, Дебодом, Нибу, Кенгузар қишлоқлари. 2020 йил, 15-16 август. 2-дафтар.

дарё бўлими тасарруфига ўтган. Бу ташкилот ҳисобидан зиёратчи ва дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Гўзал табиат объектлари билан боғлиқ муқаддас жойларнинг кўп бўлиши Сурхон замини табиатининг ўзига хослигини кўрсатади.

Зиёрат туризм ҳамма вакт саёҳатнинг энг фаол тури бўлиб қолади, инсоният борки, эътиқод қиласи, сифинади, маънавий жиҳатдан покланишга ҳаракат қиласи. Буни зиёрат орқали амалга оширади. Шу жиҳатдан, Сурхондарё воҳасидан диний туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда туризмни ривожлантириш жаҳон давлатларида фаол масалага айланган бир пайтда, Ўзбекистоннинг жанубий худудлари ҳисобланган Сурхондарё воҳасида илму ирфон вакиллари, ислом дунёсида машҳур бўлган алломаларнинг қабрларини обод этиб, туристик зиёратгоҳ жойлари сифатида шакллантириш, бу жойларга нафақат вилоят миқиёсида маҳаллий зиёратчиларни, балки хорижлик туристларни ҳам жалб қилиш, давлатимиз қадим тарихи, маънавияти, маданияти, гўзал табиатини хорижга кўрсатиш орқали иқтисодиёт ривожига улкан хисса кўшиш имкони яратилади.

## ХУЛОСА

Тадқиқотда ўрганилган мавзунинг илмий, амалий аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб, Сурхондарё вилоятидаги зиёратгоҳларни комплекс ўрганиш натижасида қуидидаги хуласаларга келинди:

Ислом дини кириб келишидан аввал VIII асртагача ҳам юртимизда бой меъморчилик ва хунармандчилик анъаналари тараққий этган, ўлка мукаммал моддий маданияти ҳар томонлама ривож топган худуд ҳисобланган. Минтақага ислом дини кириб келгач, маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашган ҳолда юксалди. Айниқса, IX–X асрларда меъморчиликнинг юксак намуналари масжид-мадрасалар қурилишида кўпроқ намоён бўлди. Масжид бинолари ёнида ҳашаматли минора ва хонақоҳ, уламо-ю авлиёларнинг мозорлари устига мақбаралар курилди. Сурхон воҳасида ҳам бундай жойларда зиёрат этувчиларнинг сони кўп бўлганидан маҳсус бинолар, хонақоҳлар ҳам барпо этилгани тарихий манбалардан далилат беради.

Сурхон воҳасида мұқаддас зиёратгоҳлар шаклланиши илк даврлардан бошланиб, ўрта асрларда ҳам давом этиб турган. Амалиёт ва тасаввурлар энг қадимги қатламни хосил қилиши аникланди. Зиёратгоҳлар анъаналари вакт ўтиши билан трансформацияга учраб турган.

Мұқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланишига маҳаллий халқнинг мифология олами, дунёқарashi ва анъаналари, одатларининг тарихий жараёнлари ҳамда зиёратгоҳларнинг географик муҳити ўз таъсирини ўтказиб турган.

Мұқаддас қадамжоларнинг пайдо бўлиши, қулай географик жойлашуви билан илк дехқончилик ва хунармандчилик ривожланган Зароутсой, Сополитепа, Жарқўтон, Термиз, Занг, Қоратепа, Фаёзтепа каби маданият марказлари билан боғлиқдир.

Сурхон воҳасида жойлашган мұқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларга дағн этилган аждодларимиз ўзларининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, илму маърифатга бағишлаган умрлари, илмий мероси билан жаҳон маънавияти ривожига муносиб ҳисса қўшишган. Мазкур мерос ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий тарбиялашда чексиз имкониятлар яратади.

Зиёратгоҳларнинг катта қисми воҳада фаолият олиб борган машхур шахслар номлари боғлиқ бўлиб, улар тепаликларда, адирликларда, қадимий қалъалар атрофида жойлашган. Баъзи зиёратгоҳларда дараҳтлар, булоқларнинг мавжудлиги ўзига хос хусусиятга эга, айримлари шаҳидлар культи билан боғлиқдир.

Муқаддас қадамжоларнинг моддий маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси каттадир. Бу бойликлар археологик обьектларда, курилиш архитектурасига хос ашёлар, услублар, нақш ва меъморчилик йўналишида ўз аксини топган.

Муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ алломалар ва авлиёлар, уларнинг тарихи, жамият маънавияти ривожига қўшган ҳиссаси, илмий салоҳияти, башоратлари, кароматлари, устоз-шогирдлик мактаблари, давлатчилик ривожига таъсири ҳамда иқтисодий-маданий, маънавий жараёнларни акс эттириши аниқланди.

Сурхон диёрида битта саҳобанинг номи билан боғлиқ қадамжолар бир нечтани ташкил этади. Ушбу муқаддас жойлар минтақага ислом дини кириб келгунига қадар мавжуд бўлиб, ислом дини кириб келгандан сўнг уни сақлаб қолиш мақсадида бирор саҳобий номи билан аталган бўлиши ёки ҳалқ орасида ҳурмати баланд кишига атаб зиёратгоҳ ташкил қилинганилиги ҳамда шу жойга номи қўйилган кишининг жасади эмас, қадами теккани учун қадамжо қилинган бўлиши мумкин.

Муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ диний оиласларнинг диний тарбияни тарғиб этишдаги фаолияти, оиласвий эътиқодларнинг давом этиши, хўжалар, эшонлар ва шайхларнинг зиёратгоҳлар масаласидаги олиб борган ишлари, тасаввуф илми намоёндалари Сўфи Оллоёр ва Хожа Алоуддин Атторларнинг шажаралари аниқланди.

Сурхон воҳасидаги муқаддас зиёратгоҳларни тарихий-географик жойлашиши миллат экологияси, соғлом ривожланиши йўлларини белгилаб олиш мақсадларига хизмат қиласди.

Тасаввуфнинг зиёратгоҳлар билан яқин боғлиқлиги ҳакимия тариқати асосчиси, тариқат етакчиси Ҳаким Термизий хаёти ва фаолияти мисолида кўрсатиб берилди. Суфийларнинг руҳий ҳолатлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш тадбир ва усулахини шакллантириб, зиёратгоҳлар маданиятини ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Сурхондарёликлар орасида саҳоба, тобеъин ва азиз-авлиёлар

билан боғлиқ қарашлар асрлар давомида кишиларни эзгуликка чорлаб келган. Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваккос сингари саҳобаларнинг жасурлиги одамларнинг таҳсинига лойик бўлса, саховатпеша фазилатларини ҳикоя қилувчи ривоятлар уларнинг номи билан зиёратгоҳларни аҳоли орасида машҳур бўлишига олиб келган.

Тадқиқот жараёнида муқаддас зиёратгоҳларнинг қурилиш архитектураси лой ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, факат йирик авлиёлар қадамжолари пишиқ ғишт билан қурилганлиги, ушбу пишиқ ғиштлар аҳоли орасида ҳозиргача «мусулмон ғишт» деб юритилиши, ушбу қурилиш ашёси сарик лойдан тайёрланиб, маҳсус хумонларда пиширилганлиги, ана шундай янги меъморий услубда муқаддас қадамжолар яратилганлиги аниқланган.

Муқаддас зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши, қурилиши, таъмирланишига Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам қўпроқ эътибор берилиб, янги меъморчиликнинг ўзига хос услуги асосида тараққий этган. Масалан, Ҳаким Термизий ва Султон Содот мақбаралар мажмуининг қурилиш тарихида ҳам Амир Темурнинг фаолиятини кўриш мумкин. Зиёратгоҳларга нисбатан бундай муносабатни темурийлар фаолиятида ўзининг аксини топган. Амир Темурнинг невараси Ҳалил Султон даврида Ҳаким Термизий мақбарасининг бир қисми қурилган. Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Ҳаким Термизий қабри устига бутун мусулмон оламида учрамайдиган ноёб мармартош кўйганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Сурхондарё вилоятидаги ислом дини уламолари ҳамда тасаввуф тариқати намоёндалари билан боғлиқ зиёратгоҳлар нафақат Сурхондарё вилоятида, балки Ўрта Осиёдаги ислом дини тарихини ўрганишда ҳам муҳим тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Термиз туманидаги Ҳаким Термизий, Султон Содот, Қирқ қиз, Кокилдор ота, Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий, Жарқўргон туманидаги Хожа Самандар Термизий, Олтинсой туманидаги Мавлоно Мухаммад Зоҳид, Сўфи Оллоёр, Денов шаҳридаги Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳларида уларнинг ҳақиқий қабрлари мавжуд бўлганлиги асослаб берилди. Қолган зиёратгоҳлар машҳур кишиларнинг хурмати учун барпо қилинган қабрлар бўлиб, қабр остида ким ётганлиги ҳақида маълумотлар тарихий ва дала тадқиқотлари асосида аниқланди.

Муқаддас зиёратгоҳлардаги авлиёларни эъзозлаш кишиларни инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрили ишларга ундан келган. Уларда тарбия – одаб ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-хукуклари, меҳр оқибат, ҳаллоллик, адолат сингари инсоний қадриятларни улуғлашга ундейди.

Қадамжолари мавжуд бўлган баъзи авлиёлар фаолиятига доир тарихий манбалар аниқланмади, фақатгина ҳалқ орасида улар ҳақида ривоятлар, афсоналаргина борлиги аниқланди.

Сурхондарё вилоятидаги мозорларда ҳалқ руҳияти ифодаланган бўлиб, уларда асрлардан асрларга ўтиб келаётган афсона ва ривоятлар, турли ҳикматли ҳикоятлар ҳалқ оғзаки бадиий ижодида сақланиб қолган. Шу билан бирга, ҳозирда унут бўлиб кетаётган урф-одатлар кўриниши, айнан зиёратгоҳларда янги анъаналар билан уйғунлашган ҳолда давом этиб келмоқда. Зиёратгоҳларда бажарилётган урф-одатлар, турли иримларнинг туб илдизи қадим қадимларга бориб уланади. Мана шу сабабдан зиёратгоҳлар этнографлар, фольклоршунослар, психолог, социолог ҳамда тиббиёт ходимлари учун тадқикот объектини ўтайди. Демак, зиёратгоҳларни сақланиб қолиниши маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Воҳанинг ўзига хос ва бошқа худулардан ажралиб турадиган хусусияти бу ерда ислом дини уламолари ва саҳобалар номи билан боғлиқ рамзий қабрларнинг кўплиги билан изоҳланади. Буни фан нуқтаи назаридан аҳолининг диний қарашларга ишончи юқори бўлганлиги ва уни ўрганиш, билиш юзасидан мавжудлигини аниқлаш мумкин. Зиёратгоҳларнинг аксарияти диний шахс (персона) номи билан боғлиқ бўлиб, бу ерда термизийлар номи билан илм аҳли етишиб чиққанлиги ўлканинг зиёрат масканлари худудий умумий топонимик бирлик асосида шаклланган ўзига хослигини кўрсатади.

Воҳа архитектурасининг ўзига хос хусусияти шундаки, худуд ўзидан олдинги меъморчилик анъаналарини ўзлаштириб, маҳаллий курилиш услублари билан аралашган ва натижада бетақрор ижод намуналари яратилган. Меъморий ёдгорликлари ўз хусусияга кўра иккига бўлиш мумкин, яъни асосий ёдгорлик зиёратгоҳлар ҳисобланган Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Со-

дот, Қирқ қиз мажмуаси IX-XII асрларга қурилган ўз даврининг меъморий обидалари саналади. Рамзий қабр устига мақбаралар курилиши X-XVIII асрларни ўз ичига олиб, сағана ва жомеъ масжидлар курилиши XIX-XX асрга тегишли бўлиб ўрта асрларга хос анъанавий услубда таъмирланган. Кейинги йилларда бундай мақбара бевосита маҳаллий ахолининг маблағлари ҳисобига таъмирланган ва қурилган ҳисобланади. Рамзий қабрлар билан боғлик яна бир ҳолат кузатиладики, қабр жойлашган манзилда ахолининг шу зиёратгоҳга бўлган хурмати ва ишончи билан бир қабр атрофидага юзлаб қабрларни вужудга келгани ва қабристонга айланганини кузатиш мумкин.

Маънавий ахлоқий ҳаётимизда диний илмларнинг ўрни катта бўлиб, у умуминсоний ахлоқий қадриятларни сингдиришга хизмат қиласди. Шу маънода, Сурхондарё воҳаларида мустақиллик йилларида қайта тикланган зиёратгоҳ ва қадамжолар миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, динимиз бир бўлаги сифатида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай зиёратгоҳларда дағн этилган шахслар номи, фаолияти, илму ирфони, қылган амалларини ёшлар, маҳаллий ахолига таништириш миллий ўз ўзини англаш, миллий фурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан маъсуллиятни, миллий манфаат устиворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимиға, қонунларга хурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан хабардор бўлиш ва уни қўллаб-кувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқаларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Юртимизда мавжуд зиёратгоҳ, мақbara, қадамжолар халқимизнинг диний ва миллий қадриятлардан бири саналади. Бугунги кунда ватанимиз тупроғида хоки ётган шахслар ҳаёти, фаолияти, зиёратгоҳлар тарихи, у ердаги урф-одатларни ўрганиш, маънавий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, уларнинг онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёкарашни шакллантириш, республика, вилоят, туман миқёсидаги зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, у ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб этиш, зиёрат туризмини ривожлантириш олдимизда турган долзарб ва зифалардан бири ҳисобланади. Муносиб шахсларнинг мероси-

ни ва тарихини ўрганиш, пировард натижада улар дафн этилган қабристонларни обод килиш, диний-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш, уларнинг дунёвий ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қиласди. Зоро, бундай шахсларнинг ҳаёт йўли, сўзлари ва эзгу амаллари халқимизга ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб қолади.

# **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## **I. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар**

- 1.1. Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида // Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 19-сон. – Т.: Адолат, 1998.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги № ПҚ-2774 «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/3113645>
- 1.3. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/4945427>
- 1.4. Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеяси Бали шахрида (Индонезия) бўлиб ўтган мажлис, 1993-йил, X сессия. Основополагающие документы ЮНВТО. Том I. – Февраль, 2016.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 31-сон. 782-модда.
- 1.6. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент, 2017 йил 3-сон. – Б. 11.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 Тошкент шаҳри 2017 йил 7 февраль // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3217-сонли қарори. 2016 йил 16 август. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- 1.9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.10. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – T.: O'zbekiston, 1997.
- 1.11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимига бағишлиланган

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

1.12. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

1.13. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. // Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

1.14. Мирзиёев Ш.М. Оқкўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти) // Буюк келажагимизни мард ва олиjanоб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.

1.15. Мирзиёев Ш.М. Ҳар қандай синовларни енгишга кодир халқ // Буюк келажагимизни мард ва олиjanоб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

1.16. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олиjanоб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

## **II. Архив хужжатлари, ҳисобот ва маълумотномалар**

2.1. ЎзМА, Фонд–34 ТАССР Маориф Халқ комиссарлиги;

2.1.1 ЎзМА, Фонд–394 Санъат, табият ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис);

2.1.2 ЎзМА, фонд –2761 Республиканское управление общества охраны памятников истории и культуры;

2.1.3 ЎзМА, фонд–2296 Главное управление по охране памятников и изобразительного искусства Министерство культуры УзССР (1957-1976);

2.1.4 ЎзМА, М–7 Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги;

2.1.5 ЎзМА, М–38 Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги;

2.1.6 ЎзМА, М–35 Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству.

- 2.2. ЎзР Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти архиви.
- 2.3. “Вақф” хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилоят филиали томонидан давлат муҳофазасига олинган объектлар руйхати.
- 2.4. Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий меърос департаменти Қашқадарё вилояти бошқармаси.
- 2.5. Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий меърос департаменти Сурхондарё вилояти бошқармаси.
- 2.6. Ўзбекистон мусулмонлари идораси маълумотномаси.

### **III. Араб ва форс тилидаги манба ва адабиётлар**

- 3.1. Абду-л-Карим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома) / Тарж.: Абдулғафур Раззок, Комилжон Раҳимов. – Т.: Hilol nashr, 2017.
- 3.2. Абдураҳим Ҳисорий. Тухфатул Ансоб. ЎзР ФАШИ Асосий кўллёзма №5432.
- 3.3. Абдураҳмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафаҳот ул-унс. – Душанбе: Адиб, 1990.
- 3.4. Абдуссалом ал-Ушрий. Абдураҳмон ибн Авф. – Қоҳира: Наҳдат Миср, 2000.
- 3.5. Абу Бақр Аҳмад ибн Мұхаммад Ҳамадоний Ибн Фақих. Китоб ул булдон..-Лейден: Брилл,
- 3.6. Абу Жафар Мұхаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ул-умам ва-л-мулук.-Байрут: "Дор ул-кутуб ул-илмийя", 1407/1986. V. Биринчи нашр. III.
- 3.7. Абулаббос Аҳмад ибн Яхё ибн Жобир Балазурий. Футух ул-булдон. – Байрут: Муассасат ул-маъорий, 1407/1987.
- 3.8. Абу Захра М. Та’рих ал-мазоҳиб ал-исломийа. – Қоҳира, 1993. 1–2-ж.
- 3.9. Абу Исо ат-Термизий. Сунан ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997. 5-ж. 607-ҳадис.
- 3.10. Абу Исо Мұхаммад ибн Исо Термизий. Сунан ат-Тирмизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997.
- 3.11. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мұхаммад Форисий Истахрий Кархий. Китоб масолик ул-мамолик. Лейден: Брилл, 1870.
- 3.12. Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ибн Мұхаммад ибн Мансур ат-Тамими ас-Сам‘оний. Ал-Ансоб (6 жилдли). – Ж. 1 / Мұхаммад ‘Абд ал-Қодир ‘Ато’ ҳошиялари билан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-

‘илмийа, 1419/1998.

- 3.13. Ал-Ансоб-Қоҳира: Мактабату Ибн Таймийя, 1400-1404/1980-1984. XXII. III-Б. 44-48.
- 3.14. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент, 2001.
- 3.15. Ас-Самъоний А. Насабнома (Ал-Ансоб). – Бухоро, 2003.
- 3.16. Афиф Абдулфаттоҳ Таббора. Ма‘ ал-анбиё фи-л-Қур’он ал-карим. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1991.
- 3.17. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муъин ал фуқаро. Тарихи Муллоzода (Бухоро мозорлари зикри). Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мозорлари зикри). – Т.: Янги асралоди, 2009.
- 3.18. Аш Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Авайда. Ал Ҳаким ат Термизий. Байрут, 1993.
- 3.19. Бадавий А. Мазоҳиб ал-исломийин / 2-нашр. – Байрут, 1979.
- 3.20. Бобур З. М.Бобурнома. – Т.: Фан, 2018.
- 3.21. Доктор Шавқий Абу Халил. Атлас ал-Қуръон. – Дамашқ, 2001.
- 3.22. Жомий А. Нафаҳот ал-унс. –Т.: Тошкент, 1915.
- 3.23. Жомий Абдураҳмон. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-кудс. Қоҳира: Азҳари шариф, 1409/1989.
- 3.24. Зайдон Ж. Та’риҳ ат-тамаддун ал-исломий. 1-2-ж. – Қоҳира, 1995.
- 3.25. Заррин-Куб А. Арзиш-и мирос-и суфийа. – Техрон, 1965.
- 3.26. Ибн ‘Асқалоний. ал-Исоба фи тамийиз ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1995. 3-ж.
- 3.27. Ибн ал-Асир. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1996. 2-ж.
- 3.28. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Издание Н. Велихановой. – Баку, 1986.
- 3.29. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр. – Тошкент, 2011.
- 3.30. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-Исоба фи тамийиз ас-саҳоба. 3-ж. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1995.
- 3.31. Ислом. Энциклопедия /А-Ҳ. 2017.
- 3.32. Қуръони карим 21: 85–86. 38: 48.
- 3.33. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей

благородных. Введение перевод примечания, указатели Б. А. Ахмедова. – Т.: Фан, 1977.

3.34. Муборак З. Ат-Тасаввуф ал-исломий фи-л-адаб ва-л-ахлоқ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1995.

3.35. Муҳаммад Абдураҳмон ал-Муборакфурий. Тухфат ал-Аҳвазий би-шарҳ Жоми‘ ат-Термизий. Зуҳд боби. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1990. 7-ж.

3.36. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Рус тилига И. И. Срезневский томонидан қилингган Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалиги” таржимасининг 1881 йилдаги нашридан Маъсул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муал. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: O‘zbekiston, 2010.

3.37. Самаркандинские документы XV–XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистана). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д. Чехович. – М.: Наука, 1974.

3.38. Самарқандий А. Матлаи саъдайн мажмаи баҳрайн. II жилд 1-қисм, 1405-1429 йиллар воқеалари /Форс тилидан таржима А. Ўринбоев. – Тошкент, 2008.

3.39. Сейди Али Раис. Миръот ул-мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). Тарж. Ш.Зуннунов, сўзбоши С.Азимжонов. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963. 3.41. Тазкират ал-аулия, или Рассказы о святых. Пер. Ольги Васильевой. Автор: Фарид ад-дин Аттар. – М.: САМПО, 2005.

3.40. Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Ахмедовники. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.

3.41. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. 2-ж. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1996.

3.42. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А. Мадраимов. – Т.: F.Гулом номидаги адабиёт матббаи ижодий уйи, 2017.

3.43. Фахриддин Али ас-Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт / Таржима муаллифи Домла Ҳудойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Нашрга тайёрловчи М.Ҳасанов, Б.Умрзоқов – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004.

3.44. Фосих Аҳмад Ҳавофий. Мужмали Фосихий. – Байрут: Дор

ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997.

3.45. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўулланма. Форс тожик тилидан таржима Ж.Эсонов. – Т.: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

3.46. Ҳофиз Абру ЎзФА ШИ, №5361,4 а-бет, А. Ўринбоев таржимаси.

3.47. Ҳофиз Абру. Ашкол ал-ақолим. ЎзР ФАШИ. Қўллэзма. № 5361.

3.48. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома (“Шарафномайи шоҳий”). Биринчи китоб; Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 1999.

3.49. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2 ж. – Т.: Фан, 1969.

3.50. Шавқий Абу Халил. Атлас ал-Қуръон. – Дамашқ, 2001.

3.51. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бақр Банно Башшорий Мақдисий. Ахсан ут-такосим фий маърифати-л-аколим. М. Ж. Де Гуе нашри асосида. – Кохира: Мактабат ул-мадбулий, 1411/1991. Учинчи нашр.

#### **IV. Рисола, адабиёт ва илмий мақолалар**

4.1. 101 улуг саҳобий (Моти); диний-маърифий тўплам. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018.

4.2. Абашин С. «Народный» суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. – Ташкент, ИФЕАК. 2004.

4.3. Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане // Центральная Азия и Кавказ. – 1999, №1(2).

4.4. Абашин С. Национализмы в Средней Азии: в поисках идентичности. – СПб.: Алетейя, 2007. – 304 с.

4.5. Абашин С.Н. Власть и фотография: визуальная презентация в имперской рамке // Неприкосновенный запас. – 2012, 4(84).

4.6. Абашин С.Н. Занги-ата // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 3. – М., 2001.

4.7. Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. – 2001. № 2.

4.8. Абашин С.Н., Бобровников В.О. Соблазны культа святых (вместо предисловия) // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе/Сост. С.Н. Абашин, В.О. Бо-

бровников. – М., 2003.

4.9. Абашин С.А., Бобровников В.О. Подвижники ислама: культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – М., Вост. Лит. 2003.

4.10. Абдулжаббор Ҳожи Соатов. Лангар ота табаррук манзилгохи ёхуд Идрок шамчироги. – Т.: Фан ва технология, 2010.

4.11. Абдулазизов С. Ҳақиқат дар бораи мозорҳо. – Душанбе: Ирфон, 1970.

4.12. Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Т.: Шарқ, 2005.

4.13. Абдулқодир Абдул Раҳим. Эътиқод дурдоналари. “Бадъул амолий” шарҳи. – Т.: Шарқ, 2016.

4.14. Абдуллаев А. Ҳаким ат Термизий ҳаёти, ижоди ва таълимоти // Ал Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги ҳалқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004.

4.15. Абдуллаев Р. Ал Ҳаким ат-Термизий (Аллома ҳаётномаси) // Moziydan sado, 2001, 4(12)-сон.

4.16. Абдуллаев X. Насаф ва кеш алломалари (Электрон қўлланма) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006, 4-сон.

4.17. Абдуллоҳ Саъд. Насафлик алломалар (“Ўрта Осиё олимлари” каталогидан) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006, 3-сон.

4.18. Абдурасулов Р., Ремпел Л. Неизвестные памятники бассейна Кашкадарья // Искусство зодчих Узбекистана. – Т.: АН РУз, 1962.

4.19. Абдураҳмон Қоя. Ислом ахлоқи. – Т.: Мовороуннаҳр, 1997.

4.20. Аблокулов X. Самарқанд зиёратгоҳлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2009, 2-сон.

4.21. Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.

4.22. Абриев Р. Ўзбекистонда тоат ибодат билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2015, 4-сон.

4.23. Абриев X. Амир Темур ва темурийлар даври меъморий обидалари бунёд этилиши ҳамда таъмирланиши тарихидан // Imom Buxoriy saboqlari. 2018, 1-сон.

4.24. Абу Исо Мухаммад Термизий. Сунани Термизий (ҳадис

- тўплами) / Тарж.: Мирзо Кенжабек. – Т.: Адолат, 1999.
- 4.25. Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ибн Мансур ат-Тамлими ас-Салғоний. Ал-Ансоб. Таржималар: Ҳожи Абдулғоғур Раззоқ Бухорий, К. Раҳимов. – Бухоро нашриёти, 2002.
- 4.26. Абул Муҳсин Мұхаммад Бакир. Баҳоуддин Балогардон. – Т.: Ёзувчи. 1993.
- 4.27. Ағзамходжаев С. Ёшларга ислом маърифатининг таъсири // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. Тўпл. З.Исломов ва бошқ. – Т.: Тошкент ислом университети 2009.
- 4.28. Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Очерки социально-экономической и политической истории. – Ташкент, 1959.
- 4.29. Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машҳур сиймолари. – Тошкент, 2014.
- 4.30. Айни С. Бухара. Воспоминания. – М., 1960.
- 4.31. Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2016.
- 4.32. Акбаров Р., Шамсиддинов Н. Етти туғ ота шажараси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2015.
- 4.33. Акимушкин О.Ф. ал-Кадирия. Каландарийа. ал-Кубра. Кубравийя. Накшбанд. Накшбандийа // Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.
- 4.34. Алексеев А.К. Сведения «Тарих-и мулла-зада» о правилах совершения зиярата // Лавровский сборник. Материалы XXXIV и 234 XXXV Среднеазиатско-Кавказских чтений 2010–2011 гг.: этнология, история, археология, культурология / отв. ред. Ю. Ю. Карпов, М. Е. Резван. – СПб., 2011.
- 4.35. Алескеров Ю. Самарканд страницы истории. – Ташкент, 1967.
- 4.36. Алиев Б., Холиқов З. Термиз ва Ҷағониён тарихий манбаларда // Moziydan sado. – 2001, 4(12)-сон.
- 4.37. Алиев М. Ислам и его обряды. – Т.: Кзыл Узбекистан и Узбекистон сурхи, 1956.
- 4.38. Алимов Усмонхон. Ўтганларни ёд этиш инсоний бурч // Ислом нури. 2013 йил 9 май.
- 4.39. Алланов Т., Алланов О. Омонхона мўжизалар манзили. – Т.: Тафаккур, 2013.
- 4.40. Амонов М.У. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда

нақшбандия-мужаддиия тариқати билан боғлиқ меъморий ва эпиграфик маълумотлар // Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi – 2020. 11-сон.

- 4.41. Ананьев А.Г. Ширабадская долина. – Спб, 1914.
- 4.42. Андреев М.С. Женская богиня “госпожа вторник”, покровительница прях // Религиозные верования народов СССР. – М.-Л., 1931. Т. 1.
- 4.43. Аннаев Т. Ал-Хаким Ат-Термизий. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1998.
- 4.44. Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения северного Токхаристана. – Т.: Фан, 1988.
- 4.45. Аннаев Т.Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Мерос, 1998.
- 4.46. Арапов А. В., Булатов М. С, Туйчиева Ю. Г. Забытый "язык" символов. Ак-Астана баба // Мозийдан садо. – Ташкент, 2000. № 2(14).
- 4.47. Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1917–1936). Сборник документов. – М., 2010. Вып.2.
- 4.48. Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (По материалам Восточного отдела ОГПУ. 1926 г.) Сборник документов. Вып.1. – М., 2010.
- 4.49. Арендаренко А.Г. Досуги в Туркестане 1874-1889. – Спб, 1889.
- 4.50. Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Т.: Издательство литературы и искусств им. Г.Гуляма, 1982.
- 4.51. Арюеологическое изучение Шахрисабза. Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. (Материалы Всеобщего совещания 13-15 мая 1981г.) Алма-Ата, 1983.
- 4.52. Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. – Т: Ўқитувчи, 1994.
- 4.53. Асқархўжаев С.М., Асқархўжаев М.Б. Ўзбекистонда туризм ва кичик бизнесни ривожлантиришда меъморий обидалардан фойдаланишга доир айrim мулоҳазалар // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010.
- 4.54. Асомиддин Темурий, Жўраев Нормурод. Термизлик буюк сиймолар. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2001.
- 4.55. Асророва Л. Хожа Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бу-

хорий сабоқлари. – 2020, 3 сон.

4.56. Асророва Л. Архив хужжатларида Бухоро зиёратгоҳлари масаласи. Ислом тафаккури. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020.

4.57. Асророва Л. Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019.

4.58. Асророва Л. Бухорони шариф этган зот – Сайфиддин Боҳарзий. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – Б. 196.

4.59. Асророва Л. Тариқатнинг етти пири. Китоб-альбом. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021.

4.60. Асророва Л. Ҳожа Мухаммад Зоҳид. – Т.: Ўзбекистон халқаро Ислом академияси, 2020.

4.61. Ат-Термизий. Саҳих ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. – Тошкент: Ф.Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

4.62. Атабекова С.Ф. Место и роль туризма в социально-экономическом развитии стран // Актуальные проблемы туризма – 2011. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.3. – Ташкент, Office print, 2011.

4.63. Ахмедов А. Ислам и современной идейно политической борьбе. – М., 1985.

4.64. Ахмедов Б.А. Роль джуйбарских ходжей в общественно-политической жизни Средней Азии XVI-XVII веков // Духовенство и политическая жизнь. 2000. №2.

4.65. Ахмедов. Б. Маҳмуд ибн Вали. – Т.: Фан нашрёти, 1966.

4.66. Ахмад Лутфий. Содот асри қиссаси. Интизор кутилган тонг. 1-қисм. – Т.: Шарқ, 2004.

4.67. Ахмад Ҳодий Максудий. Ибодати Исломия. – Т.: Мехнат, 1992.

4.68. Аҳмадалиев Ю., Исмоилов О. Экологик ва зиёрат туризми объектларини динийҳуқукий муҳофаза қилиш усуллари // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ, 2019.

4.69. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент, 2001.

4.70. Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн сахоба хақида қисса. – Т.: Мовароуннахр, 1994.

- 4.71. Аширов А. Анъанавий никоҳ туйи маросимлари урф-одатларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида) // O‘zbekiston tarixi, – 2003. 2-сон.
- 4.72. Аширов А.А. Еще раз о проблемах этнологии в Узбекистане // Этнографическое обозрение. – 2006. №3.
- 4.73. Аширов А.А. Традиционные религиозные взгляды и обрядность узбекского народа // Исламские ценности Центральной Азии: толерантность. Историко-философские аспекты. Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2008.
- 4.74. Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
- 4.75. Аширов А.А. Еще раз о проблемах этнологии в Узбекистане // Этнографическое обозрение. – 2006. №3.
- 4.76. Аширов А.А. Традиционные религиозные взгляды и обрядность узбекского народа // Исламские ценности Центральной Азии: толерантность. Историко-философские аспекты. Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2008.
- 4.77. Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане // Центральная Азия и Кавказ. – 1999, № 1(2).
- 4.78. Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010.
- 4.79. Бабаджанов Б.М. Садат-и Термез // Ислам на территории бывшей Российской империи. Том 1. – М.: Восточная литература, 2006.
- 4.80. Бабаджанова Г.И., Колбинцев А.П., Манковская Л.Ю. По древним городам Узбекистана: Ташкент. Самарканд. Шахрисабз. Бухара. Хива. – М.: Профиздат, 1988.
